

СОЦИАЛ ИҚТИСОДИЁТ

“O‘ZBEKISTON”

К.С.САИДОВ, Р.А.СЕЙТМУРАТОВ
Д.Х.АСЛАНОВА, С.А.ИСХОҚОВА

СОЦИАЛ ИҚТИСОДИЁТ

Уқув қўлланма



Масъул муҳаррир: Г.К. Саидова — иқтисод фанлари доктори

Тақриричилар: Р.Н. Колосова — проф., М.В. Ломоносов номи МДУ иқтисодиёт факультети ходими, меҳнат иқтисодиёти кафедраси mudiri.

Н.А. Воскодович, Г.А. Ахшинов — иқтисод фанлари доктори, М.В. Ломоносов номи МДУ социал соҳалар иқтисодиёти кафедраси профессорлари.

СамДУнинг ўқув-услубий кенгаши томонидан ўқув қўлланма шифарида нашрга тавсия этилган.

Ушбу ўқув қўлланма социал иқтисодиёт шаклланиши ва мустақамланишининг услубий асосларини, социал муаммоларни ечининг асосий йўналишлари ва истиқболларини, унинг моддий асосларини ривожлантириш ва мустақамлашда инсон (социал) омили таъсири хусусиятларини таҳлил қилишга бағишланган.

Ўқув қўлланма муаллифлар жамоаси (профессорлар К.С. Саидов, М.М. Муҳаммедов, доцентлар Д.Х. Асланова ва Р.А. Сейтмуратов, катта ўқитувчи С.А. Исҳоқова) ва проф. К.С. Саидов таърири остида тайёрланди.

Ўқув қўлланма бакалаврлар, магистрлар, аспирантлар, иқтисодий йўналишдаги ОЎЮ ва иқтисодиёт факультетлари ўқитувчилари, ижтимоий ташкилотлар ва давлат хизмати ходимлари, мулкчиликнинг турли шакллари асосидаги корхоналарни бошқараётган мутахассислар учун мўлжалланган.

Қўлланма Америка Қўшма Штатларининг Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) тақдим этган маблағлар ҳисобидан Евросиё Жамғармасининг кўмагида тайёрланди.

Мазкур қўлланма муаллифларининг фикрлари Евросиё жамғармаси ва АҚШнинг Халқаро Тараққиёт Агентлиги нуқтаи назари билан мос келмаслиги мумкин.

ISBN 5-640-03058-5

С $\frac{0601000000 - 147}{351(04)2006}$ 2006

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2006
© «Евразия» фонди, 2006

К И Р И Ш

Социал иқтисодиёт махсус курсини яратишдан мақсад Ўзбекистонда биринчи марта иқтисодиёт йўналишидаги бакалавриат тизимида таълим олаётган Олий ўқув юртлари (ОЎЮ) талабалари учун ўқув қўлланма тайёрлашга уринишдан иборатдир.

XX асрнинг иккинчи ярмидан қатор ривожланган давлатлар (Германия, Швеция, АҚШ ва бошқалар) иқтисодий сиёсатнинг бирламчи омили сифатида унинг социал йўналтирилганлигини танладилар. Бунинг натижасида социал **иқтисодий тизим**нинг қуйидаги: социал бозор иқтисодиёти, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, социоиқтисодиёт, социал иқтисодиёт каби янги моделлари пайдо бўлди. Қатор ғарб мамлакатларида барпо этилган социал иқтисодиётнинг ўзига хос хусусияти, асосан аҳолининг фаровонлигини оширишга, унинг ижтимоий ҳимоясига, иқтисодий сиёсатни амалга оширишга қаратилганлигидадир. Ўз навбатида, юқорида қайд этилган ривожланган давлатлар аҳолининг юқори турмуш даражасини инсон омили сифатида, иқтисодиётни ривожлантиришда фойдаландилар. Шунинг учун социал иқтисодиётда иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши муҳим аҳамият касб этади.

Айрим давлатларнинг ОЎЮ ўқув дастурларида сўнгги йилларда "Социал иқтисодиёт" предмети киритила бошланди. Ушбу ном билан дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва бошқа ўқув-методик адабиётлар нашр этилмоқда. Бу нашрларда инсон манфаатлари ҳамда унинг ижтимоий ҳимояси биринчи ўринда туриши лозим бўлган жамиятни яратиш йўллари тўғрисида тавсиялар баён этилган. Бу адабиётларда давлат ўзининг сиёсатида иқтисодий ривожланишни муҳим социал муаммоларни ечиш билан оқилона уйғунлаштира оладиган социал давлат моҳияти очилган. Шунинг учун ҳам "Социал иқтисо-

лиёт" концепцияси (фикрлар тизими) моҳияти нимада? — деган савол туилади. Ривожланган давлатларда социал иқтисодиёт фаолият кўрсатишининг хусусиятлари қандай? Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуришга қаратилган Ўзбекистон модели хусусиятлари нимада? Социал иқтисодиётни шакллантириш учун Ўзбекистон Республикаси қандай имкониятларга эга? Социал ривожланишнинг ҳозирги даврида ҳаётнинг ўзи қўяётган бу саволлар чуқур илмий тадқиқотларни ва уларни ечишнинг энг афзал йўллари ни излашни талаб этади.

Совет Иттифоқи инқирозидан кейин Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) олдида ўз йўлини ва социал иқтисодий ривожланиш моделини танлаш имконияти пайдо бўлди. МДХ нинг асосий қисми бозор иқтисодиёти тизимини яратишга ўтди ва ҳозирги кунда шунга мувофиқ иқтисодий ва социал ислоҳотларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳам ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти моделини танлади. Ўтиш даврининг дастлабки йилларидаёқ аҳолини кучли ҳимоя қилиш дастури ишлаб чиқилди. Маълумки, ижтимоий ҳимоялаш даражаси давлатнинг молиявий ва иқтисодий ресурсларига боғлиқ. Социал иқтисодиётни яратиш жараёнида иқтисодий барқарорликка эришиш бундай дастурни амалга ошириш учун қўпгина имкониятларни туғдиради. Социал иқтисодиётни қуришдаги ривожланган давлатлар тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, бу жараён қонуниятларини билиш бизнинг республикамиз учун алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Олий ўқув юрти талабалари, айниқса, иқтисодий йўналишдаги талабалар иқтисодий жараёнларни ўрганиш билан биргаликда, социал жараёнларни, уларнинг ўзаро бир-бирига зич боғлиқлиги ва ўзаро шартланганлигини чуқур ўрганишлари зарурдир. Бунда иқтисодиётни социал муаммоларни ечиш омили сифатида, социал соҳани эса иқтисодий ривожланишнинг зарурий шартли сифатида қараш лозим.

Иқтисодиёт факультети битирувчиларининг асосий қисми мутахассис сифатида ижтимоий инфратузилма ва давлат бошқарувининг турли ташкилотларига ишга борадилар. Улар доимо мураккаб иқтисодий масалалар сингари социал характердаги муаммолар билан тўқнашадилар. Бу йўналиш-

да чуқур билимнинг йўқлиги тўғри қарорлар қабул қилишни қийинлаштиради ва қутулмаган салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Иқтисодий йўналишдаги кадрларни тайёрлаш бўйича олий ўқув юрти дастурларида Социал иқтисодиёт муаммолари Иқтисодий назария, Меҳнат иқтисодиёти, Меҳнат социологияси ва Меҳнатни ташкил этиш каби бир неча предметларда ўрганилади. "Социал иқтисодиёт" курсини ўрганиш талабаларга социал ва иқтисодий жараёнлар, яхлит социал иқтисодий тизим тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради ва бу уларнинг келгусидаги фаолиятлари учун жуда муҳимдир.

Бу махсус курс олий ўқув юртларида бошқарув ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тингловчилари учун ҳам фойдалидир.

Тақдим этилаётган махсус курсда муаллифлар предмет моҳиятини тушунтиришда, методологик асос сифатида, Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар ўтиш даврининг бошланишидаёқ ижтимоий йўналтирилганлиги далилига асосланадилар.

Моддий ва молиявий ресурсларнинг чекланганлигига қарамасдан, республикада бозор муносабатларига ўтишда муқаррар таҳдиддан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш зарурий чора-тадбирлари кўрилди.

Ўтиш даврининг иқтисодий сиёсати ислохотларнинг миллий моделига мувофиқ амалга оширилди. Маълумки, унинг негизида давлатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислўм Каримов томонидан ишлаб чиқилган бешта тамойил ётади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуриш миллий дастурини амалга ошириш, бир вақтнинг ўзида, юқори даражадаги социал-иқтисодий тизим шаклланиш жараёнини, яъни социал иқтисодиётнинг барпо этилишини билдиради. Ўтиш даврида янги таркибли иқтисодиётни шакллантиришда кўпгина чора-тадбирлар амалга ошириладики, бунда ишлаб чиқариш таркибидаги мавжуд ўзгаришлар билан биргаликда социал соҳада ҳам таркибий ўзгаришларга олиб келади. Кенг кўламли ислохотлар маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт соҳаларида ҳам амалга оширилади. Иқтисодиёт ҳудудий таркибида тубдан ўзгар-

лишлар вужудга келади. Натижада ҳамма ҳудудлар учун социал-иқтисодий ривожланишида нисбатан бир хил шароитлар яратилади. Шу билан бирга, ҳар бир вилоят, туман, барча хўжалик субъектлари бой потенциални амалга ошириши учун кенг имкониятлар очилади.

Республиканинг мавжуд табиий ресурслари ва меҳнат потенциали энергия ва ғалла мустақиллигини таъминлаш, импортни алмаштира олувчи товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш каби муҳим муаммоларни ижобий ҳал этиш имконини беради. Бу ўзгартишлар мулкни кенг суръатда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий ҳаётни ҳар томонлама эркинлаштириш орқали амалга оширилади.

Социал иқтисодиётнинг шаклланиши барқарор иқтисодий ривожланишга эришишни ва шу асосда, адолатли даромадлар сиёсатини амалга ошириш, камбағалликни қисқартириш ва кейинчалик баргараф этиш, аҳолини тўлиқ иш билан бандлигини таъминлаш, ишни ташкил этишни такомиллаштириш, социал суғурта тизимини ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлайди.

Социал иқтисодиётда инсон омилининг иқтисодий самарадорлиги оша боради. Аҳоли фаровонлигининг кўтарилиши, унинг кафолатланган ижтимоий ҳимояси иқтисодий ривожланиш юксалишининг муҳим омилига, меҳнат фаоллигининг ошишига, кичик ва хусусий тадбиркорлик ривожланишига хизмат қилади.

Социал иқтисодиётнинг шаклланиши бошқарув тизимининг ҳамма даражаларида янгиланиши билан давом этади. Ижтимоий ҳаётнинг муҳим томонлари эркинлаштиралиши жараёнида аста-секинлик билан бошқарув тизимининг демократиялашувига олиб келади. Асосий стратегик йўналишларда давлат бошқарувини сақлаган ҳолда, давлатнинг бозор муносабатлари соҳасида, корхоналарнинг хўжалик фаолиятини бошқариш вазифаларидан воз кечиши содир бўлади. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш кучайиб боради. Шу билан бирга аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий соҳаларнинг, яъни маориф, соғлиқни сақлаш, мада-

нинг, спорт ва бошқа соҳаларнинг ривожланишида давлат сисемасининг аҳамияти анча ошади.

"Социал иқтисодиёт" махсус курсининг мантиқий тузилиши унинг методологик асосини ўрганишни мўлжаллайдики, бу биринчи бобда ўз ифодасини топган. Иккинчи бобда янги иқтисодиётнинг Ўзбекистонда иқтисодий ва социал таркибининг шаклланиши ва мустақамланиши жараёнлари ёритилган. Учинчи ва тўртинчи бобларда республикада социал муаммоларни ҳал этилишининг асосий йўналишлари ва уларнинг истиқболлари баён этилган. Инсон омили социал иқтисодиёт моддий асосининг ривожланиши ва мустақамланишига муқобил таъсирини бешинчи ва олтинчи бобларда тушунтириш билан курсни ўрганиш якунланган.

Тақдим этилаётган "Социал иқтисодиёт" махсус курсининг асосий мантиқий тузилиши иқтисодий ва социал жараёнларнинг диалектик ўзаро таъсири ҳисобланади.

Муаллифлар: и.ф.д. проф. К.С.Саидов (кириш ва биринчи боб), и.ф.н. Р.А.Сейтмуратов (иккинчи боб), и.ф.н. доцент Д.Х.Асланова ва катта ўқитувчи С.А.Исҳоқова (учинчи ва тўртинчи боблар), и.ф.д. проф. М.М.Муҳаммедов (бешинчи ва олтинчи боблар). Махсус курсни яратиш жараёнида и.ф.н. У.Х. Ҳотамов материалларидан фойдаланилди.

Фанда ҳар қандай янги йўналишни яратиш чуқур илмий-амалий тадқиқотларнинг олиб борилишини талаб этади. Муаллифлар ушбу ўқув қўлланма "Социал иқтисодиёт" концепциясини талабалар учун содда тушунтиришга дастлабки уринишгина холос, деб ҳисоблайдилар. Бундай ҳаракат ушбу йўналишда янги ғоялар ва илмий изланишлар учун туртки бўлиб хизмат қилиши мумкин.

*Муаллифлар гуруҳи раҳбари — иқтисод
фанлари доктори, профессор К.С.Саидов.*

СОЦИАЛ ИҚТИСОДИЁТ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ

Социал иқтисодиёт, ўрганиш предмети ва илмий изланишлар (тадқиқотлар) йўналиши сифатида XX асрнинг охирида вужудга келган ёш фан бўлиб, кўплаб муаммолари ҳалигача ўрганиш жараёнидадир. Бу масалага бағишланган мавжуд нашрларда (илмий ишларда) умуман ёритилмаган масалалар ҳам учрайди. Китобхон эътиборига тақдим этилаётган қўлланманинг биринчи бобида предметнинг моҳиятини ва унинг концептуал асосларини тушунишга ёрдам берувчи услубиятга оид масалалар ёритилмоқда. Социал иқтисодиётнинг турли моделлар ҳамда Ўзбекистон Республикасида социал иқтисодиётининг шаклланиш хусусиятлари билан танишиш китобхонда қизиқиш уйғотади.

1.1. СОЦИАЛ ИҚТИСОДИЁТ ПРЕДМЕТИНИНГ МОҲИЯТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

**Таянч
иборалар**

Социал иқтисодиёт, социал иқтисодиётнинг концептуал асослари; социал-иқтисодий тизим; иқтисодий соҳа; социал соҳа; иқтисодий тармоқлар тузилиши; социал ва иқтисодий жараёнлар ўзаро алоқаси, социал иқтисодиётнинг микро- ва макродаражалари; социал иқтисодиёт фанининг мақсади ва вазифалари

XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI асрнинг бошлари кўплаб давлатларнинг марказлаштирилган режага асосланган тизими иқтисодий муносабатларнинг бозор тизимига

Уғиши билан тавсифланади. XX асрнинг 30-йилларида социалистик тузумга йўналтирилган мамлакатларда иқтисодиёти юксак суръатлар билан ривожланаётганлиги кишиларнинг иқтисодий аҳволини яхшилашни назарда тутган бўлса-да, бироқ урушдан сўнгги йиллар даврида, айниқса, 60-йилларнинг ўрталарига келиб, марказлаштирилган режага асосланган социалистик мамлакатлар, хусусан собиқ СССР иқтисодиётида оқшашлик ҳолати юз бера бошлади. 60-йилларнинг охири ва 70-йилларнинг бошларида иқтисодиёт тез суръатлар билан пасайди. 80-йилларда шундай буюк даражада иқтисодиётни жуда чуқур инқирозга юз тутди. Собиқ СССРда ривожланган социализм ва коммунизм моддий-техника базасини яратишни тугаллаш назарияси асоссизлиги маълум бўлиб қолди. Собиқ СССР таркибига кирган илтифокдош республикаларда яшаётган кишиларнинг турмуш даражаси кескин пасайиши ва иқтисодий жараёнларнинг барбод бўлиши кузатилди. Бундай ҳолатлар собиқ СССР ва социализм тизимини танлаган барча мамлакатларга ҳам хос хусусият бўлди. Иқтисодиётнинг муваффақиятсизлиги ва йиғилган социал тангликнинг сабаблари, асосан, ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол жараёнларини социалистик асосда ташкил этиш назарияси ва амалиётидаги бутун мамлакат ҳамда социал-иқтисодий тизим миқёсида йўлга қўйилган хатолар бўлиб қолди.

Марксистик ҳом ҳаёлликдан иборат бўлган коммунистик жамиятда моддий фаровонлик, мўл-қўлчилик, барча неъматларнинг сероб бўлишлиги ва жамият талаб қилишига қараб бу моддий бойликларни аҳоли ўртасида эҳтиёжга яраша тақсимлашга асосланиб, капитализм (бозор иқтисодиёти) тизими танқид қилинган.

Коммунистик жамиятнинг юқори босқичига ўтиш учун плащдарм вазифасини ўташи лозим бўлган ривожланган социализм ҳақидаги концепция ҳам асоссиз эканлиги маълум бўлиб қолди.

Капиталистик жамиятни ва унинг иқтисодиёти негизларини — хусусий мулк ва ишбилармонлиқни танқид

қилиш, ишлаб чиқаришнинг барча воситаларига ижтимоий мулкчиликка асосланган коммунистик жамиятни яратиш давлат мафкурасининг асосий тамойиллари бўлиб хизмат қилган.

Иқтисодий ва социал жараёнларнинг ривожланишини объектив иқтисодий қонунлар таъсирининг натижаси деб тушунирилди ва изоҳланди. Иқтисодиёт қонунлари тизими доирасидан фақат битта — социализмнинг асосий иқтисодий қонуни ажратиб олинди. Бу қонуннинг мазмуни ҳақида узлуксиз мунозаралар давом этди. Мунозарада қатнашувчиларнинг кўпчилиги социалистик ишлаб чиқаришнинг бош мақсади — юқори техникага асосланган иқтисодиётни ривожлантириш базасида аҳолининг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондиришдан иборат, деб тушунилган.

Шуни қайд этиш керакки, иқтисодиётнинг бу асосий қонунининг таърифида ёмон томони йўқ. Бунда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг мақсади таъкидланади ва бу мақсадга эришиш воситалари кўрсатилади. Бироқ, бу мақсадларни қўлга киритиш механизмлари маъмурий-бўйруқбозлик формойишлари ва давлат томонидан хўжалик ҳаётининг барча деталларига аралашувини кучайтириш йўли билан амалга оширишдан иборат бўлган: айрим ташкилотлар учун ишлаб чиқариш ҳажмларини, нархларни шакллантиришни, товарлар сотиш ва ҳ.к. марказлаштирилган тартибда режалаштиришда намоён бўлган. Хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик мутлақо тақиқланган эди. Бозор муносабатлари коммунистик жамиятнинг биринчи босқичига хос эди, вақтинчалик ҳолат сифатида талқин қилинарди.

Қайта қуриш даврида иқтисодиётдаги қотиб қолган қарашлардан баъзи бир чекинишларга йўл қўйилди. Хўжалик амалиётида бозор механизмларини жорий қилиш ғоялари пайдо бўла бошлади. Лекин бу уринишлар марказлашган режали бошқарув ва ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчиликнинг ҳукмронлиги шароитида керакли бўлган натижа ва самарани бермади. Иқтисодиёт сурункасига паст-

га қараб кетди ва натижада юз миллионлаб кишилар муҳтожлик ва камбағаллик домига тушиб қолди.

Социал-иқтисодий қурилишдаги маъмурий-буйруқбозлик тизимнинг йўлида кўпгина мамлакат ва халқларнинг ривожланишидаги аянчли тажрибаси социал ривожланишнинг янгича моделини танлаш заруратини туғдирди Шу боис иқтисодий тизим, социал-иқтисодий тузум, иқтисодий сиёсат, иқтисодий соҳа, социал-иқтисодий тараққиёт каби бизнинг фанимиз моҳиятини очиб берадиган категориялар мазмунини очиб бериш зарурдир.

Иқтисодиёт тизими мавжуд адабиётларда "Ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш истеъмол жараёнида вужудга келадиган асосий иқтисодий муносабатлар шакли ва мазмунини белгиловчи тамойиллар, қонун-қоидалар, қонуний асосда белгиланган меъёрлар йиғиндиси" деб кенг тарқалган ифодаланеди. Иқтисодий тизим ҳар бир мамлакатда ўзининг тарихий анъаналарида давлат томонидан белгиланган қонуний ҳужжатларда ўз аксини топган ва социал-иқтисодий муносабатлар меъёрларида намоён бўлади. Ҳар бир аниқ иқтисодий тизимнинг мазмун-моҳиятини аниқлаш учун қуйидаги саволларга жавоб бериш лозим: Нима етиштирилади ва ишлаб чиқарилади? Қандай ишлаб чиқарилади? Ким учун ишлаб чиқарилади?

Кишилиқ жамиятининг ривожланиши тарихида иқтисодиёт тизимининг ўнлаб моделлари маълум. Бу моделлар ўртасидаги фарқни социал иқтисодиётнинг асосий муаммоларини ҳал қилишда турли услублар ва ёндашишлар орқали аниқлаш мумкин. Иқтисодиёт тизимининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи мамлакатларнинг ривожланиши ва мукаммаллашуви билан чамбарчас боғлиқ. Иқтисодиёт тизими урф-одат, миллий анъаналар орқали авлоддан-авлодга ўтиб келган ва сақланиб қолган. Бу хусусиятлар илмий адабиётларда "Анъанавий иқтисодий тизим" деб юритилади. Одатда, бундай мамлакатларда моддий бойликларни ишлаб чиқариш, уларнинг технологияси, тақсимлаш тартиби, айирбошлаш, истеъмол қилиш, урф-одат ва тарихий жиҳатдан

шаклланиган анъаналарга асосланади. Кишиларнинг иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжлари меросхўрлик ва маълум табақлага ажралган ижтимоий гуруҳга тегишлилигига қараб белгиланади ва амалга оширилади.

Иқтисодий тизимнинг анъанавийлиги миллий табиий-иқтисодий имкониятлардан фойдаланишга қаратилади. Одатда, бундай мамлакатларнинг иқтисодиёти бир ёқламалик билан ифодаланади. Фақат битта асосий ишлаб чиқариладиган маҳсулот (пахта, қаҳва, цитрус ўсимликлари ва бошқалар) турига ихтисослашади. Оқибатда, бундай мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан қарам бўлган давлатлар қаторида қолиб кетишлари мумкин.

Анъанавий социал-иқтисодий тизим, ҳозирги шароитда, тараққиёт йўлига тўсиқ бўлади ёки амалдаги тузумнинг барқарорлигига таҳдид солади.

Иқтисодий тизим бош омили бўлган — инсон ва унинг эҳтиёжларисиз шакллана олмайди. Барча ривожланган мамлакатлар ўзларининг асосий иқтисодий дастурларини фуқаролар фаровонлиги ҳақидаги ғамхўрликка қаратади. Кишиларнинг иқтисодий ва маданий талабларини қондириш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, кекса кишиларни ҳимоя қилишни мамлакатлар ўзларининг иқтисодий ва молиявий имкониятларидан, биринчи навбатда давлатлар иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширадilar.

Ҳозирги авлодимиз яна бир иқтисодиёт тизимининг жонли гувоҳи бўлиб ҳисобланади. Бу тизим марказлаштирилган — режали ёки маъмурий буйруқбозлик иқтисодиёт тизими деб ҳам аталади. Маъмурий буйруқбозлик тизимида иқтисодиётнинг барча масалалари, шу жумладан, социал масалалар бўйича қарорлар марказий ҳукумат, юқори давлат ташкилотлари ва жойлардаги уларнинг вакиллари томонидан қабул қилиниб, ҳал қилинади. Моддий ва молиявий маблағлар давлат мулкидир. Шундан келиб чиқиб, гарчи мулк қонуний жиҳатдан жамият аъзолари мулклари деб аталиб, халқ мулки ҳисобланса-да, у моҳият эътибори би-

дан давлат ихтиёрида бўлади ва бу мулк тизими маъмурий буйруқбозлик усули орқали бошқарилади. Маъмурий буйруқбозлик тизими бошқарувда барча иқтисодий тузилиш, уй-рузғор хўжалиги, корхоналардан тортиб, то халқ хўжалиги тармоқлари ва жойлардаги иқтисодиётигача ягона халқ хўжалиги режасига бўйсундирилади. Моддий маблағлар халқ хўжалиги маълум тармоқлари ва ҳудудларнинг ҳақиқий истеъмол қилиш талабларини ҳисобга олмасдан биринчи ўринда узоқ муддатга тақсимланади. Социал-иқтисодий алоқаларнинг собиқ СССР ва социалистик тизимдаги бошқа бир қатор мамлакатларнинг тажрибалари мазкур тизим самарасизлигини, кўп харажатлилигини, бошқариш жуда қийинлигини ва ижтимоий ишлаб чиқариш пировард мақсади бўлган, халқнинг иқтисодий аҳволини яхшилашни ва юксалтиришни таъминлай олмаганлигини кўрсатди.

Кўп асрлик жаҳон тажрибаси иқтисодий алоқаларнинг бозор муносабатлари энг юқори самара берувчи тизим эканлигини кўрсатди. Бозор иқтисодиёти хусусий мулкчиликнинг турли-туман шаклларига асосланади. Бу тизимда хусусий мулкчиликнинг мавжудлиги туфайли ишбилармонлик ва рақобатчилик биринчи ўринда туради. Амалда бўлган социал иқтисодий тизимнинг моҳияти шундан иборатки, моддий бойликлар истеъмолчи ва сотиб олишга қурби етадиган харидорнинг талабига қараб белгиланади. Харидор ўз пулига сотиб олиш орқали фойда кўришини назарда тутиб "овоз" беради. Ишлаб чиқарувчи, ўз навбатида, бозорнинг талабига қараб товарлар ишлаб чиқаради ва хизматлар кўрсатади. Бу жараёнда ишлаб чиқарувчи илғор технология хизматидан унумли фойдаланиб, кам харажат қилишга ҳаракат қилади. Натижада, харидорнинг талабини қондиради ва ўзи ҳам меҳнати орқали даромадга эришади. Бозор иқтисодиётидаги рақобатчилик, иложи борича, кам харажат қилиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга мажбур қилади. Айни пайтда, кишининг рақобатдошига нисбатан товарни паст нархда кўпроқ сотиши фойдали бўлади. Дунё мамлакатларининг асосий қисми социал-иқтисодий тизимнинг бозор модели-

дан фойдаланадилар. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бозор иқтисодиёти тизими ўз-ўзидан халқнинг иқтисодий аҳволи ва иқтисодий осойишталигини таъминламайди. Дунёда жуда кўп тараққий қилмаган, лекин бозор муносабатларига ўтган мамлакатлар бўлиб, улар юз йиллар давомида иқтисодий мустақилликка ҳамда табиий бойликларини халқнинг фаровонлиги учун ишлатишга эришолмасдан келишмоқда. Бу ҳодисанинг асосий сабаби сифатида амалда бўлган мустамлакачилик сиёсатининг мероси оқибатлари деб ҳисоблаш мумкин. Кўп асрлар давомида метрополия давлатлари мустамлака халқларнинг иқтисодий қарамлигини таъминловчи тузумни ўрнатган эдилар. XX асрнинг II ярмидан бошлаб, БМТ ташаббуси билан мустамлакачилик тизимининг оқибатларини йўқотиш ҳамда қолоқ давлатлар ҳудудида муносиб турмуш шароитларини яратишнинг кенг дастури амалга оширилмоқда. Аммо кўп миллионлик қарзларнинг йиғилиб қолиши иқтисодий ва социал муаммоларни тезда ҳал қилишда тўсиқ бўлиб келмоқда. Бундай мамлакатларда камбағалчиликни ва қашшоқликни енгиш долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда.

Фақатгина нормал шаклланиб келаётган бозор тизими иқтисодиётнинг самарали ривожланиши ҳамда социал муаммоларни муваффақиятли ҳал этишни таъминлаши мумкин. Буни индустриал давлатларнинг ва иккинчи жаҳон урушидан сўнг мустақилликка эришган Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур, Гон-Конг каби мамлакатлар мисолида кўриш мумкин.

XX аср учун иқтисодий-ижтимоий тизимнинг аралаш турдаги яна бир моделининг пайдо бўлиши хос бўлди. Бу модел иқтисодий сиёсатда тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги ва бозор воситалари орқали ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлатнинг фаол иштирокини биргаликда муваффақиятли қўшиб олиб боради. Аралаш моделга асосланган давлатлар сирасига Швеция, Германия ва бир қатор бошқа давлатлар киради. Бу давлатларда иқтисодий юксалиш стратегияси муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этиш-

ти бўйсундирилган. Кучли ижтимоий йўналтирилган иқтисодийни яратишга МДХнинг кўплаб давлатлари қаторида **Ўзбекистон Республикаси** ҳам ҳаракат қилмоқда.

Аралаш иқтисодиётга асосланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, "соф" бозор ва марказлашган-режали иқтисодиёт моделларини қўллайдиган давлатларга нисбатан бу тизим бир қатор афзалликларга эга, яъни барча турдаги ресурслардан самарали фойдаланиш учун шароитларни яратди, катта ҳажмдаги инвестицияларни талаб қиладиган замонавий технологияларни ишлаб чиқаради ва муваффақиятли жорий этади, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини кўзда тутди, муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлат аралашувини таъминлайди.

"Социал иқтисодиёт" предметининг моҳияти

"Социал иқтисодиёт" ўз мазмунига мувофиқ турли социал-иқтисодий фанлар билан боғлиқдир (1-чизмага қаранг).

Кўплаб ёш илмий йўналишлар каби социал иқтисодиёт аниқ таърифга эга эмас. Ҳозирги пайтда бу фаннинг илмий асосланган таърифини бериш бўйича дастлабки уринишлар қилинмоқда.

"Социал иқтисодиёт — бу хўжалик юргизиш тизими бўлиб, у бир вақтнинг ўзида социал жиҳатдан йўналтирилган иқтисодиётни ҳамда ижтимоий йўналтирилган социал ривожланишни таъминлашга қаратилгандир" деган таъриф мавжуд¹. Социал иқтисодиётни шакллантириш ва амалга ошириш концептуал мазмунининг марказида инсоний капитал туради деб, муаллиф мантиқий равишда тўғри фикр юритди. Бундай таърифда социал иқтисодиётнинг иқтисодий ўсиш ва социал ривожланиш ўртасидаги ўзаро алоқаси намоён бўлмоқда. Лекин, мазкур таърифда социал иқтисодиёт иқтисодий категория сифатида ўрганилмайди. Бундан

¹ Қаранг: *Г.Э.Слезингер*. Социальная экономика. Изд.-во «Дело и сервис». М., 2001, с.8.

ташқари, ҳаётий неъматларни яратиш ва истеъмол қилиш ҳамда турмуш даражасини шакллантириш жараёнида одамлар ва ижтимоий гуруҳларнинг иқтисодий муносабатлари ўз аксини топмаган.

Бизнинг фикримизча, "Социал иқтисодиёт"га "мулкчиликнинг хилма-хил шакллари, тадбиркорликнинг эркин-



1 - чизма. Социал иқтисодиётнинг бошқа фанлар билан алоқаси


лигига, соғлом рақобатчиликка ҳамда иқтисодиётнинг юқори ривожланиши асосида аҳолининг муносиб ҳаёт кечириш даражасини таъминлайдиган социал сиёсатга асосланган муносабатлар тизими" сифатида таъриф бериш мақсадга мувофиқдир.

Бундай тушунча социал иқтисодиёт фақатгина ривожланган давлатларнинг бозор иқтисодиёти ҳамда ўтиш иқти-

содиётига асосланган давлатларда бозор муносабатлари шаклланиши шароитидагина амал қилиши мумкинлигини таъкидлайди. Белгиланган тушунчада, айниқса, мулкчилик муносабатлари, уларнинг хилма-хиллиги қайд этилади. Бу эса улар ўртасида соғлом бозор рақобатчилигини, маҳоратли бизнесменлар ва оддий товар ишлаб чиқарувчиларнинг қобилиятларини амалга ошириш учун имконият очиб берадиган тадбиркорлик эркинлигини тақозо этади. Бундан ташқари, юқоридаги тушунчада аҳолининг ижтимоий ҳимоя кафолатини таъминлашга алоҳида ўрин ажратилган. Ижтимоий ҳимояланмаган фуқаролар (нуронийлар, кўп болали оилалар, ногиронлар ва ёрдамга муҳтож бўлганлар) фаровонлигини бозор муносабатлари зиддиятларини кучсизлантириш учун лозим.

Социал иқтисодиётнинг бош мақсади — инсоннинг эркин ривожланишини, ҳар бир фуқаро учун ва бутун мамлакат аҳолисининг муносиб турмуш сифатини таъминлаш зарурати ҳисобланади. Илғор фан ва техника ютуқлари ҳамда инсон омилидан ҳар тарафлама фойдаланиш асосида, узлуксиз равишда ривожланаётган иқтисодиётга ўтиш даврида, эришиш воситасидир.

Социал иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши фақатгина давлатнинг фаол иштироқида мавжуд бўлади. Иқтисодий ва социал дастурларининг муваффақиятли амалга ошиши давлатнинг иқтисодий сиёсатига ва давлат ҳокимиятининг субъектлари сиёсий жиҳатдан етуқлигига боғлиқдир. Ижтимоий соҳа иқтисодий стратегиянинг устувор йўналишига айланмоқда. Объектив сабабларга кўра давлат "Социал давлат" бўлиб келмоқда. Фуқаролар социал ҳаётини таъминлаш, социал эҳтиёжларини қондириш, турмушнинг муносиб даражасини ва сифатини таъминлаш нафақат социал ривожланиш тенденцияси, балки давлатнинг социал сиёсатининг меъёрига айланмоқда. Айнан шу ижтимоий муҳитда социал иқтисодиётнинг назарияси ва амалиёти ривожланмоқда. Синфий ва ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро муносабатларида социал рақобатли муносабатлари ўрнатил-



7991

моқда. Чуқур ижтимоий йўналтирилган иқтисодий сиёсатга асосланган давлатларгина социал давлатларга айланиши мумкин. "Социал давлат" тушунчаси пайдо бўлиши айнан шу билан боғлиқдир. Бу тушунча Швеция, Германия, АҚШ ва эришилган иқтисодий ютуқлар асосида кенг кўламдаги социал ислохотларни олиб борувчи бошқа давлатларни тавсифлашда қўлланилади. Адабиётларда "бозор социализмининг Швеция модели", "Германия социал бозор иқтисодиёти", "АҚШ либерал бозор модели" каби ибораларни ҳам учратиш мумкин. Социал давлатда фуқаролар ва давлат ўртасида ҳуқуқий асосда бир-бирининг олдида мажбуриятлар ўрнатилади. Давлат инсоннинг муносиб турмуш даражасини ва эркин ривожланиши учун шароитларни яратиш учун масъулдир. Фуқаролар кафолатланган эркинлик ва мулкчилик муносабатлари асосида ўз моддий фаровонлиги учун жавобгардир. Давлат ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро масъулиятлилик социал иқтиодиётнинг ҳуқуқий таянчи сифатида хизмат қилади.

"Социал иқтисодиёт" фанининг мақсадлари:

- талабаларнинг инсонларга муносиб ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган шарт-шароитларни ва уларни кафолатланган ижтимоий ҳимоялашга мўлжалланган кучли иқтисодиётга асосланган тизимни яратишга ҳаракат қилаётган жамиятда иқтисодий ва социал жараёнларининг ўзаро алоқалар моҳиятини чуқур ўрганиш ва тушунишлари;

- мамлакат фуқаролари фаровонлигининг юксалишига йўналтирилган давлат социал сиёсатини ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этиш маҳоратини ҳосил қилишлари талаб қилинади.

"Социал иқтисодиёт" фанини ўрганишда қуйидаги вазифалар белгиланган:

- иқтисодий ва социал воқеликларнинг ўзаро алоқаларини ва мураккаб жараёнларини чуқур таҳлил қилиш билимларини эгаллашни ўрганиш;
- иқтисодиёт ва социал соҳанинг мувозанатланган ривожланишини таъминлаш йўллари ва манбаларини аниқлаш;
- Социал иқтисодиёт бўйича назарий билимларни маҳалла, корхоналар, туман, шаҳар, вилоят, мамлакат, келгуси иш-жой миқёсида иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этишда қўллаш;
- ижодий ёндашув асосида социал иқтисодиётнинг турли моделларини ўрганиш ва шу йўналишдаги илмий изланишларда иштирок этиш.

Илмий йўналиш сифатида социал иқтисодиётнинг асосий вазифалари деб қуйидагиларни ҳисоблаш лозим:

- иқтисодиётнинг ва жамият социал ҳаётининг ўзаро алоқаларини ўрганиш;
- социал жараёнларга иқтисодиётнинг таъсирини ва иқтисодиёт ривожланишига социал омилнинг қайта таъсири механизминини ёритиб бериш;
- социал-иқтисодий муносабатлар тизимида инсоннинг ўрнини аниқлаш. Инсон ва унинг доимо ўсиб бораётган эҳтиёжлари иқтисодиёт ва социал ҳаётнинг ўзаро алоқаларнинг марказий бўғини эканлигини исботлаш.

Социал иқтисодиётга таянган ҳар бир давлатнинг ўзига хос бўлган умумий белгилари ҳам бор, яъни:

- юқори иқтисодий имкониятлар ва реал ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) жадал ўсиш суръатлари;
- даромадларнинг етарлича юқори даражаси, нархлар барқарорлиги, инфляциянинг паст суръатлари;
- миллий валютанинг барқарорлиги, унинг эркин конвертацияси;
- аҳолининг муносиб турмуш даражасини таъминловчи давлат сиёсати;

- аҳолини ижтимоий ҳимоялаш кафолати;
- шахсий мулкчилик ва тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини ҳимоялаш;
- ҳар бир кишининг меҳнат турини қўллаш, танлаш эркинлиги;
- хилма-хил мулкчилик ва рақобатчиликка асосланган тез суръатлар билан ва барқарор ривожланаётган бозор иқтисодиёти мавжудлиги;
- юқори даражада ташкил қилинган социал инфратузилманинг мавжудлиги;
- давлатнинг фаол социал сиёсати.

Социал иқтисодиётнинг айтиб ўтилган белгилари ҳар бир давлат учун турмуш даражаси ва тарзини шакллантиришда миллий хусусиятлари ва анъаналаридан келиб чиққан ҳолда алоҳида мезонларини ва кўрсаткичларини аниқлашда асос бўла олиши мумкин.

Социал иқтисодиётни яратиш жараёни вақт, маблағ ҳамда пухта иқтисодий ва социал сиёсатни талаб қилади. МДХнинг кўп давлатлари ҳозирги кунда маъмурий буйруқбозлик тизимини бозор тизимига айлантириш ислохотларини амалга ошириб келмоқда. Шу давлатларнинг қонуний ҳужжатларида социал йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратиш вазифалари қўйилмоқда. Бу ҳолат ўтиш даври учун айнан мос келади. Социал иқтисодиёт ўтиш иқтисодиётининг кейинги поғоналарида равнақ топади.

Давлат иқтисодий сиёсатини стратегик мақсадлар бўйича дастурларни қабул қилиш ва ҳар бир поғонада уларни устувор йўналиш сифатида олдинга суриш орқали амалга оширади. Нотўғри иқтисодий сиёсат салбий социал оқибатларга ҳамда иқтисодиётда зиддиятларга олиб келиши мумкин.

Иқтисодий сиёсат нафақат иқтисодий ва социал муаммоларни ҳал этишни инобатга олиши керак, балки бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш, доимий тарзда малакасини ошириш бўйича узлуксиз ишларни олиб бориши лозим. Маъмурий-буйруқбозликка одатланган бошқарувчилар ўрнига янги, ёш бошқарувчи

кидрларни тайёрлаш иқтисодий ислоҳотларнинг ҳамда социал иқтисодиётнинг муваффақиятли шаклланишининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодий тизимни ўрганишда унинг икки муҳим — иқтисодий ва социал соҳаларини таҳлил қилиш лозим:

Иқтисодий соҳа. Иқтисодий соҳа тармоққа оид соҳани ва иқтисодий таркибни ўз ичига олади. Иқтисодиётнинг тармоққа оид таҳлили халқ хўжалиги тармоқларининг ҳолатини ўрганишдан иборатдир.

Тармоқ — алоҳида шахсларнинг, бутун жамиятнинг эҳтиёжларини қониқтириш мақсадида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, технологиялар умумийлиги хос бўлган корхоналар мажмуидан иборатдир. Бозор иқтисодиётига ўтаётган МДХ мамлакатлари халқ хўжалигининг асосий тармоқлари — саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, шюқа, савдо ҳисобланади. Замонавий илмий-техника тараққиёти иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишида янги имкониятларни яратмоқда. Фанда эришилган ютуқлар кун сайин ишлаб чиқаришни яхлит ҳолга келтириш учун хизмат қилмоқда. Кейинги пайтларда ахборот технологиясига асосланган янги иқтисодиётнинг пайдо бўлганлиги ҳақида фикрлар билдирилмоқда.

Ҳар бир тармоқнинг иқтисодий ривожланишидаги ўрни ва вазифаси давлатнинг аниқ шарт-шароитларига боғлиқ ҳолда белгиланади. Иқтисодий ривожланган давлатларда маҳсулотни ишлаб чиқариш, бандликни таъминлаш ва бошқа социал муаммоларни ҳал этишда саноат тармоғи муҳим ўрин тутди.

Юқори даромадлар келтирадиган хом ашё ва стратегик ресурсларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган бир қатор давлатлар мавжуд. Улар иқтисодий ўсиш ва фуқаролари фаровонлигини юқори суръатларда кўтариш учун кенг имкониятларга эга.

Аҳолининг кундалик озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришда агросаноат комплекслари катта ўрин эгаллайди. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, аграр со-

ҳада ихтисослашган кўплаб мамлакатлар аҳолининг фаровонлиги даражаси буйича дунёнинг илғор давлатлари таркибига кирмайди. Бунинг асосий сабабини бозор шароитидаги нарх шаклланишида кўришимиз мумкин. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш юқори меҳнат харажатлари, қишлоқ хўжалик техникаларига, минерал ўғитларга, ёқилғи-мойлаш материалларига бўлган баланд нархлар қишлоқ хўжалик корхоналарининг даромад олиш даражасига кўра орқада қолишига олиб келмоқда. Аграр мамлакатларнинг барқарорлаштирувчи сиёсати қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқариш учун қўшимча субсидия (пул шаклидаги давлат томонидан бериладиган ёрдам) ажратишни ўз ичига олади. Бу жараён иқтисодиёт тармоқлари орасида даромадларни қайта тақсимлаш услуби асосида амалга оширилади. Аграр мамлакатлар иқтисодиётининг қолоқлигига олиб келаётган сабаблар қаторида кўп йиллар мобайнида бошқа ривожланган мамлакат билан шаклланаётган иқтисодий ва сиёсий ўзаро алоқа муносабатларини кўрсатиш мумкин. Мустамлака тизими кўп йиллар давомида мустамлака ва метрополиялар орасида ўзига хос меҳнат тақсимотини яратган. Мустамлака мамлакатлар, одатда, саноати ривожланган мамлакатлар учун хом ашё базаси бўлган.

Иқтисодий қарамликнинг бир шакли сифатида метрополияларга етказиб бериладиган хом ашё ресурсларининг паст нархлари ва қолоқ мамлакатларга етказилиб бериладиган саноат молларининг юқори нархлари бўлган. Мустамлака тизимининг тугатилишига қарамасдан, ҳозирги пайтда аграр ва саноат асосида ривожланган мамлакатлар ўртасида ўтмиш меҳнат тақсимотининг қолдиқлари ўз таъсирини ўтказмоқда.

Саноат шаҳарлари ва қишлоқ жойларида яшайдиган аҳолининг турмуш даражасидаги тафовутлар ҳатто бир мамлакат доирасида ҳам кузатилмоқда. Бунинг асосий сабаби, юқорида айтиб ўтилганидек, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотига бозор нархининг шаклланишидир. Бу тафовутларнинг даражаси давлатнинг барқарорлаштирувчи сиёсатида боғлиқ.

Ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш ва уларнинг реализациясида қурилиш, алоқа, транспорт, халқ хўжалиги юқларини ташиш транспорти, савдо каби иқтисодиёт тармоқлари ҳам иштирок этади. Уларнинг ҳар тарафлама ривожланишини таъминлаш мақсадида давлат томонидан дастурлар қабул қилинмоқда, катта ҳажмдаги инвестициялар ажратилмоқда. Бутун халқ хўжалигининг мувозанатлашган ривожланиши бўйича чоралар қабул қилинмоқда.

Илмий-техника инқилобининг замонавий босқичида иқтисодиётнинг янги тармоқлари пайдо бўлмоқда. Кейинги пайтларда анъанавий хизмат кўрсатиш соҳасига тегишли айрим соҳалар ишлаб чиқариш тармоғига айланмоқда.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, иқтисодиёт таркибига юқори даромадли тармоқ — туризм кириб келмоқда. Сўнгги пайтларда туристик маҳсулот моҳияти, ишлаб чиқариш харажатларини, турмаҳсулотнинг бозор аҳволини ўрганишда, бу тармоқнинг маҳсулотини яратиш ва сотиш жараёнида бозор қонунларини қўллашга эътибор кучайиб бормоқда. Халқаро ҳамкорликнинг кенгайиши барча мамлакатлар учун туристик салоҳиятдан фойдаланиш имкониятини яратмоқда.

Кишилар фаровонлигининг юксалиб бориши даромадларнинг бир қисмини дам олиш, туристик соҳалар учун сарфлаш имконини яратмоқда. Мутахассислар фикрича, келтириладиган даромадлар даражасига кўра туризм соҳаси етакчи ўринга кўтарилган. Бу кўрсаткич бўйича туризм соҳаси фақатгина энергия ресурсларини ишлаб чиқарувчи тармоқлардан орқада қолмоқда. АҚШ, Фарбий Европа, Хитой, Япония каби ривожланган мамлакатлар бюджетида туризмдан олинадиган даромадлар 30—60%ни ташкил этади. Туристик хизмат кўрсатишнинг ўрни жаҳон бозорида кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Шуни айтиб ўтиш лозимки, МДХнинг кўплаб мамлакатлари катта туристик имкониятларга эга. Бу имкониятлардан самарали фойдаланиши аҳолининг меҳнат билан бандлигини таъминлаш ва яхшилаш ҳамда миллионлаб одамларнинг оила бюджетини тўлдириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Замонавий иқтисодиёт ахборот технологиялари тармоғининг ўрни ва аҳамиятини етарлича ўрганиш алоҳида эътиборга лойиқ. Сўнги 2—3 ўн йиллик давомида бу тармоқ иқтисодиёт таркибига дадил кириб келмоқда. Ҳозирги кунда ишлаб чиқаришда компьютер техникаси, интернет хизматлари, оммавий ахборот воситалари материалларидан фойдаланмаётган мамлакатни учратиб бўлмайди. Бу эса иқтисодиётнинг янги тармоғи пайдо бўлганлигидан далолат бермоқда. Замонавий ахборот технологияси иқтисодиётнинг тармоғи сифатида анъанавий тармоқларга қараганда, шакл-шубҳасиз, бир қатор афзалликларга эга:

Биринчидан, бу тармоқ қайта ишлаб чиқариш ва иқтисодий инқирозлардан мустасно ҳисобланади.

Иккинчидан, ахборот технологиялари асосини ташкил этувчи билимлар доираси чексиздир.

Учинчидан, ғояларни сотувчи корхоналар хом ашё манбаларига асосланган ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан географик жойлашуви билан боғлиқ эмас.

Ахборот технологияси иқтисодиётнинг янги тармоғи сифатида ўсишнинг бошланғич поғонасини ўз бошидан кечирмоқда. Шубҳасиз, кейинчалик жаҳон иқтисодиётида ҳам, одамлар билимдонлиги, соғлиқни сақлаш аҳволи, бандлик даражаси, камбағалчиликни бартараф қилиш каби муҳим социал муаммоларни ечишда ҳам унинг аҳамияти ниҳоят даражада ошиб боради.

Иқтисодиёт соҳаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва мулкчилик шакллари бўйича жамият тузилишини ўз ичига олади. Иқтисодий тизимнинг моделига қараб мулкчиликнинг у ёки бу даражада шаклланиши ва ишлаб чиқариш фаолияти ривожланишининг ҳуқуқий асослари яратилади. Марказлашган-режали иқтисодиёт тизимида собиқ шўролар даврида ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларига ижтимоий мулкчиликнинг устунлиги қонуний асосда беркирилган эди. Ишлаб чиқаришнинг фақат давлат шакли ва қисман жамоа хўжалиги фаолияти шаклларига йўл қўйилган эди, холос.

Мирказлашган-режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида жамиятнинг иқтисодий таркибида тублан ўзгаришлар рўй бермоқда. Ҳозирги кунда корхоналарнинг хилма-хил шакллари асосланган кўп қиррали иқтисодиёт шаклланмоқда. Турли шаклдаги корхоналар яратилмоқда. Хусусий мулкчиликка асосланган тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши устун бўлмоқда. Чет эл сармояси иштирокидаги кўшма корхоналар сонини кўпайтириш имкониятлари яратилмоқда. Бу эса халқаро иқтисодий алоқаларнинг кенгайишига ва жаҳон хўжалик жараёнларига қўшилиб боришга имкон бермоқда.

Социал соҳа иқтисодий тизимнинг алоҳида таркибий қисми ҳисобланади. Социал соҳанинг моҳиятини ёритишда турли ёндашувлар мавжуд. Халқ хўжалиги таркиби нуқтаи назаридан социал соҳа аҳолининг белгиланган турмуш даражаси ва тарзини бевосита таъминловчи тармоқ, корхона ва ташкилотлар йиғиндиси деб тушунилади. Шундай тармоқ, корхона ва ташкилотларга асосан социал хизмат кўрсатиш соҳалари — таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш, транспорт ташкилотлари, социал таъминот органлари, маданият, спорт ва бошқа муассасалар киради¹.

Социал соҳа тушунчасини аниқлашда тахминан шу каби ёндашув кўплаб ўқув ва илмий адабиётларда қайд этилади. Социал соҳани аниқлашдаги таркибий ёндашув мамлакат халқ хўжалиги тизимидаги шу соҳанинг ташкилот ва идораларининг ўрнини ўрганиш, уларнинг йиллар бўйича ўсиш суръатини кузатиш, социал соҳага оид давлат бюджети харажатларининг ўзгаришини ўрганишга имкон беради. Шуни таъкидлаш лозимки, социал соҳанинг бундай тушунчасида механик ва соф статистик ёндашув устундир. Иқтисодий категория сифатида социал соҳанинг тўлиқ моҳияти ёритилмаган.


Мазкур ўқув қўлланмада, муаллифлар фикрича, социал соҳа, иқтисодий категория бўлиб, социал маҳсулотни иш-

¹ Қараи: Современный экономический словарь. М., 1997, с. 318.

лаб чиқариш, тақсимлаш, алмашиш, истеъмол қилиш жараёнидаги муносабатлар йиғиндисини билдиради.

Социал маҳсулот социал соҳа ходимлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни (таълим, маданият, жамоатчилик озиқ-овқат, социал таъминот, коммунал ва транспорт хизмат кўрсатиш, алоқа ва бошқалар) ифодалайди. Расмий статистикада социал маҳсулотнинг қиймати белгиланган вақт (чорак, йил) давомида сотилган хизматлар суммаси билан аниқланади. Бу кўрсаткичнинг камчилиги шуки, у фақатгина тўлов хизматларини ҳисобга олади. Ўқитувчилар, шифокорлар ва давлат муассасаларининг бошқа ходимлари меҳнати билан яратилган социал маҳсулотининг қиймати ҳисобга олинмай қолмоқда. Бундай камчиликнинг асосий сабаби социал маҳсулотнинг айнан шу қисмини ҳисобга олиш услубиятининг ишланмаганлигидир. Социал маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишда уни яратганлар ва истеъмол қилганлар ўртасида белгиланган ўзаро муносабатлар вужудга келади, давлат, ташкилот, бутун социал соҳанинг муассасалари иқтисодий сиёсатининг социал йўналтирилганлиги аниқланади.

Иқтисодий ва социал жараёнлар бир-бири билан чамбарчас боғланганлиги учун иқтисодий тизимларни социал соҳасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар бир иқтисодий тизим ўз социал мазмунига эга. Иқтисодиёт ва социал соҳанинг ўзаро алоқалари марказида ИНСОН туради. Айнан ҳаётий бойликларда доим эҳтиёжни сезадиган инсон — ишлаб чиқаришнинг сўнгги мақсади ва ривожланиш омилидир. Бизнинг фикримизча, айнан шу ёндашув социал иқтисодиёт тушунчасининг моҳиятини тўлиқ очиб беради.



2 - чизма. Иқтисодий ва социал соҳаларнинг ўзаро боғлиқлиги

Иқтисодий ривожланишнинг даражаси одамларнинг ва жамиятдаги социал гуруҳларнинг ижтимоий аҳволига ҳал қилувчи таъсирини кўрсатмоқда. Ўз навбатида, алоҳида шахс ва гуруҳларнинг ижтимоий аҳволи даромадларни, мулк миқдорини тақсимлашга, шунингдек, шахс ривожланиши учун тенг имкониятлар мавжудлигига боғлиқдир.

Иқтисодий ва социал жараёнларни ўзаро яхлит алоқада ўрганиш иқтисодий тизим тушунчасини аниқлашда мавжуд бўлган ёндашувларга аниқлик киритиши имконини яратади. Инсон жамиятининг ривожланиш босқичларини иқтисодий белгиларга қараб эмас, балки социал-иқтисодий тизимлар бўйича ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Социал-иқтисодий тизимни ўрганишда бу хилдаги ёндашув иқтисодий ва социал жараёнларнинг ўзаро таъсирини таҳлил қилишда, иқтисодий ўсишнинг қўшимча омилларини аниқлашда ҳамда жамият олдидаги социал муаммоларни ҳал этишда кўпроқ имкониятлар яратади.

Социал соҳа турли хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бир қатор корхона, ташкилот, муассаса ва тармоқларни қамраб олади. Буларга қуйидагилар киради:

1-жадвал

СОЦИАЛ СОҲА	ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ
Болаларни мактабгача тарбиялаш муассасалари	Болаларни тарбиялаш ва соғлиқни сақлаш бўйича хизматлар кўрсатади
Соғлиқни сақлаш муассасалари	Мамлакат қонунларида белгиланган тартибда (тўлов асосида бепул, имтиёзли) аҳолига тиббий хизмат кўрсатади
Мактаб, маориф, илмий муассасалар ва технологиялар яратадиган ташкилотлар	Қонунчиликка асосланган таълим бериш хизматлари кўрсатиш, инновация фаолиятини амалга оширади, аҳолига ва иқтисодиёт тармоқларининг илмий хизматини таъминлайди

Маданият, спорт, туризм ва оммавий ахборот воситалари муассасалари	Аҳолининг маънавий ва жисмоний эҳтиёжларини қондиради
Социал ҳимоялаш муассасалари	Аҳолининг ёрдамга муҳтож қисмига ижтимоий ёрдамни кўрсатади ва қўллаб-қувватлайди, меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг меҳнат бандлигини таъминлайди
Социал йўналтирилган жамоатчилик ташкилотлари	Меҳнат муҳофазаси ва шароитларини таъминлаш, хавфхатарнинг олдини олиш билан шуғулланади

Бундан ташқари, бозор таркиби ва инфратузилмасига кирадиган бозор иқтисодиётига оид кўплаб муассасалар ҳам мавжуд. Улар асосан бозор иқтисодиёти талаб қиладиган вазифаларни амалга оширади ва бевосита социал мақсадларга қаратилади. Улар таркибига меҳнат биржаси, турли социал жамғармалар, халқ банклари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари, хайрия ва бошқа ташкилотлар киради.

Социал иқтисодиётнинг микродаражаси

Микроиқтисодиёт ўзининг содда номланишига қарамадан, ҳар қандай бозор иқтисодиёти йўли билан бораётган мамлакат моддий бойлигининг асосини ташкил этади. Корхона, фирма ва тадбиркорлар фаолияти микроиқтисодий фаолият деб ҳисобланади. Микроиқтисодий фаолият диққат марказида истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар (харидорлар ва сотувчилар) ўртасидаги муносабатлар туради. Бундай муносабатлар туфайли бозордаги маҳсулотларнинг ҳажми, нархи, томонларнинг фойдаси ёки зарари аниқланади.

Микро даражали социал-иқтисодий таҳлил ўз ичига субъектларнинг бозордаги хатти-ҳаракатлари, ишлаб чиқариш, тақсимлаш, алмашув ва истеъмол қилиш жараёнида ўзаро алоқаларни қамраб олади. Микроиқтисодий муноса-

Битларга давлат ва тадбиркорлар ўртасидаги муносабатлар ҳам киради. Бозор иқтисодиёти шароитида микродаража ишлаб чиқаришда, тақсимлашда, алмашувда, моддий бойликларни ва хизматларни истеъмол қилишда ўзига хос хусусиятларга эга бўлган уй хўжалигига ҳам тааллуқли бўлади. Уй хўжалиги оила иқтисодиётининг негизини ташкил этади. Унда оила аъзолари ўртасида ўзига хос меҳнат тақсимоти амалга оширилади, хизматлар кўрсатилади, оила даромади пайдо бўлади ва тақсимланади, оила бюджети шаклланади. Яъни тўлиқ ҳажмдаги микро такрор ишлаб чиқариш жараёни амалга оширилади. Оилада социал-иқтисодий жараёнларнинг асосий субъекти бўлмиш инсон истиқомат қилади.

Ишлаб чиқаришни шахс ва умуман жамият эҳтиёжлари учун бўйсундириш муаммоси ривожланган мамлакатларнинг қонуний ҳужжатларида ўз аксини топган. Уларда инсон ва унинг эҳтиёжлари асосий ўрин эгаллайди.

Микроиқтисодий назария корхоналар, фирма ва давлат иқтисодий фаолиятининг социал йўналтирилганлигига асосий эътиборини қаратади.

Талаб ва таклифлар назариясининг социал-иқтисодий таҳлилда қўлланилиши товар бозорининг ва истеъмол қилиш таклифининг аҳволини аниқлашда имкон беради. Шу билан биргаликда, ҳукуматнинг нарх-наво шаклланиши, ойлик маош ва иқтисодий рағбатлантириш даражасини, солиқларнинг таъсири, субсидияларнинг, импорт божларининг, истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчилар учун квоталар даражаларини аниқлашга имкон яратади.

Иқтисодий назария ва микроиқтисодиёт бўйича яратилган дарсликларда монополиялашган бозорда эркин рақобатчилик шароитидаги талаб ва таклиф назариясининг асоси жуда равон ёритилган. Шу боис уларнинг таҳлили ушбу қўлланма доирасига киритилмади.

Эркин ҳаракатдаги бозор механизмлари баъзан кутилмаган социал оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Бу ҳол жамиятнинг бойлар ва камбағалларга бўлинишида турли

социал гуруҳлар даромадларининг кескин фарқланишида намоён бўлади. "Адолатли" бозор қонунлари жиддий социал муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Демократик бошқарув шакллари асосланган ривожланган жамиятда аҳолининг фаровонлигини таъминлаш мақсадида кучли иқтисодий сиёсатни (бюджет, солиқ, кредит, нарх) социал дастурлар билан яқин алоқада амалга ошириш тўғри ҳисобланади.

Социал йўналтирилган бозор иқтисодиётига корхона ва фирмалар фаолияти бозор қонунларига мувофиқ олиб борилади. Аммо давлат қонунчилиги ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга асосланган тартибни ўрнатади. Фирмалар фаолиятининг муҳим вазифаси — сифатли маҳсулотни ишлаб чиқариш ва истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилиш ҳисобланади. Айнан шу тартиб кутилган ва керакли бўлган даромадларни қўлга кириштишга олиб келади.

Социал йўналтирилган муаммолар микродаражадаги барча иқтисодий жараёнларни қамраб олади. Улар ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнида (мулкчилик муносабатлари, иш кучини ёллаш, меҳнат шароитлари), ишлаб чиқариш воситаларини сотиш, сотиб олишда ресурслар бозорида, рақобатчилик жараёнида, инвестицион фаолиятида пайдо бўлади. Ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида тадбиркор ва ишчилар ўртасида энг олдин мулкчилик муносабатлари пайдо бўлади. Яъни, ишлаб чиқариш эгаси ва "иш кучи" деган товарнинг эгаси аниқланади. Иқтисодиётнинг бозор тизими мулкчиликнинг хилма-хил шакллариининг мавжудлигини ва хусусий шаклининг устунлигини талаб қилади. Ишлаб чиқариш воситалар эгаси ва иш кучининг эгаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар мажбуриятлари, ҳуқуқий меъёрлари белгиланган қонуний ҳужжатлар билан аниқланади. Ишлаб чиқариш воситалар эгаси меъёрдаги меҳнат шароитларини яратиш мажбуриятини ҳамда мамлакат ичида белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган меҳнат

ҳақини тўлаш кафолатини ўз бўйнига олади, кўнгилсиз воқеалардан ишчилар соғлиғини суғурталаш, яъни ижтимоий ҳимояланиши тўғрисида қайғуриши лозим бўлади. Ишчи эса ўз навбатида шартномада белгиланган барча шартларни бажаришга мажбур ва меҳнатнинг натижалари учун жавобгар бўлиш билан бирга иш ҳақининг ҳақиқий эгаси ҳисобланади. Ишчининг корхонадан ташқарида ҳам бошқа даромад манбалари бўлиши мумкин (бошқа корхоналарда ёлланма иш асосида ишлаш, акциялардан олинган дивидендлар, банк омонатлари бўйича фоизлар ва бошқалар).

Ижтимоий мулкка асосланган марказлашган-буйруқбозлик иқтисодиёти ҳукмронлик қилган мамлакатларда узоқ вақтлар мобайнида мулкчиликка ва тадбиркорлик фаолиятига очиқдан-очиқ инсон ҳуқуқлари бузилишлик ҳолатлари мавжуд эди. Ўтиш иқтисодиёти шароитида ҳусусий мулкчилик ва тадбиркорликни олиб бориш ҳуқуқий базаси яратилади. Шу билан бирга социал муаммоларни ҳал этиш учун қулай имкониятлар юзага келади. Инсон социал статуси иқтисодий аҳволи билан боғланади. Натижада у мулкдорлар синфининг тўлиқ ҳуқуқли аъзосига айланади.

Иқтисодий ва социал манфаатлар тадбиркорлик тизимида тўлиқ амалга ошади. Тадбиркорлик моҳияти одамларнинг ўз хоҳиши билан товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришдан иборат. Тадбиркор, бозор муносабатлари субъекти сифатида, ўз фаолиятини бирор буйруқ асосида эмас, балки мустақил равишда ўз фаолиятини юритади. Шу мақсадда у ўз маблағини, зарурият бўлганда, қарзга олинган капитал (кредит)дан фойда олиш учун ишлатади. Бу жараён маълум хавф-хатарнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Қаттиқ рақобатчилик шароитида тадбиркор юқори сифатли ва кам харажатли товарларни ишлаб чиқаришга интилади. Буни катта ҳажмларда ишлаб чиқариш, рақиб товарларининг нархига нисбатан пастроқ нархда сотиш имкониятига эга бўлади. Айнан шу талабларга тадбиркорлар амал қилади; даромадлари ва фаровонлигининг доимий ошиб боришига эришадилар.

Бозор иқтисодиёти қонунларини билмайдиган ва уларни инкор этадиган тадбиркорлар одатда инқирозга учрайди ва омадсизлар қаторидан жой олади.

Бозор муносабатларининг зиддиятлилиги социал-иқтисодий тизимнинг хатоси эмас, балки унинг моҳиятидир. Рақобатчилик социал иқтисодиётнинг ҳам ривожланиши учун ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Рақобатчилик жараёнида тўловга лаёқатсиз корхоналар соғлом корхоналарга ўз ўрнини бўшатиб беради. Истиқболга эга бўлган корхоналар бозор иқтисодиётининг асосига айланади. Инқирозга учраган корхоналар ҳисобига бундай корхоналар сони кўпая боради. Улар мамлакат ичида иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлайди.

Ўтиш иқтисодиётига асосланган мамлакатларда хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш узлуксиз жараёни рўй бермоқда. Кичик ва ўрта корхоналар тармоғи кенгайиб бормоқда. Демократик жамиятнинг социал асоси бўлган мулкдорлар синфи шаклланмоқда. Қишлоқ аҳолиси ва иқтисодиётнинг аграр сектори кенг тарқалган мамлакатларда тадбиркорлик, фермерлик ва деҳқончилик хўжалик шакллари асосида ривожлана боради.

Қишлоқ хўжалиги тадбиркорликнинг ўрта ва кичик шакллари, бир қатор ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатганидек (Германия, Франция, АҚШ) мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини, йирик корхоналарга нисбатан, тўлароқ қондира олади. Қишлоқда корхоналарнинг кичик шакллари қишлоқ меҳнаткашларининг ва умуман мамлакат миқёсида социал муаммоларни унумлироқ ҳал эта олади.

Социал иқтисодиётнинг макродаражаси

Иқтисодий ва социал жараёнларнинг ўзаро алоқаларини ўрганишда макроиқтисодий ёндошув бутун хўжалик бўйича мураккаб кўрсаткичларни таҳлил қилишни талаб қилади. Бундай кўрсаткичларга, умуман ва ҳар бир одам бошига тўғри кела-

Диган Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), бандлик даражаси, аҳолининг реал даромадлари, давлат ва хусусий инвестициялар, муомаладаги пулларнинг умумий миқдори ва ҳоказолар киради. Макроиқтисодиёт мамлакат миқёсида ўртача даромадлар, ўртача иш ҳақи, инфляция даражаси, ишсизлик, бандлик, меҳнат унумдорлиги каби ўртача ҳисобланган иқтисодий кўрсаткичларни ўрганади. Бундан ташқари, мамлакат иқтисодиёт аҳолини тавсифловчи ўсиш ёки камайиш суръатлар миқдорини ва иқтисодий ўзгаришлар, таркибий мутаносибликни ифодаловчи умумий кўрсаткичлар даражасини ўрганади.

Макроиқтисодий таҳлилга қўлаб ёндашувлар мавжуд. Тадқиқотнинг мавзусидан келиб чиққан ҳолда, муаллифлар одатда илмий мақсадларга эришиш имкониятини берадиган макроиқтисодий кўрсаткичларни танладилар. Макроиқтисодий таҳлилда халқаро ёндашув тадқиқотимизга асос қилиб олинган. Иқтисодий ўсишнинг социал йўналтирилганлигининг чуқур таҳлилини инсон потенциали тараққиёт индекси (ИПТИ) кўрсаткичлари тўғрисидаги БМТнинг услуги қўлланилади.

Уларга қуйидагилар киради:

- кутиладиган ҳаёт давомийлиги;
- балоғатга етган аҳолининг саводхонлик даражаси;
- ўқиш муддати;
- саводхонлик кўрсаткичлари;
- таълим олиш кўрсаткичи;
- билим даражаси;
- аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулот.

Ҳар бир кўрсаткич ўз индексига эга:

- кутиладиган умр давомийлиги индекси;
- билим даражасининг индекси;
- ЯИМ индекси;
- инсон потенциали тараққиёт индекси (ИПТИ).

Инсон потенциали тараққиёт индекси мамлакат миқёсида инсоний салоҳиятнинг ривожланиш даражасини йиллар бўйича таққослаш ва шу кўрсаткичнинг мамлакатлар ўртасидаги фарқларини аниқлаш имкониятини яратади.

Социал иқтисодиётнинг макроиқтисодий таҳлили ўз ичига мамлакатдаги гуманитар ривожланганлик даражасини ҳам қамраб олади. Бу ҳолатларга Олий ўқув юртларига ўқишга кирадиганлар сони, олимлар ва мутахассислар сони, журнал ва газеталарнинг умумий адади, оилаларнинг телевизорлар билан таъминланганлиги, телефон алоқаси, интернет тармоғидан фойдаланиш ва бошқалар киреди.

Макродаражада социал иқтисодиётни ўрганишда инсоний ривожланиш аҳволи ва уни молиялаштириш динамикасини таҳлил қилиш муҳим ўрин тутди. Бу кўрсаткичлар гуруҳига ЯИМга нисбатан фоиз кўринишдаги таълимга қилинган умумий харажатлар, ЯИМга нисбатан фоиз кўринишидаги таълимга қилинган давлат харажатлари; ЯИМга нисбатан фоиз кўринишдаги соғлиқни сақлашга қилинган давлат харажатлари киреди.

Социал иқтисодиётнинг макроиқтисодий таҳлиliga аҳолининг ўсиш жараёнлари кўрсаткичлари, урбанизация, гендер таркибдаги ўзгаришлар, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш аҳволи, бандлик даражаси, ишсизлик, социал тафовутлар ва бошқалар киреди. Айтиб ўтилган иқтисодий ўсишнинг социал йўналтирилган макроиқтисодий барча кўрсаткичлари тенг аҳамиятли ва социал иқтисодиётнинг мазмунини ифодалайди. Иқтисодий ривожланишнинг ҳар бир поғонасида ва даражасида мамлакат социал-иқтисодий ривожланишининг стратегик вазифаларни ҳал этилишига боғлиқ бўлган социал ривожланишнинг устувор йўналишлари белгиланади. Айрим мамлакатлар учун биринчи даражали ҳисобланган стратегик вазифалар сифатида камбағалчиликни қисқартириш дастури бўлиши мумкин. Бошқалари учун эса — ишсизликни қисқартириш тақозо қилинади. Учинчи тоифадаги мамлакатларда таълимнинг ривожланиши, саводсизликни тугатиш, аҳолининг соғлиғини яхшилаш, экологик вазиятни соғломлаштириш масалалари кун тартибига қўйилиши мумкин.

Маъмурий буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш вазифаларини ҳал этаётган мамлакатлардаги олий

ўқув юртлари учун социал иқтисодиёт фанини ўрганиш кам таъминланганликдан тўқ турмушга ўтиш механизмлари имкониятлари ва йўлларини, бандлик даражасини кўтариш, аҳолининг муҳтож бўлганлар ижтимоий ҳимоясини кучайтиришни тўғри таҳлил қилиш имкониятини яратади. Барча вазифалар ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлиб, пировард мақсадга бўйсунди, яъни ҳар бир инсон учун ривожланган мамлакатга муносиб турмуш даражасини ва сифатини таъминлайди.

Янги минг йилликка инсоният юқори сифатли ҳаётни таъминловчи босқичга ўтиш нияти билан қадам босмоқда. Афсуски, кўплаб давлатларда ҳалигача очарчилик, қашшоқлик, ишсизлик ва саводсизлик учрамоқда, тўхтатиб бўлмайдиган даражада инфекцион касалликлар тарқалиб кетмоқда. Айниқса, ОИТС ва ОИВ касалликлари, озон қатламининг қисқариш хавфи кучайиб бормоқда. Бу хавф-хатарнинг олдини олиш жаҳон бирлашмасининг бир ёқадан бош чиқариб иш олиб боришини талаб қилади. Шу муносабат билан 2000 йилда БМТнинг "Минг йиллик декларацияси" қабул қилинди. Декларацияда социал ҳаётнинг асосий масалаларига тегишли саккиз вазифа белгиланган:

- очарчиликни ва қашшоқликни йўқотиш;
- умум бошланғич таълимни таъминлаш;
- аёл ва эркеклар ўртасида тенгликни қўллаб-қувватлаш, аёллар ҳуқуқларини ва имкониятларини кенгайтириш;
- болалар ўлими даражасини қисқартириш;
- оналар соғлиғи муҳофазасини яхшилаш;
- ОИТС-ОИВ ҳамда безгак ва бошқа касалликларга қарши кураш;
- экологик барқарорликни таъминлаш;
- ривожланиш шароитида глобал ҳамкорликни шакллантириш¹.

Бу вазифаларни амалга ошириш Социал иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш маънунини ифода-лайди.

¹ Қаранг: Экономическое обозрение, 2004, №9-10.

Социал иқтисодиёт сиёсатида давлатнинг роли

Бозор иқтисодиётида давлатнинг роли ҳақидаги мунозара уч асрлик тарихга эга. Ўз вақтида меркантилизм намояндалари савдонинг эркинлиги, иқтисодий ҳаётга давлатнинг аралашувини чеклашни талаб этган эдилар. "Кўринмас қўл" остида бозорнинг ўз-ўзини тартибга солиш ғояларини классик иқтисодий назариянинг вакили ҳисобланган Адам Смит тарғиб этган эди. XIX асрга келиб, мамлакат ичида маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг давлат ҳимояси остида бўлиши, ташқи экспансиядан ички бозорни ҳимоялаш заруриятини ёқловчи протекционизм ғоялари пайдо бўлди.

Неоклассик мактабининг намояндалари ўз таълимотларида иқтисодиёт соҳасида илмий ишланмалар амалиётга асосланиши, иқтисодий сиёсатга тавсиялар тайёрлаш зарурияти тўғрисида ғояларини олға сурганлар. Р.Харрод-Е.Домарларнинг иқтисодий ўсиш модели узоқ муддатда иқтисодиётнинг нисбатан ва доимий текис ўсишига эришиш учун давлат томонидан тартибга солиш зарурлиги ҳақидаги ғояга асосланган.

Социал иқтисодий жараёнларга давлат аралашуви назариясининг илмий асоси Ж.М.Кейнснинг асарларида ўз аксини топган. Унинг иқтисодиётни тартибга солиш бўйича тавсиялари АҚШнинг Фарбий Европа мамлакатлари ҳукуматларининг иқтисодий сиёсатларида амалий татбиғини топди. Кейнс таълимоти ўтиш иқтисодиётга асосланган кўплаб мамлакатлар учун амалий аҳамиятга эга бўлди. Кейнс ғоялари қуйидагилардан иборат эди:

1. Давлат ўз ҳуқуқий ва иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда талабни кучайтиришда фаол иштирок этиши, шунингдек, ишлаб чиқаришга ва товарнинг таклиф қилинишига таъсир қилиши керак.

2. Давлат инвестиция орқали иқтисодиётга фаол аралашуви лозим. Инвестициялар ҳажми қанчалик кўп бўлса, шунчалик ишлаб чиқариш ҳажми ва ривожланиш суръати ошаверади.

3. Давлат иқтисодиётга ўз таъсирини банк фоизи даражасини тартибга солиш ёки жамоат ишларига ва бошқа соҳаларга инвестиция қилиш орқали амалга ошириши мумкин.

Кейнс бозорнинг ўз-ўзини тартибга солиш ғоясини қатъиян инкор қилган. У иқтисодий мувозанатни таъминлаш учун давлат аралашувига йўл қўйиш лозимлигини таъкидлаган.

Социал муаммоларни ечишда давлат сиёсатининг роли институционализм концепцияларида салмоқли ўрин эгаллаган¹. Институционалистларнинг таълимотларида социал-иқтисодий жараёнларда бозор механизмлари эмас, балки давлат бошқаруви катта аҳамиятга эгаллиги ҳақида фикр юритилади. Социал-иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда ҳуқуқий, социал, психологик, сиёсий ва бошқа шарт ва омиллар мажмуини ҳисобга олишни ҳам тавсия этганлар. Улар социал тангликларга олиб келадиган бозор иқтисодиётининг салбий томонларини қаттиқ танқид қилган ва ҳукуматнинг социал дастурларини кенгайтириш ҳақида таклифларини киритганлар. Уларнинг фикрига кўра, социал кафолатлар, бандлик масалалари иш ҳақи даражасидан аҳамиятлироқдир. Ишсизлик муаммоси, уларнинг таъкидлашларича, иқтисодиёт ва сиёсат мувозанатсизлигининг натижасидир.

Институционалистлар таълимотининг муҳим томони иқтисодий муносабатларни "иқтисодий инсон" нуқтаи назаридан таҳлил қилишдан воз кечиш масаласидир. Социал муаммоларни ечиш жараёни билан келишилган ҳолда иқтисодий ўсишни кўриб чиқиш институционалистлар концепциясида муҳим ўрин эгаллаган.

Социал муаммоларни ечишда давлатнинг роли кенг кўламдаги масалаларни қамраб олади: даромадлар тақсимланиши, бандликни таъминлаш, камбағалликка барҳам бериш, таълим, соғлиқни сақлаш, социал суғурталаш, экология, социал гуруҳлар турмуш даражаларидаги тафовутларни қисқартиришдан иборат.

¹ Т.Веблен, У.Митчелл, Ж.Гелбрейт, Я.Тинбергенг ва бошқалар.

Ўтиш иқтисодиётига асосланган мамлакатларда ХХІ аср иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларини кучайтириш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш, ишлаб чиқариш жараёнига давлат аралашувини камайтириш хос ҳисобланади. Ҳозирги замон шароитида социал-иқтисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш услублари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

1. **Маъмурий жараён** — кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шароитларини яратиш, аҳоли ва умуман жамиятнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларга мажбурий андозаларни белгилаш, бизнес соҳасида руйхатдан ўтказиш тартиби, тадбиркорлик фаолиятини лицензиялантириш учун монополлик сиёсатига қарши курашиш.

2. **Иқтисодий жараён** — социал-иқтисодий жараёнларни давлат томонидан мақсадли дастурларни амалга ошириш орқали бевосита тартибга солиш; иқтисодиётни ва социал соҳани бюджет томонидан молиялаштиришни; мамлакатни бошқариш ва муҳофаза қудратини мустақкамлаш учун керак бўладиган харидларни амалга ошириш; давлат секториде такрор ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилиш; солиқ ва нарх сиёсати орқали бевосита тартибга солиш ва макроиқтисодий тартибга солишнинг барча бошқа шакллари ўз ичига олади.

3. **Социал жараён** — давлат ижтимоий таъминотини, ижтимоий ҳимоялаш кафолатини, аҳолининг муҳтож бўлган қисмини қўллаб-қувватлаш; энг паст иш ҳақи; нафақа; ёрдам пули; имтиёзлар даражасини назорат қилишни, социал адолат ва умумсоциал эҳтиёжлар (таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, фан, кадрларни тайёрлаш, суғурталаш) таъминотини амалга ошириш мақсадида даромадларни қайта тақсимланиши кабиларни ўз ичига олади.

Социал соҳани молиялаштиришнинг асосий манбаи давлат бюджети ҳисобланади.

Бирча қайд этиб ўтилган давлат томонидан тартибга солиш услублари ўзаро боғлиқ ва ўзаро келишилган тарзда амалга оширилади. Улар ягона мақсадга — иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлашга ва аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга бўйсундирилади. Социал-иқтисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш шакллари ҳар бир мамлакатда ҳар хил бўлиши мумкин, бу шакллarning амалда бўлиши бозор муносабатларининг танланган моделига боғлиқдир.

Социал йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда давлат вазифалари, биринчи навбатда, социал иқтисодиётни шакллантириш ҳуқуқий асосларини яратишдан иборат. Давлат бошқарувининг асосий тамойиллари мамлакатнинг Асосий Қонунда — Конституцияда белгилаб қўйилади. Конституция социал-иқтисодий тизимнинг асосий мақсадини ўз ичига олади ва бу мақсадга эришиш йўллари, иқтисодий, сиёсий ва давлатнинг социал асосларини белгилаб беради. Конституциявий моддалар асосида қонун чиқарувчи ҳокимият иқтисодий ўсишни социал йўналтириш ҳуқуқий асосларини яратадиган қонунларни қабул қилади. Ижрочи ҳокимият томонидан социал йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш бўйича қонуний ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш механизмини яратиш чораларни кўради ва қарор қабул қилади. Суд ҳокимияти томонидан қабул қилинган қарорларга қатъиян амал қилиш ҳамда қабул қилинган қарорларни ижро этилиш назоратини таъминлайди. Маъмурий органлар, жамоатчилик ташкилот ва алоҳида фуқаролар томонидан ҳужжатда кўзда тутилган қонунни бузишга ҳаракат қилишдан огоҳлантиради. Ҳуқуқий давлатда ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқлари махсус ҳимоя остига олинади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича махсус орган ташкил этилади (Омбудсмен). Бу орган инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланадиган халқаро ташкилотлар билан алоқада бўлади ва яқиндан фаолият юритади. Истеъмолчилар, тадбиркорлар, мулк эгаларининг манфаатларини ҳимоялаш бўйича мамлакатда қонунлар қабул қилинади.

Қонун чиқарувчи, ижрочи ва суд ҳокимиятлари давлатни бошқариш учлик ягона тизимининг асосини яратади. Бу учлик социал иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланишида асосий роль ўйнайди. Иқтисодиёт ва социал жараёнлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг омилларидан биттаси ислохотлар стратегиясидир.

Социал иқтисодиётни яратишда социал-иқтисодий сиёсатни белгиловчи ва бажарилишини таъминловчи давлат ҳокимлигининг субъектлар ва давлат бошқаруви алоҳида органларининг фаолияти ҳал этувчи аҳамиятга эга. Иқтисодий ислохотларнинг хатолари ва муваффақиятсизлиги кўп ҳолларда субъектив характерга эгадир.

Давлат ўз социал-иқтисодий сиёсатини алоҳида стратегик мақсадларга йўналтирилган ҳолда мақсадли дастурларни қабул қилиш ва ҳар бир босқичда шу мақсадларни биринчи ўринда бўлиши орқали амалга оширади. Барча ички ва ташқи вазиятларни ҳисобга олувчи иқтисодий стратегия тақдим этиладиган ислохотларнинг аҳоли томонидан қабул қилиниши, фуқаролар манфаатларини ҳисобга олиш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, социал-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга оширишда муваффақиятга эришувини таъминлайди.

Саводсиз бошқариш, нотўғри иқтисодий сиёсат, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш механизмларида бузилишлар салбий социал оқибатларга олиб келиши ва иқтисодиётда тангликни яратиши мумкин.

Давлатнинг иқтисодий сиёсати нафақат иқтисодий ва социал муаммоларни ҳал этишга тўғри йўналтирилганлиги, балки бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ кадрларни тайёрлаш, узлуксиз равишда уларнинг малакасини оширишни таъминлаши керак.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг амалдорлар ўрнига янги ва ёш бошқарув кадрларни тайёрлаш — иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва социал иқтисодиётни яратишнинг муҳим омили ҳисобланади.

1.2. СОЦИАЛ ИҚТИСОДИЁТНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Таянч иборалар

Социал иқтисодиётнинг концептуал асослари; неоклассик назария; институционализм; иқтисодий институтлар; концепциялар; "иқтисодий фаровон турмуш даражаси", "умумий мурувват кўрсатувчи давлат" ; "бозор социализми", "иқтисодий бозор хўжалиги", "Социал иқтисодиёт".

Илмий йўналиш сифатида Социал иқтисодиётнинг хусусиятлари, шу атамада, нисбатан яқинда пайдо бўлганлиги билан ибратлидир. XX асрнинг иккинчи ярмида иқтисодиётнинг социал йўналтирилганлигига кўпроқ эътиборини қаратган концепциялар пайдо бўла бошлади. "Мўл-кўлчилик давлати", "Халқ капитализми", "Бозор социализми" деган назариялар пайдо бўлди. Бу концепциялар негизида жамиятнинг муҳим социал муаммоларини ечиш билан боғлиқ бўлган, биринчи навбатда, халқ фаровонлигини кўтаришга қаратилган ғоялари ётади. Социал иқтисодиётнинг фалсафий негизи ҳисобланган иқтисодий социология деган илмий фикр йўналишининг ривожланишини муаффақиятли деб ҳисоблаш мумкин. Иқтисодий социология ғоялари социал иқтисодиёт концепцияларининг барча йўналишларида ўз аксини топади.

Социал жараёнлар ривожини нуқтаи назаридан илк бор иқтисодий таҳлил ўтказиш ҳаракатлари неолиберализм намояндалари томонидан амалга оширилди. Иқтисодий социология тушунчаларининг батафсил тарзда тўлиқ тизимини биринчи бўлиб Макс Вебер таклиф қилган. Лекин, социал иқтисодиёт илмий йўналиш сифатида XX асрнинг 50—60-йилларидаги социал ва иқтисодий жараёнларни боғлаш учун муваффақиятли ҳаракат қилган Т. Парсонс ва Н. Смелсер социолог-олимлар номлари билан бевосита боғлиқдир. 80—90-йилларда иқтисодий социологияни институционаллаштириш жараёни фаолроқ амалга оша бошлади. Илмий тилда "социоиқтисодиёт", "институционал иқтисодиёт", "Социал

иқтисодиёт" тушунчалари пайдо бўлди. Бу тушунчалар ҳозирги кунда социал иқтисодиётнинг илмий йўналиши сифатида АҚШ, Фарбий Европа мамлакатлари ва Россияда кенг тарқалган. Кўплаб монографик тадқиқотлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар нашр қилинди. Россияда иқтисодий социологияга тегишли электрон ресурсларни ахтариш, танлаш, тартибга солиш, ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган иқтисодий социология Маркази фаолият кўрсатмоқда. Иқтисодий социология ихтисослиги бўйича ёш мутахассислар тайёрланмоқда. Социал иқтисодиёт ҳақида гапирсак, бу йўналишда кенг қамровли нашрлар етарлича эмас. Г. Э. Слезингернинг "Социал иқтисодиёт" дарслигининг¹ нашр қилиниши алоҳида эътиборга молик. Мазкур дарсликда социал иқтисодиётнинг фан ва тадқиқот мавзуси сифатида муаллиф талқини берилган.

Иқтисодий социология ва социал иқтисодиёт ўртасида муҳим фарқлари билан бир қаторда ўхшаш томонлари ҳам мавжуд. Иккови ҳам жамиятнинг иқтисодий ҳаётдаги социал жараёнларни ўрганади. Иқтисодий ҳаётнинг социологияси ёки иқтисодий социология фани иқтисодиётга социал ёндашувларни тайёрлайдиган илмий йўналишни белгилайди. Замонавий иқтисодий социология эса, махсус тадқиқот ишларини олиб бориш учун институт шаклига келтирилмоқда.

Иқтисодий социология ҳозирги кунда бир неча тармоқ ва йўналишларга эга. Улар орасида саноат социологияси, қишлоқ хўжалиги социологияси, ривожланиш социологияси, камбағаллик социологияси, тадбиркорлик социологияси, менежмент социологияси, меҳнат захираларининг кўчиш социологияси каби бўлимларни қайд қилиш мумкин.

Иқтисодий социология, фалсафа фанининг йўналиши сифатида ўз ичига асос яратувчи тушунчалар сифатида, айниқса иқтисодий онг, иқтисодий тафаккур, иқтисодий маданият, иқтисодий қизиқиш, иқтисодий хатти-ҳаракат, социал-иқтисодий стереотип ва бошқаларни қамраб олади. Со-

¹ Москва, «Дело и сервис» нашриёти. 2001, 368-бет.

Иқтисодий ривожланиш учун турли босқичларда **иқтисодиётга** жамоатчилик институтлари — сиёсий, ҳуқуқий, **диний** ва бошқаларнинг таъсирини таҳлил қилишга кўпроқ **этибор** ажратилиши хосдир. Иқтисодий социология **иқтисодий** соҳани товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш билан боғлиқ роллар ва вазиятлар тизими сифатида **ифodalayди**. Иқтисодий соҳа сиёсий, таълим, диний ва бошқа **институтлар** билан бир қаторда социал бутунлик тизими сифатида ўрганилади.

Социал иқтисодиёт, иқтисодий социологиядан фарқли **рившида** иқтисодиёт ва жамият социал ҳаёти ўзаро алоқалари қонуниятларини, социал жараёнлар ривожланишига **иқтисодиётнинг** таъсир қилиш механизмини ва, аксинча, социал омилнинг иқтисодиёт ривожланишига бўлган таъсир қилиш механизмини ўрганади.

Иқтисодиёт ва социал иқтисодиётнинг ўзаро алоқасида доимо ошиб бораётган эҳтиёжларга эга бўлган инсон марказий бўғиндир. Ўз навбатида инсон омили иқтисодий ривожланишнинг асосий шартидир.

Иқтисодий ва социал соҳаларнинг ўзаро алоқа қилиш даражаси нафақат иқтисодий, балки сиёсий омилларга ҳам боғлиқ.

Институционализм концепцияларида социал давлатни яратишда сиёсий ҳокимиятнинг ва турли жамоатчилик ташкилотларининг фаол роли назарияси кенг тарқалган. Иқтисодий ривожланишнинг социал йўналтирилганлиги ҳал қилувчи даражада давлат иқтисодий стратегиясига, давлат ҳокимлигининг субъектлар сиёсий ихтиёрига ва бошқарув тизимига боғлиқ.

Социал йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратишда ислохотлар иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлаш, жамиятнинг маънавий ривожланиши, аҳолининг фаровонлигини кўтариш заруриятини ҳисобга олиш лозим. Бундан ташқари, социал-иқтисодий жараёнлар глобаллашувининг жадалланиши шароитида ташқи иқтисодий алоқаларнинг кенгайишини инобатга олиши керак бўлади.

Инсонга нисбатан соф бозорга оид ёндошув деганда, инсон — ишлаб чиқариш омили, тадбиркор учун даромад яратувчи иш кучини тушуниш мумкин. Унинг меҳнат унумдорлиги даражаси ишлаб чиқариш ҳажми ва фойда миқдори таъсир қилади. Шу асосда "Иқтисодий инсон" концепцияси вужудга келган.

Бу концепция бўйича одам — энг юқори даромадларни олиш тамойилидан келиб чиққан ҳолда ўз режаларини ва ҳаракатларини тузадиган оқилона фикрловчи субъектдир¹.

Бу концепцияга нисбатан социал иқтисодиётда инсон, доимо ошиб бораётган эҳтиёжлари билан, иқтисодиёт ривожланишининг пировард мақсади бўлиб ҳисобланади. Эҳтиёжи қондирилган тақдирдагина инсонда ишлаб чиқаришга бўлган унумлироқ ҳаракат қилиш истаги уйғонади.

Социал иқтисодиётнинг концептуал асоси "Маржинализм" концепцияси номи билан машҳур бўлган — чекки нафлик назарияси ҳисобланади. Иқтисодий назариянинг классик мактаби ишлаб чиқариш ва тақлифни ўрганишга алоҳида эътиборни қаратган. Маржиналистлар иқтисодий жараёнларни ўрганишда субъектив-психологик услубдан келиб чиқади. Классик мактаб намояндalари товар қийматини бозор субъектлар хоҳишлари билан боғлиқ бўлмаган объектив миқдор деб ҳисоблаган бўлсалар, маржиналистлар концепциясида эса, қиймат субъектив омиллар, инсон туйғулари орқали аниқланади.

Нафлик назариясининг манбалари Аристотел, Тюрголарга оид бўлиб, маржиналистлар томонидан кейинчалик ривожлантирилган. Улар бу назарияни бозор иқтисодиётининг чекланган ресурслар шароитидан келиб чиққан ҳолда бойитган. Янги чекки миқдор, чекки таҳлил назариясини яратганлар. Маржиналистлар назариясига кўра иқтисодий ҳаёт — бу бирон муаммоларни ҳал этиш учун альтернатив йўллари танлаш жараёни рўй берадиган турли бозорлар йиғиндидир. Одатда, одамлар ўз даромадларидан келиб чиққан

¹ Қаранг: Современный экономический словарь. М., 1997, с. 397.

ҳолда эҳтиёжларини қондиришнинг кетма-кетлигини аниқ тасаввур қила олади.

Чекланган даромадларини тақсимлашда умумий қониқшишни тўлаллигини таъминлаш учун ҳаракат қилади. Ҳар бир ишлаб чиқарувчи чекланган молни, яъни имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарувчи омилларни сотиб олишда ҳам худди шундай ҳаракат қилади.

Маржинализм концепцияси чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиш асосларини яратган Уильям Стенли Жевонс, Альфред Маршалл (Англия), Карл Менгер, Фридрих Фон Визер, Ойген Фон Бем-Баверк (Австрия), Леон Вальрас (Швецария), Жон Кларк (АҚШ), Кнут Виксель (Швеция) каби тадқиқотчилар номи билан боғлиқ.

Чекки нафлик назарияси кейинчалик талаб ва таклиф қонуни, бозор мувозанати, истеъмол танлови, бефарқлиқ эгри чизиғи, солиққа тортиш ва бошқа кўплаб концепцияларни яратишга асос бўлиб хизмат қилди. Маржиналистик ёндашув кўплаб мамлакатларда, шу жумладан, ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда тайёрланадиган ва амалга ошириладиган социал дастурларни тайёрлашда кенг қўлланилади.

Маржинализм иқтисодий назарияда ҳақиқий инқилобни амалга оширди. Классик сиёсий иқтисод назарияси бўйича ишлаб чиқариш соҳаси муомала соҳасига нисбатан бирламчи ҳисобланган бўлса, маржиналистлар эса бирламчи соҳа сифатида истеъмол қилиш соҳасини билган ва, кейинчалик, улар ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ўртасида ўзаро алоқанинг мавжудлигини кўрсатиб берган. Классик иқтисодий назарияда шахсий истеъмол қилиш муаммоси эътибордан мутлақо четда қолди. Маржинализм эса, инсон ва унинг эҳтиёжларини биринчи ўринга қўйдилар. Шу билан бирга, назариянинг вазифаси сифатида, истеъмолчиларнинг шахсий қизиқишларини ва манфаатларини ўрганиш деб ҳисоблайдилар. Бу қарашлар "истеъмолчининг хатти-ҳаракати" назариясини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Социал иқтисодиёт фанининг услубий асослари "фаровонлик назариялар"и билан яқиндан боғлиқ. Аҳолининг фа-

ровонлик муаммолари ҳар хил даврларда кўплаб олимларни қизиқтирган.

Иқтисодий таълимотлар тарихида А.Смит, Д.Рикардо каби сиёсий иқтисод классиклари, А. Маршалл, В.Парето, К.Вексел, А.Пигу каби маржинализм намояндалари фаровонлик назариясининг асосчилари ҳисобланади. Фаровонлик назариясининг мазмуни институционализм тарафдорлари томонидан бойитилган.

XIX асрнинг охирида инглиз олими Генри Сижвик (1838—1900) ўзининг фаровонлик назариясини яратган. Унинг асосий ғоялари қуйидагилардан иборат:

1) ишлаб чиқариш ва тақсимлаш жараёнларининг ўзаро алоқаларида шахсий ва жамоатчилик манфаатлари бир-бири билан тўғри келмайди;

2) бозор механизмлари фақатгина самарали ишлаб чиқаришни таъминлайди, лекин бойликларнинг самарали тақсимланишини таъминлай олмайди;

3) даромадлар текис тақсимланишини таъминлайдиган давлат бозори "ёрдам" бериб туриши, бу эса умумий фаровонлик даражасини кўтаришга имконият яратади;

4) шахсий ва жамоатчилик манфаатлари нафақат бир-бири билан тўғри келмайди, балки улар орасида низолар ҳам бўлиб туради, шунингдек, улар ҳозирги пайтнинг ва келгуси авлоднинг манфаатлари ўртасида танланганлиги намоён бўлади.

Бугунги авлод томонидан мамлакатнинг табиий ресурсларидан фойдаланишнинг кескин суръатлари келгуси авлоднинг манфаатларига тўғри келмайди.

Сижвик назарияси кейинчалик Артур Пигунинг "Фаровонликнинг иқтисодий назарияси" (1912 й.) номли асосий ишида охиригача етказилган эди. А.Пигу тадқиқотларида иқтисодий фаровонлик 2 та миқдорга боғлиқ ҳолда ҳал этилган: а) миллий даромад миқдори; б) миллий даромадларни тақсимлаш усули. Пигу текисроқ (тенг равишда эмас) тақсимлашнинг илмий асосини яратган. Ҳар қандай даромад камаядиган чекки нафлик Қонунининг таъсирида бўли-

шини таъкидлаб ўтган. Бадавлат инсон учун даромадининг чекки нафлиги камбағалнинг даромадидан пастроқ. Шундай қилиб, камбағаллар фойдасига даромадларни қайта тақсимлашда бойларнинг зарарлари камбағалларга нисбатан унчалик аҳамиятли бўлмайди, деган хулоса чиқариш мумкин. Ниҳоят, даромадларнинг қайта тақсимланиши натижа-сида халқнинг умумий фаровонлиги ошади.

А.Пигу иқтисодий инқироз шароитида ишсизликни қисқартириш воситаси сифатида давлат томонидан жамоатчилик ишларини ташкил этиш деб ҳисоблаган.

Фаровонлик назариялари, хилма-хил бўлишлигидан қатъи назар, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини кўтаришнинг асосий омили сифатида даромадларни тақсимлаш ва социал адолатчилиكنи таъминлаш, деган ғояга асосландилар. Социал-иқтисодиёт фаровонлик назариясига асосланган ҳолда, тақсимотчилик назариясини ишлаб чиқариш, айирбошлаш, истеъмолчилик муносабатларининг ўзаро боғлиқлигида таҳлил этади. Социал иқтисодиёт учун энг муҳим масала — иқтисодий ва социал соҳаларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганишдан иборат.

Социал иқтисодиётни ўрганишда услубиётга оид биринчи бўлиб Я.Тинберген ва Г.Мюрдаллар томонидан яратилган "Глобалистика" назарияси алоҳида аҳамиятга эга. Бу назария "Глобалистика асослари"да янги комплекс фан сифатида илмий жиҳатдан асосланган. Бу олимлар "Халқаро тартибни қайта кўриб чиқиш" маърузасини ёзишда иштирок этган. Бу маърузада муаллифлар "Янги халқаро иқтисодий тартиб" ғоясининг илмий асосини яратиб бердилар. Улар жаҳон иқтисодий муносабатларини тартибга солиш заруриятини таъкидлаганлар. Улар томонидан "Инсониятнинг умумий мероси" концепцияси таклиф қилинган. Бу концепцияга кўра жаҳондаги барча табиий ресурслар алоҳида мамлакатларга эмас, балки бутун инсониятга тегишли бўлиши керак.

XX асрнинг иккинчи ярмида институционалистлар томонидан "Менежерлар инқилоби" ва "Жамоатчилик капитализми" назариялари таклиф қилинган эди. Бу концепция-

лар бўйича замонавий капиталистик жамиятда демонополиялаштириш ва мулкнинг тарқоқ қилиниши рўй бермоқда. Ҳокимият алоҳида шахслар қўлида эмас, балки бошқарувчилар, технократлар, жамоалар қўлида тўпланган бўлади. "Менежерлар инқилоби" концепциясида ишлаб чиқаришнинг энг юқори даромадларини олишга эмас, балки жамоатчилаик манфаатларини амалга оширишга йўналтириш ғояси юритилган. "Халқ капитализми" концепциясининг тарафдорлари XX аср капитализми XIX аср капитализмидан кескин фарқ қилади деб таъкидлаган. Ҳиссадорлик жамиятларининг ривожланиши, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи акцияларга чексиз миқдорда эгалик қилиш, капиталнинг бир қисмининг эгаси бўлишга, ишлаб чиқаришни бошқаришда ва даромадларни қайта тақсимланишда иштирок этиш имкониятини беради. Иш берувчилар ва ёлланма ишчилар ўртасида чегаралар йўқ бўлиб кетяпти. Капиталистик фойда халқники бўлмоқда. Давлатнинг фаол қайта тақсимлаш фаол роли, кичик бизнеснинг ва ишлаб чиқариш ҳиссадорлик тизимининг ривожланиши индивидуал ва оила даромадларининг ошиб кетишига, социал гуруҳлар ўртасидаги тафовутларнинг йўқолишига олиб келмоқда.

XX асрнинг иккинчи ярмида иқтисодиёт соҳасида ютуқларга эришилиши, хизмат кўрсатиш соҳасининг роли кучайиши, иқтисодиётнинг ахборот секторининг ривожланиши муносабати билан "Постиндустриал жамият", "ахборотлашган жамият" концепциялари вужудга келган. "Ахборотлашган жамият"нинг муаллифи ҳисобланган америкалик социолог Дэниэл Белл, замонавий жамиятни ўзгартирувчи ва ҳаракатлантирувчи кучи сифатида илмий-техника инқилобини тан олган. Унинг фикрича, постиндустриал жамиятнинг марказий муаммоси университетлар ва илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини ташкил қилишдир.

Ахборот монополлаштириб бўлмайдиган маҳсулотдир. Белл таъкидлаганидек "...мулк бугун фақат ҳуқуқий функциядир, корпорация хусусий мулкчилик институтининг хусусиятларини йўқотиб, фақатгина ташкилот шаклини ифо-

банди". Инсоннинг жамиятдаги ўрни, статуси, фаровонлиги замонавий шароитда мулкрий бойлигига қараб эмас, балки касби ва билимни ўзлаштириш даражасига боғлиқ бўлади.

"Постиндустриал жамият", "ахборотлашган жамият" концепциялари социал иқтисодиётга хос жараёнларни ўрганишга ёрдам беради. Илмий-техника тараққиёти (ИТТ) социал иқтисодиётнинг моддий-техника базасини яратишнинг муҳим шarti ҳисобланади. ИТТ асосида меҳнат унумдорлигининг ошишига эришилади, у ўз навбатида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, даромадларни ва мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини оширишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Замонавий жамиятни назарий жиҳатдан талқин қилишда яна бир "Супериндустриал жамият" концепцияси хизмат қилади. Бу концепциянинг яратувчиси сифатида америкалик социолог - олим Элвин Тоффлерни кўрсатиш мумкин. Супериндустриал жамиятнинг асос солувчи томони, Тоффлер фикрича, унинг вақтинчалигидир. Яъни, кундалик ҳаётда ҳодисаларнинг янгиланиши суръатлар тезлашишини билдиради (нарсаларни бир марта ишлатиш, одамлар орасида алоқаларнинг тезлашиши, миграция жараёнларининг кучайиши, касбнинг тез-тез алмаштириб турилиши, ҳаёт ритмининг умумий тезлашиши, ҳаёт сифатининг ошиши ва бошқалар).

Муаллиф фикрича, ҳаётнинг тез ўтиб кетиши ва сифатининг ошиши мулкчилик муносабатларининг жиддий ўзгаришига олиб келади. Истеъмолчилар мол-мулкни эмас, балки таассуротларни жамлай бошлайди. Аста-секин мулкчилик ҳиссиёти йўқолиб кетади. Одамларда "ташлаш" психологияси ривожланади. Бу назария ҳам яшаш ҳуқуқига эга. Лекин айрим қизиқарли хулоса ва тавсиялар билан бир қаторда (товарлар ва хизматлар бозорнинг тез янгиланиши, эҳти-

¹ Қаранг. *Ю. Б. Юсупов* Становление и развитие экономической науки. Т., 1999, с. 299.

ёжларда ва истеъмол қилиш таркибида тараққиёт ўзгаришлари ва бошқалар) айрим ғоялар Социал иқтисодиёти хос эмасдир ("ташланиш" янги психологияси, истеъмолчилар мулкни эмас, таассуротларни йиғиш).

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда шаҳарлар ролининг кейинчалик пасайиши ҳақидаги башоратлари, уй-меҳнат аҳамиятининг ошиши мунозаралидир. Ўтиш иқтисодиётини кечираётган мамлакатлар ихтиёрида чуқур ўрганишни талаб қилувчи кўплаб назарий лойиҳалар мавжуд. Юқорида айтиб ўтилган концепциялардаги кўплаб ғоялар социал йўналтирилган бозор иқтисодиёти миллий моделини яратишда фойдали бўлиши мумкин.

Социал иқтисодиётнинг замонавий концепциялари кучли социал жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган янги жамиятни яратиш назарияси ва амалиётида ўз аксини топган. Шу нуқтаи назардан, жамият ривожланишининг замонавий босқичида социал иқтисодиётнинг айрим моделларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

1.3. СОЦИАЛ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИ

Таянч иборалар

Социал иқтисодиёт модели; тарихий шарт-шароитлари; геосиёсий шароитлар; миллий хусусиятлар; неолиберализм; социал бозор иқтисодиёти; Швед модели; Герман модели; Америка модели; Россия модели.

Социал иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари турли мамлакатлардаги социал-иқтисодий муносабатлар тизими сифатида тарихий, геосиёсий, миллий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа хусусиятларга эга. Лекин барча моделлар асосида неолиберализм концепцияси ётади. Неолиберализм концепцияси асосида эса, хилма-хил эҳтиёжларга эга бўлган инсон ҳақида ғамхўрлик қилиш ғояси туради. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси аввало мустақил, айниқса,

исоний фазилатга, шахсий фикрлаш эркинлиги каби ҳуқуқларга эга. Жамиятнинг барча аъзолари белгиланган ҳуқуқий меъёрлар ва моддий чегаралар миқёсида шахсий фаровонлигини англаш ва амалга ошириш учун тенг имкониятларга эга¹.

"Социал бозор иқтисодиёти" нинг Германия модели

Янги иқтисодиёт моделларидан бири Германияда амал қилаётган "Социал бозор иқтисодиёти" ҳисобланади. Социал иқтисодиётнинг Германия модели илмий асосини неолиберализм ғояси ташкил этади. Бу концепциянинг негизини кучли давлат томонидан таъминланадиган, эркинлик тамойилларига асосланган, социал йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш вазифаси ҳисобланади. Бу ғоялар социал - бозор ҳўжалик концепциясини яратиш асосини ташкил қилади. Альфред Мюллер-Армак, Александр Рюстов, Вильгельм Рёпке бу концепциянинг муаллифлари ҳисобланадилар. Социал бозор иқтисодиёти концепциясининг ривожда ва бу концепциянинг асосий ғояларини урушдан кейинги Фарбий Германияда ҳаётга бевосита жорий этишда Людвиг Эрхарднинг роли ва хизмати катта бўлди. Социал бозор иқтисодиёти концепцияси муаллифлари мазкур моделнинг мазмунига иқтисодий эркинликнинг лозимлиги, давлат томонидан эркинликнинг кафолатлиги, фуқароларнинг социал ҳимоялашни ва социал адолатни таъминловчи кучли социал сиёсатни давлат томонидан амалга ошириш каби хусусиятларни сингдирган эдилар. Мазкур концепцияда "Социал" тушунча қуйидагича талқин қилинган:

1) биринчидан, иқтисодий самарали бўлганлиги муносабати билан бозор иқтисодиёти жамиятнинг барча аъзолари фаровонлиги учун шарт-шароитларни етарли даражада яратади ва социал табиатга хос хусусиятга эга бўлади.

¹ Қаранг. Лампер Х. Социальная рыночная экономика. М., «Дело», 1994, с. 67.

2) иккинчидан, бозор иқтисодиёти социал номақбул оқибатлар олиб келадиган ҳодисаларни чеклаши керак. Эркин социал жараённинг натижалари социал жиҳатдан йўналтирилганлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиб тузатилиши лозим.

Социал бозор иқтисодиёти модели бозор субъектларининг эркин ривожланишига, ўзининг социал манфаатларини англаб олишга ва шахсий масъулиятни тортишга, бозордаги вазиятга мувофиқ марказлаштириш тизимини йўқотувчи қарорларни қабул қилишга йўналтирилади. Давлат иқтисодий сиёсатини инсон манфаатларига қаратиши лозим.

Социал бозор иқтисодиётининг умумий концепцияга биноан мақсади ва бу мақсадга эришиш воситалари қуйидагилардан иборат:

1) энг юқори даражадаги фаровонликни таъминлаш. Бу мақсад — эркин рақобатчилик, иқтисодий эркинлаштириш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, жамиятнинг меҳнатга қодир аъзоларининг тўлиқ бандлигига интилиш, ишлашни хоҳлайдиган ҳар бир кишига кафолатланган даромад, ташқи савдонинг эркинлашиши, валюталарнинг эркин алмашувини, халқаро меҳнат тақсимотини кенгайтиришни ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш орқали эришилади. Буларнинг барчаси энг юқори даражали фаровонликни кўтаришнинг асосий йўллари бўлиб ҳисобланади;

2) социал адолатли пул тизимини ва асосий моллар(товар) ва хизматларнинг нархлари барқарорлигини таъминлашдан иборат. Бу мақсадга мустақил эмиссион банкнинг мавжудлиги, давлат бюджетининг нисбатан барқарорлиги, мамлакат иқтисодиётнинг доимий ўсиши асосида тўлов балансининг яхшиланиши орқали эришиш мумкин;

3) социал таъминланганликни, социал адолатни, оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, даромадларни ва мулкни адолатли тақсимлашни ўрнатиш;

4) аҳолини ижтимоий ҳимоялаш асоси социал маҳсулот ҳисобланади. Бу жамиятни ижтимоий ҳимоялашга йўналти-

риладиган, ялпи ички маҳсулотнинг маълум қисмидир. Социал тараққиёт ва социал адолатсизликни йўқотишнинг асосий гарови ҳалол рақобатчиликнинг ривожидир. Давлат ижтимоий ҳимоялаш тўловлари, нафақа, ёрдам тўловлари, ишаш жой учун кўшимча тўловлар, дотациялар шаклида даромадларни ва мулкни адолатли тақсимлаш тadbирларини амалга оширади... Социал бозор иқтисодиёти концепцияси ижтимоий-сиёсий тuzатишларда белгиланган чекларнинг заруриятини таъкидлайди. Иқтисодий сиёсатда шахс ва ижтимоий гуруҳларнинг эркинлигини чекламаслик керак.

Иқтисодиётнинг ва ижтимоий жараёнларнинг ижтимоий бозор моделига мувофиқ ривожланиши урушдан кейинги дастлабки йилларнинг қийин шароитларига, пасайиш ва кўтарилишга қарамасдан, Фарбий Германияда иқтисодий жиҳатдан тараққий қилиниши, муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг қулай шароитларини таъминлаган. Мамлакатнинг Фарбий ва Шарқий қисмлари бирлашгандан сўнг иқтисодиётнинг социал йўналиши бирлашган Германияни қамраб олди. Тўпланган иқтисодий имкониятлар, жиддий социал муаммоларни ҳал этишдаги тажрибаси мамлакатнинг Шарқий қисмидаги социал қийинчиликларни ҳал этишга ёрдам берди.

Социал иқтисодиётнинг Америка модели

Социал-иқтисодий ривожланишнинг Америка либерал бозор модели тadbиркорлик фаолият эркинлигини ҳар тарафлама рағбатлантириш, ресурсларнинг тўлиқ бандлигини ва нархлар барқарорлигини таъминлаш тизими бўйича тuzилган. Бу ҳолат аҳолининг энг фаол қисми бойиши учун шароит яратади. Урушдан кейинги даврлардаги АҚШнинг кучли иқтисодий қудрати асосида аҳоли турмуш даражаси ва турмуш сифатининг юқори кўрсаткичларга эришиш имкониятлари пайдо бўлди. Иқтисодий ва социал ҳаётнинг ўзаро алоқалар Америка модели меҳнат унумдорлигининг юқори даражасига ва шахсий муваффақиятларга эришиш-

нинг оммавий интилишига асосланган. "Умумий тинчлик", "халқ капитализми", "халқ фаровонлиги" назариялари америка турмушини акс эттиради. Жаҳон иқтисодиётига хос, кўплаб социал муаммолар АҚШда олдинга сурилмайди. Масалан, социал гуруҳлар орасидаги тўлиқ социал тенгликка эришиш вазифаси иқтисодий сиёсатда йўналиш сифатида ўз аксини топмаган. Бунинг эвазига кам таъминланган гуруҳлар учун шахсий имтиёз ва нафақа ҳисобидан маъқул турмуш даражаси таъминланади.

Энг самарали бўлган бозор иқтисодиёти ҳам социал ривожланишга айрим хавф туғдиради, жиддий социал муаммоларга олиб келиши мумкин. Улар давлатнинг фаол социал сиёсати орқали ҳал этилиши мумкин. Даромадларни тақсимлаш бозор механизми тadbиркорлик фаолиятини рағбатлантиради — табиий қобиялиятга эга бўлган, олий маълумотли, меҳнат малакасига, тўпланган капиталга ва мулкка эга бўлган одамлар юқори даромадларга ва таъминланган ҳаётга эга. Бундан ташқари, бирон-бир сабабларга кўра юқорида айтиб ўтилган томонларга эга бўлмаган одамлар тоифаси ҳам мавжуд. Кекса инсонлар, жисмоний ва ақлий нуқсонли жамият аъзолари, бевалар, ишсизлар, етим болалар ва бошқалар жамият томонидан ёрдам ва қўллаб-қувватланишга муҳтождир.

Ҳатто, АҚШ каби иқтисодий ривожланган мамлакатда қамбағаллик масаласи энг жиддий тарзда муаммо ҳолича қолмоқда.

АҚШ ҳукумати иқтисодий сиёсатининг энг муҳим вазифаси — даромадлардаги тафовутларни камайтириш ҳисобланади.

Бу сиёсатнинг муҳим йўналтиришлари, қуйидагичадир:

1) муҳтождлар, боқимандалар, ногиронлар, ишсизларга ёрдам пулини тўлаш учун мўлжалланган трансферт тўловларни жорий этиш;

2) "Медикер" социал дастурини амалга ошириш. Бу дастур касалликлар бўйича давлат томонидан суғурталаш, бепул тиббий ёрдам кўрсатишдан иборат;

3) бозорда нарх шаклланишига давлатнинг аралашуви орқали даромадларнинг қайта тақсимланиши. Давлат фермерлик хўжаликлар маҳсулотига кафолатланган нархлар белгилайди;

4) энг кам иш ҳақининг чегараларини қонуний асосда белгилаш;

5) бадавлат кишилар даромадларининг бир қисмини солиқ тизими орқали даромадлари ўртача даражадан паст бўлган социал гуруҳларга бериш ("Робин Гуд самараси").

Тадбиркорлик эркинликка, рақобатчиликка, бозор ва бозорга оид бўлмаган механизмлари орқали даромадлар қайта тақсимланиши жараёнига давлат аралашуви асосланган Америка либерал бозор модели халқ турмушининг юқори даражасини таъминлаган. Лекин иқтисодий ўсиш ва ҳал қилинмаган социал муаммолар орасида доимо зиддиятлар пайдо бўлиб туради. Иқтисодий пасайиш, инфляциянинг кучайиши, ишсизликнинг ошиши, ҳарбий харажатларнинг ошиб кетиши даврларида Америка ҳукумати социал эҳтиёжларга харажатларни камайтириш, нафақаларни, ёрдам пулларини, иш ҳақини музлатиш каби тадбирларни амалга оширади. Тармоқлараро касаба уюшмалари ўз аъзоларининг ижтимоий аҳволини яхшилаш мақсадида доимо ҳукумат билан кураш олиб боради. Ҳукуматнинг солиқ сиёсати, даромадларни қайта тақсимланишининг салбий таъсири доимо танқид остига олинади. Амалдаги солиқ сиёсати бой ва камбағаллар ўртасида тафовутни қисқартирмайди, балки, аксинча, бу фарқ йилдан йилга оша бормокда. Натижада ҳукуматнинг социал дастурлари доимо ўзгариб туради. Қайд қилиш лозимки, жиддий социал муаммоларни ҳал этишда АҚШ етарли ресурсларга эга.

"Социал йўналтирилган иқтисодиётнинг" Швеция модели

Социал йўналтирилган иқтисодий модел швед мактабига хосдир. Бу концепциянинг энг машхур намоёндалари Г. Мюр-

дал, Б.Олин, Г.Кассел, Э. Линдал, Э. Лундберг, Б. Хансенлар ҳисобланади.

Швед мактаби XX асрнинг 30-йилларида вужудга келган. Шу пайтда мамлакатнинг иқтисодчи олимлари "Улуғ депрессия"нинг сабабларини ва ундан чиқиб кетиш йўллари топиш билан шуғулландилар. Ж. М.Кейнс каби швед мактабининг намояналари ўша йилларда социал трансфертларни музлатиш ва иш ҳақини қисқартириш сиёсатининг яроқсизлиги тўғрисидаги фикрни кун тартибига қўйдилар. Улар тангликка қарши пул сиёсатини тартибга солиш талаби билан чиқдилар. Улар томонидан иқтисодиётга давлат аралашувини кенгайтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш, солиққа тортишнинг прогрессив усуллари ни жорий этиш моделини яратган эдилар.

Социал йўналтирилган иқтисодиёт швед моделига иқтисодиётни тангликсиз ривожлантириш мақсадида давлат томонидан тартибга солишни қўллаб-қувватлаш, даромадларни ва мулкни қайта тақсимлаш муаммосини фаол ўрғаниш, синфий бирдамлик ғоясини қўллаш хосдир.

Швед мактабининг ғояси сиёсий ҳаракатлар, айниқса, социал-демократлар томонидан кенг ишлатилмоқда.

Социал йўналтирилган иқтисодиётнинг швед модели бошқа моделлардан ўзининг кучли ижтимоий сиёсати билан фарқланади. У даставвал мулккий тенгсизликни қисқартиришга йўналтирилган. Бу мақсадда кам таъминланганлар фойдасига даромадларни қайта тақсимлаш механизми ишлатилади. Давлат асосий фондларнинг 4% эга бўлиб, ЯИМ сарфлар қисми умумий суммасининг 70%ни қоплайди. Бу харажатларнинг ярмидан ортиғи социал мақсадлар учун ишлатилади. Даромадлар қайта тақсимланиши, асосан солиққа тортиш юқори меъёри орқали амалга оширилади. Ижтимоий-иқтисодий тизимнинг швед моделини "Функционал социаллаштириш" деб атайдилар. Бу тизим бўйича ишлаб чиқариш вазифаси хусусий корхоналар зиммасига юкланади, давлат эса турмушнинг юқори даражасини сақлашни таъминлайди. Давлат бандлик, таълим-тарбия, тиб-

Олий ёрдам кўрсатиш, социал суғурталаш ва транспорт, илмий тадқиқот муассасалари каби социал инфратузилмалар ишларини ташкил этиш ҳақида қайғуради.

Социал иқтисодиётнинг Россия модели

МДХ давлатлари орасида Россия Социал иқтисодиётни яратиш учун энг катта иқтисодий захира қудратига эга. Давлат Конституциясининг 7-моддасига мувофиқ Россия Федерацияси социал давлат сифатида таърифланади. Бу давлатнинг сиёсати Конституцияга мувофиқ инсоннинг муносиб ҳаёт кечирishi ва эркин ривожланиши учун шароитлар яратишга мўлжалланган. Бундан ташқари, мамлакатнинг асосий қонунида давлатнинг вазифаси — ҳар бир инсон ҳақида ғамхўрлик қилиш ва фуқаролар мажбуриятлари — ўз фаровонлиги учун кафолатланган эркинлик ва мулк муносабатлари асосида жавобгар бўлиш кабилар белгилаб қўйилган. Давлат ва шу давлатда яшайдиган ҳар бир инсон ўртасидаги ўзаро мажбуриятлар мамлакатда социал иқтисодиётни шакллантириш учун замин яратади.

XX асрнинг 90-йилларида марказлашган буйруқбозлик тизимининг емирилиши натижасида Россия олимлари бозорга асосланган социал йўналтирилган иқтисодиётнинг янада ривожланиш йўллари топишни бошлади. Шу соҳа бўйича ҳозирги кунда Москва Давлат университетида, Россия Федерациясининг Меҳнат Вазирлиги қошидаги Меҳнат Институтида, Бошқариш ва тадбиркорлик Институтида, Бошқариш Давлат Университетида, "Иқтисодиёт Олий мактаби" Давлат Университетида, Москва шаҳар иқтисодиёт институтида олиб борилган ва давом этаётган илмий изланишлар алоҳида эътиборга сазовордир. Илмий тадқиқот натижалари мамлакатни ва минтақаларни социал-иқтисодий ривожлантириш бўйича башоратлари ишлаб чиқишда кенг ишлатилади.

МДХнинг кўплаб мамлакатларидагидек, Россия Федерациясида ҳам социал иқтисодиётни шакллантириш жараё-

ни кўплаб қийинчиликлар ва зиддиятларни ҳал қилиш орқали амалга ошмоқда. МДХ давлатларида ва Шарқий Европа мамлакатларида марказлашган буйруқбозлик иқтисодиётидан бозор иқтисодиётига ўтиш асосий икки йўл билан амалга оширилади:

— Иқтисодиёт асосларини тезкорлик билан ислоҳ қилиш бозор механизмларини жорий этиш, бозор институтларини яратиш орқали;

— Иқтисодий ислоҳотлар ёрдамида секин-аста ва босқичма-босқич бозор иқтисодиётига ўтиш.

Биринчи йўл шартли равишда "Фалаж терапия"си услуби деб номланган. Бу услуб бозор муносабатларига нисбатан қисқа муддат ичида ўтишга асосланган. Россия Федерацияси айнан шу бозор ислоҳотлар йўлини танлаган. Бозор иқтисодиётига ўтишда "Икки йиллик дастур", "500 кунлик дастур", "100 кунлик дастур"лар вужудга келган. Аммо ҳаёт кўрсатганидек, белгиланган "дастурлар" илмий жиҳатдан асосланмаган ва амалга ошмайдиган хаёлий дастурлар бўлиб чиқди. Улар собиқ Иттифоқда 20 йилга мўлжалланган коммунизм жамиятини куриш дастуридан жуда кам фарқ қилади.

Иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятсизликлар, мулкчиликни ваучерлаштириш орқали ислоҳ қилиш, қишлоқ хўжалигидаги, пул-кредит сиёсатидаги омадсиз ислоҳотлар нафақат иқтисодий ўсиш суръатларида, иқтисодиётни тиклашга, балки жамиятда социал тангликка олиб келди. Бу кўплаб корхоналар фаолиятининг тугатилишида, мулкни адолатсиз тақсимланишида, саноатга асосланган минтақаларда ишсизлик миқдорининг беқиёс ошиб кетишида, иш ҳақи, нафақа ва ёрдам пуллари тўлаш кечиктирилишида аксини топган. Ички сиёсатнинг барқарорсизлиги, ҳукуматнинг тез-тез алмашиб туриши иқтисодий ривожлантиришни тезлаштириш бўйича кенг дастурларни амалга ошириш ва муҳим социал дастурларни ҳал этиш имкониятларини бермади ва тўсқинлик қилди.

Бугунги кун нуқтаи назаридан ўтиш даврининг ўтган йилларини, янги социал иқтисодиётни яратиш йўлларини

ахтариш, тажрибалар қўйиш вақти деб тавсифлаш мумкин. XXI асрнинг бошлари Россия Федерацияси учун иқтисодий қийинчиликларни муваффақиятли ечиш учун иқтисодий ва социал ривожланишдаги йўлга қўйилган хатоларни тузатиш учун қулай имкониятлар пайдо бўлиши билан ифодаланган. Ҳозирги кунда иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичларига эришилмоқда ва шу асосда социал муаммоларни ҳал этиш учун истиқболли дастурлар қабул қилинмоқда. Бугунги кунда ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатнинг муҳим социал масаласи — камбағалчиликни қисқартириш, кейинчалик эса уни батамом йўқотиш масаласи белгиланган.

Яқин 10 йилликда мамлакатнинг иқтисодий қудратининг янада кучайиши ва аҳоли пул даромадларининг ошиб кетиши мўлжалланмоқда. Ҳукуматнинг социал дастурида инсоний капитални ривожлантиришга катта инвестицияларни жалб қилишга алоҳида ўрин ажратилган. Таълим ва илм соҳасида ишлайдиган ходимлар иш ҳақининг ошиши муносабати билан "қайтиб келганлар" ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ҳолатининг кучайиши кузатилмоқда. Ҳукумат порахўрликка, мамлакат бойлигини ўғирлашга, социал адолатсизликни туғдирадиган сабабларга қарши кураш чораларини кучайтирмоқда.

1.4 ЎЗБЕКИСТОНДА СОЦИАЛ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Таянч иборалар

Иқтисодий ислохотларнинг Ўзбекистон модели; социал иқтисодиётнинг ҳуқуқий асослари; социал йўналтирилган бозор иқтисодиёти; давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш; мулкдорлар синфининг шаклланиши; социал-иқтисодий жараёнларни эркинлаштириш.

Ҳар бир мамлакат ўзига хос социал-иқтисодий ривожланиш тарихига эга. Социал йўналтирилган бозор иқтисодиёти ҳозирги кунда қадимги Суғд ва Хоразм вақтидаги

Сомониёлар ва Амир Темур давридаги давлатчиликни ривожлантиришнинг айрим томонларини ақс эттиради. Шунинг таъкидлаш лозимки, айтиб ўтилган даврларнинг социал ҳаётининг айрим томонлари ҳалигача ўрганилмаган. Ўтмишдаги социал-иқтисодий жараёнларни чуқур ўрганишга яқиндан эътибор бериш барча халқларда ҳамма вақт умуминсоний неъматлар мавжудлиги, шу билан бирга, социал ва иқтисодий ўзаро алоқаларда намоён бўладиган жамоатчилик муносабатлари мавжудлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда социал ва иқтисодий муносабатларнинг ўзаро алоқалар муаммоларига илмий жиҳатдан ёндашиш мамлакатнинг узоқ тарихига эътибор беришни талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, "...улкан тарихий меросга таянган, шу билан бирга, умумэтироф этилган демократик тамойил ва меъёрларга риоя қилган ҳолда, мамлакатимизни ўзимиз хоҳлагандек қуриш имконияти туғилди.¹

Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар мавжуд бўлган ресурслардан оқилона фойдаланиш воситалари ва моделларини танлашни инобатга олган.

Ўз йўлини танлашдан олдин Ўзбекистонда Туркия, Хитой, Шарқий Европа, Корея, Сингапур, АҚШ каби мамлакатларнинг бозор иқтисодиёти моделлари чуқур ва ҳар тарафлама ўрганилган эди. Ўзбекистон учун швед, герман, япон моделлари ҳам афзал эди.

Шунинг таъкидлаш лозимки, битта мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланиш моделини бошқа мамлакатга юзаки кўчириб бўлмайди. Ҳар бир мамлакат ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларига эга. Бу давлатнинг геосиёсий ҳолатига, ресурс имкониятларига, демографик жараёнларига, миллий одатлар, анъаналарига ва бошқа кўплаб социал, ахлоқий-психологик хусусиятларига боғлиқ.

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон, XXI асрга интилмоқда. Т., 1999, 3-бет.

1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, бир ярим асрлик мустамлакачи тузумидан кейин янги демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятни қуриш учун кенг имкониятлар яратилди. Мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб, айнан шу жараёнга кенг қатламли мутахассислар, олим-ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар, иқтисодчилар, тарихчилар, давлат ва жамият арбобларини жалб этиш жараёни бошланди. Ўтиш даврининг, маъмурий-буйруқбозлик тизимини бозор тизимига айлантириш учун илмий жиҳатдан асосланган дастур лозим эди.

Ўзбекистон мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ олдинги тузумдан мерос бўлиб қолган жиддий муаммоларни мустақил ҳал этиш йўлига ўтди. Чуқур гипертрофия бўлган бир томонлама иқтисодиёт, мустамлака тузумдан қолган бой табиий ва минерал хом ашё ресурсларини ишлатиш таркиб, иш кучининг тақсимоти, нарх шаклланиши ва аҳоли истеъмолининг таркиби ўтмишнинг мероси бўлиб қолган буйруқбозлик иқтисодиётидан бозор тизимига ўтиш механизмлари ва шакллари мустақил равишда аниқлаш масаласи вужудга келди.

Бозор иқтисодиётига ўтган кўплаб мамлакатларнинг бой тажрибасини ўрганиш Ўзбекистонда социал йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш заруриятини туғдирди. Бу танлаш нафақат жаҳон тажрибасини ҳар тарафлама ҳисобга олишга асосланган эди, балки республика аҳолисининг яшаш шароитлари, анъаналари, одатлари, турмуш тарзи инобатга олинди.

Ўзбекистонда социал йўналтирилган иқтисодиётнинг шаклланиши Президент И.А. Каримов томонидан таърифланган, ўтиш даври сиёсатининг бешта асосий тамойилларига асосланган: Улар қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодиёт сиёсатдан устундир, унинг ички мазмуни бўлиши керак. Сиёсат иқтисодиётнинг акси бўлиб, унинг ривожланишига хизмат қилиши лозим. Улар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, ягона бутунликнинг икки қисмини ташкил қилади. Бундай ўзаро алоқада иқтисодиёт биринчи ўрин-

ни эгаллаган ягона тизимнинг дастлабки бўғини сифатида амалда бўлади. Лекин бу сиёсатнинг иккинчи даражали эканлигини билдирмайди. Иқтисодий сиёсат иқтисодиётни мустақкамлашга, ривожланиш стратегиясини аниқлашга хизмат қилади. Асосланмаган, хатоли иқтисодий сиёсат иқтисодиётга тузатиб бўлмайдиган зарба беради ва якуний мақсаднинг барбод бўлишига олиб келади. Иқтисодиёт ва сиёсат фақатгина биргаликда келишилган ҳолда бош социал мақсад — аҳолининг турмуш даражасини ошириши ва ижтимоий ҳимоялаш мақсадларига эришиши мумкин.

2. Бир социал-иқтисодий тизимдан бошқасига ўтиш даврида кўп қийинчиликлар ва зиддиятлар табиий ҳолда рўй бериши мумкин. Уларни ҳал этиш учун давлат томонидан кучли бошқариш талаб қилинади. Айнан давлат барча ислохотларнинг ташаббускори ҳисобланади. У иқтисодий ривожланишнинг биринчи ўринли йўналишларини белгилайди, жамиятнинг социал-иқтисодий ва социал-сиёсий ҳаётининг тубдан қайта ислоҳ қилиш сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади. Ўтиш даврида давлат асосий ислохотчисидир. Бу омил битта социал-иқтисодий тизимни бошқа тизимга айлантириш жараёнининг тартибсиз ривожланишига йўл қўймайди, бу жараённинг белгиланган мақсадга қаратилиши ва босқичма-босқич амалга ошишини таъминлайди.

3. Ўтиш даврининг бошида келгуси социал йўналтирилган иқтисодиётнинг ҳуқуқий асосларини яратиш лозим. Ўтиш даврининг ўзи ҳуқуқий асосга таяниши керак. Фақатгина ҳуқуқий давлатда иқтисодий ва социал ислохотларнинг қўлга киритилган ютуқлари сезиларли натижаларга эришиши таъминланади.

4. Демографияга оид хусусиятлар ва мураккаб социал муаммоларга эга бўлган Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялашни талаб қилади. Ўзбекистонда олдинги тизимдан аҳолининг, айниқса, қишлоқ жойларида ишсизлик, энг паст турмуш даражаси муаммолари мерос бўлиб қолди. Бундан ташқари бу муаммога иқтисодий инқироз муносабати билан кучайиб кетган ишсизлик муаммоси қўшилди. Умумиттифоқ аҳамиятга эга

бўлган кўплаб йирик корхоналар фаолиятининг тугатилиши, собиқ совет иттифоқининг бошқа минтақаларидан етказиб туриладиган хом ашё ва буюртмаларнинг тўхталиши ишсизлар сонининг кўпайишига олиб келди. Ишсизлик эса, даромадлар манбаларини қисқартиради ва камбағал оилалар сонини оширади. Талаб ва таклиф таъсирида бозор муносабатларига ўтиш моллар ва хизматларга нархларнинг кескин ошиб кетишига олиб келади. Жаҳон ресурслар бозорига мамлакатнинг чиқиши ички бозордаги нархларнинг халқаро даражадаги нархларга мослашишини талаб қилади. Нархни шакллантириш, бозор механизмларини жорий этиш жараёни оилаларнинг паст даромадлари шароитида социал ҳимоялаш ва социал кафолатларнинг кучли ва самарали механизминини яратишни талаб қилади. Фақат шу ҳолда бозор иқтисодиётига ўтиш ва мамлакатда социал-сиёсий барқарорликни сақлашни таъминлаш мумкин.

5. Янги бозор муносабатларини шакллантиришнинг босқичма-босқичлиги иқтисодий ислохотларнинг муҳим томони ҳисобланади. Бошқа мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш тажрибаси Ўзбекистонга тўғри келмаган. Қисқа муддатда бозор механизмларининг жорий этилиши йиғилган социал муаммоларни янада чуқурлаштирарди ва аҳолининг қашшоқлигига олиб келарди. Фақатгина бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш етакчи тамойиллардан бири ҳисобланади. Бу тамойил иқтисодий ислохотларнинг бутун ички мантиқини, характерини белгилайди. Ҳукуқий асосни, бозор таркибини яратиш учун мулкчилик, аграр муносабатлар ва социал соҳаларда чуқур ислохотларни амалга ошириш жараёни вақтни талаб қилади. Бу жараён эса, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш орқали амалга ошади. Бундан ташқари, бозорга босқичма-босқич ўтиш жараёни одамлар онгида янги иқтисодий тафаккурни, бозорга нисбатан бўлган психологияни, бозор вазиятларига мослашишни талаб қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлай оладиган янги авлод, кадрларни, мутахассисларни тайёрлаш муаммосини ҳам ҳал этиш зарур эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов: "Биз ўзимиз учун: бозор иқтисодиётига сакраш, инқилобий вайроналиклар йўли билан эмас, балким босқичма-босқич, яъни тадрижий йўл билан ўтишни танлаб олдик. Ҳар бир босқич олиб борилаётган ислохотлар стратегиясини амалга оширишда бўғиндир"¹.

Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишнинг муҳим тамойили олдинги тизимдан қолган барча ижобий тажрибага эҳтиёт билан муносабатда бўлишни талаб қилади. Шу билан бирга ислохотларнинг асосий босқичларини ажратиб олиш қоидаларига риоя қилиш ва ҳар бир босқич учун аниқ мақсадларни белгилаш ва уларга эришиш механизмини аниқлаш лозим.

Жаҳон тараққиёт тарихий жараёни шуни кўрсатадики, Шарқ мамлакатлари ўзига хос хусусиятларга эга. Улар анъаналардан, одатлардан, фикрлаш услубидан, эҳтиёткорликдан келиб чиқади.

Бозор асосида иқтисодий ва социал ривожланиш Ўзбекистон моделининг фарқли томони — ишлаб чиқариш Осиё усулига хос бўлган, ўз ичига барча ижобий хусусиятларни минг йилларда тўплаган анъаналар, одатлар ҳисобланади.

Социал-иқтисодий муносабатлар осие тизимнинг фарқли томони **патернализм**дир. Патернализм асосида қадимги Хитой файласуфи Конфуцийнинг таълимоти ётган. Бу таълимотда ҳокимлар ва аҳоли ўзаро муносабатларини олиб бориш қоидалари аксини топган. Бу таълимот шарқий ахлоқий қадриятларга таянади — ҳукуматга нисбатан ҳурмат, халқнинг эҳтиёжлари ҳақида ҳукуматнинг қайғуриши кабиларга асосланган. Бу таълимотга мувофиқ давлат ва халқ ўртасидаги муносабатлар ота-оналар ва болалар ўртасидаги ўзаро муносабатларга ўхшаши лозим. Давлат раҳбари халқини ўзининг болаларидек севиши лозим. Халқ эса, ўз навбатида, раҳбарини ота-онасидек ҳурмат қилиши керак. Оила-

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., 1995, 12-бет.

нинг кучли ахлоқий урф-одатлари, келгуси авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш, катталарни ҳурмат қилиш Конфуций таълимотининг муҳим томонлари деб ҳисобланади.

Патернализм зўравонликни, синфий курашни, социал низоларни инкор қилади. Бу таълимотга социал келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш хосдир. Патернализмнинг кўплаб қоидалари, Куръондан сўнг, мусулмон дунёсининг энг муҳим диний асари ҳисобланган ҳадис ҳикматларига ўхшашдир. Уларда, масалан, "Отага итоат қилиш — Оллоҳга хизмат қилиш билан баробар" каби ҳикматлар мавжуд.

Ишлаб чиқариш Осиё усулига ўз-ўзини жамоатчилик асосида бошқариш шакли хосдир. Осиё тизимига мувофиқ, оилада ва жамиятда ҳамма ўз фикрини билдириши мумкин, лекин охири қарор қабул қилишга кекса, ҳаётий тажрибага, билимга, ҳурматга сазовор бўлган инсон ҳақлидир.

Бу анъанадан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасида социал-иқтисодий жараёнларни бошқаришда оила, маҳалла, қишлоқда фуқаролар кенгашларига кенг ҳуқуқларни берадиган бошқариш ижтимоий-сиёсий таркиб яратилди. Халқнинг жамоатчилик онгида бошқариш давлат органларини, танланган раҳбарларини ҳурмат қилиш одат бўлиб қолган. Давлат ўз халқининг фаровонлиги, жамиятда тинч, эркин, ижтимоий ҳимояланган ҳаёт ҳақида доимо қайғуради.

Ўзбекистон Конституциясининг 7-моддасига биноан "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади". Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқнинг муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади.

Патернализм таълимотига кўра бутун давлат ва миллат тақдирини ҳал этувчи муҳим қарорларни қабул қилишда давлат раҳбари жавобгардир. У қонунчиликка асосланган ҳолда давлат дастурларини амалга ошириш учун лозим бўлган стратегик ресурсларни тақсимлашда кенг ҳуқуқларга эга.

Шунинг учун социал-иқтисодий ривожланиш Осие тизимида Президентга, Вазирлар Маҳкамасига, халқ вакилларидан ташкил топган мамлакат парламентига муҳим роль ажратилган.

Осие тизимининг яна бир аҳамиятли хусусияти мавжуд. Ғарб маданиятининг марказида "Мен", "Меники" нуқтаи назаридан дунёга қараш бўлса, Осие маданиятида "Бизлар", "Бизларники", "жамиятчилик" тушунчалари асосий ўрин эгаллайди. Бу хусусият маиший, ишлаб чиқариш муносабатларида, ижтимоий ҳаётда, одамлар истиқомат қилиш тарзида намоён бўлмоқда. Шарқий тизимда жамоатчилик, жамият манфаатлари устундир. Инсон Шарқда жамоа, социал гуруҳнинг аъзоси ҳисобланади. Шу билан жамиятнинг ҳар бир аъзоси барча Конституцион ҳуқуқларга эга. Унинг шахсий манфаатлари ва мулки давлат томонидан ҳимояланади.

Шарқона анъаналар, миллат менталитети барча амалга оширилаётган социал-иқтисодий дастурларда ўз аксини топган. Улар мулкчиликни ва бошқа иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ҳисобга олинади, халқнинг урф-одатлари бозор муносабатларининг хилма-хиллигида намоён бўлади.

Шарқ демократияси социал вазиятнинг кескинлашувига йўл қўймайдиган ислохотларни чуқурлаштириш имконини беради. Бунда сиёсий плюрализм, альтернативлик, турли социал гуруҳлар манфаатларини ҳимоялаш ҳисобланади.

Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, демократик жараёнлар стихияли тарзда ривожланмаслиги керак. Демократик ислохотлар давлатнинг фаол иштирокида амалга оширилади. Жамоатчилик, нодавлат ташкилотлар фаолиятининг ривожланиши учун давлат ҳуқуқий шароитлар яратиб беради, демократик жараёнларни конституциявий талабларга мувофиқ бошқариб боради. Демократик ўзгаришлар бошқарилмаган ҳолатларда сиёсий тузум ва аҳолининг айрим социал гуруҳлари орасида низолар пайдо бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда оломон ҳаракати вужудга келиши мумкин (Бунга 2005 йилдаги Қирғизистон воқеалари мисол бўла олади). Ўтиш даврида демократик ўзгаришлар тўлқинида экстре-

Истик кучлар пайдо бўлиши мумкин. Улар қонуний ҳоки-
мийатни зўравонлик билан ағдариб ташлашга уриниб кўра-
дилар. Бундай кучлар одатда чет мамлакатлар томонидан мод-
дий, ҳарбий, молиявий ва гоаявий томондан қўллаб-қув-
ватланадилар. Демократик жараёнлар юқори билимдонлик
даражасида бошқарилган тақдирда бундай ўзгаришларни халқ
қўллаб-қувватлайди ва экстремистик ҳаракатларга тегишли
зарба берилади.

Шарқ демократияси шунчалик хилма-хилдирки, ҳали-
гача бу ҳодиса охиригача ўрганилмаган.

Социал йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ўз мил-
лий хусусиятларига эга бўлган Марказий Осиё минтақаси
мамлакатларида шаклланиш тажрибаси, шубҳасиз ўтиш
иқтисодиёти назариясини бойитади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган социал йўналтирил-
ган бозор иқтисодиёти модели дунёнинг ривожланган мам-
лакатлар намунаси бўйича социал иқтисодиётни яратишда
янада янги имкониятларини очиб бермоқда.

Социал йўналтирилган бозор иқтисодиётининг Ўзбекистон модели

Социал иқтисодиётни тадқиқот услубиятига оид дол-
зарб масалалардан бири — ўтиш даврида шаклланиш бос-
қичларини ўрганиш ҳисобланади. Иккинчи Жаҳон Уруши-
дан кейин Европанинг, Жануби-Шарқий Осиёнинг бир
қатор мамлакатларида ўтиш даври ва ишлаб чиқаришнинг
урушдан олдинги даражасини тиклаш жараёни 12-15 йил-
лар давом этган. Германия Федератив Республикаси, Япо-
ния, Жанубий Корея каби мамлакатлар шу давр мобайнида
иқтисодиёти таркибини тубдан ўзгартириб, Жаҳонда ри-
вожланиш жиҳатдан етакчи ўринни эгаллаган. Уларнинг таж-
рибаси социал бозор иқтисодиётини яратиш бўйича намуна-
деб ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, иқтисодиётни маъмурий-
буйруқбозлик тизимидан бозор тизимига ўтказиш жараёни

ҳар хил вақт узунлигида давом этиши мумкин. Бу вақтнинг давомийлиги мамлакатнинг шу ўтишга тайёргарлигига ва ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар мураккаблигига боғлиқ. Агар мамлакат бозор йўли билан ривожланиш учун зарурий асосларга, етарлича тажрибага, ўтиш жараёнининг қийинчиликларини кечиришга аҳолининг тайёргарлигига эга бўлса, бу ҳолда Германия Федератив Республикасида амалга оширилган "фалаж терапия"си йўли тўғри келиши мумкин. Бу мамлакатда тўғри танланган сиёсат туфайли иқтисодий ислоҳотлар тезкорлик билан, кескин тарзда ва босқичма-босқич амалга оширилган. Шу вақтнинг ўзида пул ислоҳоти, нарх ислоҳоти, марказлашган бошқаришни қайта қуриш, мулкчилик ислоҳотлари амалга оширилган эди. Олдинги иқтисодий тизим тезлик билан вайрон қилинди. Пул ислоҳотларини ўтказиш орқали ресурсларни маъмурий тақсимлаш услублари бекор қилинди ва эркин савдо-сотиқ шароитлари яратилди. Шундай ислоҳотлар натижасида нархлар ўсиши ярим йилда тўхтатилди. Л. Эрхард ҳукумати бозор механизмлари билан бир қаторда, нуфузли ҳокимиятни ишга солиб иқтисодий ислоҳотлар боришига таъсир этувчи давлат воситаларидан кенг фойдаланди. Мамлакатда зарурий қонуний шарт-шароитлар яратилди.

Айрим мамлакатлар хатти-ҳаракатлари (Россия, Болгария, Украина, Қирғизистон) бозор тизимига ўтишда "фалаж терапия" модели омадни келтирмаган. Бунинг асосий сабаблари — мамлакатнинг тез ўзгаришларга тайёр эмаслиги, аҳолининг паст турмуш даражаси, бозор иқтисодиёти ни бошқариш назарияси ва амалиёти билан танишган тайёрланган кадрларнинг йўқлиги, жамиятда сиёсий номувофиқликлар хисобланади.

Ўзбекистонда социал йўналтирилган бозор иқтисодиётининг шаклланиш босқичлари

Ўтиш даврининг бошлариданоқ Ўзбекистон социал йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишда ўзининг йўлини тан-

лаган ва шу йўл Конституцияда ўз аксини топган. Ўзбекистонда марказлашган-буйруқбозлик тизимидан социал йўналтирилган тизимга ўтишда республикадаги аниқ шарт-шароитлар ўз аксини топган ва ўз хусусиятларига эга:

1. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг Ўзбекистон модели зарурий ҳуқуқий асосларни бозор инфратузилмасини яратиш ва янги шароитларда ишлай оладиган мутахассисларни тайёрлаш борасида қўйилган мақсадларга босқичма-босқич эришиши билан фарқланади. Бозор иқтисодиётига сакраш, инқилобий ҳаракатлар билан ўтиш йўли Ўзбекистон учун номақбул. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига босқичма-босқич, тадрижий йўл билан боришни танланган. Бу йўл "фалаж терапия" услубига нисбатан узоқроқ бўлиши мумкин. Лекин у ўтиш даврининг бошларидаги иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига, олдинги тизимдан қолган турмушнинг паст даражаси ҳамда бошқа демографик, социал-иқтисодий шароитларига мувофиқдир. Бозор муносабатларига етарли тайёргарликсиз ўтишни жадаллаштириш, инқироз ҳодисаларининг чуқурлашишига, иқтисодий синишга, иқтисодиётнинг ва социал соҳаларнинг емирилишига, бозор ғояларининг бадном бўлишига олиб келади. Жаҳон бозоридаги нархлар даражасида эркин нархларга тезлашган ҳолда ўтиш аҳолининг асосий қисмининг тўлиқ қашшоқлигига, кучли иқтисодий етишмовчиликка олиб келиши мумкин.

2. Ўтиш даврида ислоҳотлар давлатнинг фаол тартибга солувчи роли билан амалга ошади. Ўтиш даврининг бошланғич босқичида иқтисодиётни ўз-ўзини тартибга солиш бозор механизмлари шаклланмаган, иқтисодиётнинг бозор таркиби ҳали яратилмаган, зарур бозор инфратузилмаси мавжуд бўлмаган, рақобатчилик шароитлари яратилмаган, мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожланиши учун моддий ва маънавий ресурсларга эга бўлмаган давр эди.

3. Ўтиш даврининг дастлабки босқичи кескин ўзгартиришларга аҳолининг тайёр эмаслиги билан изоҳланади. Бозор муносабатларига ўтишнинг босқичма-босқичлиги янги

тафаккурнинг яратилиши, бозор иқтисодиётида ўз ўрнини ва ролини англаш, мулкчиликка, меҳнат натижаларига янги-ча муносабатда бўлиш, ўз мажбуриятлари учун жавобгарликни сезиш учун зарурдир.

4. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бошқарувчи кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш ва тарбиялаш учун зарурдир. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарувчи кадрлар бозор қонунлари тўғрисида чуқур билимга, рақобатли бозордаги мураккаб вазиятларда тезкорлик билан тўғри қарорларни қабул қилиш қобилиятига ҳамда ташаббускор, раҳбарлик қобилиятига эга бўлиши лозим. У бозор ва давлатдаги ҳамкорлар олдида ўз мажбуриятларини ижро этиш жавобгарлигини сезиши керак. Янги авлод кадрларини тайёрлаш тез амалга ошмайди. Бунинг учун таълим соҳасида чуқур ислохотлар зарур. Кадрларни ўқитиш ва тайёрлаш бўйича махсус давлат дастурларини амалга ошириш лозим. Илғор техника ва технологияларни, замонавий ахборот тизимини, хорижий тилларни биладиган ва Ватанига фидокор бўлган янги авлод — ёш мутахассисларни тарбиялаш — ўтиш даврининг муҳим стратегик вазифасидир. Ёш авлод Ўзбекистон келажагидир. Инсон ривожланишига жамият харажатлари мамлакат социал-иқтисодий ривожланиш дастурига энг самарали қўйилмадир.

Ўтиш даврининг босқичлари

Ўзбекистонда социал йўналтирилган иқтисодиётга ўтиш бўйича ислохотлар босқичма-босқич амалга ошмоқда. Ҳар бир босқич бозор муносабатларини шакллантириш томонига катта ўзгаришлар билан, эскирган маъмурий-буйруқбозлик асосида бошқариш воситаларини йўқотиш билан изоҳланади.

Ўтиш даврининг **биринчи босқичи** Ўзбекистонда 1991 йилдан 90-йилларнинг ўрталаригача давом этган. Биринчи босқичда амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг асосий натижалари — стратегиянинг ва ислохотларнинг Ўзбекистон моделининг ишлаб чиқилиши ва ҳаётга татбиқ этилиши ҳисобланади. Бу модел иқтисодиёт ва сиёсатнинг, барча соҳалари-

ни, социал ҳаётни бутунлай қамраб олади. Иқтисодиёт соҳасида стратегик мақсадлар деб қуйидагилар белгиланган:

1. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, қудратли ва тинимсиз ривожланиб борадиган, миллий бойликнинг ортишини, кишилар ҳаёти ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган иқтисодий тизимни барпо этиш.

2. Кўп укладли иқтисодиётни яратиш, инсоннинг мулкдан маҳрум бўлишига барҳам бериш, ташаббускорлик ва уддабуронликни бутун чоралар билан ривожлантириш негизи бўлган хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш.

3. Корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувидан воз кечиш, иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари бартараф этиш, иқтисодий омиллар ва рағбатлантириш воситаларидан кенг фойдаланиш.

4. Иқтисодиётда моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган чуқур структуравий ўзгаришлар қилиш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиб бориш.

5. Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шакллари мустақил белгилаш имконини бериш.¹

Чуқур иқтисодий инқироз, пуллар қадрсизланиши миқёсининг кенгайиш жараёни тезкор ва кескин чоралар кўришни талаб қилди. Бу қўлланган чоралар инқирозларнинг салбий оқибатларини йўқотишга, аҳоли турмуш даражасининг кескин ёмонлашувига йўл қўймасликка мўлжалланган эди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичи биринчи босқичда яратилган пойдеворга асосланган. Иқтисодий ис-

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., 1995, 18-бет.

лоҳотларнинг барча асосий йўналишлари социал-иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги тараққиёт шароитларига жавоб берадиган сифатлироқ даражада ўз ривожини топган.

Иқтисодий ислоҳотлар стратегиясини, фанмиз нуқтаи назаридан, иккита, ўзаро боғланган гуруҳларга ажратишимиз мумкин:

1. Иқтисодий стратегия:

- Мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ишларини охиригача етказиш. Мулкдорларга мулкни ўтказишни тезлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ЯИМни яратишда нодавлат секторининг улушини кўпайтириш вазифалари белгиланган.

- Ишлаб чиқаришнинг пасайишини тўхтатиш, макроиқтисодий барқарорликка, корхоналар, тармоқлар ва давлатнинг, молиявий барқарорлигига эришиш. Иқтисодий стратегия мантиқи миллий ишлаб чиқаришни танламай, иқтисодиётни ривожлантирмай иқтисодий мустақилликни таъминлаб бўлмайди, тараққий этган бозорга ҳақиқатдан ўтиб бўлмайди, ишончли социал кафолатларни яратиб бўлмайди ва аҳолининг муносиб турмуш даражасини таъминлаш мумкин эмас.

- Миллий валютанинг мустаҳкамлигини, барқарор валюталарга эркин алмашувини таъминлаш. Шу мақсадда пуллар қадрсизланишини пасайтириш, моллар ва хизматларнинг миллий ишлаб чиқаришини ошириш, улар билан ички бозорни тўлдириш.

- Иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартириш, тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга ўтиш, ташқи иқтисодий фаолиятнинг хом ашё йўналишини йўқотиш, жаҳон бозорининг талабларига жавоб берувчи тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.

2. Социал стратегия:

Социал стратегия жамиятни ислоҳотлаштириш ва янгилаштириш марказида инсон эканлигидан, унинг ҳаётининг фаровонлигидан, муносиб турмуш даражасидан келиб чиқади. Барча ислоҳотлар инсон ўз қобилиятини, иқтидорини ри-

вожлантириш имконини яратишга, шахс сифатида очилишга хизмат қилади. Ҳар томонлама ривожланган инсонгина динамизм ва ислоҳотлаштириш жараёнининг натижаларига олиб келишда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, «...Ислоҳотлар иккинчи босқичининг энг муҳим вазифаси, ҳар бир киши меҳнатининг қадрини ошириш, унинг ижодий фаолият кўрсатиш имкониятларини намоён этиши учун шароит яратишдан иборат. Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги муҳим тадбирлар ҳаётга татбиқ этилди. Ривожланган мамлакатлар даражасига таълим тизимини яқинлаштирган, "Кадрларни тайёрлаш Миллий Дастури" ва "Таълим тўғрисида" Қонун қабул қилинди. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар энг янги диагностика, асбоб-ускуналар билан даволаш масканларининг моддий-техника базасини мустаҳкамланишини таъминлайди. Инсон умрини узайтириш, оналар ва болалар ўлими ҳолатларини кескин камайтириш, инфекция ва бошқа тарқалган юқумли касалликларнинг пасайишига эришган сари сифат кўрсаткичлар томонига соғлиқни сақлаш ҳолатини баҳолашда муҳим қадам қўйилди.

Социал стратегия муаммоларининг мувафаққиятли ҳал этилиши, ишончли социал кафолатларни яратиш меҳнатга қизиқтиришни кучайтиришни кўзда тутлади. Бу омиллар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, социал-иқтисодий жараёнларни барқарорлаштириш учун мустаҳкам пойдевор яратади.

XXI аср бўсағасида Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик ҳаётининг барча томонларини кенг эркинлаштириш стратегик вазифаси белгиланди. У бозор механизмининг янада кенг ишлаши, тадбиркорлик эркинлиги ва рақобатчилик асосида социал-иқтисодий жараёнларнинг янада ривожланишига йўналтирилган. Иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичи давлатнинг аралашувини янада четлаш билан аҳолини ижтимоий ҳимоялашда давлатнинг ролини кучайтириш билан, таълимни, фанни, маданиятни, соғлиқни сақлаш би-

лан ифодаланади. Давлат социал иқтисоди таркибида демократик жамиятни ривожлантириш ва халқ фаровонлигини ошириш кафолати сифатида ўз ўрнини эгалламоқда.

1.5. СОЦИАЛ ИҚТИСОДИЁТ ШАКЛЛАНИШИ ЖАРАЁНИДА ҚИЙИНЧИЛИК ВА ЗИДДИЯТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ СТРАТЕГИЯСИ

Янги социал-иқтисодий тизимнинг барпо этилиши кишилик жамиятининг барча босқичларида маълум қийинчилик ва зиддиятларга дуч келади. Бундай таҳдидларни асосан уч гуруҳга бўлиш мумкин: а) эски тузумнинг мерослари билан боғлиқ таҳдидлар; б) янги тузум туғдирган таҳдидлар; в) ташқи кучларнинг аралашуви натижасида рўй берадиган таҳдидлар.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг биринчи йиллариланок марказлашган буйруқбозлик тузумидан мерос бўлиб қолган кескин социал муаммоларни ҳал қилишга киришди. Шулар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

— бошқарувнинг буйруқбозлик маъмурий тизимини йўқотиш;

— гипертрофик бир ёқлама иқтисодиётни тубдан ўзгартириш;

— табиий ва минерал хом ашё ресурслари, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришнинг бузилганлиги, нархларнинг шаклланиш тартиби, аҳоли истеъмолининг таркибини бозор талабларига мослаштириш;

— даромадларнинг паст даражаси, аҳолининг, айниқса қишлоқ жойларида камбағаллик ҳолатларини бартараф этиш;

— социал гуруҳлар ўртасида турмуш даражасидаги кескин тафовутларни юмшатиш;

— ташқи дунё билан алоқалар ўрнатиш;

— жамиятни тўлиғича коммунистик руҳ билан ғоялаштирилганлигини йўқотиш ва ҳоказолар.

Ўзбекистонда буйруқбозлик-маъмурий социал иқтисодий муносабатлардан бозор муносабатларига ўтиш, жаҳон ҳамжамияти тизимига қўшилиш механизмлари ва шакллари мустақил равишда ишлаб чиқишга тўғри келди.

Ўтиш даврининг биринчи босқичида бошқарувнинг марказлашган-буйруқбозлик механизми тўлиғича синдирилди ва барқарор социал йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуриш йўли танланди. Аммо эски тузумнинг оғир меросини қисқа вақт ичида бартараф этиб бўлмайди. Бундай қолдиқлар бошқарувнинг бюрократик услубларида, иш юритишда (қоғозбозлик), одамларнинг онгида сингиб қолган. Ҳанузгача жойларда ҳукумат вакилларининг қабул қилинган қарорлар ва буйруқларни бажарилиши устидан назоратчиларни беркитиб қўйиш одатларини учратиш мумкин. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасида, йирик тадбирлар амалга оширилишига қарамай, фуқароларнинг барчасида мулкдорлик туйғуси пайдо бўлган эмас.

Янги иқтисодиётнинг шаклланиш жараёни, афсуски, айрим маъмурий шахсларнинг қарама-қаршилигига дуч келмоқда. Бундай ҳол демократик ислоҳотлар учун жиддий хавф туғдиради. Шундай таҳдидларга коррупция, иқтисодий жиноятчилик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик кабиларни кiritиш мумкин. Порахўрлик, мансабни суиистеъмол қилиш, таъмагирлик, иқтисодий жиноятчилик ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳолатлардир. Улар хуфий иқтисодиётни вужудга келтирадilar ва унинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратадilar.

Иккинчи гуруҳ зиддиятлар ва қийинчиликлар — бозор иқтисодиётининг барпо бўлиши билан боғлиқ. Нархларни бозор талабларига мувофиқ шакллантириш тизимига ўтиш, кам таъминланган, кўп болали оилалар, нафақахўрлар, бошқа ижтимоий гуруҳлар учун маълум қийинчиликлар туғдиради. Улар давлат томонидан ҳимояга олинадилар. Бозор иқтисодиёти муқаррар равишда ижтимоий гуруҳлар ўртасида даромад ва истеъмол соҳасида тафовутларни вужудга келтиради. Бундай тафовутларнинг салбий оқибатларини юмшатиш

мақсадида давлат аҳоли даромадларини тартибга солиш чоратadbирларини амалга оширади.

Бозор иқтисодиёти меҳнат муносабатларини эркинлаштиради. Меҳнат бозорида, айрим вақтларда, ишчи кучига бўлган таклиф талабга нисбатан ортиқ бўлиши мумкин. Бундай зиддиятни ҳал қилиш учун давлат хусусий тадбиркорлик ва хусусий бизнесни кенг ривожлантириш, малакали ишловчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, кўшимча иш ўринларини ташкил этиш каби турли чораларни қўллайди.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистонда социал иқтисодиётни шакллантиришнинг муҳим вазифаларидан бири камбағалчиликни қисқартириш ва уни тўлиқ йўқотишдан иборатдир. Бу муаммони ечиш йўлида, авваламбор, аҳоли даромадларини БМТ томонидан белгиланган меъёрлар даражасига кўтариш зарур. Шунга ўхшаш бошқа зиддиятлар ва таҳдидлар бозор ислохотлари жараёнида босқичма- босқич ўз ечимини топа бормоқда. Ўзбекистонга ўхшаш, ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган давлатларда иқтисодий ва социал стратегияни белгилашда мавжуд тажрибаларнинг салбий ва ижобий томонларини чуқур таҳлил қилиш имкониятлари мавжуд. Масалан, айрим қўшни мамлакатларда рўй бергани каби, иқтисодий ва социал ривожланиш ўртасида кескин зиддиятларга йўл қўймаслик керак. Россия олимларининг ҳисоб-китобларига кўра, сўнгги йилларда мамлакат иқтисодиётининг юқори суръатлар билан ривожланиши жаҳон бозорида айрим ресурслар нархлари конъюнктураси ҳисобидан хазина даромадларининг кўпайишига қарамай, мамлакатда 20 фоизга яқин аҳоли камбағалчилик чегарасида яшамоқда. 10 фоиз яхши таъминланган фуқароларнинг даромадлари 10 фоиз паст табақадаги фуқаролар даромадларидан 15 баравар юқоридир. Уй-жой, пенсия соҳаси, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги охириги йилларда амалга оширилган "монетизация" тадбирлари мамлакатда кўшимча социал муммоларни келтириб чиқармоқда. Маъмурий исло-

ҳотлар хавфли даражадаги коррупцияга айланмоқда . Бундай зиддиятларни чуқур ўрганиш ва уларнинг сабабларини аниқлаш Ўзбекистоннинг социал йўналтирилган иқтисодий сиёсатида қўпол хатоларга йўл қўймаслик имконини беради.

Зиддиятларнинг учинчи гуруҳи — хориждан қўллаб-қувватланадиган диний экстремизм, гиёҳванд моддаларни Ўзбекистон ҳудуди орқали олиб ўтишга уринишлар, турли босқинчи гуруҳларнинг давлат чегарасини бузиб, аҳоли тинчлигини бузишга қаратилган ҳаракатларни ўз ичига олади. Шу муносабат билан, республикамизда хориждан қўллаб-қувватланадиган ва мамлакат қонунчилигига қарши ҳаракатларга чек қўйишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундай сиёсат айрим мамлакатлар раҳбарларига маъқул бўлмаганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Улар, республикамизда демократияни ривожлантириш ниқоби остида, ўзларининг қора ниятларини амалга ошириш умидидан қайтмаяптилар. Бундай таҳдидларга қарши барча имкониятлардан фойдаланиб, кескин кураш олиб бориш давлатнинг ҳамда ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Ҳозирги замонда ҳушёрлик, огоҳ бўлиш тинчлик гаровидир.

XXI аср бўсағасида Ўзбекистон республикасида ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини кенг эркинлаштириш стратегик вазифалари белгиланди. У бозор механизмларининг янада кенг ишлаши, тадбиркорлик эркинлиги ва рақобатчилик асосида социал-иқтисодий жараёнларни янада ривожлантиришга йўналтирилган. Иқтисодий ислохотларнинг янги босқичи давлатнинг аралашувини янада чеклаш, аҳоли социал ҳимоясида давлатнинг ролини кучайтириш, таълим, фан, маданият, соғлиқни сақлаш билан ифодаланади. Давлат, социал-иқтисодий таркибда демократик жамиятни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш кафолати сифатида ўз ўрнини эгалламоқда.

Такрорлаш учун саволлар

1. Социал иқтисодиёт фанининг моҳияти нимадан иборат?
2. Социал иқтисодиёт ва оддий бозор иқтисодиёти ўртасида қандай фарқлар мавжуд?

3. Иқтисодий соҳанинг хусусиятлари нимадан иборат?
4. Социал соҳанинг хусусиятлари ва таркиби қандай?
5. Социал ва иқтисодий соҳаларнинг ўзаро алоқаси нимада намоён бўлмоқда?
6. Социал ва иқтисодий жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги нимада намоён бўлмоқда?
7. Микродаражада социал иқтисодиётни шакллантиришнинг асосий хусусиятлари.
8. Макродаражада социал иқтисодиётни шакллантиришнинг асосий муаммолари.
9. Социал иқтисодиётни ўрганиш мақсади.
10. Социал иқтисодиёт фанининг вазифалари.
11. Иқтисодий ва социал ҳаётнинг ўзаро алоқалари туғрисидаги асосий назариялар.
12. Социал иқтисодиёт моделлари.
13. Иқтисодий ислохотлар Ўзбекистон моделининг хусусиятлари.
14. Ўзбекистонда социал иқтисодиётни шакллантирилишининг ҳуқуқий асослари.
15. Социал-иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш шароитида Социал иқтисодиётни яратишнинг асосий муаммолари.

Маърузалар мавзулари

1. Социал иқтисодиёт фан ва тадқиқот йўналиши сифатида.
2. Иқтисодиёт ва социал ҳаётнинг ўзаро алоқалари ҳақидаги назарий концепциялар.
3. Ўзбекистонда социал иқтисодиётни яратишнинг асосий йўллари ва муаммолари.

СОЦИАЛ ИҚТИСОДИЁТ ТАРКИБЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишни амалга оширмакда, бу ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида жиддий таркибий ўзгаришлар билан бирга кечмоқда.

Ўтиш даврида социал иқтисодиёт таркибларининг шаклланиш жараёнига тақдим этилаётган қўлланманинг иккинчи боби бағишланган. Ушбу бобда жамиятнинг янги ижтимоий таркиблари шаклланишига олиб келувчи иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий йўналганлиги таъкидланади. Кўрсатилган жараён миллий иқтисодиётнинг тармоқ қайта ишлаб чиқариш, минтақавий таркибларида чуқур ўзгаришлар билан бирга юз бериб, ташқи иқтисодий муносабатларни тубдан қайта мўлжал олишга олиб келади ва социал муаммоларнинг устувор даражада ҳал этилишига йўналтирилгандир.

2.1. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАНЛИГИ

Таянч иборалар

Таркиб; таркибий ёндашув; социал таркиб; иқтисодий таркиб; таркибий ўзгартиришлар; социал гуруҳлар; кўп укладлилиқ; иқтисодиёт инфратузилмаси; танлаш асосидаги социал табақалаштириш.

Давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши суверен Ўзбекистон олдида ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт учун кенг имкониятлар очди. Бироқ, вазият шундай бўлдики,

Ўзбекистон Республикасига ўз суверен тараққиётининг илк кунлариданоқ собиқ иттифоқнинг бир ёқлама ривожланган иқтисодиётидан унинг номутаносибликлари, тармоқ ва ҳудудий таркибидаги бузилишлари билан бирга мерос қолган ўткир муаммоларни ҳал этишга тўғри келди. Маъмурий буйруқбозлик иқтисодиётидан бозор иқтисодиётига аста-секин (босқичма-босқич, тадрижий) ўтиш учун иқтисодий муносабатларни ва ҳўжалик механизмини ўзгартиришда шакл ва усулларни мустақил аниқлаш зарурияти вужудга келди. Бундай ўтишни амалга ошириш учун миллий иқтисодиётнинг таркибларини тубдан қайта қуриш, уни ижтимоий ва технологик қайта мўлжаллаш талаб этилди.

Бу жараён, миллий иқтисодиётда, бугун ижтимоий ҳаётнинг ривожланишида объектив тарзда туб сифат ўзгаришларини амалга ошириш зарурияти билан тақозоланади. Чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш "макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг, барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашув" ¹ нинг асосий, муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан, республика иқтисодиёти ривожланишида хом ашё йўналишини, тармоқ таркибларини жиддий ўзгартириш, тайёр маҳсулот чиқаришга ўтиш ва унинг сифатини ва рақобатбардошлигини жаҳон талаблари даражасига кўтариш бўйича кўплаб вазифаларни ҳал этиш зарур.

Ҳўжалик алоқаларининг характери ва йўналганлигидаги ўзгаришлар (баъзида тўлиқ узилиш ҳам) муқаррар суръатда, бошқа омиллар билан бир қаторда, ички истеъмол учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг жадал шаклланиши ва ривожланишига олиб келди. Бу хусусан, илгари республикамизга ташқаридан олиб келинган маҳсулотларга тааллуқлидир. Бунда фақат истеъмолга белгиланган маҳсулотларнигина ишлаб чиқаришга мўлжал олиш дастлабки бос-

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1995.

қичларда ўзини оқлаган ва иқтисодий ўсишнинг омили ҳисобланган бўлса-да, вақти келиб иқтисодий ўсишни секинлаштириши мумкин.

Илгари ташқаридан келтирилган товарларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш уларни тайёрлаш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эҳтиёжнинг ўсишига олиб келади. Шу сабабдан истеъмол товарлари чиқарувчи тармоқлар билан бир қаторда ишлаб чиқариш учун республикада сифат жиҳатдан янги қувватларни яратиш вазифаси муваффақиятли ҳал этилмоқда. Бундай воситаларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш имкониятлари, асосан, республиканинг бозор салоҳиятининг катталиги, яъни бозорнинг сифими ва иқтисодий ривожланишининг эришилган даражаси билан белгиланади.

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларнинг тажрибаси гувоҳлик беришича, иқтисодий ривожланиш даражасининг ошиб бориши билан ички талабнинг ушбу қисмининг улуши ўсиб бориш тенденциясига эга бўлади. Бошқача айтганда, сармояли ва оралиқ талаб товарлари ишлаб чиқаришнинг ривожланиши янада иқтисодий ўсишга етарлича кучли рағбат яратади, чунки ички бозорнинг умумий сифимини кўпайтиради. Шу тариқа, социал иқтисодиётнинг шаклланиши ишлаб чиқаришни инкор этмайди, балки аксинча, уни тақозо этади.

Таркибнинг ўзгаришига импортнинг ўрнини босиш ва экспорт йўналишга ўтишни таъминловчи ишлаб чиқаришнинг дастлабки ривожланиш тенденцияси ҳам таъсир кўрсади. Бунда, ҳар иккала йўналиш ҳам социал иқтисодиётнинг ривожланишида аниқ маълум бир, мустақил роль ўйнайди. Шундай қилиб, импортнинг ўрнини босиш республиканинг умумиқтисодий салоҳиятини кенгайтиришга ва турли-туман ижтимоий ва шахсий (яъни умуман олганда ижтимоий) эҳтиёжларни қондирувчи маҳсулотларнинг муҳим турларини оммавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга имкон беради. Экспортга мўлжал олишдан мақсад эса, иқтисодий ўсишда валюта ресурсларининг чекланганлиги, ички

бозор сифимининг катта эмаслиги, ҳозирча бартараф этилмаган тармоқ, ҳудудий ва технологик номуносивбликлар билан боғлиқ бўлган объектив чеклашларни олиб ташлаш ҳисобланади. Айнан шунинг учун чуқур технологик қайта тузишларни амалга ошириш муҳимдир. Бунинг устига, экспорт учун маҳсулот чиқаришга мўлжал олиш иқтисодий ўсишнинг омили бўлиб хизмат қилади, бироқ, шу билан бирга маълум даражада мамлакат ижтимоий ривожланишини секинлаштиради ҳам.

Ўтиш даври шароитида ва Ўзбекистон Республикасидаги социал-иқтисодий муносабатларни ҳисобга олган ҳолда, таркибий қайта қуришнинг муҳим хусусияти шундан иборат бўладики, таркибий-сармоявий сиёсатни ишлаб чиқиш, ривожлантиришнинг устуворликларини аниқлаш ва йирик хўжалик қарорларини қабул қилиш, барча ижтимоий ўзгартиришнинг умумий стратегиясини белгилаш бошқарувнинг юқори даражаларида юз беради. Ушбу ўзаро алоқадорликни қуйидаги чизма кўринишида тасаввур этиш мумкин (3-чизма):



3-чизма. Бошқарувнинг стратегик жараёнларининг ўзаро алоқадорлиги чизмаси

Социал иқтисодиётдаги бошқаришда стратегик жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳам худди шу тарзда бўлади.

Ўзини-ўзи тартибга солувчи иқтисодий тизимга эга анъанавий бозор иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёни, бутун жамиятнинг ижтимоий устуворликларини акс эттирувчи сиёсат доирасида бўлса-да, бироқ хўжалик юритувчи субъектлар даражасида бошланади ва шаклланади. Давлат, бу ҳолда, ўзининг ихтиёрида бўлган бевосита ва билвосита воситалар ёрдамида таркибий ўзгаришларни рағбатлантиради. Ушбу икки даража ўртасидаги асосий боғловчи бўғин талаб ва тақлифни тартибга солиб турувчи ҳаракатчан бозор ҳисобланади.


Миллий иқтисодиётни таркибий қайта қуришни амалга ошириш ва шу асосда социал иқтисодиётни аста-секин шакллантириш ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш йўналишларини тегишлича қайта гуруҳлаштирмасдан, уларни прогрессив соҳаларни (аҳолига хизмат, таълим тизими, соғлиқни сақлаш ва илмий хизмат кўрсатиш ва б.) ривожлантиришга жамламасдан туриб мумкин эмас. Бунда бир вақтнинг ўзида самара бермайдиган соҳаларни ривожлантиришга ресурслар сарфи чекланади ва улар фаолиятининг миқёслари қисқаради.

Энг умумий кўринишда ҳар қандай ижтимоий жараён цикли (ёпиқ, айланма) характерга эга бўлади. Ижтимоий жараёнлар доирасида амалга оширилувчи фаолият мантиқан хронологик (вақт, давр) жиҳатдан кетма-кет амалга оширилувчи айрим аниқ ифодаланган элементларга бўлинади. Ижтимоий жараённинг схематик (чизма) цикли қуйидагича тарзда кўринади (4-чизмага қаранг):

Ижтимоий жараённинг ҳар бир босқичи алоҳида, қатъий белгиланган вазифани ҳал этиш учун мўлжалланган бўлади:

1. Ижтимоий эҳтиёжнинг пайдо бўлиши ва бўлғуси ижтимоий жараён вазифаларининг қўйилиши.

2. Мақсадга эришиш учун зарур бўлган ҳаракат ва тадбирлар режасининг тузилиши.



4-чизма. Ижтимоий жараён чизмаси

3. Ижтимоий жараённи амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларга эҳтиёжнинг аниқланиши (кадрлар, технология, моддий ресурслар), ижрочилар олдида алоҳида, айрим вазифаларнинг қўйилиши.

4. Ижрочилар (ижтимоий тадбирларни ўтказиш учун масъулларнинг) қўйилган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатларнинг бажарилиши.

5. Ўтказиладиган тадбирларнинг назорати, таҳлили ва тартибга солиниши. Социал жараённи баҳолаш ва яхшилаш мақсадида келажакда амалга ошириладиган тадбирлар режасини аниқлаш ва жорий этиш бўйича қўшимча таҳлилий ишларни амалга ошириш.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ижтимоий қайта йўналтирилиши жуда қисқа муддатларда ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш, аҳолининг маиший ва маданий хизматларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, аҳолининг уй-жой ва ижтимоий инфратузилма объектлари билан таъминланишида туб ўзгаришларга эришиш билан боғлиқдир. Ушбу улкан умуммиллий вазифани ҳал этиш чуқур таркибий ўзгаришларсиз, иқтисодиётни, аввало унинг таркибларини модернизациялаштирмасдан мумкин эмас. Аммо бу ерда иккинчи бир жиҳатидан ҳам эҳтиёт бўлиш лозим, яъни

иқтисодиётнинг Социал моҳиятига таянишини англаш муҳимдир. Гап шундаки, аҳолининг эҳтиёжларини тўлиқроқ даражада қондиришга эришишни ҳар хил назария ва фанлар ўз мақсади ва ўрганиш предмети сифатида қарайди. Жумладан, "Ялпи фаровонлик иқтисодиёти" — бу ЯИМни қандай қилиб тақсимлаш тўғрисидаги фандир. Социологик тақсимот назарияси ҳам шунингдек, турмуш воситаларининг мавжуд жамғармасини адолатли тақсимлаш тамойилларини рўёбга чиқаришнинг қонуниятлари ва ёндашувларни ўрганади. Социал йўналтирилган бозор иқтисодиёти эса — бу ЯИМни қандай қилиб яратиш тўғрисидаги фандир.

Бундан фарқли ўлароқ, социал иқтисодиёт — бу нафақат оддийгина ЯИМни ишлаб чиқариш (яратиш), балки уни социал жиҳатдан қандай тақсимлаш тўғрисидаги фан ҳамдир (яъни ижтимоий ва мамлакат ҳар бир фуқаросининг шахсий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда). Шу тарзда, социал иқтисодиёт концепцияси негизида бозорнинг ўзининг социал моҳиятидан фойдаланиш асосида социал гармонизация (уйғунлаштириш) гоёси ётади. Ижтимоий ҳаётни модернизациялашнинг замонавий жараёнлари фақат иқтисодиётни қайта таркиблаш йўли билангина муваффақиятли равишда амалга ошиши мумкин.

Социал давлатнинг ривожланиш асосларини яратиш ва демократик жамиятни шакллантиришни жамиятнинг таянч соҳаси ҳисобланувчи иқтисодиётни модернизация қилмасдан, ижтимоий муносабатларни (иқтисодий, сиёсий, маънавий) эркинлаштирмасдан туриб тасаввур этиб бўлмайди.

Модернизация — комплекс тушунча бўлиб, ўз мустақиллигига эришган мамлакатларда иқтисодий ривожланиш билан бирга юз берувчи, ҳар хил турдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бирлаштиради.

Модернизация жараёнини нима учун ташкил этиш керак, бу нима беради ва трансформация, ислоҳ қилиш ёки ўзгартириш каби аввалдан маълум бўлган категориялардан айнан нимаси билан фарқ қилади, деган савол туғилади. Гап шундаки, барча ушбу категориялар шаклларнинг алма-

шинувинигина акс эттиради, бироқ моҳияти ва мазмунини эмас, қандай шаклларга томон қандай ўтиш амалга ошири-лаётганлигини конкрет кўрсатмайди. Эҳтимол шунинг учун ҳам, амалда моҳият ва мазмун ўзгаришларисиз номланиш-ларнинг оддий алмаштирилиши юз бермоқда. Масалан, шир-катлар пайдо бўлади, бироқ улар ўз моҳиятига кўра кол-хоз-трансфермерлар, холос. Эҳтимол айнан шунинг учун, баъзида, янги иқтисодиёт ва умуман янги жамият вужудга келиши жараёнида секинлашиш юз бераётгандир?!

Ўз моҳиятига кўра, модернизация — бу янгиланиш, анъ-анавийликдан тинимсиз ўзгариб борадиган замонавий ин-дустриал жамиятга ўтиш жараёнидир.

Модернизация гоёсининг зарурийлиги, функционал фойдалилиги шундаки, у индивидуал эркинликни кўпай-тиради. Модернизация "анъанавийлик-замонавийлик" диа-лектикасидан, қарама-қарши қўйилишидан вужудга кела-ди. Бунда барча анъаналарни ялписига синдириш ҳақида гап бормайди, чунки улар реакцион ва эскирган бўлиши ҳам, шунингдек тараққийпарвар бўлиши ҳам мумкин. Модерни-зация жараёнларининг ривожланиши, чуқурлашуви ва жа-даллашувиға ҳозирги дунёдаги барча муносабатлар ва авва-ло, бозор, пул хўжалиги ва шу қабилар билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбе-кистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палата-си ва Сенатнинг 2005 йил 28 январдаги қўшма йиғилишида мамлакатни модернизациялаш вазифасини баён этиб, таъ-кидладики, илгаригидек асосий вазифа — бозор ислоҳот-ларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаш-тиришдир¹. Социал ривожланишнинг мақсади сифатида мо-дернизациянинг ва аҳоли учун тегишли турмуш шароитларини яратишнинг қўйилиши зарурияти бир қатор сабаблар билан

¹ *И.А. Каримов*. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократ-лаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., «Ўзбекистон», 2005. 76-бет.

асосланиб, улардан асосийси сифатида минтақа ва жаҳон бозорида иқтисодий шароитларнинг ўзгариши, уларга таклиф ва рақобатнинг кучайиши ажратиб кўрсатиляпти. Бунда, Президентимиз таъкидлашича, модернизация ва ислоҳ қилиш масалаларида биз учун қандайдир инқилоблар ҳам, догматизм (на диний, на коммунистик) ҳам маъқул эмас. Демократияни ва турли хилдаги "очиқ жамият моделларини" экспорт қилиш мумкин бўлмаганидек, давлат тузилишининг универсал (ҳаммабоп) лойиҳаларини ҳам ташқаридан импорт қилиш мумкин эмас¹.

Шу тариқа, ўз кучимизга, ички имкониятларга, ривожланиш салоҳиятига таяниш зарурлиги таъкидланади. Шунинг учун, айнан, иқтисодиётни ва умуман социал ҳаётни қайта таркибланиш асосий резерв ҳисобланади.

Бугунги кунда ижтимоий ҳаётда "таркиб" тушунчаси жуда оммабоп ҳисобланади. У барча соҳа ва йўналишлардаги олимларнинг асарларида, сиёсатчиларнинг нутқларида, радио ва телевидениеда, матбуотда, интернет тармоғида учрайди.

Энг умумий кўринишда, таркиб дейилганда қараб чиқилаётган объектнинг бир бутунлигини таъминловчи ва унинг ўзигагина ўхшаш бўлган кўплаб таркибий қисмлари ўртасидаги барқарор алоқаларнинг барча умумлашмаси тушунилади.

Миллий иқтисодиёт ривожланиб боровчи мураккаб, ижтимоий тизим бўлиб, шунинг учун унинг таркибий ўзгартирилиши умуман иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг ҳал қилувчи шартларидан бири ҳисобланади. Ислоҳ этишнинг Ўзбекистон модели ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини тақозо этар экан, унда таркибий қайта қуриш янги ишлаб чиқаришни яратиш, иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишни таъминлаш орқали инсон салоҳиятини очишга йўналтирилган бўлиши зарур.

Иқтисодий ўсиш секинлашувининг асосий сабабларидан бири иқтисодиётнинг собиқ иттифоқдан мерос қолган, та-

¹ Ўша жойда, 42—43-бетлар.

комиллашмаган таркиби ҳисобланади. Бунда, мустақиллик қўлга киритилишидан олдин Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланиши таркибидаги салбий томонлар қуйидагилар бўлди:

— асосан хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга мўлжалланганлик;

— иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги ривожланишидан, демакки табиий-иқлим омилларига боғлиқлиги;

— иқтисодиётнинг ёқилғи энергетика ресурсларини, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари — дон, гўшт-сут маҳсулотлари, картошка, шакар ва бошқаларни ташиб келтиришга қарамлиги;

— ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида тайёр якуний маҳсулот ялли улушининг пастлиги;

— ишлаб чиқаришнинг технологик даражасининг пастлиги;

— эскирган ишлаб чиқариш аппаратлари, ускуналари кўплиги сабабли рақобатбардош бўлмаган маҳсулот чиқарилиши.

Ўзбекистон иқтисодиётини таркибий қайта қуриш муаммоси яна шу билан мураккаблашдики, мамлакатнинг молиявий имкониятлари билан мустақамланиб борилмади.

Бошқа мамлакатлардаги ислоҳотларнинг амалиёти ва реал амалга оширилиши, асосан, уч йўл билан ўтказилиши мумкин:

1. Бозор мувофиқлашуви ва монетар асосида таркибий қайта қуришни автоматик тарзда тартибга солиш.

2. Мақсадга йўналтирилган давлат сиёсатини юритиш.

3. Аҳоли ва иқтисодиёт эҳтиёжлари учун зарур барча нарсаларни сотиб олиш мақсадида хом ашё ресурсларини сотиш.

Ўзбекистон МДҲ маконидаги кўпчилик мамлакатлар каби, санаб ўтилган вариантлардан биринчиси бўйича ўтиши мумкин эди. Бироқ, ўзининг оддийлиги ва жозибадорлигига қарамасдан, бозор назариясига мувофиқ у уч асосий муаммони ҳал эта олмайди:

• Таркибий ўзгартиришларни нисбатан қисқа муддатларда бунинг устига, фақат бозор кучларининг таъсирига

нишонган, ҳаммасини ўзига ташлаб қўйган ҳолда ўтказиб бўлмайди. Бундан ташқари, истиқболли тармоқларнинг вужудга келиши босқичида вақтинча уларни ташқи рақобатдан ҳимоя қилиш зарур;

• Бозор мувофиқлашуви реал ишлаб чиқаришнинг ривожланишига зарар етказган ҳолда, тез айланувчанлиги ва фойдалилиги билан фарқланиб, иқтисодиётнинг савдо-воситачилик ва молиявий соҳаларнинг ривожланишига ёрдам беради. Капитал ишлаб чиқариш соҳасида қайта тақсимланиши учун барибир яна анча вақт муддати ва тегишли тартибга солувчиларни киритиш талаб этилади;

• Таркибий ўзгаришларни таъминлаш ва янги истиқболли тармоқларни яратиш учун кучли давлат ёрдами зарур.

Иқтисодиётнинг таркибий қайта қурилиши юқори малакали кадрларсиз мумкин эмас. Шунинг учун одамлар қуйидаги имконият ва интилишларга эга бўлишлари лозим:

- яхши ишлаб топиш ва моддий тўқинчиликда яшаш;
- яхши соғлиққа эга бўлиш ва уни сақлай олиш;
- ўз малакавий ва касбий кўникмалари даражасини до-

имо ошириб бориш.

Демакки, таркибий қайта қуриш, одамларнинг турмуш даражасини оширишни мақсад қилган ҳолда, ўзи ҳам инсон салоҳияти даражасига боғлиқ бўлади ва унинг ривожланишига муҳтождир. Айни шу муносабат, шу қонуний алоқадорлик Ўзбекистонда ўтказилган таркибий қайта қуришнинг асосида ётади.

Ҳар қандай жараён, айниқса, мақсадли ўзгаришлар жараёни, маълум бир тамойилларга асосланиши лозим. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш олдида турган вазифалардан келиб чиққанда, республика иқтисодиётини қайта қуришнинг асосий тамойили ушбу жараёнда давлатнинг фаол иштирокчилиги ҳисобланади. Бу шу билан боғлиқки, давлатнинг ташкилотчилик ролисиз янги нефт, газ конларини, минерал хом ашё ресурсларини ўзлаштириш, электр энергетика объектларини қайта қуриш, самолётсозликни ривожлантириш, автомобиллар чиқариш, ғалла ва ёқилғи

мустақиллигини таъминлаш каби энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириб бўлмайди.

Шу билан бирга, шаклланаётган бозор муносабатлари шароитида давлат иқтисодиётни эски, маъмурий таъсир этишнинг анъанавий усуллари билан тартибга сола олмайди. Шунинг учун таркибий қайта қуришнинг бошқа бир муҳим тамойили тадбиркорлик қобилиятига ва бизнес билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган мулкдорлар синфининг шаклланиши ҳисобланади.

Давлат гўёки ўзининг ваколатларини ўрта синф вакилларига, топширади, чунки уларнинг манфаатлари, объектив тарзда, бозор ривожланиши мақсадларига мос тушади, бу мақсадларни у ҳозирги босқичда амалга оширмоқда. Умуман олганда, ўрта синфнинг социал функцияси социал давлат яратишдан иборатдир. Бу социал иқтисодиёт ўрта синф бўлишини тақозо этишни англатади. Улар товарлар ва хизматлар яратиб, уларни мамлакат аҳолисининг бошқа қатлам ва гуруҳлари (кенг оммаси) сотиб олишга қодир бўлади ва, шу тарзда социал ислоҳотларга ҳақ тўланади. Социал иқтисодиёт ва социал давлатнинг моҳияти ва амал қилиш механизми шундан иборат бўлади.

Шу тарзда, социал иқтисодиёт бозор иқтисодиётининг табиатидан вужудга келади. Социал иқтисодиётнинг вужудга келиши учун, айниқса бошланғич даврларда, даромадларнинг ўсиши ҳисобидан ички истеъмолнинг ривожланиши (ўсиши) муҳимдир. Даромадларнинг кўпайиши, истеъмолнинг ва одамлар эҳтиёжларининг ўсиб бориши, демакки иқтисодий ўсиш — ана шулар социал иқтисодиёт амал қилишининг манбаларидир.

Ресурсларнинг, аввало молиявий ресурсларнинг чекланган ҳолидаги бозор шароитида куч ва ресурсларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига жамлаш жуда муҳим ҳисобланади. Ислоҳотларнинг бошланғич даврида зарур молиявий ресурсларга ҳеч ким — давлат ҳам, аҳоли ҳам эга эмас эди. Дастлабки капитал жамғариш жараёни жаҳон тажрибасини муддат бўйича ҳам, жамғариш

манбалари бўйича ҳам такрорлай олмасди. Шунинг учун босқичма-босқичлилик тамойили ва давлатнинг фаол иштироки асосида, шунингдек реал шароит ва имкониятларни ҳисобга олиб, қатъий илмий асосдаги таркибий ўзгаришларни ўтказиш жуда муҳим бўлди.

Замонавий иқтисодиёт фанида, бошқалардаги каби, таркибий таҳлил тобора кўпроқ сезиларли ўрин эгалламоқда.

Иқтисодий ҳаётдаги объектлар ва воқеаларнинг моҳиятини тушунтиришда таркибий таҳлил уч асосий устунликка эгадир:

— назарий жиҳатдан у иқтисодиётнинг умумий амал қилишини яхшироқ тушунишга имкон беради. Таркибий таҳлил бутун иқтисодиётдаги ўхшаш бирликларнинг умумий ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги гипотезадан (илмий фараздан) воз кечишга мажбур қилади. У ўз ўлчами, аҳамияти, ўзгарувчанлиги ва эгилувчанлиги бўйича тенг бўлмаган зоналарни аниқлайди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин;

— амалий жиҳатдан эса таркибий таҳлил қандайдир умумлашма миқдорларни бир-бирига мослаштирувчи механистик талқинлардан қутулишга имкон беради. Кўпинча бундай ясама бирлаштиришлар ўзида ҳар хил хулқ-атвор ва ҳар хил фаолият билан боғлиқ бўлган миқдорларнинг маҳаллий даражадаги ўзига хос таъсирини ниқоблайди;

— назарий-амалий фойдалилиги жиҳатдан таркибий таҳлил иқтисодий назариялар ва иқтисодий қонунларни қўлланиш имкониятини аниқлашга ёрдам беради. Тулиқ рақобат таркиби учун яроқли бўлган баҳо шаклланиши қонунлари бозор иштирокчиларининг кам сонлилиги ёки давлат томонидан ўрнатилган "қатъий баҳолар" борлиги билан тавсифланувчи таркиблар учун яроқсиз бўлади.

Таркибий ёндашувнинг муҳимлиги, аҳамиятлилигини, кўплаб мамлакатларда таркибларнинг аниқ таҳлили бўлмаганлигидан таркибий ислохотлар улардан қутилган натижани бермаганини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш мумкин. Бундан келиб чиқадиган асосий хулоса шундан иборатки, ях-

широқ ўзгартириш учун таркибларга мослашишни, мавжуд таркибларни ҳисобга олишни билиш керак. Уларнинг ўзида мавжуд бўлган ўзгарувчанлик омилларидан фойдаланган ҳолда, уларга таъсир кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

2.2. ЖАМИЯТ ЯНГИ ИЖТИМОЙ ТУЗИЛИШИНING ШАКЛЛАНИШИ

Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда жамият институтларида юз бераётган ўзгаришлар унинг ижтимоий тузилишига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Мулкчилик ҳамда ҳокимият муносабатлари ўзгарди ва ўзгариб бормоқда, социал табақаланиш механизми қайта қурилмоқда, элитани жадал алмаштириш жараёни рўй бермоқда. Ижтимоий ҳаёт саҳнасига янги социал гуруҳлар чиқиб келмоқда, маълум бир қатламлар ўз ижтимоий мақомини ўзгартирмоқда. Жамиятнинг қутбланиши жараёни юз бермоқда. Молиявий ресурсларнинг айланиши ва миқёслари ўсмоқда, янада мураккабланишмоқда.

Барча юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда, гуруҳ манфаатлари тизими, хулқ-атвор, ижтимоий ҳамкорлик усуллари ўзгармоқда. Булар, биринчи қарашда тарқоқ ҳодисаларга ўхшаса-да, жамият ижтимоий ўзгариши жараёнининг ҳар хил томони ҳисобланади. Шунинг учун уларни нафақат алоҳида, балки бир-бирига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш муҳимдир.

Жамиятни, аввало ички ҳаракатлантирувчи кучлар таъсири остида ўзгариб бораётган бир бутун ижтимоий тизим сифатида баён этиш асосий илмий вазифа ҳисобланади.

Фарб давлатлари олимлари жамиятнинг ижтимоий тузилишини асосий объект сифатида қаровчи кўплаб социологик назариялар ишлаб чиқдилар. Кўпчилик етакчи социологик концепциялар шу соҳага тааллуқли бўлиб, улар индивид ёки гуруҳнинг хулқ-атворини уларнинг ижтимоий тузилишдаги ўрни нуқтаи назаридан тушунтиради. Шунга мос равишда, ушбу концепцияларнинг бошқа бир муҳим хусусияти ижти-

мой тузилишнинг уни ташкил этувчи элементларга нисбатан белгилловчи ролини тан олиш ҳисобланади.

Ушбу йўналишдаги замонавий концепциялар учун, шунингдек таркибни (структурани) қандайдир қотиб қолган бир қурилма деб эмас, балки доимий ривожланувчи бир бутун сифатида тушуниш характерлидир. Бунда уни ташкил этувчи элементларнинг ўзаро алоқадорлиги ўзгаришлар манбаи деб тан олинади.

Ижтимоий таркиб концепциялари кўплаб вариантларга эга бўлиб, улардан айниқса икки асосий модел ажратиб кўрсатилади:

— тақсимотчилик;

— тармоқчилик.

Тақсимотчилик модели ижтимоий таркибни турлича ўрганувчи белгиларга (ёш, касб, маълумот, даромад ва б.) эга бўлган ўзаро боғлиқ ижтимоий вазиятлар тизими сифатида тасаввур этади. Бунда индивид ва гуруҳ ҳулқ-атворининг тафовутлари ва кўринишлари улар томонидан эгалланган ижтимоий вазият билан, яъни жамиятдаги ўрни билан тушунтирилади. Бу тадқиқотчиларнинг диққат марказида социал табақаланишнинг ижтимоий ҳаракатчанлик ва интегратив (умумлашув) жиҳатлари (муаммолари) масалалари туради.

Тармоқчилик модели индивид ва гуруҳнинг ҳулқ-атвори-ни улар кирган ижтимоий тармоқнинг ҳар хил қурилмалари билан тушунтиради. Ижтимоий тармоқлар тизимининг асосий элементлари бўлиб тезлиги ва зичлиги билан ўзаро фарқланувчи алоқаларнинг тугунлари ва бўлимлари олинади.

Ушбу моделлар билан бир қаторда, ижтимоий тузилишнинг муҳим концепцияларидан бири ижтимоий табақалашув (стратификация) концепцияси ҳисобланади. Ижтимоий табақалашувни ўрганишга замонавий ёндашувнинг асослари Макс Вебер томонидан яратилган бўлиб, у жамиятнинг социал таркибини кўп ўлчамли тизим сифатида қарайди, бунда мулкчилик ва синфлар муносабатлари билан биргалликда, статус (мақом — бу шахснинг ёши, жинси, келиб чиқиши, касби, оилавий аҳволига мос равишда жамиятда

эгаллаган ўрнидир. Туғма (миллат, ижтимоий келиб чиқиш ва б.) лар ажратиб кўрсатилади. Бунда социал мақомни шахсий мақомдан фарқлаш, яъни одам бирор-бир бошланғич гуруҳда ўзининг ижтимоий мавжудот сифатида қандай баҳоланишига боғлиқ ҳолда эгаллайдиган ўрнини фарқлаши муҳимдир.

Ижтимоий тизимнинг энг муҳим тавсифи бўлиб, биринчидан, ижтимоий таркиб, яъни гуруҳда унинг ривожланишини белгиловчи таркиб, вазият ва муносабатлар, иккинчидан, жамиятнинг стратификацияси (табақалашуви) ёки айтиб ўтилган гуруҳлар социал мақомларининг иерархик шкаласидаги жойлашуви хизмат қилади. Ижтимоий гуруҳларнинг ва шунга мос равишда жамият ижтимоий стратификациясининг ҳам асосий меъёрлари қуйидагилар ҳисобланади:

1) ҳукмронлик ва бошқарувчилик вазифалари ҳажмида ифодаланувчи сиёсий салоҳият;

2) мулкчилик, олинадиган даромадлар ва турмуш даражаси миқёсларида намоён бўлувчи иқтисодий салоҳият;

3) ходимларнинг маълумоти, малакаси ва маҳоратини турмуш тарзи ва сифати хусусиятларини акс эттирувчи социомаданий салоҳият;

4) юқорида айтиб ўтилган белгиларнинг мужассамлашган ифодаси ҳисобланувчи ижтимоий обрў-эътибор.

Барча ушбу меъёрлар маълум даражада ўзаро боғлиқдир, бироқ, шу билан бирга, стратификацион (табақавий) маконнинг нисбатан мустақил томонларини ташкил этади.

Ўзбекистон посттоталитаризмдан сиёсий плюрализм (кўп фикрлилик) ва демократияга ҳамда давлат маъмурий тақсимотчилиги иқтисодиётдан социал йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида турибди. Шунга мувофиқ ҳолда, ижтимоий табақалашув меъёрлари ҳам ўтиш характерига эга бўлади, уларнинг ўзгариш жараёнлари анча мураккаб, чунки эски ижтимоий муносабатларни синдириш янгиларини шакллантиришдан илгарилаб кетмоқда. Ушбу соҳада юз бераётган силжишларни тушуниш учун Ўзбекис-

тон Республикасида ўзгаришлар жараёни бошланган "қайта қуришгача" бўлган жамиятдаги ва ҳозирги жамиятдаги табақалашувларнинг асосий белгиларини таққослаш керак бўлади.

Совет жамиятининг табақалашувида ҳал қилувчи ролни ижтимоий гуруҳларнинг партия-давлат иерархиясидаги ўрни билан белгиланувчи сиёсий капитал ўйнади. Индивидлар ва гуруҳларнинг ҳокимият ва бошқарув тизимидаги ўрни нафақат уларнинг ихтиёрида бўлган тақсимотчилик ҳуқуқи, қарорлар қабул қилиш даражасини, балки ижтимоий алоқалар даражасини ҳам, норасмий имкониятлар миқёсини ҳам олдиндан белгилаб қўйган эди. Сиёсий тизимнинг барқарорлиги сиёсий элитанинг — "номенклатуранинг" таркиби ва аҳволидаги барқарорликни, шунингдек унинг ёпиқлиги ва у томонидан бошқарилаётган гуруҳдан бегоналашувини ҳам таъминлаган эди. Ҳозирги вазият демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг жиддий сусайиши билан характерланади. Номенклатура тамойили бўйича ҳукмрон қатлам табақалашувини қайта ишлаб чиқиш механизми емирилган. Ҳокимият органлари тизими ислоҳ қилинган, жиддий қайта қурилган — улардан айримлари тугатилган, бошқалари эндигина ташкил этилган, учинчилари ўз функцияларини тубдан ўзгартирган. Жиддий ўзгаришлар натижасида мамлакат юқори давлат мансабларининг сифат жиҳатдан янги тизимига эга бўлди. Ушбу амалларни эгаллаб турганларнинг шахсий таркиби ҳам янгиланди, уларнинг кўпчилик қисми фаолиятнинг илгари ёпиқ бўлган юқори қатлами бошқа социал гуруҳлардан чиққанлар учун очилди. Иқтисодий бошқаришда, мулкни хусусийлаштиришда, моддий ва молиявий ресурсларга эгалик қилишда ижтимоий гуруҳлар роли биринчи ўринга чиқиб бормоқда.

Иқтисодий табақалашувга келганда эса, Ўзбекистон Республикасида жамиятнинг табақалашувининг омиллари, меъёрлари ва қонуниятлари тўғрисидаги замонавий тасаввурлар ижтимоий мақоми ва шунингдек ижтимоий-ўзгариш жараёнларидаги ўрнига кўра фарқланувчи қатламлар

ва гуруҳларни ажратишга имкон беради. Биз қабул қилган гипотезага (фаразга) кўра жамият тўрт ижтимоий қатламдан иборат бўлади: юқори, ўрта, таянч ва қуйи қатламлар. Юқори қатлам деганда, аввало, ислоҳотларнинг асосий субъекти ролида чиқувчи, амалда бошқарувчи қатлам тушунилади. Унга элита ва шунга яқин гуруҳлар кириб, улар давлат бошқаруви тизимида, иқтисодий ва куч ишлатиш таркибларида энг муҳим ўринларни эгаллайдилар. Ушбу қатламни шакллантирувчи элита ва унга яқин гуруҳлар кўпинча турли манфаатларга эга бўлади ва ҳар хил мақсадларни кўзлайди. Аммо уларнинг барчасини ҳокимиятда турганлик ва ўзгаришлар жараёнига, айниқса унинг "юқоридан" ислоҳотлар билан ташкил этувчи томонларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш имконияти белгиси бирлаштиради.

Иккинчи қатламнинг ўрта дейилиши, биринчидан, унинг ижтимоий кўрсаткичда (шкалада)ги ўрни ҳисобга олинган ва, иккинчидан, у шаклланаётган ўрта қатламнинг куртаги ҳисобланади. Тўғри, унинг кўпчилик кўрсаткичлари ҳозирча постиндустриал жамият талабларига жавоб берувчи шахсий мустақилликни таъминловчи капиталга ҳам, маҳорат даражасига ҳам, юқори ижтимоий обрўга ҳам эга эмас. Бунинг устига, ушбу қатлам ҳозирча, ижтимоий барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилиши учун, анча кам сонли ҳисобланади. Бироқ Ўзбекистонда тўлақонли ўрта ва йирик бўлмаган корхоналар менежерлар, амалдорлар, катта офицерларнинг (зобитларнинг) ўрта бўғини, энг малакали ва қобилиятли мутахассислар ва ишчилар асосидагина шаклланиши мумкин.

Ўзгаришлар жараёнида ўрта қатлам томонидан бажариладиган роль унинг Ўзбекистон шароити учун юқори бўлган касбий-малакавий салоҳияти, ўзгарувчан шароитларга мослашиш қобилияти, эскирган ижтимоий институтларни янгилашда фаол ва манфаатли иштироки, нисбатан қулай молиявий аҳволи, ислоҳотларни давом эттиришдан умумий манфаатдорлиги билан белгиланади.

Ҳозирги вақтда ушбу қатлам, ўзининг қуввати камлигига қарамасдан, аста-секин, асосан унинг ҳаракатлари билан амалга ошириладиган ислохотларнинг ижтимоий таянчи ва бош ҳаракатлантирувчи кучига айланмоқда. Агарда юқори қатлам жамиятнинг мақсад-муддаоси ва иродасини намоён этса, ўрта қатлам эса қувват асосини ва оммавий кундалик ижтимоий-ўзгарувчилик фаолиятининг йўлга қўювчиси бўлиб хизмат қилади. Кейинги таянч ижтимоий қатлам эса жуда салмоқли бўлиб, жамиятнинг деярли 2/3 қисмини қамраб олади. Унинг вакиллари ўртача касбий-малакавий сифатларга ва чекланган меҳнат салоҳиятига эгадирлар. Ҳозирги шароитларда уларнинг асосий интилиши воқеликни ўз манфаатларига мос равишда ўзгаришига эмас, балки бошқаларнинг ташаббуслари бўйича, кўпинча эса, яшаш йўллари ахтаришда юз бераётган ўзгаришларга мослашиб боришга йўналтирилгандир. Шунга қарамасдан, таянч қатламнинг мослашув шакллари ва усуллари ўзгартиришлар жараёнининг боришига катта таъсир кўрсатмоқда. Айрим ҳолларда у, "юқоридагилар" лойиҳалаштирганидан кўра, муассасавий ўзгаришларнинг ижтимоий йўналганлигини секинлаштириши, бошқа бир ҳолда ўзгартириш ҳам мумкин. Ушбу қатламга зиёлиларнинг (мутахассисларнинг) асосий қисми, ярим зиёлилар (мутахассисларнинг ёрдамчилари), техник ходимлардан иборат хизматчилар, савдо ва хизмат кўрсатишдаги оммавий касб ходимлари, шунингдек деҳқонларнинг катта қисми киради. Ушбу гуруҳларнинг ижтимоий мақоми, менталитети, манфаатлари ва хулқ-атвори турлича бўлса-да, ўзгартиришлар жараёнида уларнинг роли ўхшашдир. Бу биринчи навбатда, яшаш мақсадида ўзгарувчан шароитларга мослашиш, эришилган мақомни имконият даражасида сақлаб қолиш, яқинларини қўллаб-қувватлаш, болаларни оёққа турғазиб олиш кабилардир.

Жамиятнинг асосий, социаллашган қисми бўлган куйи қатламнинг тузилиши ва вазифалари унчалик равшан эмас. Замонавий ўзгартиришлар жараёни доирасида ушбу қатлам, янгиликларнинг фаол иштирокчисига қараганда, кўпроқ

жабрланувчиси, қурбони сифатида чиқади. Унинг вакиллари фарқ қилиб турувчи белгилари бўлиб фаолият салоҳиятининг паст даражаси ва ўтиш даврининг мураккаб ижтимоий-иқтисодий шароитларига мослашишга қобилиятсизлик хизмат қилади. Умуман олганда, ушбу қатлам қариялар, кам маълумотлилар, унчалик соғлом ва кучли бўлмаган кишилардан, бунинг устига етарли даражада нафақага ишлаб бўлмаганлардан ёки касбга, кўпинча эса доимий машғулотга эга бўлмаганлардан, ишсизлардан иборат бўлади. Жамият аъзоларининг ушбу қисми ижтимоий ҳимоя, ёрдам ва кўмакка муҳтождирлар. Тажриба йўли билан ушбу қатламни жуда кам шахсий ва оилавий даромади, маълумоти пастлиги, малакасиз меҳнат билан бандлиги ёки доимий ишининг йўқлиги белгилари асосида бир хиллаштириш мумкин. Қуйи қатлам сони ва таркибининг ўзгариши ислохотлар ижтимоий оқибатларининг муҳим кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Жамиятнинг ижтимоий қатламлари турлича фаолият — кўникиш салоҳиятига эга бўлади, яъни янги ижтимоий институтларнинг шаклланишига киришиш қобилияти, уларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашдаги иштироки, улардан ўз манфаатида фойдаланиши, ўзгарувчан воқеликка фаол мослашиши, натижада ўз мақомини яхшилаши ёки, ҳеч бўлмаганда, сақлаб қолиши турличадир. Ушбу қатламларнинг ўзгартиришлар жараёнидаги сифат жиҳатидан турлича ролларга эгаликлари шундан келиб чиқади.

Жадал социал-инновацион фаолиятга ва самарали мослашувчан хулқ-атворга қобилиятлилик социал-демографик салоҳият билан жиддий боғлиқ бўлади.

Ҳар хил ижтимоий қатламларнинг вакиллари бир-биридан яшаш жойи билан тубдан фарқланадилар. Маълумки, йирик шаҳарлар ўзининг бой ахборотлар муҳити билан ўз аҳолисига ижтимоийлашув, ўзини намоён этиш ва ўзгарувчан шароитларга мослашишлари учун, чекка қишлоқларга қараганда, яхшироқ имкониятларни таъминлайди. Ушбу жиҳатдан айниқса Тошкент шаҳри ажралиб туради. Ўрта қат-

лам юқори қатламдан махсус маълумотли кишилар улуши **бўйича** анча орқада қолган, чунки унинг таркибига, мута-**хассислар** билан бирга, тадбиркорлар ва малакали ишчилар **ҳам** киради. Бироқ бунда юқори ва қуйи малакавий баҳо-**лаш** нисбати анча қулайдир. Эҳтимол, бу ерда нафақат да-**ража**, балки нуфузли пойтахт олийгоҳларида олинган би-**лимнинг** сифатлилиги, олий таълимдан кейинги тайёргар-**лик**, илмий унвон ва даражалар борлиги ҳам таъсир **кўрсатади**. Буларнинг барчаси энг кўп даражада ўрта қат-**ламга** хосдир. Таянч қатламда махсус маълумотга эга киши-**лар** $\frac{1}{2}$ қисмигагина яқин, бироқ уларнинг асосий қисми-**нинг** маълумоти ўрта даражада.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жамиятнинг ижтимоий қатламлари янги шароитларга мослашиш ва социал-янги-лашлар фаолиятида қатнашиш учун турли-туман ижтимоий-демографик шарт-шароитларга эга бўладилар. Муҳим ҳисобланувчи мулкӣ тенгсизлик бошқа кўплаб социал: гендер, ёш, урбанистик, яшаш жойи, тармоқ, касбий, бошқарувчилик ва бошқа соҳалардаги тенгсизликларнинг ифодасига айланди. Ўз навбатида даромадлар даражаси ижтимоий мақомнинг истеъмол типи ва турмуш тарзи, бизнес билан шуғулланиш имконияти, фойдали ижтимоий алоқаларни ўрнатиш, хизмат бўйича кўтарилиш, болаларга сифатли маълумот бериш ва бошқа шу каби томонларига жиддий таъсир этади. Бунинг таъсирида даромадлардаги фарқлар ҳозирги кунда Ўзбекистонда социал табақалашувнинг асосини яратади. Илгари яхши таъминланган кишилар қуйи табақаларга тушиб қолганда ҳам юқори даражага даъвогарликни сақлаб қоладилар, бойиб кетган камбағаллар эса даромадларга нисбатан анча ўртача талабларни қўядилар. Ушбу тахминлардан қай бири ҳақиқатга яқинлигини аниқлаш учун қараб чиқиляётган қатламлар иқтисодий талабларининг муътадил қондирилиш даражасини баҳолашга уриниб кўрамиз.

Бу мақсадда иккита кўрсаткичдан фойдаланилади: а) оиланинг амалдаги даромадининг етарли даражаси тўғрисидаги фаразларга муносабати ва б) ходимларнинг амалдаги

пул даромадларининг энг кам зарурий иш ҳақиға муносабати. Амалдагиси билан таққослагандан кўра юқорироқ даромадларға даъвогарлик қилиш — табиий, одатий ва ижобий ҳодисадир. Қоида тариқасида бундай даъволар одамларни меҳнат фаолиятиға, малакасини оширишға, бизнесда қатнашишға ундаб боради. Бунда асосий масала меъёрда бўлади: агарда амалдаги иш ҳақи ва одамнинг фикрича "нормал ҳаётни" таъминловчи даромад ўртасидаги фарқ маълум бир чегарадан ўтса, амалий меҳнатни фаоллаштиришға бўлган рағбат бефарқлик, ундан бегоналашув, норозилик кучайиши билан алмашади, шунингдек меҳнат меъёрларининг бузилишиға ва ўз талабларини қондиришда жиноий усуллардан фойдаланишға ўтилади.

Ҳозирги шароитларда "Социал иқтисодий" фанининг вазифаси — Ўзбекистондаги ислохотлар жараёнининг иқтисодий ва социал натижаларини, унинг социал гуруҳлар ва қатламлар манфаатларига мослиги даражасини, бозорға мослашуви йўллари ва имкониятларини объектив баҳолашдир. Бу билан, ушбу йўналишдаги тадқиқотлар мамлакатни дунёнинг социал жиҳатдан фаровон давлатлари қаторига чиқариш стратегиясини ишлаб чиқишға ёрдам берган бўлади.

Социал гуруҳларнинг иқтисодий салоҳияти

Социал иқтисодийнинг асосини, ҳаракатлантирувчи кучини иқтисодий, ижтимоий, демографик, минтақавий ва бошқа омилларнинг ўзаро ҳамкорлиги ташкил этади. Айнан ушбу ҳамкорлик аҳоли иқтисодий табақалашувининг турли хилдаги манзарасини доимо яратган ва яратиб келмоқда.

Бозор ислохотлари шароитида социал гуруҳларнинг иқтисодий салоҳияти ўзида уч таркибий қисмни бирлаштиради:

- 1) даромад келтирувчи капиталға эга бўлиш;
- 2) ижтимоий маҳсулотнинг тақсимланиши, силжиши, кўчиб юриш ва айирбошланиши жараёнларига алоқадорлик;
- 3) шахсий даромад ва истеъмол даражаси.

Бунда, вужудга келаётган бозор муносабатлари шароитида асосий роль биринчи таркибий қисмга тегишли бўлади. Бу шу билан изоҳланадики, нодавлат мулкнинг турли-туман кўринишлари (якка тартибдаги, гуруҳий, кооператив, улушли, аралаш, уюшмавий ва б.) фаол шаклланмоқда. Турли типдаги (молиявий, савдо, саноат, интеллектуал) капиталлар вужудга келмоқда.

Социал жиҳатдан бирмунча аниқ даражада хусусий капитал эгалари ажралиб чиқдилар. Улар орасида жамиятнинг турли қатламларига мансуб бўлган жуда йирик, ўрта ва кичик мулкдорлар бор. Шахсий хўжаликка эга бўлган ва аста-секин амалда мулкдорларга айланаётган (ерни сотишдан ташқари) деҳқонлар алоҳида ўрин тутадилар. Иқтисодий салоҳиятнинг иккинчи таркибий қисми илгари устувор бўлиб, ҳозирда ўз ўрнини биринчисига бермоқда. Чунки, ўрта мулкдорнинг иқтисодий мақоми малакали менежерникдан юқори туради. Бунинг устига, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг чуқурлашиб бориши билан моддий ва молиявий ресурслар манфаатдор хўжайинларга эга бўлмоқда, бу уларнинг талон-торож бўлиш имкониятини қисқартирмоқда. Афсуски, турли иқтисодий, касбий ва мансабдор гуруҳларнинг тақсимот механизмига алоқадорлик даражасини ўлчаш анча мураккабдир. Кўпинча ушбу белги бўйича аввал кўрилган гуруҳларнинг ўзи ажратилади: давлат ва аралаш корхоналар раҳбарлари, шу жумладан, ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари, савдо соҳасининг масъул ходимлари ва мутахассислари, моддий-техника таъминоти хизматчилари, шунингдек, тижоратчилар, маклерлар, диллерлар каби бизнес профессионаллари. Ўз капиталига моддий бойликларни тақсимлашда қатнашиш имконига эга бўлмаган фуқаролар улуши кейинги йилларда бироз камайди, бироқ улар аввалгидек жамиятнинг энг кўпчилик қисмини ташкил этмоқда. Бу одамларнинг иқтисодий салоҳияти ёлланма меҳнат бўйича даромад даражаси билан аниқланади, уларнинг аҳволидаги асосий ўзгаришлар, биринчидан, аввалгидан кўра анча кескин мулккий қутбланиш

ва, иккинчидан, меҳнат ва даромад ўртасидаги боғлиқликнинг деярли тўлиқ йўқолганлигидан иборатдир.

Ижтимоий табақалашувнинг бош мезони касбий табақалашув ҳисобланиб, бу меҳнатнинг мураккаблик даражаси билан аниқланади. Бошқа бир қанча муҳим бўлган мезон олинадиган даромад ва моддий фаровонлик, яъни иқтисодий табақалашув ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ўтиш давридаги социал табақалашувни соддароқ таҳлил қилиш мақсадида касбий табақалашувнинг уч асосий гуруҳини кўриб чиқамиз:¹

1) биринчи табақага асосан оддий ва бир хилда такрорланувчи ҳаракатлар ва иш турларидан иборат меҳнат соҳасида банд бўлганлар киради (масалан, конвейер олдидаги ишчилар, сотувчилар, ёрдамчи ишчилар ва б.); янгиликка интилувчан, ижодий характердаги меҳнат ходимлари (олимлар, сиёсатчилар, ишлаб чиқариш ташкилотларининг бир қисми ва б.);

2) иккинчи табақа — маълум усуллар ва ҳаракатлар асосидаги кўпроқ мураккаб интеллектуал меҳнат соҳаси ходимлари (муҳандис, ўқитувчи, врач, менежер ва б.);

3) учинчи табақа — ноанъанавий ёндошув асосидаги янгиликка интилувчан, ижодий характердаги меҳнат ходимлари (олимлар, сиёсатчилар, ишлаб чиқариш ташкилотчиларининг бир қисми ва б.).

Бозор муносабатлари ва шаклланаётган социал иқтисодиёт шароитларида бир табақадан бошқасига ўтишга кенг имкониятлар ва эркинликларнинг мавжудлиги инсоннинг ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишини, унинг касбий ва маълумот даражасининг ўсишини рағбатлантиради.

Иқтисодиётнинг кўп укладлилиги ва кўп секторлилиги

Социал иқтисодиёт, ўзининг чуқур моҳиятига кўра, ижтимоий ҳаётнинг шакллари ва намоён бўлишида фикр-

¹ Доклад о человеческом развитии. Т., «Ўзбекистон», 1997. с. 51-52.

лар хилма-хиллигини, турли-туманлик ва демократизмни тақозо этади.

Ўтиш даврининг дастлабки босқичида кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши, мулкчилик муносабатларининг ва олинадиган даромад шакллариининг эркинлашуви, иш ҳақининг давлат томонидан тартибга солиниши, умуммиллий меҳнат бозорининг йўқлиги, ўз-ўзича бандликнинг кенг ривожланиши, бажарилган иш ҳақининг кечикиб берилиши кабилар даромадлар соҳасидаги чуқур тафовутларга олиб келди. Бундай шароитда аҳолининг бир қисми камбағаллик чегарасидан ташқарида қолди, бошқа бир қисми эса, бойиб кетди. Аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасидаги фарқлар объектив шарт-шароитларга боғлиқ.

Ҳозирги давр учун хос бўлган эски социал институтларнинг жадал емирилиши ва янгиларининг шаклланиш жараёнлари меҳнат ва ижтимоий ҳаракатчанликни кучайтирмоқда. Шу муносабат билан иқтидор ва маҳорат каби шахсий инсоний сифатларнинг, социаллашув даражасининг, омилкорликнинг, янги билимларга эга бўлиш қобилиятининг, маданий дунёқарашнинг роли сезиларли даражада ошиб бормоқда. Маҳоратнинг қадр-қиммати ва демакки, социомаданий капиталнинг роли ошиб бормоқда.

Бироқ бу фақатгина тенденциядир, чунки ўсиб боровчи социал ҳаракатчанликка маданий салоҳият билан камроқ боғлиқ бўлган сифатлар — ёшлик, куч-қувват, ирода, иззат-нафс, ташкилотчилик қобилиятининг борлиги, таваккалчиликка тайёрлик, жисмоний куч, агрессивлик, ахлоқий беқарорлик ва бошқалар ҳам тенг даражада таъсир этади. Бунинг устига, бугунги кунда жамият, қоида тариқасида маданий салоҳиятнинг "шу ерда ва ҳозир" фойдаланилиши мумкин бўлган қисмигагина эҳтиёж сезмоқда. Бундан келиб чиқадигани — малакали ва тажрибали муҳандисларга, шифокорларга ва бошқарувчиларга нисбатан юқори талаб борлиги ва шу билан бир вақтда талаб этилмаётган олимлар, маданият ва санъат ходимлари, ҳар хил гуманитар соҳа вакиллари сонининг ортиб боришидир. Фикримизча, Ўзбе-

кистонда ҳозирда ходимлар социомаданий салоҳиятини ижтимоий баҳолашнинг икки, нисбатан мустақил ёндашуви мавжуд: биринчиси — мутахассисларга катта эҳтиёж сезаётган ва уларга юқори ҳақ тўлашга тайёр бўлган нодавлат секторида амал қилади.

Иккинчиси, анъанавий тарзда давлат секторида сақланиб келиб, аввалгидек тенгчиликка ва ақлий меҳнатга нисбатан салбий муносабатини намоён этиб келмоқда. Натижада зиёлилар, ўз аҳволига кўра жиддий фарқланувчи табақаларга бўлинмоқда. Юқори табақани бошқарув ва иқтисод-юрдик йўналишдаги юқори ҳақ тўланадиган мутахассислар ташкил этади, улар банк соҳаси, қўшма корхоналар, иқтисодиётнинг хусусий секторида банд бўлганлардир; ўрта табақада бир илож қилиб "сув юзасида қалқиб турган", илмий-техника йўналишдаги мутахассислар бўлиб, нефт-газ, геология ва бошқа экспорт соҳасида меҳнат қилувчилардир; қуйи табақа — ижтимоий ва гуманитар йўналишдаги мутахассислар бўлиб, бюджет соҳаларида меҳнат қиладилар.

Умуман олганда жамиятнинг тузилиши шўролар замонида таққослаганда сезиларли ўзгаришларга учради, бироқ, афсуски, кўплаб илгариги белгиларини ҳам сақлаб келмоқда.

Унинг жиддий ўзгартирилиши учун мулкчилик ва ҳокимият институтларини тизимли равишда ўзгартириш зарур бўлиб, кўп йилларни талаб этади. Бу вақтда эса, жамиятнинг табақалашуви ўзининг қатъийлиги ва бир маънолилигини янада ҳам йўқотиб бораверади. Гуруҳлар ва қатламлар ўртасидаги чегаралар "ювилиб" боради, кўплаб ноаниқ ёки зиддиятли мақомга эга бўлган маргинал гуруҳлар пайдо бўлади. Биринчи қарашда ушбу тенденция энг ривожланган ғарб мамлакатларидаги социал-синфий тузилиш чегараларининг йўқолиб боришини эслатса-да, бироқ кўпинча бу ўхшашлик расмангинадир. Гап шундаки, нисбатан бир хил бўлган "ўрта синф жамияти"нинг шаклланиши постиндустриализм учунгина хосдир.

Ўзбекистонда ўтиш даври иқтисодиёти шароитларида социал гуруҳларнинг шароитидаги ижтимоий-синфий тафовутлар алоҳида аҳамият касб этади. Улар аввалгидан кўра

камроқ намоён бўлади, кўпроқ социал мақомнинг бошқа томонларини аниқлаб боради.

Кейинги йиллардаги тадқиқотлар жамият социал тузилишини объектив ўрганишга асос солди, бироқ мамлакатимиз фани ҳозирча ушбу тузилиш ҳақида ишончли билимларга эга эмас. Социал тузилишнинг айрим жиҳатлари таҳлилига бир қатор ишлар бағишланган, аммо уларнинг кўпчилиги муаммонинг назарий таҳлили билангина чегарланади, ёки айрим ижтимоий гуруҳгагина бағишланади, уни янада кенгроқ бўлган бир бутунликдан ташқарида қараб чиқилади. Илмий адабиётларда ижтимоий поғонада муҳим ўрин эгалловчи гуруҳ ва қатламларнинг социал сурати етарлича кенг даражада ўрганилган.

Яқинда вужудга келган, жадал ривожланаётган ўрта қатламга тегишли бўлган ижтимоий фаол гуруҳлар (биринчи навбатда тадбиркорлар) жиддий таҳлилга тортилмоқда.

Ижтимоий-таркибий тадқиқотларнинг ўзгарувчанлик йўналишлари кўпинча ижтимоий гуруҳнинг сони ва таркибидаги силжишлар таҳлили билан чекланиб қолади. Ижтимоий гуруҳларнинг алоқалари ва ўзаро ҳамкорлиги, ижтимоий таркибнинг тизимлилиги, жамиятнинг амал қилиши ва ривожланишининг чуқур механизмлари анча кам ўрганилган. Социал таркиблар тадқиқоти кўпинча жамиятнинг "физиологияси"га эмас, балки "анатомияси"га тааллуқлидир. Шунинг учун уларнинг предмети ички ҳаётдан ва ўз-ўзини ривожлантириш механизмидан маҳрум бўлиб қолади.

2.3. СОЦИАЛ ИҚТИСОДИЁТДА ТАРМОҚ ТАРКИБЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

**Таянч
иборалар**

Тармоқ таркиби; ялли ички маҳсулот таркиби; такрор ишлаб чиқариш таркиби; саноат таркиби; инфратузилма; минтақавий ривожланиш салоҳияти; рақобатбардошлик; ташқи иқтисодий фаолият.

Ўзбекистонда ўтиш давридаги муҳим вазифалардан бири иқтисодиётнинг тармоқ таркибидаги туб ўзгаришларни амал-

га ошириш, унинг социал йўналтирилганлигини кучайтириш ҳисобланади.

Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодиёти социал ва иқтисодий ривожланиш, тармоқлараро меҳнат тақсимооти ва интеграция жараёнлари асосида вужудга келувчи хўжалик мажмуасидан иборат бўлади.

Социал иқтисодиётнинг тармоқ ёки таркибий қисм таркиби тармоқларнинг йирик гуруҳлари ўртасидаги ўзаро нисбат, алоқалар ва мутаносибликларни акс эттиради.

Энг умумий кўринишда социал-иқтисодий мажмуа қуйидаги тармоқ гуруҳларига бўлинади:

— моддий ишлаб чиқариш соҳалари (саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, шунингдек аҳолини озик-овқат таъминоти билан боғлиқ бўлган соҳалар, яъни тайёрлаш, моддий-техник таъминот, савдо ва умумий овқатланиш);

— ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқлари (уй-жой коммунал хўжалиги, маиший хизмат, транспорт, алоқа ва б.);

— аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш (соғлиқни сақлаш, фан, маданият ва санъат, таълим, бошқарув ва муҳофаза соҳалари).

Ҳар қандай социал-иқтисодий мажмуани ўрганиш учун тармоқларни функционал туркумлаштириш катта аҳамиятга эга бўлади. У тўрт гуруҳдаги тармоқларни ўз ичига олади:

1) бирламчи — кон саноати ва қишлоқ хўжалиги;

2) иккиламчи — ишлаб чиқарувчи саноат;

3) транспорт, савдо, уй-жой қурилиши, соғлиқни сақлаш, ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш;

4) бошқарув, фан ва илмий хизмат кўрсатиш.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, айниқса илмий-техника тараққиёти асоси, янги ишлаб чиқариш тармоқларининг ажралиб чиқишига олиб келади. Бунда, қоида тариқасида, кончилик тармоқлари улуши пасайиб, илмталаб тармоқлар ўсиб бормоқда.

Миллий иқтисодиётнинг замонавий таркиблари учун ҳар қандай кўпроқ ёки камроқ ривожланган мамлакат учун ха-

рактарли белги — тармоқ ёки тармоқлараро мажмуаларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Ҳозирда тобора кўпроқ даражада ишлаб чиқариш алоқаларининг мустаҳкамланиши, ишлаб чиқариш турли даражаларининг умумлашуви жараёни бормоқда. Географик жойлашуви, тарихий ва миллий анъаналар, у ёки бу мамлакатнинг имконияти хусусиятига боғлиқ ҳолда ёқилғи-энергетика, металлургия, кимё-ўрмон, қурилиш, агросаноат, транспорт соҳасидаги тармоқлараро мажмуалар шаклланмоқда. Бу мажмуалар, ўз навбатида, мураккаб ва табақалашган таркибларга эга бўлади.

Иқтисодиёт инфратузилмаси

Бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида инфратузилма тобора кўпроқ аҳамият касб этади. Инфратузилма — бу ишлаб чиқариш ва социал-ҳаётий эҳтиёжларни таъминлаш учун зарур бўлган моддий воситаларнинг мажмуасидир. У ишлаб чиқариш ва социал инфратузилмасига бўлинади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаларига транспорт, алоқа, омборхоналар моддий-техника таъминоти, муҳандислик қурилмалари, иссиқлик трассалари, водопровод, коммуникация, газ ва нефт қувурлари, ирригация тизимлари ва б.; социал инфратузилмага — йўловчи транспорти, шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг коммунал-маиший хўжалиги киради. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ҳам, ижтимоий инфратузилма ҳам миллий иқтисодиётнинг мажмуа ҳолида бўлишида ва янги ҳудудларни ўзлаштиришда, кенг доирадаги социал муаммоларни ҳал этишда жуда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган бозор ислохотлари жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, миллий иқтисодиётнинг эркинлашуви ва замонавийлашуви шароитларида инфратузилма тармоқларига, аввало, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасининг муҳим ташкилий қисми сифатидаги коммуникация соҳасига жуда қатъий талаблар қўймоқда. Ушбу талаблар мамлакат фуқа-

роларининг сифатли алоқа хизматига бўлган социал ва шахсий эҳтиёжларини тобора тўлароқ қондириш эҳтиёжлари билан тақозоланади. Республика, минтақавий ва маҳаллий телекоммуникация ва почта хизматлари бозорининг яхши ўрганилмаганлиги, ушбу соҳа салоҳиятидан фойдаланишнинг паст даражаси оқибатида алоқа хизматига бўлган бозор талаблари тўла даражада қондирилмаяпти. Мамлакат иқтисодиёти учун муҳим бўлган ушбу соҳани жадал ривожлантириш масаласи жуда кескин қўйилган. Ушбу соҳа иқтисодиётнинг бошқа аралаш тармоқларида умумлашган, яъни мультипликатив ҳолдаги ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий самара беради. Ушбу вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун амалга оширилаётган инвестицион сиёсат доирасида тегишли чора-тадбирлар кўрилиши лозим. Бунинг заминида давлат ишлаб чиқариш ҳажмининг умумий ўсишига, илмий-техника тараққиётининг жадаллашувиغا, миллий иқтисодиёт таркибининг ўзгаришларига ва кўплаб ижтимоий муаммоларни ҳал этишга таъсир кўрсатиб боради.

Тармоқнинг барқарор ва самарали ишлашини йўлга қўйиш ҳар бир тармоқ кичик бўлимлари ва ишлаб чиқариш ривожланишининг устуворликларини ҳисобга олган ҳолда жиддий таркибий ўзгаришлар қилишни, республиканинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда уларнинг ролини оширишни талаб этади. Фаол таркибий сиёсатни амалга ошириш учун анча миқёсдаги сармоялар талаб этилади. Бироқ, хўжалик юритишнинг олдинги маъмурий бўйруқбозлик тизимида бўлган нуқсон — ушбу соҳани молиялаштиришга "қолдиқ принципи" бўйича ёндошув ҳали охиригача бартараф этилган эмас. Почта ва телекоммуникация соҳаларини ривожлантиришга республика ЯИМнинг 0,67% ажратилади, ушбу кўрсаткич Фарб мамлакатларида эса ЯИМ нинг 3-4%гача этади.¹ Бу жаҳон телекоммуникацион янгилик-

¹ *Шоюсупова Л.Р.* Проблемы привлечения и использования иностранных инвестиций для ускоренного развития сферы почты и телекоммуникации Республики Узбекистан. Ташкент-Берлин-Бонн. 2001. с.111.

лардан кечикишга ҳамда Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда телекоммуникацияларни қайта қуриш ва янгилашнинг миллий дастурини бажариш муддатларининг чўзилиб кетишига олиб келиши мумкин.

Вазиятни яхшилаш ва ушбу соҳадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, корхоналарни акциялаштириш йўли билан бозор талабларини амалга ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Тармоқдаги таркибий ўзгаришлар, алоқа корхоналарининг хусусийлаштирилиши, улар томонидан хўжалик юритишнинг бозор усулларининг қўлланилиши телекоммуникация секторида инвестициялар киритилишини анча фаоллаштиришга имкон берди. Бугунги кунда почта соҳасида "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси, "Ўзбекистон почтаси" давлат акциядорлик компанияси, "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси, тезкор алоқани, интернет тармоғининг барқарор ишлашини, миллий ва жаҳон валютасида пул жўнатишларни амалга оширувчи акциядорлик жамиятлари, давлат, хусусий ва қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги шароитда ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг замонавий таркиби етарли даражада ривожланган саноат бўлишини тақозо этади. Бунда, қоида тариқасида, саноатнинг ўзи ҳам юқори даражада ихтисослашганлиги билан тавсифланади. Ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб бориши натижасида ишлаб чиқаришнинг кўплаб тармоқлари, соҳалари ва турлари вужудга келди, булар биргаликда саноатнинг тармоқ таркибини ташкил этади ва кўплаб ижтимоий ва иқтисодий омиллар билан белгиланади. Улардан асосийлари қуйидагилар ҳисобланади: ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси, техника тараққиёти, социал-тарихий шароитлар, аҳолининг ишлаб чиқариш кўникмалари, табиий ресурслар. Саноатнинг тармоқ таркибидаги ўзгаришларни белгиловчи энг муҳим омил — илмий-техника тараққиёти ва унинг асосий йўналишлари — ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, компьютерлаштириш

ва механизациялаштириш, технологияни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш ҳисобланади. Илмий-техника тараққиёти таъсири остида саноат тармоқ таркибининг ўзгариши ва такомиллашуви узлуксиз юз бериб боради.

Ўзбекистон Республикасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тармоқ таркиби қуйидагилардан ташкил топган (2-жадвал).

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тармоқ таркиби, умуман олганда бир қатор вилоятларда бирёқламалиги билан ажралиб туради, ҳудудларнинг ижтимоий манфаатларига унчалик ҳам мувофиқ эмас, бу вужудга келган аҳволни аста-секинлик билан тўғрилаб бориш заруриятига олиб келади. Масалан, Навоий вилоятида рангли металлургия маҳсулотлари ишлаб чиқариш устунлик қилади (73,1%). Мамлакат иқтисодиёти учун рангли ва қимматбаҳо металллар ҳар қанча зарур бўлса-да, бироқ бундай ҳолат минтақанинг экологик аҳволига (ҳавонинг чангланиши, радиация даражаси ва б.) ва вилоятда яшовчи кишиларнинг соғлиғига таъсир этмасдан қолмайди. Қашқадарё вилоятида саноат маҳсулотининг 61,6% ёқилғи саноати ҳиссасига тўғри келади, бу эса бандлик соҳасида ноқулайликларга (аёллар ишсизлиги, хизмат кўрсатиш соҳасининг, кичик бизнеснинг етарлича ривожланмаслиги) олиб келади. Хоразм вилоятида эса, аксинча, эркаклар бандлиги муаммоси вужудга келади, чунки енгил саноатнинг нисбатан ривожланганлиги (49,0%) шароитида барча бошқа ишлаб чиқариш соҳалари тегишлича ривожланишга эга бўлмай қолади. Шунга ўхшаш вазият Наманган ва Сурхондарё вилоятларида ҳам вужудга келган, уларда ҳам енгил саноатнинг улуши, тегишлича 56,7 ва 57,3 %ни ташкил этади. Андижон ва Самарқанд вилоятларида ҳам саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг таркиби бирёқламалиги билан ажралиб туради. Андижон вилоятида 56% саноат маҳсулоти машинасозликка тўғри келади (асосан ЎЗДЭУавто қўшма корхонаси автомобиллари туфайли), Самарқанд ви-

2003 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тармоқ тарқими (фоизларда)¹

	Саноат, жами	Шу жумладан									
		Электр энергетика	Китми	Кора ва рангаи ме- таллургия	Киме ва нефт-киме	Машинасоз- лик ва металл ишлаш	Саноат ку- риши ма- териаллари	Енгил саноат	Озиқ-овқат саноати	Бошқа са- ноат иш- лаб чиқа- риш	
Ўзбекистан Республикаси	100	9,1	12,2	16,8	6,1	12,3	4,1	19,7	12,3	7,4	
Қорақалпоғистон Республикаси	100	27,3	4,0	—	0,6	2,9	6,0	25,8	15,9	17,5	
Андижон	100	2,7	0,4	0,0	4,2	56,0	1,1	23,1	4,1	8,4	
Бухоро	100	1,5	34,8	0,0	0,1	1,7	2,5	47,1	7,8	4,5	
Жиззах	100	5,2	0,2	0,1	11,9	2,7	1,3	28,3	45,0	5,3	
Қашқадарё	100	3,5	61,6	—	0,2	1,4	1,3	19,5	7,7	4,8	
Навоий	100	6,1	—	73,1	10,7	0,6	5,2	2,7	1,0	1,5	
Наманган	100	3,5	0,1	—	1,8	3,2	6,6	56,7	18,8	9,3	
Самарқанд	100	4,3	—	1,1	1,6	6,1	2,4	21,9	47,6	15,0	
Сурхондарё	100	5,3	3,4	0,0	0,1	3,4	3,6	57,3	15,8	11,1	
Сирдарё	100	59,5	0,4	0,1	0,3	2,3	0,8	21,0	12,1	3,5	
Тошкент вилояти	100	14,4	2,1	32,9	10,0	3,8	7,5	15,5	9,8	4,0	
Фарғона	100	3,9	36,5	0,0	10,0	1,6	5,3	26,4	8,0	8,3	
Хоразм	100	9,3	0,3	0,0	1,3	6,8	4,2	49,0	17,1	12,0	
Тошкент шаҳри	100	6,9	0,9	1,9	6,1	35,8	3,5	6,5	22,7	15,7	

¹ Статистический сборник регионов Узбекистана 2003. — Ташкент: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2004, с. 58—59.

лоятида эса 47,6%ни озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ташкил этади (асосан ЎзБАТ қўшма корхонасининг тамаки маҳсулотлари ҳисобидан).

Мамлакат иқтисодиётининг бошқа тармоқларида ҳам ишлар унчалик яхши даражада эмас. Масалан, қишлоқ хўжалигида табиий-иқлим, иқтисодий ва бошқа сабабларга кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўта нотекис тақсимланиши вужудга келган. Шунинг учун бир қатор минтақаларда деҳқончилик (зироатчилик) маҳсулотларининг танқислиги сезилади, уларни бошқа минтақалардан ташиб келтиришга тўғри келади. Масалан, худди шундай вазият Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Қашқадарё ва бошқа вилоятларда вужудга келган. Хоразм вилоятида шаккар ишлаб чиқариш бўйича завод ишга тушган, бироқ хом ашёни узоқ масофалардан ташиб келишга тўғри келмоқда.

Мамлакатнинг бошқа вилоятлари ва тармоқларида ҳам вазият унчалик фарқ қилмайди. Албатта, бундай аҳвол кўплаб шарт-шароитлар ва омиллар билан боғланган. Бироқ тармоқ таркибини социал иқтисодиёт йўналишида аста-секин яхшилаб борилса, ўртача республика таркиби даражасига етказилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитларида чет эл сармояларининг кенг миқёсда жалб этилиши иқтисодий ўсишнинг, аввало, саноатдаги ўсишнинг энг муҳим омилига айланади.

Мамлакатимизда саноат сиёсатининг бош устуворликлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

— мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустақамлаш;

— ташқи иқтисодий фаолиятни, биринчи навбатда валюта бозорини эркинлаштириш;

— кундалик ҳисоб-китоблар учун миллий валютанинг конвертацияланишини таъминлаш.

Мўлжалланган устуворликларга мос равишда инвестиция сиёсатини рўёбга чиқариш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш зарур, булар:

— Ўзбекистон иқтисодиётини таркибий янгилашга чет эл сармояларини фаол жалб этиш (шу жумладан замонавий жиҳозлар ва илғор технологиялар кўринишида ҳам);

— чет эл сармояларини жалб этишни рағбатлатириш учун қулай инвестицион муҳит яратиш;

— Ўзбекистон иқтисодиётига қўйилаётган барча турдаги чет эл сармоялари учун давлат кафолати тамойилини қўллаш;

— миллий иқтисодиёт ривожланишининг самарадорлигини ошириш мақсадида молиявий-ишлаб чиқариш гуруҳларини бошқаришни ташкил этиш учун саноат, аграр ва бошқа корхоналарнинг давлат ва тижорат банклари билан мустақкам ҳамкорлигини таъминлаш.

Ўзбекистондаги таркибий сиёсат, иқтисодий ислохотларнинг миллий модели асосида амалга оширилиб, иқтисодий мустақилликни, шу жумладан энергетик ва озик-овқат мустақиллигини таъминлашга, шунингдек бой минерал-хом ашё ресурсларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган тоғ-кон саноатининг стратегик муҳим тармоқларини жадал ривожлантиришга йўналтирилган. Таянч тармоқларнинг — нефть, газ, рангли металлургия, автомобилсозлик, самолётсозлик, электроника, кимё ва нефть кимёси саноатларининг устувор даражада ривожланиши ҳисобидан саноатнинг тармоқ таркиби яхшиланди. Ўзбекистон Республикасининг статистика бўйича Давлат қўмитасининг 1991 йилдан 2004 йилгача бўлган давр учун маълумотларига кўра тўққиз юздан ортиқ янги турдаги маҳсулотларни чиқариш ўзлаштирилган. Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидан самарали фойдаланишга Андижон вилояти яққол мисол бўлади. Бу ерда икки йил ичида Ўрта Осиёда энг йирик бўлган "ЎздЭУавто" автомобилсозлик мажмуаси қурилди.

"Ўзбекистон иқтисодиётини таркибий ўзгартиришнинг 2010 йилгача бўлган даврга мўлжалланган концепцияси" асосига таркибий ислохотларнинг экспортга мўлжалланган модели қўйилган бўлиб, у ички ва ташқи бозордаги талаблар таркибига мослашган ҳолдаги рақобатбардош ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолият турларини яратиш ва ривож-

лантириш йўли билан республиканинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ва глобаллашув жараёнида таваккалчиликни минимумга тушириш ҳамда максимум фойда олишга мўлжалланган.

Саноат таркибини ривожлантиришда эришилган бир қатор ютуқларга қарамасдан индустриал сиёсатни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган айрим қийинчиликлар вужудга келди. Уларнинг асосийлари — ички бозор сизимининг чекланганлиги ва ўзимизда чиқарилган маҳсулотларнинг кўпчилик турлари етарлича рақобатбардош эмаслигидир. Бу жаҳон иқтисодий тизимининг ихтисослашуви ва глобаллашуви имкониятларидан, Ўзбекистоннинг салмоқли экспорт салоҳиятидан, ишлаб чиқариш миқёсларидан етарлича фойдаланишга имкон бермайди. Ўзбекистон иқтисодиётида таркибий ўзгартиришлар ўтказишда эҳтимолий оқибатларни ҳисобга олган ҳолда, глобаллашув жараёнидаги иштирокчиликдан зарарли минимумга, фойдани максимумга етказиш мақсадида мослашиб бориши зарур. Глобаллашувнинг фойдали жиҳатлари халқаро капитални жалб этган ҳолда ташқи савдода фаол қатнашиш билан боғлиқ бўлган янги имкониятлар билан тақозоланади.

Узоқ истиқболда мамлакат иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларга, глобаллашувнинг фойдаси билан бир қаторда, ўзига хос салбий жиҳатлари ҳам таъсир этиши мумкин, булар қуйидагилардир:

— Жаҳон Савдо Ташкилотининг (ЖСТ) қоидаларида экспорт субсидияларини чеклаш, инвестиция фаолиятида хорижликларни яққалаб қўйишни тақиқлаш, экспорт ва импортни мажбурий лицензиялашга, саноат товарларига юқори импорт тарифларига йўл қўймаслик кабилар кўзда тутилган;

— савдо ва капитал оқимининг тобора ўсиб боровчи очиклиги, халқаро ташкилотлар томонидан молиявий очикликка талабларнинг оширилиши сабабли, шунингдек чет эл капиталининг эҳтимоллий қайта оқимлари туфайли барқарорликка хавфнинг ошиб бориши, булар мамлакатдаги

барқарор ижтимоий-иқтисодий, сиёсий вазиятни таъминлашга ва макроиқтисодий тартибга солишнинг сифатига алоҳида талаблар қўяди;

— тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этиш учун рақобатнинг кучайиши, интеллектуал мулкнинг халқаро ҳуқуқини қўриқлашнинг кучайиши муносабати билан илғор чет эл технологияларидан кўчирма олиш имкониятининг пасайиши, мамлакат ташқи қарзининг ошиб бориши мумкинлиги ва бошқа шу қабилар оқибатида жаҳон тараққиётининг бир чеккасида қолиб кетиш хавфи.

Одатда, энг умумий кўринишда, саноат кончилиқ ва қайта ишлаш соҳаларига бўлинади. Саноатнинг қайта ишлаш соҳалари оғир индустриянинг асосини ташкил этади. Уларнинг улушига саноат маҳсулотни умумий ҳажмининг 90%и тўғри келади. Иқтисодий мўлжалланишига кўра бутун саноат маҳсулотни икки катта гуруҳга бўлинади: ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳаларига. Саноатни гуруҳларга бўлиш муҳим иқтисодий аҳамиятга эгадир. Бу ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг табиий-буюмлашган таркибини аниқлашга, саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида ҳар бир гуруҳнинг улушини ҳисоблашга ва шу асосда ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўртасида тўғри нисбатни ўрнатишга имкон беради.

Жаҳон ҳўжалигининг тармоқ таркиби

Жаҳон ҳўжалигининг тармоқ таркибида энг муҳим соҳа саноат бўлиб қолмоқда. Унинг улушига саноати ривожланган мамлакатлар ЯИМнинг 28% ва ривожланаётган мамлакатлар ЯИМнинг 27% тўғри келади.¹ Умумсаноат таркибида етакчи ўринни қайта ишлаш соҳалари эгаллайди, улар ҳўжалиқнинг бошқа соҳаларида техникавий ривожланиш даражасини таъминлайди, чунки уларда илмий-техника ютуқлари жамланади. Индустриал мамлакатларда улар ҳиссасига са-

¹ Мировая экономика / Под ред. В.К. Ломакина. М., Издательский центр «Ан-Кил», 1995. с. 120.

ноат маҳсулотининг 82,6% ва ЯИМ нинг 23%, ривожланаётган мамлакатларда, тегишлича — 73 ва 20% тўғри келади. Ривожланаётган мамлакатларда, саноати ривожланган мамлакатлардан фарқли равишда, қайта ишлаш саноати улуши ошиб бормоқда. Мамлакатнинг ривожланиб бориши билан ресурсталаб ҳисобланувчи таянч тармоқлардан илмталаб тармоқларга ўтиш юз бермоқда. Бунда маълум бир кетма-кетликда аввалига юқори даражадаги хом ашё сарфланувчи ва техника жиҳатдан мураккаб бўлмаган ишлаб чиқаришдан капиталталаб ва материалталаб тармоқларга, кейин эса илмталаб тармоқларга ўтиш кузатилади. Бироқ саноатдаги таркибий ўзгаришлар бир тармоқни бошқаси билан тўлиқ алмашинувига олиб келмайди — уларнинг ривожланишидаги устуворликларгина алмашади.

Барча кичик тизимларда кончилик саноатининг улуши қисқарган. 70—80-йилларда, аввалги даврлардаги каби, саноати ривожланган мамлакатларда ҳам, ривожланаётган мамлакатларда ҳам ЯИМ яратилишида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши улушининг қисқариши характерли бўлган. Шу билан бирга дунёнинг кўпчилик мамлакатларида қишлоқ хўжалиги самарадорлиги ўсиб борган. Фарб мамлакатларида агросаноат мажмуалари ташкил топди. Бу якуний маҳсулотдан фойдаланишнинг яхшиланишига олиб келди. Саноати ривожланган мамлакатларда ЯИМда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг улуши 2,3%ни, ривожланаётган мамлакатларда эса - 15,4%ни ташкил этади.¹

Бу ҳол ташқи савдо таркибидаги ўзгаришларга ҳам таъсир кўрсатди. Умуман олганда эса, ташқи савдо қайта ишлаш саноати маҳсулотлари томонга силжиб бормоқда. 80-йиллар охирида унинг улушига жаҳон ташқи савдоси ҳажмининг 75% (1980 йилда — 58%), ривожланаётган мамлакатларда эса ташқи савдо ҳажмининг 68% (1980 йилда — 42%) тўғри келган.² Бунда ривожланаётган мамлакатлар нафақат қайта ишлаш саноати маҳсулотларини кўпроқ экспорт қила бошлади, балки илмталаб товарларни ҳам кўпроқ импорт қила бошлади.

2.4. МИНТАҚАВИЙ ТАРКИБ

Социал иқтисодиётнинг шаклланишида хўжалик тизимининг тармоқ таркиби амал қилишига ресурсларни ҳудудлар бўйича жойлаштириш, шунингдек ресурслардан фойдаланиш муҳим таъсир кўрсатади. Алоҳида олинган бир мам-

¹ Ўша жойда.

² Ўша жойда.

лакатнинг миллий иқтисодиёти мураккаб таркибга эгаллиги билан ажралиб туради, унда тармоқ таркиби билан биргалликда яна бир муҳим таркиб — ҳудудийликни ҳам алоҳида ажратиб қараш лозим.

Минтақа, социал-иқтисодий маънода, кишиларнинг ҳудудий-иқтисодий бирлиги ва улар ҳаёт фаолиятининг ижтимоий шарт-шароитларини билдиради. Айнан шунинг учун шаклланаётган социал иқтисодиёт шароитларида Ўзбекистон минтақаларининг табиий-географик, демографик, миллий-маданий, социал-иқтисодий хусусиятлари мамлакат иқтисодиёти ривожланишини таъминлашда минтақавий сиёсатнинг тобора муҳим етакчи роль ўйнашини белгилаб беради.

Ҳудудий (минтақавий) таркиб деганда миллий иқтисодиёт тизимини иқтисодий бўғинлар — турли даражадаги зоналар, районлар, саноат марказлари ва бўлимларига бўлиб чиқиш тушунилади. У тармоқ таркибига қараганда анча секин ўзгаради, чунки минтақавий таркибнинг асосий элементлари муайян ҳудудга кучлироқ боғлангандир. Бироқ ноёб табиий ресурсларга эга бўлган янги ҳудудларни ўзлаштириш айрим минтақалар таркибини ўзгартиради ва янги ҳудудий мажмуалар шаклланишига ёрдам беради.

Тармоқлар ва айрим ишлаб чиқаришларнинг маконда бирикиши кўплаб омиллар таъсири остида юз беради. Уларга муайян ҳудуднинг минерал-хом ашё, ёқилғи-энергетика, моддий, меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги кабилар киради. Қайд этилган омиллар ўзаро кучли даражада боғланган бўлиб, миллий иқтисодиёт корхоналари ва тармоқларининг жойлашувига муайян таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқаришни жойлаштириш жараёнида ҳудудий ташкилотларнинг ҳар хил шакллари вужудга келди. Улардан йирик иқтисодий зоналар, саноат районлари, тугунлари, марказлари ва пунктлари фарқланиб туради.

Ўзбекистон Республикасида ҳудудий таркиблаштиришнинг бозор механизмлари ва усулларига асосланувчи, сифат жиҳатдан янгича ҳужалик модели шаклланмоқда. Жойларда ва минтақаларда янги иқтисодий таркибларни яратиш ва ривожлантиришдан иборат мураккаб жараён бормоқда.

Ишлаб чиқариш муносабатларидаги чуқур ўзгаришлар миллий иқтисодиётнинг бирламчи бўғини ҳисобланувчи корхоналар, айрим минтақалар ва ҳудудларнинг ролини оширишга йўналтирилгандир. Бу эса туб ўзгаришларни, бошқарувнинг турли даражалари ўртасида иқтисодий функцияларнинг қайта тақсимланишини олдиндан белгилаб беради.

Ушбу шароитларда, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг босқичма-босқичлигини ҳисобга олувчи, иқтисодий стратегия ва тактикага мос келувчи, янги бошқарув сиёсатини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш вазифаси ғоятда долзарб ҳисобланади.

Республика суверенитетининг мустаҳкамланиши, қабул қилинаётган қарорлар учун минтақалар ҳуқуқлари ва масъулиятининг кенгайиб бориши ҳозирги шароитларни ва маҳаллий хусусиятларни тезкорлик билан ҳисобга оладиган сиёсат ва ривожланишни мувофиқлаштириш тизимини шакллантиришга имкон беради.

Босқичлилиқ ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиш таркибий ўзгартиришларнинг тактикаси, стратегияси, тамойиллари, ёндошувлари ва усулларини белгилаб берди. Агарда биринчи босқичда иқтисодиётнинг аввалги таркибларини синдириш бўйича фаол чора-тадбирлар ўтказилган ва янги тизимнинг асослари яратила бошланган бўлса, иккинчи босқичда эса, давлат ва жамият томонидан янги ижтимоий тизимни, социал иқтисодиётни мувофиқлаштирувчи янги, замонавий таркибларни фаол равишда яратиш бошланди.

Иқтисодий ислоҳотлар ҳозирги босқичининг муҳим хусусияти уларнинг иқтисодий ўсишининг маҳаллий ресурслари ва захираларини ҳаракатга келтиришга йўналтирилиши ва минтақалаштирилиши ҳисобланади. Бозор муносабатларига ўтишдаги беш асосий тамойиллардан бири — "давлат — бош ислоҳотчи бўлиши" тамойилининг амалга оширувчилари, бевосита яратувчилари, ижрочилари давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари бўлмоқдалар. Улар томонидан муаммонинг моҳиятини ва ислоҳотларни секинлаштирувчи омилларни саводли даражада аниқлаши, тўсиқларни бартараф этиш

Бўйича иқтисодий асосланган қарорлар қабул қила олиш лақатлари бозор ўзгартиришларининг муваффақиятида, Ўзбекистоннинг социал тараққиёт ва гуллаб-яшнаган жамиятга айланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Минтақаларнинг самарали ривожланиши иқтисодий вазиятни ҳар томонлама таҳлил асосидаги социал-иқтисодий қарорларни амалга оширишни ҳамда тегишли усуллардан фойдаланишни тақозо этади.

Социал иқтисодиёт шаклланиши шароитларида муайян ҳудудда иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ва социал-иқтисодий ривожланишни таҳлил этишдаги бош вазифа — иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича тадбирларнинг ижтимоий ва ҳўжалик юритиш жараёнларига таъсири ва ўзаро алоқадорликларини аниқлаш ҳисобланади. Бу нима учун шунчалик муҳим? Шунинг учунки, айнан шу вазифа бозор ўзгартиришларини секинлаштирувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича социал жиҳатдан маъқул бўлган қарорлар қабул қилишга, Ўзбекистон халқи олдида турган мақсадлар ва вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга асос яратади.

3-жадвал

2003 йилда умумреспублика иқтисодий кўрсаткичларида минтақанинг улуши¹ (фоизларда)

	Худуд	Аҳоли сони 01.01.2004	Иқтисодий бандлар миқдори	ЯИМ	Саноат маҳсулоти	Қишлоқ ҳўжалик маҳсулоти	Асосий капиталдаги инвестиция	Қурилиш ишлари	Асосий фонд- ларни ҳара- катта киритиш
Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	100	100	100	
Қорақалпо- вистон Республикаси	37,1	6,1	5,3	2,4	1,6	2,7	6,5	5,1	4,9
Вилоятлар:									

¹ Стратегический ежегодник регионов Узбекистана 2003 г. — Статистический сборник. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. Т., 2004, с. 10-11.

Андижон	0,9	9,0	9,3	6,9	8,7	9,4	5,8	5,3	6,3
Бухоро	9,0	5,8	6,5	6,1	5,9	8,0	4,6	8,3	4,4
Жиззах	4,7	4,0	3,3	2,8	1,8	6,0	2,3	2,1	2,5
Қашқадарё	6,4	9,1	8,0	7,1	9,2	8,9	15,5	8,1	20,9
Навоий	24,7	3,1	3,7	5,3	15,1	3,8	7,2	6,5	6,8
Наманган	1,6	7,9	6,8	4,3	3,0	7,5	3,6	4,5	3,4
Самарқанд	3,7	10,9	10,3	7,3	4,1	12,5	5,3	5,8	4,9
Сурхондарё	4,5	7,2	6,4	5,3	2,2	9,1	4,4	5,0	3,2
Сирдарё	1,0	2,6	2,8	2,0	2,7	4,0	1,6	1,6	2,3
Тошкент	3,5	9,6	9,9	9,81	6,71	1,9	8,4	7,7	7,2
Фарғона	1,51	0,91	1,4	8,51	0,51	0,0	5,6	6,9	5,8
Хоразм	1,4	5,5	5,1	3,7	2,1	6,2	2,4	6,6	2,3
Тошкент шаҳри	—	8,3	11,2	14,0	15,5	—	26,6	23,4	25,1

Жадвалда келтирилган статистик маълумотлардан кўринадики, социал иқтисодиёт нуқтаи назаридан Ўзбекистон иқтисодиётининг минтақавий таркибини такомиллаштириш зарур. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси 1,6 млн. аҳолиси билан мамлакат ҳудудининг катта қисмини (37,1% ёки 166,6 минг км²) эгалласа-да, бу ерда Ўзбекистон ЯИМ атиги 2,4% ишлаб чиқарилади. Тошкент шаҳри 348 км² ҳудудда 2,1 млн. аҳолига эга бўлса-да, бироқ бу ерда мамлакат ЯИМ 14% яратилади. Шундай қилиб деярли 480 марта кичик бўлган ҳудудда қарийб 6 марта кўп маҳсулот ишлаб чиқарилади. Албатта, бундай таққослаш унчалик тўғри бўлмаса-да, бироқ бошқа ҳар қандай шароитда бу минтақалар ривожланишидаги захиралар ва имкониятларни, Ўзбекистонда минтақавий таркибларни такомиллаштириш зарурлигини яққол кўрсатади.

Ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ва иқтисодий ислохотлар боришининг таҳлили натижалари қуйидагиларга имкон беради:

— бозор ўзгаришларининг боришида маълум бир ҳудуднинг орқада қолиши ёки ўзиб кетиши сабабларини аниқлаш мақсадида республика маъмурий-ҳудудий бирликларининг ривожланиш даражасини таққослашга;

— ижтимоий-иқтисодий ислохотлар талбирларини амалга оширишда орқада қолувчи минтақаларни аниқлашга ва ор-

қада қолишни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишга;

— у ёки бу ҳудудда социал-иқтисодий ривожланишнинг **энг** долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган муаммоларини ва **зиддиятлар** тугунини аниқлашга;

— иқтисодий ўзгартиришларнинг бориши ва уларнинг **социал-иқтисодий** вазиятга таъсирини доимий кузатиб боришга (мониторинг).

Иқтисодиётнинг минтақавий таркибини муваффақиятли ўзгартириш учун мамлакатнинг у ёки бу ҳудудидаги (вилоят, туман, шаҳар ва б.) вазиятни таҳлил этиб туриш лозим. Шу мақсадда бир қанча иқтисодий тавсифларни аниқлаш зарур, улардан энг асосийси ҳудуд иқтисодиётидаги тизимли ўзгартиришлар тавсифи ҳисобланади.

Илмий адабиётда ва таҳлилий амалиётда шундай ўзгартиришлар тизимли деб аталадики, улар иқтисодиётдаги янги ёки илгари ривожланмаган секторларнинг пайдо бўлиши билан тавсифланади (хизмат кўрсатиш сектори, молиявий сектор, нодавлат секторининг жадал ривожланиши ва давлат секторининг жиддий қисқариши ва б.).

Минтақалар ривожланишининг характерига таъсир этувчи бошқа муҳим тавсиф, муайян ҳудуднинг молиявий аҳволи ҳисобланади, бу маҳаллий бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисмининг мувофиқлашган ҳолатини акс эттиради. Бунда бюджетнинг даромад қисмига тушумлар ҳажмининг бажарилмаслиги ёки ошириб бажарилиши сабаблари ва омилларини аниқлаш муҳимдир. Шу мақсадда корхонанинг (хўжалик юритиш барча субъектларининг) зарар кўриб ишлашидаги ҳар бир ҳолатни таҳлил этиш, дебитор ва кредитор қарздорлик даражасини баҳолаш, иш ҳақини ўз вақтида тўламаслик ҳолатларини, бунни келтириб чиқарувчи асосий сабабларни, шунингдек уларни бартараф этиш йўлларини таҳлил этиш зарурдир.

Минтақавий таркибларни кредитлаш ҳам чуқур таҳлилни талаб этади. Бунда аввало, кредит воситаларидан минтақа ривожланишидаги устувор йўналишларда мақсадли

фойдаланишнинг даражасини аниқлаш нуқтаи назаридан таҳлил этиш муҳим ҳисобланади.

Пул муомаласини нормаллаштирувчи, эмиссияни тартибга солувчи омилларнинг таҳлили муҳим ҳисобланади, булар миллий валютанинг курсига — сўмнинг чет эл валютасига нисбатига, минтақада иш ҳақини тўлаш бўйича кечикишларга жиддий таъсир кўрсатувчи омиллардир.

4-жадвал

Пул даромадлари, харажатлари ва жамғармалари
(миллиард сўмда)¹

	Пул даромадлари		Пул харажатлари ва жамғармалар	
	2002	2003	2002	2003
Ўзбекистон Республикаси	5196,7	6488,6	5248,2	6211,0
Қорақалпоғистон Республикаси	186,5	221,9	154,4	171,2
Вилоятлар:				
Андижон	540,7	616,0	538,2	578,7
Бухоро	281,8	354,8	274,4	291,7
Жиззах	140,8	173,2	124,8	129,7
Қашқадарё	350,6	462,2	315,1	356,0
Навоий	171,9	284,1	146,5	171,6
Наманган	305,1	360,1	304,7	313,4
Самарқанд	395,3	511,5	398,3	453,7
Сурхондарё	267,4	335,8	237,4	263,1
Сирдарё	90,2	116,3	80,0	89,0
Тошкент	462,6	646,9	469,8	571,2
Фарғона	604,3	697,7	589,9	643,2
Хоразм	205,3	228,8	187,9	196,9
Тошкент шаҳри	1194,2	1479,3	1426,8	1981,6

¹ Статистический ежегодник регионов Узбекистана 2003. — Статистический сборник. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. Т., 2004, с.30.

Ушбу жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон аҳолиси даромадларининг 22,8%га яқини Тошкент шаҳрига тўғри келади, Тошкент шаҳрида пул харажатлари умуман республика бўйича ушбу кўрсаткич даражасининг 11,9%ни ташкил этади. Бунда шуни эслаш жоизки, Тошкент шаҳри аҳолиси республика аҳолиси сонининг 8,9%ни ташкил этади. Шу тариқа, мамлакат ҳудуди бўйича даромадлар тақсимотининг номувофиқлиги, нотекислиги яққол кўринади. Бунинг устига, Тошкент шаҳрининг харажатлари даромадидан 1,3 мартадан кўпроқдир, бутун республикада эса аҳолининг харажатлари олинаётган даромадлари даражасидан ошмайди (аслида шундай бўлиши лозим). Ушбу вазиятнинг асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйича молиявий ва товар номувофиқлиги, меҳнат ресурслари, пул, товарлар ва хизматларнинг нооқилона оқимлари билан боғлиқ бўлган бутун бир ижтимоий муаммолар мажмуаси ётади.

Тегишлича, бу Ўзбекистоннинг турли минтақаларидаги аҳолининг ўртача жон боши даромадлари ва харажатлари даражасида ҳам акс этади. Жон бошига энг паст даромад ва харажатлар Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Хоразм вилоятларида вужудга келган. Мамлакат вилоятлари орасида бирмунча яхшироқ вазият Андижон вилоятида кўринади (2003 йилда даромадлар — 267,8 минг сўм, харажатлар эса — 251,6 минг сўм). Буларни қуйида келтирилган жадвал маълумотларидан кўриш мумкин:

5-жадвал

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари, харажатлари ва жамғармалари (минг сўмда) ¹

	Пул даромадлари		Пул харажатлари ва жамғармалар	
	2002	2003	2002	2003
Ўзбекистон Республикаси	204,9	252,8	206,9	242,0

¹ Статистический ежегодник регионов Узбекистана 2003. — Статистический сборник. — Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. Т., 2004, с.30.

Қорақалпоғистон Республикаси	120,4	142,3	100,0	109,8
Вилоятлар:				
Андижон	238,2	267,8	237,1	251,6
Бухоро	191,8	238,7	186,7	196,2
Жиззах	138,3	168,1	122,6	125,1
Қашқадарё	153,9	199,3	138,4	153,5
Навоий	214,7	352,9	182,9	213,2
Наманган	152,2	177,1	152,0	154,1
Самарқанд	142,3	181,6	143,4	161,1
Сурхондарё	146,8	181,2	130,3	142,0
Сирдарё	135,9	173,6	120,4	132,9
Тошкент	191,5	265,6	194,5	234,5
Фарғона	219,0	249,7	213,8	230,2
Хоразм	148,5	163,1	135,9	140,3
Тошкент шаҳри	553,8	686,2	661,6	919,1

Турли минтақаларда аҳолининг олинаётган ва эга бўлган даромадлари даражаси охир-оқибатда аҳолининг ва уй хўжалиklarининг харажатлар таркибида акс этади. Албатта бунда аҳолининг анъаналари ва эътибори, табиий-иқлим ва социал-иқтисодий хусусиятлар, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси сонининг нисбати, оилавий кўрсаткичлари ва бошқалар муҳим роль ўйнайди.

6-жадвал

2003 йилда уй хўжалиklarининг ойлик харажатлари
(уй хўжалиklarини текшириш материаллари бўйича, % ларда) ¹

	Харид қилиш			Хизматларга тулаш	Солиқлар, йиғимлар, бошқа харажатлар
	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Ноозиқ-овқат товарлари	Алкоголли ичимликлар		
Ўзбекистон Республикаси	51,8	19,5	0,6	12,3	15,8

¹ Статистический ежегодник регионов Узбекистана 2003. — Статистический сборник. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. Т., 2004, с.30.

Қорақалпоғистон Республикаси	66,4	15,6	1,5	6,6	9,9
Андижон	54,7	19,1	0,1	9,4	16,7
Бухоро	41,1	19,6	1,0	8,9	29,4
Жиззах	52,6	20,4	0,5	8,6	17,9
Қашқадарё	58,9	16,1	0,6	10,2	14,2
Навоий	39,9	17,3	1,0	10,3	31,5
Наманган	57,0	16,8	0,41	1,61	4,2
Самарқанд	56,2	17,5	0,41	4,1	11,8
Сурхондарё	58,9	16,9	0,21	0,11	3,9
Сирдарё	63,8	12,2	0,3	8,0	15,7
Тошкент	53,2	23,8	0,91	0,61	1,5
Фарғона	46,0	25,0	0,3	11,2	17,5
Хоразм	59,1	14,7	1,2	11,7	13,3
Тошкент шаҳри	48,1	19,2	0,4	19,1	13,2

Озиқ-овқат маҳсулотларига энг кўп харажатли Қорақалпоғистон Республикаси (66,4%) ва Сирдарё вилояти (63,8%) аҳолиси киради, ноозиқ-овқат маҳсулотларига эса — Фарғона (25,0%) ва Тошкент (23,8%) вилоятларида харажат кўплигини кўрамыз. Солиқлар, йиғимлар ва бошқа харажатларнинг улуши Навоий (31,5%) ва Бухоро (29,4%) вилоятларида энг юқори даражада, Тошкент шаҳрида эса — 13,2% , Ўзбекистон Республикаси бўйича эса 15,8%. Шу тариқа, айрим минтақаларнинг нисбатан узоқдалиги ва экологик оғир шароити устига яна солиқлар ва бошқа харажатларнинг юқори даражаси ҳам қўшилади. Социал уйғунлаштириш нуқтаи назаридан ушбу вазиятни енгиллаштириш ва ушбу минтақалар аҳолиси учун қулайроқ шароит яратиш мақсадга мувофиқдир.

Минтақа даражасида бошқарувчилик қарорларининг самарадорлиги учун ҳудудда молиявий ресурсларнинг шаклланиши ва фойдаланиши устидан назорат қилиш имконияти бўлиши катта аҳамиятга эга, бу ушбу ресурсларнинг айланиш даражасини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга ва самарали чоралар кўришга имкон беради.

Ишлаб чиқаришнинг бозор ташкилотлари вужудга келиши, иқтисодиётнинг турли даража ва таркибларида сифат жиҳатдан янги ўзаро муносабатларнинг шаклланиши республика даражасида ҳам, маҳаллий даражада ҳам социал-иқтисодий ривожланишнинг мувозанати ва барқарорлигини таъминлаш бўйича минтақавий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишни тақозо этади.

Бунда, шуни таъкидлаш муҳимки, биринчи қарашда ташқи ҳисобланувчи, минтақавий тизимларнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг маҳаллийлашуви асло минтақалар манфаатининг республика манфаатларига қарама-қарши қўйилишини билдирмайди. Аксинча, бу билан ҳудудий бўғинлар манфаатларининг оддий умумлаштирилиши ва тенглаштирилишидан воз кечиш амалга оширилади ва, аввало, республика ҳамда маҳаллий бошқарув органларида, такрор ишлаб чиқариш жараёни иштирокчилари ўртасида келишув йўллари топишга шароит яратилади.

Республикада ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар ўз миқёси ва ўзгартиришлар бўйича ҳудудий хўжалик юретишида янгича ёндашувлар ва механизмлар зарурлигини талаб этади.

Ҳудудларни бошқаришда иқтисодий усулларни ривожлантиришдан асосий мақсад — йирик минтақавий социал-иқтисодий муаммоларни ҳал этишни амалда таъминлаш ва шу асосда самарали минтақавий сиёсат ўтказишни яхшилашдир.

Ҳозиргача иқтисодий сиёсатда ҳудудларни бошқаришнинг бир бутун концепцияси яратилмаган, фақатгина концептуал ёндашувлар мавжуддир, улар ҳали охиригача ишлаб чиқилмаган ва конкрет минтақанинг ўзига хос иқтисодий шароитларида синаб кўрилмаган.

Социал иқтисодиёт шаклланиши шароитларида барча соҳаларда бир бутун хўжалик механизмини яратишга комплекс ёндашувни амалга ошириш зарур.

Минтақа социал-иқтисодий ривожланишининг хўжалик юретиш механизмининг асосий элементларига қуйидагилар кирди:

— минтақалар социал-иқтисодий ривожланишини комплекс мўлжаллаш, мақсадли комплекс ҳудудий дастурлар тузиш ва уларда стратегияни, асосий вазифалар ва уларни амалга ошириш йўлларини белгилаш;

— ишлаб чиқарувчи кучларни ҳудудий ташкил этишнинг стратегик йўналишларини ҳал этишни таъминловчи воситалар тизимини яратиш;

— минтақавий таркибларни мувофиқлаштирувчи ташкилий таркибларни шакллантириш.

Минтақавий ривожланиш даражасини баҳолашга услугий ёндашувлар

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётининг вужудга келиши шароитларида минтақавий таркибни такомиллаштириш масалаларини ҳал этиш тобора ўсиб боровчи аҳамият касб этади, давлат томонидан тартибга солишнинг мустақил йўналишига айланади.

Давлат бошқарув органлари комплекс ёндашувни ишлаб чиқаришга, минтақалар ривожланиши муаммоларини ҳал этишда ҳар хил усуллардан фойдаланишга интиладилар, бунда молиявий тадбирларнинг маълум бир тизимини ўтказиш билан боғлиқ ҳолда минтақавий прогнозлаштириш (мўлжаллаш) амалиётини кенг қўллайдилар. Давлат тартибга солишнинг кўрсатиб ўтилган шаклларида ташқари, ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишида давлат ва жамоат ташкилотларининг, турли жамғармаларнинг тадбиркорлик фаолияти орқали бевосита қатнашади.

Бозор ўзгаришларининг чуқурлашуви шароитида, иқтисодий муносабатлар сифат жиҳатидан бошқача характер касб эта бориб, минтақаларнинг рақобатбардошлигини ҳамда уларнинг салоҳиятини баҳолаш тобора каттароқ аҳамият касб этади.

Иқтисодий минтақалар хусусиятларини тўлиқроқ ҳисобга олиш ва ривожланиш йўналишларини максимал юқори даражада асосланишини таъминлаш учун, фикримизча, маъ-

лум бир вазифа ёки муаммолар мажмуаси йўналишида ҳудудга ҳар томонлама тавсиф берувчи, ўзаро боғлиқ бўлган кўрсаткичларнинг бутун тизимини эътиборга олиш лозим. Шу тарзда кўрсаткичлар тизимида уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда солиштирувчанлигига эришиш зарур. Минтақаларнинг рақобатбардошлилик даражасини баҳолаш учун, фикримизча, энг камида 19 та кўрсаткичлардан иборат тизим энг мақбули ҳисобланиши мумкин, улар уч гуруҳга тақсимланади:

1. Умумиқтисодий кўрсаткичлар.
2. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари.
3. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси кўрсаткичлари.

Барча кўрсаткичлар таркибни, Ўзбекистон Республикаси статистикасининг миллий ҳисоблари тизимига ўтиш имкониятлари ва истиқболларини ҳамда республиканинг социал-иқтисодий ривожланиши хусусиятларини ҳисобга олган иқтисодий тадқиқотлар тажрибаларини таҳлил қилиш йўли билан ажратиб олиниши мақсадга мувофиқдир.

Ажратиб олинган кўрсаткичлар ўзаро мустақкам даражада боғланган бўлиши, минтақанинг ижтимоий соҳаси, иқтисодий ривожланишнинг салоҳияти ва даражаси тўғрисида таянч тасаввурларни яратиш лозим.

Минтақавий ривожланишнинг салоҳияти районнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини аниқловчи ва ишлаб чиқарувчи кучлар ўртасидаги объектив муносабатларни ҳам, конкрет ҳудудда вужудга келувчи ишлаб чиқариш муносабатларини ҳам акс эттирувчи омиллар умумлашмасидан иборат бўлади.

Ҳар хил йўналишдаги катталиклар билан ҳисобларни бажариш ўта мураккаб, кўпинча имконсиз бўлганидан, нисбий кўрсаткичлар ёки параметрларга (ўлчамларга) ўтишни амалга ошириш зарур. Мазкур ҳолатда, танланган 19 та кўрсаткичлар бўйича мамлакатдаги умумий ҳажмда конкрет минтақанинг улуши аниқланади.

Олинган ялпи улуш, 100 га кўпайтирилган ҳолда, ҳисоб параметрлари (X_1, X_2, \dots, X_9) сифатида чиқади. Тегишлича

ҳисоблашлар учала гуруҳнинг ҳар бири бўйича табақалаш-
тирилган дастлабки кўрсаткичлардан, махсус формулалар
бўйича амалга оширилади:

1. Умумиқтисодий кўрсаткич I_1 :

$$I_1 = \frac{1}{5} \cdot \sum_{j=1}^5 \cdot X_{ij}, \quad (1)$$

2. Ишлаб чиқариш кўрсаткичи I_2 :

$$I_2 = \frac{1}{3 \cdot (1 + K_1)} \cdot \left(\sum_{j=6}^8 \cdot X_{ij} + K_1 \cdot \sum_{j=9}^{11} \cdot X_{ij} \right), \quad (2)$$

Бу ерда, K_1 — саноат ялпи маҳсулотида ишлов берувчи, оғир саноатларнинг ривожланиш даражасини акс эттирувчи коэффициентдир:

$K = 6 \cdot \frac{V_o}{V_c}$, бу ерда, V_o — оғир саноат маҳсулот ҳажми, V_c — ялпи саноат маҳсулоти ҳажми.

3. Иқтисодий инфратузилма кўрсаткичи қуйидаги тарзда ҳисобланади I_3 :

$$I_3 = \frac{1}{6 \cdot (1 + K_2)} \cdot \left(\sum_{j=12}^{13} \cdot X_{ij} + K_2 \cdot \sum_{j=14}^{19} \cdot X_{ij} \right), \quad (3)$$

Бу ерда, K_2 — минтақада иқтисодий инфратузилма ва саноатнинг ривожланиш даражасини, нисбатини акс эттирувчи коэффициентдир:

$K_2 = 6 \cdot \frac{V_u}{V_n}$ бу ерда V_u — транспорт, таълим, тиббий таъминот, савдо ва шу кабилар маҳсулоти ҳажми.

4. Минтақавий ривожланиш салоҳиятининг ва минтақа рақобатбардошлигининг интеграл кўрсаткичи қуйидагича ҳисобланади:

$$P = \frac{1}{3} \cdot (I_1 + I_2 + I_3). \quad (4)$$

Конкрет тадқиқотнинг йўналганлигига боғлиқ ҳолда ҳар хил кўрсаткичлар ёки уларнинг маълум бир тўплами танланиши мумкин.

Минтақа ривожланишининг ҳолати ва даражасини тавсифловчи конкрет кўрсаткичлар сифатида, масалан қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

Иқтисодий районнинг рақобатбардошлилик кўрсаткичлари

(минтақавий ривожланиш салоҳияти)

Кўрсаткичлар гуруҳи	№	Кўрсаткичлар номлари
Умуқиқтисодий кўрсаткичлар (I ₁)	1.	Минтақа ҳудуди, минг км ²
	2.	Аҳоли, минг киши
	3.	Иқтисодий район даромади, минг сўм
	4.	Корхоналар сони
	5.	Банд аҳоли сони
Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (I ₂)	6.	Суғориладиган ер майдони, минг га
	7.	Қишлоқ хўжалигида бандлар сони, минг киши
	8.	Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти, минг сўм
	9.	Саноатнинг ялпи маҳсулоти, минг сўм
	10.	Капитал қўйилмалар (инвестициялар) ҳажми, минг сўм
	11.	Қурилиш-монтаж ишлар ҳажми, минг сўм
Иқтисодий инфратузилма кўрсаткичлари (I ₃)	12.	Т/й транспортида юк ташиш ҳажми, минг т.
	13.	Автомобил транспортида юк ташиш ҳажми, минг т.
	14.	Таълимга харажатлар, минг киши
	15.	ОЎЮ талабалари сони, минг киши
	16.	Врачлар сони, минг киши
	17.	Илмий даражага эга бўлган илмий ходимлар сони, минг киши
	18.	Электр энергияси истеъмоли, минг квт/соат
	19.	Улгуржи (чакана) савдо ҳажми

Иқтисодий, социал, илмий-техникавий рақобатбардошлиликнинг тақдим этилаётган ўлчовларини аниқлаш масаласи ғоятда долзарб ҳисобланади, таниқли халқаро ташки-

лотларнинг ушбу муаммолар талқинига катта қизиқишлари ҳам шундан дарак беради.

Ушбу қизиқиш ўтган асрнинг охирларидаёқ пайдо бўлган эди. Иқтисодий кооперация ва илмий ҳамда техникавий фаолиятни ўлчашларни тартибга солиш учун қабул қилинган ҳяужжатларда ("Фраскатти қўлланмаси" 1980 й. каби) асосий эътибор фан соҳасига қўйилувчи ресурслар тўғрисидаги, фан ва илмий хизмат соҳасидаги фаолият турлари тўғрисидаги ушбу соҳада олинувчи айрим умумлашган турдаги "маҳсулотлар" ҳақидаги маълумотлар ҳисоблаш техникаси ва халқаро таққослашларга қаратилди.

Илмий-техник салоҳиятни баҳолашнинг конкрет масалаларига ЮНЕСКОнинг "Илмий-техник салоҳиятни инвентаризация (ҳисоб-китоб) қилиш бўйича қўлланма" номли услубий қўлланмаси яратилган, унда илмий-техник салоҳият "Илмий кашфиётлар, ихтиролар, техникавий янгиликлар учун, фан олдига қўйиладиган миллий ва халқаро муаммоларни ҳал этиш учун мамлакат эга бўлган ресурсларнинг мавжудлиги" умумлашмаси сифатида тавсифланади. Кўрсатиб ўтилган қўлланмада ҳам илмий-техникавий салоҳиятни ташкил этувчи элементлар таркиби берилган бўлиб, уларга қуйидагилар киритилган:

А) мамлакатнинг фан ва техникадаги инсон ресурслари;

Б) илмий-техника фаолиятининг аралаш соҳалари ва илмий ишланмалар, тадқиқотлар ўтказишга мамлакат томонидан ажратиладиган молиявий ресурслар;

В) илмий ишлаб чиқариш воситалари (ер, бино, илмий тадқиқотлар учун жиҳозлар);

Г) мамлакат эга бўлган илмий-техникавий маълумотлар хизматлари ва марказлари;

Д) илмий тадқиқотларнинг ҳозирги ва лойиҳаланаётган дастурлари, мамлакатдаги илмий-техникавий фаолиятга раҳбарлик қилиш бўйича марказлар.

Илмий-техник салоҳиятини ҳисоб-китоб қилиш бўйича ЮНЕСКО томонидан тайёрланган кўрсатма шуни мўлжаллайдики, баҳолашнинг мақсади — илмий-техникавий сало-

ҳият таркиби ва катталигини, демакки, у ёки бу мамлакат минтақа иқтисодиётининг рақобатбардошлигини баён этишга хизмат қилишдир. Бунда, баҳолаш дейилганда, нафақат маълум вақт давомида ўзгаришлар характерини кузатишга имкон берувчи миқдор кўрсаткичлари, балки унинг шаклланиши ва ривожланишининг турли босқичларида илмий-техника салоҳияти ривожланишининг янги тенденцияларини акс эттирувчи сифатий тавсифлари ҳам тушунилади.

Кўрсаткичларнинг яхлит тизимини, илмий ва илмий-техникавий салоҳиятининг ресурс қисмини аниқлаш учун, қуйидаги кўринишда тасаввур этиш мумкин:

— салоҳиятнинг функционал ўзига хос ташкил этувчилари бўлган ресурсларнинг умумий кўрсаткичлари (кадрлар, молиявий, моддий-техникавий, информацион);

— ресурсларнинг тармоқ таркиби (миллий иқтисодиёт тармоқлари, ишлаб чиқариш комплекслари ва фан тармоқлари кесмасида);

— фан ресурсларини ҳудуд бўйича жойлаштириш;

— илмий салоҳиятнинг ресурс ташкил этувчиларнинг ўзгаришлари динамикасининг кўрсаткичлари.

Минтақавий салоҳиятнинг, шу жумладан, илмий салоҳиятнинг ҳам ҳозирги ҳолати катта миқдордаги омилларни тадқиқ этиш ёрдамидагина ҳар томонлама тавсифланиши мумкин. Бироқ, улар жуда ҳам кўп сонли бўлганда, аниқланган алоқаларнинг тавсифи қийин ҳал этилувчи вазифага айланади. Минтақавий салоҳиятнинг ҳозирги ҳолатини баён этишда, ички, объектив амал қилувчи қонуниятларни акс эттирувчи, камроқ миқдордаги умумлашган омиллар ёки асосий қисмларни ўрганиш усули энг турлитуман реал жараёнларни баён этиш ва тавсифлашга имкон беради.

Иқтисодий ва илмий салоҳиятни ҳудудий жойлаштиришда республикада бўлаётган ўзгаришлар бир қатор омиллар таъсири билан шартланади. Улар орасида фан ва умуман миллий иқтисодиётни модернизациялаш эҳтиёжи, энг муҳим районларнинг ишлаб чиқарувчи кучларининг ри-

вожланиш истиқболлари, уларнинг хом ашё ресурсларини ўзлаштириш, энергетик базадан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш зарурияти алоҳида роль ўйнайди. Булар ўз навбатида жойларда геофизик, геологик, тупроқ-ботаник, тарихий-археологик, демографик ва бошқа соҳалар бўйича йирик миқёсли тадқиқотларни талаб этади.

Шу муносабат билан минтақавий таркибни, минтақанинг салоҳиятини уларнинг рақобатбардошлигини баҳолашнинг илмий услуб ва воситаларининг бўлиши социал иқтисодиёт асосларини шакллантириш учун катта аҳамиятга эгадир.

2.5. ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРКИБИ

Такрор ишлаб чиқариш таркиби хўжалик таркибининг шундай томоники, у иқтисодиётнинг ўсиш имкониятлари ва унинг самарадорлигини акс эттиради. Такрор ишлаб чиқариш жараёни ишлаб чиқаришнинг ўзини, ЯИМни, инсоннинг иш кучини, ижтимоий муносабатларни бутун тизимининг қайта тикланишини акс эттиради.

Социал иқтисодиётнинг шаклланиши ва амал қилиши давомида истеъмол ва жамғарма ўртасидаги нисбат энг муҳим ҳисобланади, чунки у кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришнинг маълум бир шарт-шароити ҳисобланади. Бундай ёндашганда миллий иқтисодиёт таркибида субъектларнинг уч тури қаралади — уй хўжалиги, корхона ва давлат. Такрор ишлаб чиқариш таркибининг ривожланиши давлат чора-тадбирлари тизимини амалга оширишни тақозо этади, улар хўжалик юритувчи субъектлар манфаатдорлигининг молиявий иқтисодий шарт-шароитларининг яратилиши билан мустаҳкамланган ҳамда хўжалик фаолиятининг жадал ривожланиши мўлжалланган соҳаларига капитал оқиб келишини таъминлашга йўналтирилган бўлиши лозим. Бу нисбатан тезда қайта ташкил этишга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ёки қайта йўналтиришга қодир

бўлган, танланган гуруҳдаги корхона ва ташкилотларга мақсадли давлат ёрдами кўрсатишни назарда тутди. Корхонанинг такрор ишлаб чиқаришида ва миллий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларида фақат бозор механизмларига таяниш жуда муҳим, бироқ у ҳамма вақт ижобий натижа беравермайди. Айнан шунинг учун такрор ишлаб чиқариш жараёнларига, айниқса макроиқтисодий даражада давлатнинг тартибга солиб туриши муҳимдир. Бундай аралашув танланган, айрим ҳолатлардагина амалга оширилади.

Танланган таркибий сиёсат ҳиссадорлик ва холдинг компаниялари, тармоқлараро ва минтақалараро бирлашмалар, молия-саноат гуруҳлари, банк уюшмалари, қўшма корхоналар кўринишидаги энг илғор, замонавий бўлган хўжалик фаолияти соҳалари ва шакллари учун қулай шароитлар яратди.

Такрор ишлаб чиқариш таркибий сиёсатини ривожлантиришнинг бошқа бир механизми молия-кредит, пул ва солиқ орқали тартибга солиш ҳисобланади. Ушбу тартибга солиш тизими мамлакатдаги умумий иқтисодий вазиятга таъсир кўрсатишнинг умумий бозор механизмига кўпроқ яқин ва тўлиқроқ қўшилиб кетишига қарамасдан, у кўпчилик иқтисодий инструментлардан танлаб фойдаланишга кенг имкониятлар очди. Буларга ҳисобга олиш ставкалари, экспансионистик кредит сиёсати, солиқ ставкалари ва солиқ имтиёзлари, амортизация ажратмалари, баҳоларни тартибга солиш, чет эл капитали учун қулайликлар ва чеклашлар тизими, қатъий ва нозик божхона сиёсатини амалга ошириш кабилар киради.

Агарда, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш — бу узоқ муддатли давр вазифаси деган қоидадан келиб чиқилса, унда таркибий сиёсат социал такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлашдан келиб чиқиши ва унинг ҳисобга олиши лозим, бунда тармоқлараро тенглик ва минтақалараро иқтисодий мувозанатнинг йириклаштирилган моделининг белгилари яққол намоён бўлади. Шу муносабат

билан миллий иқтисодиёт ривожланишининг устувор йўналишлари ва ундаги таркибий ўзгартиришлар ўртасида аниқ чегараланиш бўлиши мақсадга мувофиқдир. Албатта, бу уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш эмас, бироқ уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва муайян бир бутунлигини таъкидлаган ҳолда, уларнинг фарқлари тўғрисида ҳам унутмаслик керак.

Иқтисодиёт ривожланишининг устувор йўналишларини ажратиб кўрсатиш — бу ҳозирда пайдо бўлаётган муаммоларни ҳал этишга мўлжалланган давлат сиёсатидир. Демак, у ўз таркибида кўпроқ даражада ўрта ва қисқа муддатли характерга эга бўлган тадбирларни қамраб олади. Вазифа тегишли соҳаларга, уларнинг аҳволини яхшилашга эришиш мақсадида, қулай ёки ноқулай бозор, молия-кредит муҳити яратиш йўли билан хўжалик юритувчи субъектларга фавқулодда ёки кечиктириб бўлмайдиган таъсир кўрсатиш чораларини қабул қилишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётини таркибий такрор қуриш ҳақида гап кетганда, иқтисодиётнинг шакллантирилаётган тармоқ ва минтақавий бўғинларининг янада самаралироқ ҳамкорлигига эришиш мақсадга мувофиқ бўлади. Таркибий сиёсатнинг моҳияти — жамият ихтиёридаги мавжуд ресурслардан энг самарали фойдаланиш учун иқтисодиёт мажмуасининг энг мақбул таркибини шакллантиришдир. Шунинг учун таркибий сиёсатни барча соҳани қамраб олувчи макроиқтисодий тадбирлар даражасига киритиш лозим, иқтисодиёт ривожланишининг устувор йўналишлари эса, доимо танлов характеридаги мезо ва микроиқтисодий тадбирлардир.

Давлатнинг такрор ишлаб чиқариш сиёсатининг белгиловчи мезони маҳсулотнинг ишлатилиши ва истеъмол характеристикаларининг техникавий даражасини кўтариш ҳамда устувор йўналишларнинг объекти сифати танланган хўжалик фаолияти соҳаларида қўлланилувчи илғор технологиялар асосида уларнинг чиқарилишини ташкил этиш-

дир. Бу талаб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг номенклатураси ва таркибининг ўзи билан ҳамда ишлов беришда қўлланиладиган технологик усуллар билан тақозоланади. Бундай ёндашув хўжалик фаолиятининг бир соҳадаги ўзгаришларини ишлаб чиқаришнинг барча оралиқ турларидаги ўзгаришлар билан, масалан, агрегатлар, қисмлар, деталлар, бутловчи буюмларни етказиб берувчиларни ҳам, шунингдек тайёр маҳсулот истеъмолчиларини комплекс бирлаштиришни амалга оширишга имкон беради.

Бир бутун давлат қайта ишлаб чиқариш сиёсатини ўтказиш у ёки бу тадбирларни амалга оширишда эҳтиёткорликни ва ҳар томонлама ўйлаб иш тутишни талаб этади.

Таркибий сиёсат социал иқтисодийнинг асосий йўли ва ривожланишига, хусусий ташаббус асосидаги модернизацияга зид келмаслиги лозим. Ностандарт, ўзгарувчан усулларни излашга мажбур этувчи қийинчилик шу билан изоҳланади. Бу усулларда қуйидагилар бўлмаслиги керак:

- қандайдир яқка тартибдаги солиқ ва бошқа имтиёзлар;
- солиқ юкини кўпайтирувчи кенг қўламли давлат субсидиялари ва инвестициялари;
- шу жумладан, тартибга солинувчи баҳолар орқали субсидиялаш;
- бюджетдан молиялаш билан қандайдир расмий тармоқ устуворликларини ўрнатиш.

Бу чеклашларни тўпланган тажриба ва умуман қабул қилинган иқтисодий стратегия талаб этади.

Таркибий сиёсатни фаоллаштириш зарур, унинг мақсади ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга ёрдам бериш ва тайёр маҳсулотларни, юқори технологияларни экспорт қилиш экан, бунда қуйидаги тамойилларни асос учун олиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Давлат ёрдами молиялаштиришнинг нисбатан катта бўлмаган ўлчамларида бўлади.

2. Бозорда ўзини кўрсата олган, ўзининг рақобатбардошлигини исботлаган маҳсулотлар ва фирмалар қўллаб-қувватланади. Шу тарзда ҳақиқий устуворликлар аниқланади.

3. Оммавий, очик-ойдин ташкил этилган танловларда голиб бўлган номзодларгина молиявий ёрдам олади.¹

Иқтисодий тушкунликдан ўсишга ўтиш жараёнини жадаллаштириш учун иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар жараёни давлат ёрдамига эга бўлиши зарур.

Ушбу соҳада давлат сиёсатининг мақсади жаҳон миқёси бўйича рақобатбардош маҳсулотлар чиқарувчи миллий ишлаб чиқаришни яратиш ҳисобланади. Бундай сиёсатни ишлаб чиқишда миллий иқтисодиётнинг тармоқ ва қайта ишлаб чиқариш таркибларининг хусусиятларини ҳамда иқтисодий ривожланиш жараёнида ушбу таркиблардаги ўзгаришларнинг жаҳондаги тенденцияларини аниқлаш катта аҳамиятга эгадир.

Тадбиркорлик фаолияти ва мамлакат иқтисодиётига таъсир этишнинг муҳим воситаси давлатнинг инвестиция сиёсати ҳисобланади. Унинг ёрдамида давлат ишлаб чиқариш ҳажмининг суръатларига, ИТТни жадаллаштиришга, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таркибини ўзгартириш ҳамда кўплаб социал муаммоларни ҳал этишга бевосита таъсир кўрсата олади.

Социал иқтисодиёт шаклланиши шароитидаги асосий вазифалар давлатнинг асосий инвесторлик функциясидан озод этилиши ва хусусий сектор иқтисодиётдаги инвестиция фаолиятидан манфаатдор бўлишига шароит яратиш ҳисобланади. Бунинг учун давлат, биринчи навбатда, иқтисодиётда барқарорликни ва унинг ривожланишининг муқаррарлигини таъминлаши зарур. Инфляция ва демакки, банк кредитлари фоизининг юқори ставкасида инвестициялар ҳажми, айниқса ўрта ва қисқа муддатли лойиҳалар кескин қисқаради, чунки инвестициялар ҳажмининг кредит фоиз ставкаси миқдорига назарий боғлиқлиги маълум. Ушбу боғлиқликка кўра, фоиз ставкаси қанча юқори бўлса, инвестиция қўйиш ҳажми шунчалик паст бўлади. Инвестиция

¹ Курьеров В.Г., Аукционек С.Л. «Тенденции развития экономики» ЭКО №6, 2001, с. 15–20.

— бизнинг иқтисодиёт учун нисбатан янги атамидир. Марказлашган режали тизим доирасида "ялпи капитал қўйилмаси" атамаси ишлатилиб, бунда асосий фондларни такрор ишлаб чиқаришга бўлган барча харажатларига, уларни таъмирлашга кетадиган харажатлари ҳам қўшиларди.

Инвестиция дейилганда, кенг маънода, асосий фондларни яратиш, янгилаш, ҳаракатдаги ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, шунингдек акция, облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар ва активлар пакети сотиб олишга йўналтирилувчи давлат, корхона ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари тушунилади. Инвестициялар ҳар қандай давлат иқтисодиётида жуда муҳим роль ўйнайди. Улар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнининг, ишлаб турган корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва қайта қуришни жадаллаштириш, асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш, янги техника ва технологияларни жорий этиш, социал соҳани ривожлантириш, маҳсулот сифатини ошириш ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини янгилаш, ишлаб чиқариш ва маҳсулотни сотиш харажатларини пасайтириш, маҳсулот ҳажмини ва ундан келадиган фойдани кўпайтиришнинг асоси ҳисобланади.

Капитал қўйилмалардан фойдаланишнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан уларнинг таркибига боғлиқдир. Капитал қўйилмалар таркибининг қуйидаги турлари мавжуд: технологик, такрор ишлаб чиқариш, тармоқ ва ҳудудий.

Капитал қўйилмаларнинг технологик таркиби дейилганда қандайдир объект қурилишига қилинган харажатлар таркиби ва уларнинг умумий смета қийматидаги улуши тушунилади. Капитал қўйилмаларнинг технологик таркиби улардан фойдаланишнинг самарадорлигига энг жиддий таъсир кўрсатади. Ушбу таркибни такомиллаштириш лойиҳанинг смета қийматида ва асбоб-ускуналар улушини энг мақбул даражагача ошириб боришдан иборатдир. Ўз моҳиятига кўра, капитал қўйилмаларнинг технологик таркиби бўлғуси кор-

хонанинг асосий ишлаб чиқариш фондларининг актив ва пассив қисмлари ўртасидаги нисбатни шакллантиради. Машина ва ускуналар улушининг, яъни бўлғуси корхона асосий ишлаб чиқариш фондлари актив қисмининг кўпайиши, корхонанинг ишлаб чиқариш қувватининг кўпайишига, ва демакки, маҳсулот бирлигига капитал қўйилмаларнинг пайишига ёрдам беради. Иқтисодий самарадорликка меҳнат ва иш жараёнининг механизациялашув даражаси ошуви ҳисобидан ҳам эришилади.

Капитал қўйилмаларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби дейилганда уларнинг асосий ишлаб чиқариш фондларини қайта ишлаб чиқариш шакллари бўйича умумий смета қийматидаги тақсимланиши ва ўзаро нисбатлари тушунилади. Капитал қўйилмаларнинг қанча улуши янги қурилишга, қайта қуришга ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, ҳаракатдаги ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, модернизациялашга йўналтирилиши ҳисоблаб чиқилади.

Такрор ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштириш, аввало ҳаракатдаги ишлаб чиқаришни қайта қуриш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилувчи капитал қўйилмалар улушининг ошиб боришидан иборат бўлади. Назария ва амалиёт гувоҳлик беришича, ишлаб чиқаришни қайта қуриш ва техник қайта жиҳозлаш янги корхона қуришдан кўра кўп жиҳатдан фойдали бўлади: биринчидан, қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини ҳаракатга келтириш муддати; иккинчидан, капитал қўйилмалар сарфи анча қисқаради.

Мамлакат миқёсида капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлиги тармоқ ва ҳудудий таркибларга ҳам жиддий равишда боғлиқ бўлади.

Капитал қўйилмаларнинг тармоқ таркиби, дейилганда уларнинг саноат ва умуман иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланиши ва ўзаро нисбати тушунилади. Унинг такомиллаштирилиши бутун халқ хўжалигида ИТТни жадаллаштиришни таъминловчи тармоқларнинг тезроқ ривожла-

нишини таъминловчи тармоқларнинг тезроқ ривожланишини ва мутаносиблигини таъминлаш билан боғлиқ бўлади.

Капитал қўйилмаларнинг ҳудудий таркиби деганда уларнинг умумий жамламасининг айрим иқтисодий районлар ҳамда вилоятлар бўйича тақсимланиши ва ўзаро нисбати тушунилади.

Капитал қўйилмаларнинг ҳудудий таркибини такомиллаштиришнинг моҳияти шундан иборатки, бу юқори даражада иқтисодий ва социал самара олишга имкон беради.

Инвестициялар, биринчи навбатда реал инвестициялар, яъни капитал қўйилмалар мамлакат иқтисодиёти ва ҳар қандай корхона учун ўта муҳим аҳамият касб этади, чунки улар қуйидагилар учун асос ҳисобланади:

- Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фондларини доимий янгилаб бориш ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш сиёсатини амалга оширишга;

- Илмий техника тараққиётини жадаллаштириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга;

- Ижтимоий ишлаб чиқаришни таркибий қайта қуриш ва миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларининг мутаносиб ривожланишига;

- Саноатнинг зарурий хом ашё базасини яратишга;

- Фуқаровий қурилиш, соғлиқни сақлаш, олий ва ўрта мактаб ривожланишига;

- Энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечишга, аввало ишсизлик муаммосини юмшатиш ёки ҳал этишга;

- Табиий муҳит муҳофазаси ва бошқа мақсадларга эришишга.

Инвестицион жараёнлар таҳлили шуни кўрсатадики, кейинги бир неча йилда чет эл инвестициялари ва кредитлари улуши бирмунча пасайган. Инвестиция соҳасида юз бераётган ушбу ва бошқа тенденцияларни қуйидаги жалвалдан ҳам кўришимиз мумкин.

**Ўзбекистон Республикасида 1998—2003 йилда молиялаштириш
маблағлари бўйича инвестицияларнинг таркиби
(жамига нисбатан фоизларда)**

Молиялаштириш манбалари	1998	1999	2000	2001	2002	2003
Жами	100	100	100	100	100	100
Давлат бюджети маблағи	22,8	29,3	30,3	23,1	25,0	20,7
Корхоналар маблағи	31,5	22,7	26,4	27,5	40,0	43,4
Чет эл инвестиция ва кредити	19,8	24,4	21,7	29,3	20,4	19,9
Аҳолининг маблағлари	18,0	14,5	12,7	11,3	12,0	12,5
Банк кредити ва бошқа кредит манбалари	7,5	8,1	7,5	8,7	2,2	2,9
Нобюджет фондлар маблағи	0,4	0,7	1,4	0,1	0,4	1,0

Нималар учун инвестиция зарурлиги тўғрисидаги рўйхатни анча давом эттириш мумкин. Бироқ, биринчи навбатда инвестициялар мамлакат иқтисодиётини соғломлаштириш ва шу асосда кўплаб ижтимоий муаммоларни, аввало аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш учун зарурдир.

2.6. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИ

Социал иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш вазифаларини ҳал этиш ҳам ички (айрим, жамият доирасида), ҳам ташқи, аввало ташқи иқтисодий омилларнинг фаол ўзаро ҳамкорлигини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Мамлакатимиз жаҳон иқтисодий ҳамжамиятининг фаол иштирокчисига айланмоқда. Ислохотлар жараёнида ташқи иқтисодий фаоли-

ятнинг эркинлаштирилиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг, айниқса кичик ва ўрта бизнес субъектларининг, чет эл бозорларида мустақил фаолият юритишлари учун шарт-шароитлар яратиш давр талабига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жаҳон Савдо Ташкилотининг аъзоси бўлишга тайёрланаётган экан, у халқаро савдо муносабатларининг қоидалари ва қонунларига асосланувчи ва барча мамлакатлар томонидан амал қилинувчи меъёрларни чуқур ўрганиши, шунингдек уларни амалиётда қўллаши зарур. Бозор иқтисодиётига ўтиш йилларида ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилди. 1992 йил августдан бошлаб импорт товарларга солиқлар бекор қилинди, кўпчилик халқ истеъмоли товарлари божхона тўловларидан озод этилди.

Ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасида асосий ўринни инвестициялар (сармоялар), жумладан, чет эл инвестицияларини жалб этиш эгаллайди. "Мамлакат иқтисодиётига инвестициялар ҳажми анча ошди. Ўтган (2004 й) йилда улар 5,2%га ошди ва ЯИМнинг 20%дан кўпроғини ташкил этди. Бунда марказлашган манбаларнинг улуши жиддий даражада қисқарди ва марказлаштирилмаган манбалар улуши, аввало корхоналарнинг ўз маблағлари жиддий даражада ўсди, уларнинг улушига барча инвестицияларнинг 45%дан кўпроғи тўғри келади. Бошқа характерли жиҳати — иқтисодиётимизга, айниқса нефть, газ, тўқимачилик соҳаларига тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари қўйилишининг 1,5 мартага кўпайганидир."¹

Инвестициялар соҳасидаги салмоқли ютуқлар шу билан изоҳланадики, 2004 йилда республикада инвестицион муҳитни яхшилаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар қилинди. Бунга қулай макроиқтисодий шарт-шароитлар: инфляциянинг барқарор паст даражаси, ЯИМ ва саноат маҳсулотининг ўсиши ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси кабилар ёрдам берди. Ташқи иқтисодий муносабатларни фа-

¹ *И.А. Каримов.* Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Сенатнинг 2005 йил 28 январдаги Қўшма Мажлисидаги маърузадан.

оллаштириш ва инвестицион фаолиятни кенгайтиришда 2003 йил охиридан бошлаб экспорт-импорт операциялари бўйича миллий валютанинг конвертация қилиниши муҳим роль ўйнади. Буларнинг барчаси шунга олиб келдики, асосий капитални кўпайтиришга йўналтирилган чет эл инвестициялари ва кредитларнинг ҳажми ошди, 2004 йилда 605,8 млрд. сўм миқдоридан ўзлаштирилди. Шундан давлат мулкдаги корхоналар — 292,7 млрд. сўм, ёки 36,3% ўзлаштирилди.

2004 йилда 2003 йилга нисбатан инвестициялар умумий ҳажмида тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ва кредитлари улуши 10 фоизни ташкил этди ва 3 пунктга кўпайди. Бундай кўпайиши "Багаттекс" (Хоразм вилояти), "Сайхунмедтекс" (Сирдарё вилояти), "Юнивер" (Қорақалпоғистон Республикаси), "Сурхантекс" (Сурхондарё вилояти), шунингдек "Телеком" АЖда (Бухоро ва Хоразм вилоятлари) қурилишлар ва қўшма корхоналарда асбоб-ускуналар олиш натижасида юз берди.

Республикада (01.01.05 й.) чет эл капитали иштирокидаги 2412 корхона фаолият кўрсатмоқда. Улардан, тармоқ кесмасида — 58,5% (1412таси) саноатда, шу жумладан 25,5% истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, 20,1% савдо ва умумий овқатланиш, 4,2% транспорт ва алоқа, 4,0% қурилиш, 2,6% қишлоқ ва ўрмон хўжалигида шуғулланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 ноябрдаги №560 Қарорига кўра қабул қилинган Давлат инвестицион дастурига мувофиқ 2005 йилнинг энг муҳим устувор лойиҳалари аниқланган. Мўлжалларга кўра молиялаштириш манбалари бўйича капитал қўйилмаларда, 2005 йилда марказлаштирилган маблағлар республика бўйича 30%ни ташкил этади, шу жумладан, давлат кафолати остидаги чет эл инвестициялари ва кредитлари — 13,3%, бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари жамғармалар — 16,7%. Марказлаштирилмаган инвестицияларни молиялаштиришда (70%) корхоналар маблағлари ҳисобидан — 37,2%, тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари (давлат кафолатисиз) — 19,6%, тижорат банклари кредитлари — 2,1%, аҳолининг маблағлари — 11,03%.

2005 йилга инвестицияларнинг тармоқ таркиби (тармоқлар бўйича тақсимланиши) кўрсатадики, чет эл инвестициялари кўпроқ машинасозлик, металлургия, кимё, ёқилғи, энергетика ва геология комплексларига — 49,5% йўналтирилмоқда. Бу иқтисодий фаол модернизациялашга, унинг ривожланишининг инновацион асосларини мустаҳкамлашга имкон беради. Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ва кредитлари шаклидаги энг йирик маблағларни "Ўзбекнефтгаз" Миллий холдинг компанияси олади. "Ўзбекенгилсаноат" компанияси ҳам каттагина маблағлар олиб, улар республика минтақаларида тўқимачилик саноатида қўшма корхоналар яратишга йўналтирилади.

Социал иқтисодийнинг шаклланиши учун кичик бизнеснинг ривожланиши бўйича кредитлар алоҳида аҳамиятга эгадир. Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг (ТЧИ) умумий ҳажмида ушбу маблағларнинг ялпи миқдори 12,6%ни ташкил этади.

Умумиқтисодий мажмуага ТЧИ ва кредитларнинг 9,7% тўғри келади. Ушбу маблағларнинг асосий олувчиси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳисобланади, у ушбу маблағларни илгари хусусийлаштирилган корхоналарни модернизациялашга йўналтиради.

ТЧИ ва кредитларнинг 5,02% социал мажмуага тўғри келади, қурилиш мажмуаси, қурилиш материаллари саноати, уй-жой коммунал хўжалиги ва транспортга 2,36%, алоқа ва инфорацион технологиялар масалалари бўйича мажмуага — 2,52%, бошқа вазирликлар, идоралар, ижроия ҳокимият органларига — 3,09%, агросаноат мажмуасига — 1,33% маблағлар тўғри келади.

Республика раҳбарияти ташқи иқтисодий фаолиятга, жумладан, хусусий чет эл инвестицияларини жалб этиш масалаларига жиддий эътибор қаратмоқда. Бунинг яққол далили Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги "Тўғридан-тўғри чет эл хусусий инвестицияларини жалб этишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳисобланади. Фармонда

Тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестицияларини жалб этувчи корхоналарни даромад (фойда) солиғи тўлашдан, мулк солиғи тўлашдан озод этиш мўлжалланган, шунингдек, улар ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудни ободонлаштириш солиғидан, экологик солиқдан, микрофирма ва кичик корхоналар учун умумий солиқдан ҳамда республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалардан озод этиладилар. Бироқ бунда тўғридан-тўғри хусусий чет эл инвестицияларининг ҳажми бўйича қуйидаги шартлар бажарилиши лозим: 300 минг АҚШ долларидан 3 млн. АҚШ долларигача бўлса — 3 йил муддатга, 3 млн. АҚШ долларидан 10 млн. АҚШ долларигача — 5 йил муддатга, 10 млн. АҚШ долларидан кўплари — 7 йил муддатга бўлиши лозим. Бундан ташқари, кўрсатилган корхоналар меҳнат сарфи ортиқча бўлган минтақаларга — Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларига, шунингдек Навоий, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларига жойлаштирилиши лозим. Корхонанинг устав капиталида чет эл иштирокчиларининг улуши 50%дан кам бўлмаслиги ва Ўзбекистон Республикасининг кафолатисиз бўлиши керак. Эркин конвертацияланувчи валюта ёки янги замонавий технологиялар кўринишидаги чет эл инвестицияларини киритиш кўрсатилган корхоналар давлат рўйхатидан ўтганларидан кейин амалга оширилиши лозим. Қўлланиш муддати давомида, кўрсатилган имтиёзлар берилиши натижасида олинган даромадни корхонани янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш ҳам муҳим шартлардан ҳисобланади.

Ривожланиш тарихига келганда эса, 1997 йил сентябрдан чет эл инвестицияларидан фойдаланиш асосида ишлаётган корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни экспортга чиқаришда божхона тўловларидан озод этилди, улар чет мамлакатларда ўз савдо уйлари ва ваколатхоналарини очиш ҳуқуқига эга бўлди. Корхоналарнинг ташқи иқтисодий алоқалари соддалаштирилди. Хўжалик юритувчи

субъектлар ташқи иқтисодий фаолият вазирлигида (Агентлигида) рўйхатдан ўтишдан озод этилди.

Кичик бизнес субъектлари ўзлари ишлаб чиқарган товарлар экспортидан тушган чет эл валютасидаги маблағларни давлатга мажбурий тарзда сотишдан озод этилди. Уларга экспорт билан боғлиқ бўлган харажатларини ўз маблағларидаги валюта ҳисобидан қоплаш ҳуқуқи берилди. Бундай ишларни амалга ошириш учун банк муассасалари кассалари орқали тегишли банк ҳисобларига пул ўтказиш тартиби жорий этилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Божхона тарифлари тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикасининг ички бозорини ҳимоялаш тўғрисида" Қонунлари қабул қилинди. Ушбу Қонунлар мамлакат ички бозорини, кичик ва ўрта бизнес субъектларини бозор иқтисодиётининг кутилмаган ўзгаришларидан ҳимоялашга йўналтирилган.

Республика аҳолисини юқори сифатли товарлар билан таъминлаш мақсадида меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб уларга кўра импорт маҳсулотларга сифат сертификатлари бўлиши талаб қилинади.

Шу билан бирга ушбу соҳада ҳали ўз ечимини кутаётган кўпгина муаммолар ҳам мавжуд. Ташқи савдо шартномаларини расмийлаштиришда бюрократизм, расмиятчилик, порахўрлик ҳоллари кузатилади. Масалан, тадбиркорга бошқа мамлакатлардан товарларни импорт қилишда консигнацион шартномани расмийлаштириш учун ушбу товарлар қийматига тенг миқдордаги пулни махсус ҳисобга ўтказиш зарурлиги фактини ҳеч қандай мантиқ тушунтириб беришга қодир эмас. Тадбиркор олиб келган товарларини сотиб бўлгунча ва ички бозорда экспорт қилинувчи товарларни сотиб олмагунча ушбу пуллардан фойдаланиши тақиқланиши ҳам тушунарсиз ҳолатдир. Бундай шароитларда тадбиркор консигнацион фаолият билан шугулланишдан воз кечади. Чунки катта маблағнинг махсус ҳисобда туриб қолиши уни банкротликка олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, тадбиркор республика божхона органларига олиб келина-

диган товарларнинг бозор конъюнктураси тўғрисида маълумотнома тақдим этиши зарур.

Божхона органларида тадбиркорни олиб келинадиган товарларга қўшилган қиймат солиғини тўлиқ тўлашга мажбур этишади. Консигнация шартларига кўра эса, бундай тўловларни товарлар келтирилганидан кейин икки ой давомида амалга ошириш мумкин. Тадбиркорларни бундай тўсиқлардан озод қилиш мамлакат бозорини товарлар билан тўлдиришга имкон беради, аввало истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш бўйича имкониятларни кенгайтиради, шунингдек товарлар баҳосининг пасайишига ёрдам беради. Тадбиркорнинг шахсий маблағларини махсус ҳисобда мажбурий ушлаб туриш ўрнига импортга шартномаларни суғурталашни жорий этиш мумкин.

Тегишли давлат органлари кичик ва ўрта бизнесга солиқ ва бојхона тўловлари соҳасида ажратиладиган имтиёзларнинг амалда бажарилишини назорат қилишлари зарур. Бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ импорт қилинувчи товарлар бўйича солиқ тўловлари ички бозорда сотилганидан кейинги пул ҳисобидан тўланади.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ташқи бозорга кенг миқёсда чиқишларини таъминлаш учун, уларни маълум бир тўлов эвазига жаҳон бозоридаги аҳвол тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар билан доимий таъминлаб туриш, махсус маълумотнома бюллетенларини чиқаришни ташкил этиш лозим. Уларни жаҳон бозоридаги "баҳолар ўйини" қоидалари билан таништириш зарур.

Республикада фаолият кўрсатаётган товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси кичик ва ўрта бизнесга ташқи бозорга чиқиш учун ёрдам кўрсатиш бўйича катта имкониятларга эга.

У кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун ташқи бозор конъюнктурасини ўрганиш бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказилади, миллий маҳсулотларнинг халқаро кўрғазмалари ўтказилишини ташкил этади, халқаро кўрғазмаларда маҳаллий ҳунармандлар ва тадбиркорларнинг имкониятла-

рини намоён этади, тегишли адабиётлар, қўлланмалар билан таъминлайди ва бошқа турдаги ёрдамларни кўрсатади.

Иқтисодий эркинлаштириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси халқаро кредит ташкилотлари билан ўз ҳамкорлигини кенгайтирмоқда. Жаҳон кредит уюшмаси Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ жойларида "Жамғарма ва кредит" уюшмаларини ташкил этиш лойиҳасини амалга оширишга ёрдам бермоқда. 2002 йилда "Кредит уюшмалари тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистон Кредит уюшмаларининг фаолияти демократик тамойилларга асосланади ва унинг аъзолари бўлган барча юридик ва жисмоний шахслар ўз мустақилликлари ва эркинликларини сақлаб келадилар.

Ҳозирда қишлоқ жойларида кредит уюшмалари тузилмоқда. Улар ширкатлар, фермер ва деҳқон хўжалиklarини, яқка тартибдаги тадбиркорларни ўз сафларига жалб этишни мўлжаллайдилар.

Кредит уюшмалари Республика Марказий Банки томонидан рўйхатга олинади, шундан сўнг махсус сертификат оладилар.

Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2002 йилда Халқаро Молия Корпорацияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очди. Ушбу ташкилот кичик ва ўрта корхоналар учун "Лизинг Инфо" деб номланган янги лойиҳасини амалга оширишга киришди.

Ўтиш даврининг дастлабки йилларида ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан маъмурий усуллар воситасида тартибга солишни амалга ошириш зарурияти бор эди. Ўша йилларда мамлакат саноатининг маҳсулоти ҳажми жиҳатидан ҳам, сифати жиҳатидан ҳам жаҳон бозорлари талабларига мос эмас эди ва рақобатга чидамасди.

Ички истеъмол бозорида четдан келтирилган товарлар устунлик қиларди. Ички бозорни ҳимоялаш мақсадида импортни бошқариш бўйича маъмурий чоралар қўлланилган эди.

Ўтиш даврининг иккинчи босқичида эса ташқи иқтисодий фаолиятда жиддий ўзгаришлар юз берди. Иқтисодий

барқарорлик, саноат, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий соҳа ривожига ижобий силжишлар ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш ва жаҳон бозорига чиқиш учун қулай шароит яратди. Энергетика ва ғалла ишлаб чиқаришда мустақилликка эришиш эса ташқи иқтисодий муносабатлар таркибида ижобий ўзгаришларга олиб келди.

Мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш жараёнида ташқи иқтисодий фаолият ҳам маъмурий бошқарувдан озод этилди ва ушбу соҳани чуқур эркинлаштириш жараёни бошланди.

Ҳозирги шароитда на ҳукумат, на ички инвесторлар республика иқтисодиётига зарур ҳажмдаги инвестицияни таъминлашга қодир эмас. Бундан ташқари, кўпчилик мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, фақат ички манбаларга таяниш сиёсати дастлабки капитал жамғариш даврининг чўзилиб кетишига олиб келади, иқтисодий ўсишни секинлаштиради, муҳим социал вазибаларни ҳал этишни анча орқага суради.

Таркибий қайта қуришни амалга ошириш ва таянч тармоқларнинг ривожланиши фаол инвестицион сиёсат ўтказиш билан узвий боғланган бўлиб, унинг доирасида инвестицион базани ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар стратегиясини амалга оширишнинг энг муҳим шарти сифатида қаралади. Ўзбекистон миллий иқтисодиётини таркибий қайта қуришнинг мўлжалланган йўналишлари фақатгина кучли социал йўналтирилган давлат инвестицион сиёсатини амалга оширилган шароитдагина реал ҳолда руёбга чиқади, бунинг учун эса инвестициялашнинг барча — ҳам ички, ҳам ташқи манбалари тўлиқ ҳаракатга келтирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2000 йил 1 февралда ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича Тармоқлараро Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг йиғилишидаги маърузасида "...мамлакат иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этмасдан туриб, банк ва молиявий соҳаларда, реал иқтисодиётда ва биринчи навбатда таянч тармоқларда чет эл капиталининг иштирокини кенгайтир-

масдан туриб, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиш истиқболини таъминлаш қийин, аниқроқ қилиб айтганда эса, мумкин эмас" — деб алоҳида таъкидлади.¹

Ташқи инвестицияларни, чет эл капиталини кенг миқёсда жалб этиш миллий иқтисодиётни, унинг энг муҳим соҳалари, тармоқлари ва мажмуаларини таркибий ўзгартиришни амалга оширишнинг зарурий шарти сифатида тан олинган. Чет эл капиталини жалб этиш тўғридан-тўғри инвестициялар кўринишида ҳам, шунингдек халқаро иқтисодий ташкилотлар ва молиявий институтлар, донор мамлакатлар томонидан берилувчи давлат заёмлари, инвестицион ва молиявий кредит ресурслари шаклида ҳам амалга оширилади. Бундан ташқари, махсус лойиҳаларни амалга ошириш учун чет эл капиталини жалб этишга алоҳида эътибор берилади.

Бозор ислохотларининг муваффақиятли бориши учун фавқулодда муҳим бўлган лойиҳалардан бири давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнларига чет эл инвестицияларини жалб этиш ҳисобланади. Ушбу жараён икки босқични босиб ўтди ва ҳозирда учинчи босқичга кирмоқда, бунда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш иқтисодиётнинг таянч соҳалари бўлган рангли металлургия, нефтгаз ва кимё саноати корхоналарини қамраб олади.

Давлат мулкани хусусийлаштиришга чет эл инвестицияларини жалб этишнинг самарали механизмини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 18 ноябрда 477 рақамли, "Давлат мулкани хусусийлаштиришда чет эл капиталини жалб этишни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"² махсус қарор қабул қилинган эди. Қарорда кўрсатилишича, инвестициялаш соҳасини кенгайтиришни қуйидаги ҳисобдан чет эл капиталини жалб этиш асосида амалга ошириш мўлжалланган:

¹ Правда Востока, 2 февраля 2000

² Деловой партнер Узбекистана. №50, с.3.

— иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги, шу жумладан та-
янч соҳалардаги корхоналарни индивидуал лойиҳалар бўйича
хусусийлаштиришни амалга ошириш;

— акциядорлик жамиятларининг акциялар пакетининг
бир қисмини биржа ва биржадан ташқари бозорларда чет
эл инвесторларига сотиш;

— барқарор талабга эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқарув-
чи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарни чет эл инвесторла-
рига тўлиқ мулк сифатида сотиш.

Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этиш
жараёнидаги ўсиб бораётган рақобат инвестицион муҳитни
яхшилашга йўналтирилган таркибий ўзгаришларга ва соци-
ал-иқтисодий ривожланишга ёрдам беради. Стратегик му-
ҳим ресурсларнинг мавжудлиги, аҳолининг юқори билим
даражаси, малакали ишчи кучининг нисбатан арзонлиги,
инфратузилманинг нисбатан ривожланганлиги ва бошқа
омиллар тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб
этишда Ўзбекистонга анча устунликлар беради. Шу билан
бирга, тажрибанинг кўрсатишича, ушбу омилларнинг ўзи
етарли эмас. Кенг миқёсли таркибий ислоҳотлар зарур.

2002 йилда республикага 294,2 млрд. сўм² миқдориди
чет эл инвестициялари ва кредитлари жалб этилган бўлиб,
бу 1999 йилдагидан 8 баравар ва 2000 йилдагидан 2 бара-
вар кўпдир. Бунда чет эл инвестициялари учун жозибадор
асосий тармоқлар ёқилғи-энергетика комплекси, ав-
томобилсозлик, маиший техника маҳсулотлари, олтин
қазиб олиш кабилар бўлди.

Умуман олганда эса, ишлаб чиқаришнинг интернацио-
наллашувининг замонавий босқичи учун қуйидаги белги-
лар характерлидир: миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозори
таъсири учун очиқлиги; ташқи иқтисодий алоқаларнинг
диверсификацияси (жаҳон савдоси, илмий-техникавий ал-
машув, капиталнинг, товарларнинг, иш кучининг халқаро

¹ Основные показатели социально-экономического развития Рес-
публики Узбекистан за 1991—2002 годы. Т., 2003, с.22.

миграцияси, халқаро валюта муносабатлари, транспорт ва алоқанинг интернационаллашуви); ИТР таъсири остидаги меҳнат тақсимоти; алоҳида мамлакатларда ишлаб чиқарувчи кучларнинг сакрашсимон асимметрик ривожланиши.

Ўзбекистонда ўтиш давридаги инвестицион аҳвол ҳар доим ҳам бир хилда бўлмайди, яъни инвестициялар ҳажми мамлакат олдида турган социал-иқтисодий вазифаларга мувофиқ равишда ўзгариб туради.

1996—1999 йилларда республика иқтисодиётига инвестицияларнинг пасайиши кузатилди. ЯИМда барча инвестицияларнинг улуши 1996 йилдаги 29,2%дан 1999 йилда 24,6%гача пасайди. Бунинг асосий сабаби ресурсларнинг чекланганлиги ва корхоналар молиявий аҳволининг ёмонлашуви, шунингдек мамлакат ичкарасида инвестицион имкониятларнинг чекланганлиги бўлди. Шу йилларда ЯИМда ички инвестицияларнинг улуши 24%дан 19%гача пасайди. Бироқ ЯИМдаги бюджет ҳисобидан бўлган инвестициялар улуши 1996 йилдаги 26%дан 1999 йилда 29%га, 2000 йилда 39,1%гача кўпайди. Инвестицион жамғармага республика аҳолиси сезиларли ҳисса қўша бошладди, уларнинг маблағлари улуши 1999 йилда 10%ни, 2000 йилда 15,5%ни ташкил этди. Республика бўйича инвестицияларнинг умумий ҳажми 2002 йилда ЯИМнинг 24,5%ни ташкил этди.

Социал иқтисодиётнинг ривожланиши жараёнида чет эл инвесторларини жалб этиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. "Чет эл инвестициялари тўғрисида", "Чет эл инвесторларининг ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича кафолатлар ва тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва ҳукуматнинг бир қатор Қарорлари республика иқтисодиётига чет эл капитали кириб келишини таъминловчи зарур шароитлар яратишни назарда тутди.

Иқтисодиётга чет эл инвестицияларини жалб этишнинг ҳар хил усуллари қўлланилади. Улар орасида энг кенг тарқалган шакли хусусийлаштириш жараёнида йирик корхоналар акцияларининг маълум бир қисмини эркин сотиш ҳисобланади. Чет эл инвесторлари ҳам бошқалар билан биргаликда

ким ошди савдоларида қатнашиб, сотилаётган акцияларнинг эгаларига айланишлари, демак хусусийлаштирилаётган корхона мулкининг бир қисмига эгалик қилишлари мумкин.

Давлатга тегишли акциялар пакетини чет эл инвесторларига сотиш йўли билан қўшма корхоналар тузилади. Республикада амалга оширилаётган муассасавий эркинлаштиришнинг мантиқий давоми айрим корхона ва ишлаб чиқариш соҳасини мулк сифатида чет эл инвесторларига сотиш ҳисобланади. 2002 йилда Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларининг умумий ҳажми 650 млн. АҚШ долларида етиб, республикадаги жами инвестицияларнинг 20% ини ташкил этди. Ўзбекистонда чет эл инвестициялари асосидаги икки мингдан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Республикадаги энг йирик ва самарали иш юритаётган "Қобул-Фарғона", "Чиноз тўқимачи" каби корхоналарда 2002 йилда замонавий техникага асосланган янги қувватлар ишга туширилди, пахтани қайта ишлаш ва ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли, жаҳон бозори талабларига мос бўлган пахта толасини ташқи бозорга чиқариш бошланди.

Мамлакат иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этишни кенгайтириш мақсадида 1998—2001 йилларда 27,2 млн. АҚШ долларида ёки 4 млрд. сўмга тенг акция ва кўчмас мулклар чет эл инвесторларига сотилди. Аҳоли жон бошига ҳисобланганда бу 1 АҚШ долларини ташкил этади. Бу республикадаги мавжуд имкониятларга мос эмас, албатта. 2002 йилда чет эл инвесторлари учун яна бир қатор қулайликлар яратилди. Жумладан, уларга юзлаб корхоналар акцияларининг назорат пакетлари таклиф этилди. Чет эл инвесторлари объектлар ва корхоналар акцияларини эркин конвертацияланувчи валютага, миллий сўмга ёки корхонани машиналар, ускуналар ва технологиялар билан жиҳозлаш ҳисобига олишлари мумкин. Бундан ташқари яна солиқ имтиёзлари ҳам белгиланди. Чет эл инвесторлари томонидан қўлланилган машиналар, ускуналар ва технологияларнинг қиймати даромад ва қўшилган қиймат солиқларидан озод этилади.

Хусусийлаштирилган корхоналарнинг акция капиталида давлатнинг улушини аста-секин пасайтириб бориш назарда тутилган. 2001—2002 йиллар давомида чет эл инвесторларига "Ўзбекнефтгаз", "Ўзбекпахтасаноат" холдинглари, "Ўздонмахсулот"нинг иккита давлат акционерлик жамиятлари ва "Ўзенгилсаноат"бирлашмасининг 10та корхонаси сотилди. Умуман ушбу даврда чет эл инвесторларига 330та корхона сотилди. Республикада хусусийлаштириш ва барча йирик корхоналар ва уларнинг акционерлик компанияларини чет эл инвесторларига сотишга тақдим этиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Чет эл инвесторлари Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш корхоналарининг қимматбаҳо қоғозларини сотиб олиш ҳуқуқига эгадир. Буни қуйидаги 4 йўл билан қилишлари мумкин:

1. "Тошкент" фонд биржасининг валюта майдонида инвестиция воситачилари орқали бирламчи ва иккиламчи бозор акцияларини сотиб олиш;

2. Биржадан ташқари савдо йўли билан "Элсиссавдо" электрон тизими орқали қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш;

3. Мулк бўйича Давлат қўмитаси билан бевосита шартнома тузиш йўли билан;

4. Доимий ташкил этилувчи инвестицион танловлар (тендер) йўли билан.

Кўрсатиб ўтилган йўллар ёрдамида Ўзбекистон корхоналарининг акцияларига эгаллик қилиш бўйича имкониятлар яратилади.

Социал иқтисодиёт ривожланишини жадаллаштириш учун мамлакат иқтисодиётига келувчи чет эл инвестициялари оқимига тўсқинлик қилувчи айрим камчиликларни бартараф этишга зарурият бор. Бундай турдаги камчиликлар амалдаги қонунчилигимизда ҳозирча мавжуддир. Масалан, қонунчилик ҳужжатларида Ўзбекистонда жойлашган чет эл инвесторларининг мулкларини миллийлаштириш ёки мусодара қилишдан ҳимоялаш назарда тутилган. Бироқ, амалда чет эл инвесторлари миллий валютада олинган фойдани эркин конвертация қилинувчи валютага алмаштиришлари-

да унинг маълум бир қисмидан маҳрум бўладилар. Солиққа тортиш соҳасидаги қонунчиликнинг бир қатор йўналишлари ҳам халқаро талабларга тўлиқ жавоб бермайди.

Корхоналар даромадидан белгиланган 20%ли солиқ ўрнига, турли йўллар билан даромаднинг 80%га яқини бюджетга тортилади. Бундай аҳвол албатта чет эл инвесторларини безовта қилмасдан қўймайди.

Чет эллик харидорларга сотилиши ва хусусийлаштирилиши мўлжалланган айрим корхоналарнинг бозор баҳосининг асоссиз равишда юқори белгиланиши инвесторларни жалб этишга тўсқинлик қилади.

Корхоналар қийматини баҳолаш услуги Вазирлар Маҳкамасининг 2001—2002 йилларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳамда чет эл инвесторларини жалб қилиш бўйича қилинган тадбирларда белгиланган. Ушбу баҳолаш услуги бозордаги талабни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Такрорлаш учун саволлар

1. Таркибий ёндашувнинг методологияси ва инструментининг моҳияти.
2. Таркиб элементи ва таркибий сиёсат.
3. Социал иқтисодиётнинг характери ва моделлари.
4. Социал иқтисодиёт моделларининг моҳияти ва мазмуни.
5. Танланган таркибий сиёсат.
6. Социал иқтисодиётга глобаллашувнинг ижобий ва салбий таъсири.
7. Глобаллашув муаммолари ва Ўзбекистондаги социал вазият.
8. Ўзбекистон Республикасидаги иқтисодий ислохотларнинг социал йўналтирилганлиги нимадан иборат?
9. Ўзбекистон иқтисодиётининг таркиби ривожланишидаги ижобий ва салбий томонларни айтинг. Ўз қарашларингизни асосланг ва далиллар келтиринг.
10. "Тизим" ва "таркиб" категориялари ўртасидаги нисбат қандай?
11. Ҳозирги Ўзбекистоннинг ижтимоий тузилиши, тарихи ва ривожланиш истиқболлари.

12. Ҳозирги Ўзбекистоннинг ижтимоий стратификацияси.
13. Социал ва иқтисодий мақомнинг ўзаро алоқадорлиги.
14. Социал иқтисодиётдаги кўп укладлилиқ ва кўп секторлилиқ.
15. Социал иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши.
16. Социал иқтисодиётнинг минтақавий таркиби.
17. Такрор ишлаб чиқариш таркиби ва социал иқтисодиёт шароитларида унинг ривожланиш тенденциялари.
18. Чет элларда ва Ўзбекистонда социал иқтисодиёт таркиби.
19. Ўз ижтимоий мақомини ўзгартиришга интилиш керакми?

Маъруза учун мавзулар:

1. Фарбнинг ривожланган мамлакатларидаги социал иқтисодиёт.
2. Собиқ СССРдаги иқтисодиётнинг ижтимоийлашув даражаси: ҳозирги Ўзбекистонда қўлланилса бўладиган ва қўллаб бўлмайдиган жиҳатлари.
3. Социал иқтисодиёт ривожланишида давлатнинг роли.
4. Ўзбекистонда социал иқтисодиёт ривожланишидаги миллий, табиий-иқлимий хусусиятлар.

СОЦИАЛ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Маъмурий иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш ва-зифасини ҳал этаётган мамлакатлар кўпгина муаммолар билан тўқнашади, уларнинг бартараф этилиши социал иқтисодиёт шаклланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида бундай муаммоларга ЯИМ умумий ҳажмининг аҳоли жон бошига ҳисоблаганда кескин пасайиб кетиши, аҳоли реал даромадларининг, бандлик даражасининг пасайиб бориши кабиларни киритиш мумкин. Ўтиш даврининг биринчи босқичида ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши ва бюджетнинг қисқариши натижасида ўтиш даврининг биринчи босқичида таълим, соғлиқни сақлаш, фан соҳаларига харажатлар жиддий даражада пасайиб кетди. Реал иш ҳақи, социал суғурталашнинг пасайиши ва жамғармаларнинг қадрсизланиши сабабли аҳолининг турмуш даражаси ёмонлашди. Бу даврда аҳолининг даромадлар бўйича табақалашуви, ишсизлик ўсиб борди. Социал иқтисодиёт қурилиши ушбу муаммоларнинг сабабларини чуқур таҳлил этиш ва уларни бартараф этиш механизмини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ҳар бир мамлакат ўз иқтисодий тараққиётининг маълум босқичида социал ривожланишдаги устуворликларни илгари суради, чунки улар одамларнинг фаровонлигини ошириш бўлган стратегик мақсадга боғлиқ. Ривожланишнинг муайян шароитларига боғлиқ равишда баъзи мамлакатлар биринчи навбатдаги вазифа сифатида ишсизликни қисқартиришни, бошқалари — камбағалликни камайтиришни, учинчиси эса инсон салоҳиятини ривожлантириш вазифасини илгари суради. Бироқ мақсадга эришишга ёндашув-

ларнинг турли-туманлигига қарамасдан, уларнинг барчасида асосий муаммо бир хилда қолади, яъни социал иқтисодиёт қурилиши стратегиясини ишлаб чиқишда, аввало социал муммоларни — бандликнинг ўсиши, камбағалликни камайтириш ва бошқа социал муаммоларни бартараф этиш механизмини яратиш имкониятларини инсонпарварлик даражасида таҳлил этиш зарур.

3.1. СОЦИАЛ ИҚТИСОДИЁТ ШАКЛЛАНИШИ ШАРОИТИДА ДАРОМАДЛАР СИЁСАТИ

**Таянч
иборалар**

Шахсий даромадлар; пул ва натурал шаклдаги даромадлар; меҳнатга ҳақ тўлаш; нафақа; стипендия; мулкдан ва ўз-ўзича бандликдан даромадлар; меҳнат ва меҳнатсиз даромадлар; биргаликдаги даромадлар; номинал даромадлар; реал даромадлар; даромадлар сиёсати; даромадларни тартибга солиш; солиқ сиёсати; солиқларнинг фискал (хазина) вазифаси; солиқ юки; солиқ имтиёзлари.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида аҳоли даромади таркиби ва манбаларининг ўзгариши

Социал иқтисодиёт шаклланиши жараёнида аҳоли даромадларининг тартибга солиниши энг долзарб вазифадир, чунки улар одамларнинг шахсий истеъмолини қондиришнинг асосий манбаи ва аҳоли турмуш даражасининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, аҳолининг даромадлари иқтисодиётнинг аҳволи ва самарадорлигини, жамиятдаги иқтисодий муносабатларнинг етуклик даражасини ҳам акс эттиради.

Аҳоли даромадларининг шаклланиши кўплаб омиллар таъсири остида юз беради. Улар жумласига одамнинг ўзига боғлиқ бўлган омилларни, яъни унинг меҳнатга муносабатини, билим, касбий ва меҳнат салоҳиятини киритиш мумкин. Даромадларнинг шаклланишида корхонанинг мулкчилик шакли, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, корхона тар-

моғи, жойлашган ўрни, жамоада социал меҳнат муносабатларининг ривожланганлиги каби омиллар ҳам ўзига хос аҳамиятга эгадир. Даромадлар таркиби ва манбалари кўп жиҳатдан давлат тузилиши тизими ва иқтисодиётнинг самарадорлиги билан объектив боғлиқдир. Умуман ушбу омиллар умуман иқтисодий сиёсатнинг ва хусусан даромадлар сиёсатининг йўналишларини белгилайди.

Аҳоли даромадларининг шаклланиши ва фойдаланилиши жараёни социал ривожланишнинг ҳар бир босқичида ўз хусусиятларига эга бўлади. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистонда аҳолининг шахсий даромадлари таркибида жиддий ўзгаришлар юз берди. Аҳоли даромадларининг ҳозирги таркиби аввало манбаларнинг турли-туманлиги билан фарқ қилади. Анънавий манбалар қаторига янгилари тадбиркорлик фаолиятидан, мулкдан ва бошқа даромадлар қўшилди. Ўзбекистонда кейинги йилларда вужудга келган пул даромадлари таркиби ҳозирча ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларидагидан фарқ қилади, бироқ у жамиятда юз бераётган ижобий ўзгаришларни акс эттиради. 7-жадвалдаги маълумотлар Ўзбекистон аҳолиси пул даромадлари таркибини тавсифлайди.

7-жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон аҳолисининг даромадлари таркибида асосий ўринни иш ҳақи эгаллайди. Ислохотлар даврида меҳнатга ҳақ тўлашнинг улуши аҳолининг умумий пул даромадларида жиддий равишда пасайиб борди: 1993 йилдаги 82,3% дан 2003 йилда 56,6% га тушди. Шу билан бир вақтда тадбиркорлик фаолиятидан ва мулкдан олинadиган даромадлар улуши кўпайиб 1993 йилдаги 3,4% дан 2003 йилда 32% га кўтарилди. Бозор ислохотлари даврида иш ҳақи ўзининг асосий хусусиятини — ходимлар ва улар оиласининг яшаш воситаси жамғармасининг асосий қисми бўлиш хусусиятини аста-секин йўқотиб бормоқда.

Бу пасайиш қандайдир даражада бандликнинг юқори эмаслиги билан (бандлик ҳозирда 37% ни ташкил этади), бюджет соҳаси ва қишлоқ хўжалиги ходимлари иш ҳақининг нисбатан пастлиги билан тақозоланади, бу соҳаларда банд аҳолининг 70% меҳнат қилади.

Бир томондан ушбу тенденцияни ижобий ҳодиса сифатида баҳолаш мумкин, чунки бу аҳолининг иқтисодий фаол қисмидан анчасининг тадбиркорлик ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти соҳасига ўтаётганлигининг оқибатидир. Аммо ҳозирча мамлакатда тадбиркорликни кенг тарқалган деб бўлмайди. 2003 йилда ЯИМ да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 35.5% ни ташкил этди.

Бошқа томондан эса ушбу тенденциянинг салбий оқибатларини ҳам таъкидлаш зарур. Шулар қаторига иш ҳақининг рағбатлантирувчи ролининг пасайиб боришини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу ҳол оила даромадларининг иккиламчи ва учламчи манбаларини излашга ундайди, бу манбалар, кўпинча солиқдан яшириниб қолинади. Бундан ташқари, иш ҳақининг паст даражаси унумли ижодий меҳнатни рағбатлантирмайди. Айниқса, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ўртача иш ҳақининг паст даражаси салбий ҳодиса ҳисобланади, бу умумтаълим мактабларида ўқитиш ҳамда давлат соғлиқни сақлаш муассасаларидаги даволаш сифати пасайишига сабаб бўлади.

Бу аҳолининг бир қисмига аввалги тизим бўйича ҳақ тўланаётганлиги билан боғлиқ бўлиб, мавжуд аҳвол аҳоли даромадларининг табақалашуви тенденциясининг намоён бўлишига олиб келади. Янги социал қатлам вакиллари бўлган менежерлар, тадбиркорлар, банкирлар, мулк эгалари эса — бозор иқтисодиёти қонунлари бўйича ҳаракат қилиб, анча юқори даромад оладилар. Ўзбекистонда 1996 йилдан бошланган иқтисодий ўсиш аҳоли даромадлари табақалашуви кўрсаткичларининг пасайишига олиб келмоқда. Жинни коэффиценти 1991—1997 йилларда 0,261 дан 0,421 гача кўтарилган бўлса, 1999 йилда 0,37 гача пасайди, 2003 йилда эса 0,385 ни ташкил этди. Децил коэффицентлари ўртасидаги оралик 1991—1997 йилларда 8,5 дан 13,2 гача кўпайган бўлса, 1999 йилда 10,7 гача пасайди. Бироқ аҳоли даромадларининг табақалашув даражаси ҳозирча анча юқори ва бу жамиятнинг сезиларли даражадаги, социал бир хил эмаслигини кўрсатади. Бундай табақалашувнинг сабаби иқтисодиётнинг турли

Ўзбекистон аҳолиси пул даромадларининг таркиби¹ (1993—2003) йиллар
(фоизларда)

№	Кўрсаткичлар	1993	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003
1.	Меҳнатга ҳақ тўлаш	82,3	66,0	69,0	60,5	58,1	57,9	54,3	55,1	55,3	56,6
2.	Социал трансфертлар	14,3	17,9	18,2	15,2	15,1	13,8	14,9	12,2	12,3	11,4
3.	Тадбиркорлик фаолиятидан даромадлар ва бошқа даромадлар	3,4	16,1	12,8	24,3	26,8	28,4	30,7	32,7	32,4	32,0
	Жами пул даромадлари	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100

¹ Ўзбекистан в цифрах 2003. Статистический сборник Госкомстата Узбекистана. Ташкент., 2004, с.59.

секторларида ва мамлакатнинг турли ҳудудларида даромадлар олишдаги тенгсиз имкониятлар ҳисобланади. Тошкент ва Навоий вилоятларининг саноати ривожланган туманларидаги иш ҳақи даражаси республиканинг бошқа вилоятларидагига қараганда 3 ва ундан кўпроқ марта юқоридир. Даромадларнинг табақалашувига қишлоқ жойлардаги яширин ишсизлик ҳам салбий таъсир кўрсатади. Қишлоқларда эса мамлакат аҳолисининг 63% дан кўпроғи яшайди ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик етарлича ривожланмаган. Ушбу муаммоларнинг ҳал этилиши ҳар бир киши ва бутун аҳоли фаровонлигининг ўсишига имкон беради.

2003 йилда Ўзбекистон аҳолисининг номинал пул даромадлари 2002 йилга нисбатан 23,9% га ўсди. 1997 йилдан 2002 йилгача бўлган даврда ўртача иш ҳақининг ўзгариш динамикаси қуйидагича бўлган:

1997 йилда — 3681,3 сўм, 1998 йилда — 5348,9 сўм, 1999 йилда — 7105,9 сўм, 2000 йилда — 10660,9 сўм, 2001 йилда — 16641,7 сўм, 2002 йилда — 23731,9 сўм.

2003 йилда пул даромадлари ва жамғармалари 2002 йилга нисбатан 17,4% га ошди. 2003 йилда Ўзбекистон аҳолисининг пул даромадлари қуйидагича сарфланган: истеъмол харажатлари — 79,7, мажбурий тўлов ва бадаллар — 7,6, жамғарма, омонатлар, қимматбаҳо қоғозлар ва валюта сотиб олиш — 8,4. Аҳолининг истеъмол харажатлари 2002 йил билан таққослаганда 16,9% га кўпайди. Пул даромадларининг умумий ҳажмида истеъмол харажатларнинг улуши товарлар сотиб олишга бўлган харажатларининг қисқариши ҳисобидан 84,4% дан 79,7% га пасайди. Истеъмол харажатлари таркибида озиқ-овқат харажатлари 57,5%, ноозиқ-овқат товарлари сотиб олиш — 23,1% хизматларга тўловлар — 14,6%ни ташкил этди. Овқатланиш учун харажатлар 2000 йилдаги 67,6% дан 2003 йилда 57,5% га пасайди

2003 йилда аҳоли пул даромадларининг кўпайиши истеъмол баҳоларининг ўсишдан I,1 мартага ошди. 2002 йилда аҳоли жон бошига реал пул даромадлари 2001 йилга нисбатан 12,6% га кўпайди.

2003 йилда ўртача жон бошига номинал пул даромадлари 2002 йилга нисбатан 22,3% га кўпайди, ўртача жон бошига реал пул даромадлари эса — 11,6%га ошди. Пул даромадлари динамикасидаги ижобий тенденциялар даромадлар сиёсати соҳасида ўтказилган тадбирларнинг самарадорлигини билдиради¹.

¹ Основные показатели социально-экономического развития Республики Узбекистан. Т., 2004, с.14.

Аҳоли даромадларини янада ошириб бориш стратегияси қуйидаги устуворликларни ўз ичига олиши лозим: биринчидан, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратиш асосида аҳоли бандлик даражасининг ошувига эришиш; иккинчидан бозор талабларига тўлиқ мос равишда ходимлар иш ҳақининг ўсиши даражасини ошириб бориш; учинчидан, меҳнат даромадларини тартибга солиш воситаси сифатида минимал иш ҳақининг ролини кўтариш; тўртинчидан, иқтисодиётнинг бюджет секторидаги иш ҳақини ошириш.

Даромадлар сиёсати ва унинг аҳоли турмуш даражасига таъсирини кучайтириш йўллари

Социал иқтисодиёт концепцияси халқ фаровонлигини ошириш, камбағаллик ва кам таъминланганликнинг ўсишига йўл қўймаслик зарурлигидан келиб чиқади, шунинг учун республикада ўтказилаётган ислоҳотлар аҳоли даромадига нисбатан мослашувчан сиёсат ўтказишни мақсад қилиб қўйган. У иш ҳақи соҳасидаги бозор ислоҳотларининг ҳар бир босқичида ривожланиш ва ўзгаришга, даромадлар миқдорига боғлиқ равишда максимал солиққа тортишни қўллаш, кам даромадли аҳолига трансферт тўловлар миқдорини кўпайтиришга қодирдир.

Ўтган даврда Ўзбекистондаги даромадлар сиёсатини, шартли равишда икки босқичга бўлиш мумкин .

Биринчи босқич (1991—1994 й.) даромадлар шаклланиши соҳасидаги либерал сиёсат, яъни аҳолининг пул даромадлари устидан назоратнинг бўшлиги билан тавсифланади. Бу даврда аҳолининг умумий даромадларида субсидияларнинг салмоғи анча кўп бўлди. Қишлоқ жойларда фуқароларнинг томорқа майдонларининг кенгайтирилиши натура ҳолидаги янги даромад манбаларининг шаклланишига ёрдам берди. Қабул қилинган "юмшоқ" сиёсат асосида самарасиз ишлаб чиқариш соҳаларида банд бўлганларни бўшатиш ишсизлик даражасини бирмунча пасайтирди.

Бундай сиёсат баҳоларнинг эркинлашуви ва ишсизликнинг ўсиш шароитларида аҳолини реал даромадлари даражасини ушлаб туришга имкон берса-да, лекин, афсуски, инфляция даражасининг тез ўсиб боришига олиб келди.

Иккинчи босқич (1994—1996 й.) анча барқарор пул-кредит ва бюджет сиёсати билан фарқланади. Бу даврда баҳоларнинг ўсиши муносабати билан иш ҳақини индексациялаш ҳажми жиддий қисқарди. Индексациялаш фақат бюджет соҳасигагина қўлланилди. Истеъмол субсидиялари айрим турдаги уй-жой, коммунал хизматларигагина қолди. Булар инфляция даражасини пасайишига, шахсий даромадларни шакллантиришда аҳолининг бозор муносабатларига мослашишга имкон берди.

Даромадлар сиёсатининг ушбу икки босқичи собитқадамлик билан ўтказилиши натижасида, 1996 йилдан аҳолининг реал пул ва умумий даромадларининг ўсиши бошланди, уларнинг шаклланиш манбалари кенгая борди. Мулкдан, тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадлар катта аҳамият касб эта бошлади, иқтисодиётнинг нодавлат секторида банд бўлганлар ҳисобига даромадлар бўйича табақалашув кучайди.

Аммо, шу билан бирга, ўтказилаётган даромадлар сиёсатида маълум бир муаммолар мавжуд. Булар, аввало, иқтисодиётнинг энг муҳим социал секторлари: таълим, соғлиқни сақлаш, давлат бошқаруви, қишлоқ хўжалигида меҳнатга қизиқишнинг пасайишидир. Шунинг учун социал иқтисодиёт шаклланиши даврида энг муҳим вазифа меҳнатга ҳақ тўлаш фондини тартибга солиш механизмини рағбатлантириш таъсирини ошириш ва шароитларни яхшилаш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ва истеъмол талабини ошириш йўналишларида такомиллаштириш ҳисобланади.

Аҳолининг харид қобилиятини ошириш, товар ва хизматлар нархининг доимо ҳам асосланмаган ҳолда ўсиб бориши оқибатларини юмшатиш ва охир-оқибатда аҳоли турмуш даражасини қўллаб-қувватлаб туриш учун давлатни тартибга солувчилик таъсири зарур. Бу даромадлар таркибида

иш ҳақи улушининг нисбатан ошиб бориши ва унинг бево-
сита кўпайиб боришига ҳам йўналтирилган бўлиши лозим.

Шу билан бирга, давлат бир томондан, валюта ва молия
бозоридаги вазиятни барқарорлаштириш, инфляциянинг
ўсиш даражасини пасайтириш бўйича бир қатор чора-тад-
бирларни амалга оширмоқда, бошқа томондан эса аҳоли-
нинг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоялаш ва ўрта синф-
ни мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни кучайтирмоқда.

Социал иқтисодиётнинг вужудга келиши жараёнида
бюджет соҳаси ходимларининг, шунингдек хўжалик фао-
лияти субъектларининг ҳам меҳнатига ҳақ тўлашнинг дав-
лат томонидан тартибга солинишининг аста-секин пасайиб
бориши юз беради. Шу билан бир вақтда, бюджет соҳасида
монополистлар мавжуд бўлган йирик корхоналарда ҳам
ҳозирча меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ва ходимларнинг
бошқа даромадларининг шаклланишида давлат ўзининг тар-
тибга солувчилик таъсирини сақлаб қолмоқда.

Тез ўзгарувчан вазиятлар шароитида, социал иқтисоди-
ёт шаклланиши жараёнида мамлакатдаги иш ҳақини, инф-
ляция даражаси ва социал мақсадларни рўёбга чиқариш сурь-
атларини тартибга солишнинг жуда ўзгарувчан тизими зар-
ур. Шунингдек, аҳолининг фаол қисми ва меҳнатга
лаёқатсиз фуқароларнинг даромадлари ўртасидаги энг мақ-
бул нисбатни сақлаб туриш керак.

Социал иқтисодиёт шаклланишининг ҳозирги босқичи-
да тартибга солувчи восита сифатида минимал иш ҳақи ро-
лини ошириш мақсадга мувофиқ бўларди. Ҳозирда иш
ҳақининг энг кам даражасини давлат расман белгилаб
қўймоқда. Аммо иш ҳақини рағбатлантирувчи ролини оши-
риш мақсадида унинг миқдорини кўпайтиришни минимал
истеъмол савати билан боғлаш лозимки, унинг оқибатида
энг кам иш ҳақининг социал роли ошиб боради.

Бироқ, бу тадбирларнинг долзарблиги ва аҳамиятлили-
гига қарамасдан, фақат ЯИМ ва давлат бюджети даромад
қисмининг жадал ўсиб бориши шароитидагина қабул қили-
ниши мумкин.

Социал иқтисодиёт шаклланиши шароитида Ўзбекистондаги даромадлар сиёсати концепцияси қуйидагиларни қамраб олиши лозим:

- актив меҳнат фаолиятини рағбатлантирувчи ва ўртача жон боши даромадлар ўсишининг юқори суръатларини таъминловчи иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш;
- аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоялашнинг аниқ мўлжалланишини кучайтириш;
- меҳнат бозорини фаоллаштириш, иш кучига талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатга эришиш;
- аҳолининг ўзини-ўзи банд этишни кенгайтириш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш;
- даромадлар бўйича турлича социал гуруҳларнинг турмуш даражасидаги ҳаддан ташқари юқори даражада табақалашувига йўл қўймаслик;
- аҳолининг реал ва ўз ихтиёрида бўлган даромадларининг барқарор ўсишига эришиш.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини оптималлаштириш ва унинг аҳоли даромадлари шаклланишига таъсири

Социал иқтисодиёт шаклланиш шароитида иқтисодий ислохотларнинг чуқур социал йўналтирилганлиги солиқ тизими аҳамиятини кучайтиради.

Солиқлар нархлар ва даромадлар билан биргаликда давлат социал сиёсатининг рўёбга чиқариш воситаларидан бири ҳисобланади.

Социал иқтисодиёт тамойилларига мос келувчи солиқ механизминини шакллантириш учун солиқ тизимининг ролини, унинг социал-иқтисодий вазифаси ҳамда социал соҳани солиқ билан тартибга солишнинг асосий тамойилларини аниқлаш зарур.

Солиқларининг роли, аввало, молиявий ресурсларнинг социал вазифаларни ҳал этиш учун сафарбар этилишини таъминлашда намоён бўлади. Социал харажатларнинг, яъни

таълим, соғлиқни сақлаш, социал таъминот ва шу каби-ларга сарфларнинг бюджет харажатлари умумий суммаси-даги ва ЯИМдаги улуши асосида давлатнинг социал муам-моларни ҳал этишга эътибори тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

Социал иқтисодиёт шаклланиши шароитида солиқлар-нинг одамлар ҳаёт фаолиятида муҳим роль ўйновчи социал вазифаси сезиларли даражада ривожланиши лозим. Солиқ-ларнинг социал вазифаси бевосита имтиёзлар ва нормалар орқали объектив равишда намоён бўлади, яъни солиқлар-нинг ички ҳаракат механизмига киради.

Солиқ тизими давлатнинг социал сиёсатини руёбга чи-қариш воситаси сифатида жамиятдаги барча социал қат-ламларнинг — тадбиркорлар, ишчи-хизматчилар, давлат хиз-матчилари, нафақахўрлар ва бошқа оладиган даромадида катта фарққа эга бўлганларнинг манфаатларини энг мақ-бул тарзда бирлаштиришга асосланиши лозим. Солиқлар-нинг социал вазифаси жамиятда социал мувозанатни таъ-минлаш учун катта аҳамиятга эгадир. Солиқ тизими жис-моний шахслар даромадларини прогрессив солиққа тортиш ва солиқ имтиёзлари бериш йўли билан аҳоли даромадла-ридаги фарқларни юмшатишга қодирдир.

Даромадларни солиқлар воситасида тенглаштириб бориш-даги асосий муаммо солиқларнинг мақбул умумий даража-сини ва уларнинг оқилона таркибини, шунингдек солиқ ставкаларининг ўсиб борувчи даражасини белгилашдир. Аҳолининг иқтисодий фаол қисмини тадбиркорлик ва меҳ-нат фаолиятига рағбатини сусайтирмасликка эътибор қара-тиш лозим. Ҳар қандай ҳукумат олдида ҳар сафар нимага устуворлик бериш зарур: иқтисодий ўсиш ва самарадор-ликка ёки танглик ва адолатгами, жамғариш ёки истеъ-молгами деган муаммо туради. Бюджет сиёсатининг тавси-фи шунга боғлиқ бўлади.

Даромадларнинг тенглаштирилиши социал омилларнинг фаоллашувига ёрдам беради, булар ўз навбатида иқтисодиёт-га тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади, иқтисодий ўсиш суръ-

атларини белгилайди. Шу тариқа, солиқ тизими социал омилларни фаоллаштиришда кенг имкониятларга эгадир.

Ҳозирги вақтда республикада шаклланаётган солиққа тортиш тизими давлат бюджети даромад қисмининг барқарор тўлдирилишини таъминлайди ва бу билан барқарор иқтисодий ўсиш молиявий асосини мустаҳкамлайди. Шу билан бир вақтда, унга фискал тавсиф кўпроқ хос бўлиб, бу солиқлардаги рағбатлантирувчилик, тартибга солувчилик ва социал асосларни рўёбга чиқаришни қийинлаштиради. Ушбу камчиликларни солиқ тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда бу жараёнга жаҳон амалиётида қабул қилинган тамойиллар ва механизмларни қўллаш йўли билан бар-тараф этиш мумкин.

Солиқ тизимини такомиллаштириш ва эгилувчанлигининг ошириб борилиши билан давлат органлари аҳолининг айрим гуруҳларига социал тенгсизликни юмшатиш мақсадида солиқ имтиёзлари бера бошлайдилар. Камбағал ва кўп болали оилаларга имтиёзлар бериш кенг тарқалган.

Кичик тадбиркорлар ва фермерларга бериладиган имтиёзлар социал ва шу билан бир вақтда тартибга солувчи йўналишга эгадир.

Бозор ўзгаришларига таъсир этувчи социал ва иқтисодий омиллар солиқ тизимидаги ўзгаришлар билан биргаликда бўлади. Масалан, хўжалик юритишнинг бозор тизимига ўтиш объектив тарзда давлатдан солиқ тизими ва бюджет сиёсатида тубдан қайта қуриш ўтказилишини талаб этади.

Ҳар қандай солиқ тизими самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи мақбул бўлган солиқ юки ҳисобланади. Республикада мавжуд солиқ тушумларининг ЯИМ даги миқдорини (28,7%) баҳолаш ва бошқа мамлакатлардаги шунга ўхшаш кўрсаткичлар билан таққослаш уни тўла асосли деб ҳисоблашга имкон беради. Бироқ ушбу кўрсаткич солиқ юки даражасини етарлича аниқ тавсифламайди. Қоида тариқасида, яширин сектор солиққа тортилмайди, унинг ЯИМ даги улуши эса турлича баҳолашларга кўра 10% дан 20 % гачани

ташкил этади. Бундан ташқари, солиқлардан озод этилган даромадлар ҳам оз эмас. Демак, умуман олганда ЯИМ да солиқларнинг улуши $1/3$ дан кам бўлса-да, бироқ қонунда бўйсунувчи имтиёзлардан фойдаланмайдиган ишлаб чиқарувчилар учун солиқ юки амалда анча юқоридир.

Юқори солиқ юки ишлаб чиқариш фаолиятига салбий таъсирини ҳисобга олган ҳолда, республикада уни пасайтириш бўйича қатъий сиёсат юритилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда Солиқ кодекси амалга киритилганидан бошлаб даромадга (фойдага) солиқ ставкаси 1998 йилдаги 35% дан 2005 йилда 15% гача пасайтирилди, бу жуда кўп мамлакатлардагидан, шу жумладан МДХ малакатларидан анча камдир. Бунинг оқибатида солиқдан озод бўлган маблағлар, иш ҳақи миқдорини оширишга, инвестицион жараёнлар ва техникавий қайта жиҳозлашга йўналтирилмоқда. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, республикада солиққа тортилиш базаси халқаро амалиётдагидан анча кенгдир. Шу муносабат билан, даромадни (фойдани) солиққа тортишни янада оптималлаштиришни нафақат солиқ ставкаларини пасайтириш, балки солиққа тортилувчи базани аниқлаш механизмини такомиллаштириш йўли билан ҳам амалга ошириб борилиши лозим.

Давлат бюджети маблағларининг муҳим манбаи жисмоний шахслар даромадидан тушадиган солиқлар бўлиб, давлат бюджети даромадлар таркибида уларнинг улуши кейинги йилларда кўпайиб бормоқда. Даромад солиғининг уч босқичли тартиби жорий этилиб, унда юқори даражада даромад олувчи шахслар тоифаси учун солиқнинг энг юқори чегараси 45% дан 29% га пасайтирилди; солиққа тортилувчи даромадлар чегараси юқори даража (энг кам иш ҳақининг 8 бараваридан 10 бараваригача) учун ҳам, шунингдек ўртача ставка бўйича ҳам (энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача бўлганда, ставкани 35% дан 20 % гача пасайтириш билан биргаликда) кўтарилди. Бунда энг кам ставка (12%) бўйича солиққа тортилувчи даромад миқдорининг ошиб бориш факти муҳим ҳисобланади. Фуқароларни со-

лиққа тортишнинг прогрессив (ошиб борувчи) нормаси даромадларни қисман қайта тақсимлаш нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқдир. Унинг моҳияти шундан иборатки, камроқ таъминларга қараганда яхши таъминланган фуқаролар кўпроқ солиқ тўлайдилар. Бироқ амалиёт кўрсатишича, ўтиш даври шароитида жисмоний шахслар даромадига прогрессив солиққа ториш тартиби ўзини унчалик ҳам оқламади. Бу маъмуриятнинг бўшлиги билан изоҳланиб, солиқ органлари аҳолининг барча даромад манбаларини кузатиш имконига эга бўлмайди. Амалда эса аҳолининг кам таъминланган қатламлари кўп таъминланганларга қараганда кўпроқ солиқ тўлашига тўғри келади. Ушбу солиқ нормасини бир хиллаштириш ва корхоналар иш ҳақи фондининг ўсишини чеклашни бекор қилиш билан пасайтириб бориш аҳолининг яширин даромадларини ойдинлаштириш учун зарурий шарт ҳисобланади. Шу билан бирга қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда даромад солиғи нормаси қўшни мамлакатлардагига қараганда анча юқоридир.

Солиқ юки таҳлили нуқтаи назаридан, социал иқтисодиёт шароитида нафақа жамғармаси ва социал суғурталаш фондига тўловлар нормаси масаласи жуда муҳим ҳисобланади. Ҳозир Ўзбекистонда бу тўловлар корхона иш ҳақи фондининг 31% даражасида ўрнатилган, бошқа мамлакатларда эса 30% лик чегарадан пастдир. Юқори даражадаги социал чегирмалар, юқори даромад солиғи ставкаси билан биргалликда, социал иқтисодиёт талабларига мос келса-да, бироқ тадбиркорларни "яширин" йўлларга ўтишга мажбур қилади.

Ушбу муаммони ҳал этишнинг йўллари билан бири нафақа тизимини хусусийлаштириш бўлиб, бу мамлакатнинг давлат бюджети учун ҳам, шунингдек корхоналар ва жисмоний шахслар учун ҳам фойдалидир. Суғурталаш жамғариш тизимининг ривожланиши жисмоний шахслар томонидан нафақа суғуртаси фондига зарурий тўловлар миқдорини камайтиришга ва шу билан бирга нафақа фондига инвестициялар қўйилишини амалга ошириш ҳисобидан олинadиган фойда миқдорининг кўтарилишига имкон беради.

Шу тариқа, социал иқтисодиёт шаклланиши шароитида солиқ юки пасайиши ва даромадларни адолатли тақсимлаш солиқ тизимини ислоҳ этишнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Истиқболда эса, ушбу тадбирларнинг рўёбга чиқарилиши, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ривожланиш суръатларига ва чет эл инвестициялари оқиб келишига, шунингдек иш кучи сифатининг ҳамда аҳоли даромадлари даражасининг ошиб боришига бевосита таъсир кўрсатади.

3.2. КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ СОЦИАЛ МУАММО СИФАТИДА

Таянч иборалар

Камбағаллик; мутлоқ ва нисбий камбағаллик; кундалик ва доимий камбағаллик; камбағалликнинг олдини олиш тизими; камбағалликнинг чуқурлашув даражаси; камбағаллик билан кураш дастури; камбағалларга ёрдам; камбағаллик билан курашиш; социал стандартлар; социал суғурталаш тизими.

Камбағалликнинг социал-иқтисодий мазмуни ва уни қисқартиришнинг зарурлиги

Барча МДХ мамлакатларида бозор иқтисодиётига ўтиш ишлаб чиқаришнинг пасайиши, ишсизликнинг ўсиши, турмуш даражасининг пасайиши каби қийинчиликлар билан биргаликда мавжуд бўлди. Шунинг учун Ўзбекистон ҳукумати томонидан ўтиш даврининг салбий оқибатлари-ни юмшатиш бўйича қатор тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Бироқ, кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан, ўтиш даврида қатор принципиал муаммолар ҳам пайдо бўлди. Улар орасида камбағаллик муаммоси алоҳида ўрин тутади. БМТнинг тан олишича, камбағаллик умумбашарий муаммо ҳисобланади, чунки у дунёнинг барча мамлакатларида учрайди. БМТ маълумотларига кўра, бугунги кунда 54 мамлакат, 1990 йилга нисбатан камбағал ҳолда яшайди, 21

мамлакатда аҳолининг кўпчилик қисми очликдан азобланиди, 12 мамлакатда болаларни бошланғич таълим билан қамраб олиш пасайиб бормоқда, 34 мамлакатда умр давомийлиги қисқарди, 800 млн.дан ортиқ киши озиқ-овқат етишмаслигидан қийналади¹.

Айрим ҳукуматларнинг камбағалликни бартараф этиш бўйича қилаётган ҳаракатларига қарамасдан, афсуски, ҳозирги кунда кўпчилик мамлакатларда очлик ва қашшоқлик, ишсизлик ва саводсизлик мавжуддир, юқумли касалликлар, айниқса ОИТС тобора авж олиб тарқалмоқда, озон қатламининг қисқариши, ҳароратнинг кўтарилиши ва бошқа шу каби таҳдидлар кучаймоқда. Ҳаёт шароитларига таҳдидлар умумбашарий, умумжаҳон тавсифига эга бўлиб бормоқда.

Уларни бартараф этиш дунёдаги барча мамлакатларнинг биргаликдаги ҳаракатини талаб этади. Ушбу вазиятлар сабабли 2000 йилда БМТнинг "Минг йиллик Декларацияси" қабул қилинди (бу ҳақда биринчи бобда эслатилган эди). "Минг йиллик Декларацияси"да илгари сурилган вазифалар орасида камбағаллик муаммоси алоҳида ўрин тутади.

Камбағаллик тоифаси — одамларнинг моддий таъминланмаганлигининг ўзига хос ҳолати бўлиб, бунда бир киши ёки оиланинг даромади ҳаёт фаолияти учун социал-зарурий истеъмол даражасини таъминлашга имкон бермайди. Камбағалликнинг мутлоқ ва нисбий кўринишлари фарқланади.

Мутлоқ камбағаллик — бу физиологик эҳтиёжлар: овқат, кийим, турар жойга бўлган эҳтиёжларни (улар "истеъмол савати" деб аталади) қондиришдаги тўғридан-тўғри етишмовчиликдир.

Нисбий камбағаллик — инсоннинг мамлакатдаги даромадларнинг умумий даражасига нисбатан ёмон ҳолатини белгилайди.

Кундалик, маълум бир вақтдаги ва доимий, яъни узоқ вақт давом этувчи камбағаллик кўринишлари ҳам мавжуд.

¹ «Глобальные цели тысячелетия», доклад. Узбекистан. Экономическое обозрение, 2004, № 10.

Уни ўлчаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- аҳолининг умумий сонида камбағаллар улуши;
- камбағалликни тавсифловчи даромад миқдори;
- камбағалликнинг чуқурлашув даражаси — у ёки бу гуруҳдаги камбағаллар учун етишмаётган даромаднинг ҳажми ва бошқалар.

Камбағаллик ҳар қандай иқтисодий тизим учун хосдир. Аммо унинг кескинлашиб бориши ишлаб чиқарилган маҳсулот ва жамғарилган бойлик ҳажмига, мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятига, халқнинг фаровонлигига, тақсимот усулларига боғлиқ равишда жиддий фарқланади. Шунинг учун ҳар бир давлатда ўз миллий истеъмол меъёри, яъни яшаш минимуми мавжуд бўлиб, у ишлаб чиқариш имкониятлари, миллатнинг бойлиги, анъаналар, менталитет (ўзига хослик) ва бошқаларга боғлиқдир. Ушбу меъёрларга эга бўлмаган кишиларни камбағалларга қўшадилар.

Камбағаллик муаммоси шўролар даврида ҳам бор эди. Аммо ҳукмрон мафкура ушбу ҳодисани тўлиқ тан олишга имкон бермасди. Камбағаллик бўйича маълумотлар махфий ҳисобланарди. Фақат 80-йилларнинг охиридагина камбағалликнинг мавжудлиги тан олинди ва унинг таърифи пайдо бўлди: минимал иш ҳақидан кам даромадга эга бўлган одамлар камбағаллар сифатида туркумлаштирилди. Ушбу таърифга кўра, Ўзбекистон аҳолисининг 45%: қишлоқ жойлардаги аҳоли, шунингдек нафақахўрлар, бевалар, ёлғиз оналар, ногиронлар камбағал ҳисобланади. Аҳолининг ушбу гуруҳларини қўллаб-қувватлаш учун нафақа ва ҳар хил ёрдам тўловларини назарда тутувчи махсус дастурлар ишлаб чиқилди.

Республикада ўтиш даврининг дастлабки босқичларида даромадлардаги тенгсизлик кучайди. Авваллари ўрта синфга тааллуқли бўлган шифокорлар, ўқитувчилар, давлат хизматчилари турмуш даражасининг жиддий пасайиши билан тўқнашдилар. Бу даврда ўртача жон боши пул даромадлари деярли ярмига камайди, даромадлар даражасидаги жиддий тафовут, нафақат турли социал гуруҳлар ўртасида, балки

худудлар ўртасида ҳам, жумладан шаҳар ва қишлоқ ўртасида ҳам кузатилди. Реал ЯИМ 1989 йилдан 1996 йилгача 24% га, аҳоли жон бошига эса 39% га пасайди. Булар, табиийки, аҳолининг турмуш даражасига ўз таъсирини кўрсатди. Аҳвол яна шу билан ҳам чуқурлашиб бордики, ушбу давр аввалги хўжаликлараро алоқаларнинг узилиши, умумиттифоқ бюджетидан молиялаштиришнинг йўқолиши билан биргаликда юз берди. Ўтиш даврининг биринчи босқичида Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, энг муҳим социал тармоқлар бўлган соғлиқни сақлаш, маориф ва маданият соҳалари фаолият кўрсатишининг ёмонлашуви каби муаммоларни юзага чиқарди. 1996 йилдан бошлаб аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичларининг яхшилаб бориши тенденцияси намоён бўла бошлади. Мамлакат иқтисодий турғунликдан чиқа бошлади ва 2001 йилда 1991 йилдаги ЯИМ даражасини тиклади. ЯИМ ўсишнинг ўртача суръати 1998—2003 йилларда 4,3% ни ташкил этди.

Жаҳон амалиётида камбағалликни баҳолашнинг қуйидаги усуллари маълум:

— статистик: бунда аҳоли даромадларини жон бошига тақсимлаганда, энг қуйида турувчи 10—20% аҳоли камбағалларга киритилади;

— меъёрий (минимал истеъмол саватининг озиқ-овқат ва бошқа андозалари меъёрлари бўйича), яъни минимал истеъмол савати асосида;

— маҳрум бўлганлик усули — энг муҳим маҳсулот ва товарларни тўйиб истеъмол қилмаслик;

— эвристик — жамоатчилик фикри ёки сўралувчининг нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, турмуш даражасининг етарли ёки етарли эмаслигини баҳолаш;

— стратификацион — бунда камбағалларга, илгариданоқ ўзини-ўзи таъминлаш имкониятлари чекланган кишилар киритилади (қариялар, ногиронлар, кўп болали оилалар, ота-онасиз болалар, ишсизлар, муҳтожлар ва б.)

— иқтисодий — бу камбағаллар тоифасини, давлат уларнинг моддий таъминотига ёрдам йўналтирилган имконият ресурслари орқали аниқлайди.

Камбағалликни аниқлагач, ҳар бир давлат фақат ўзига хос бўлган вазифаларни ҳал этишга интилади. Агарда иқтисодий ривожланган мамлакатлар социал ларзаларни бартараф этиш учун аҳолининг ўрта ва камбағал қатламлари ўртасидаги чуқур табақалашга йўл қўймасликка интилсалар, ривожланаётган мамлакатларда эса камбағалликнинг аниқланиши аҳолининг минимал турмуш даражасини таъминлаб туриш сиёсати билан боғланган.

Ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида камбағалликнинг аниқланиши янгича бозор шароитларига мослашиши қийин бўлаётган, аҳоли гуруҳларини аниқ мўлжалланган социал қувватлаш стратегиясини ишлаб чиқишга имкон беради.

Камбағалликни бартараф этиш муаммоси яшаш минимумини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Бир мамлакатда андоза учун қабул қилинган яшаш минимуми, бошқа мамлакатда қабул қилина олмайди.

Масалан, АҚШ, Буюк Британия, Германияда яшаш минимуми ойлик даромадининг 40% ига тўғри келади; Финландия, Италия, Греция, Испанияда 50%, Ирландия ва Португалияда 60%; Руминия, Чехия, Словакияда "етарлича" эмаслик белгиси ўртача жон боши даромадининг 50—60%, камбағаллик чизиги эса етарлича эмасликнинг 60—70% даражасида ўрнатилган. Болгарияда минимал иш ҳақи истеъмол савати асосида ҳисобланган социал минимумнинг 60—70% ни, камбағаллик чегараси эса минимал иш ҳақининг 65% ни ташкил этади.

Ўзбекистон олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, 1997 йил бошида 22% аҳоли ёки 16% оилаларнинг ўртача жон боши даромади камбағаллик чегарасида, ёки ундан паст бўлган. Республикада камбағалларга 5 ва ундан кўп кишилардан иборат оилаларнинг умумий сонидан ҳар тўрттадан биттаси (24,7%) киритилади. Камбағаллик эҳтимоли 4 ва ундан кўп болали оилаларда (38,3%) ва 3 болали оилаларда (19,6%) энг юқори даражададир¹.

¹ Доклад о человеческом развитии. Узбекистан, 1998, с. 63.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида камбағалликка қарши курашишнинг замонавий тажрибаси

Юқори турмуш даражаси ва социал кафолатларга эга бўлган ривожланган мамлакатларда камбағалликка қарши кураш, жамиятда амал қилаётган истеъмол андозалари учун етарлича бўладиган асосий минимал даромадларни (иш ҳақи ва нафақа) таъминлаш орқали амалга оширилади. Бундан ташқари, бу мамлакатларда, бошқаларга нисбатан ёмонроқ аҳволда бўлганларга аниқ мақсадли социал ёрдам амалга оширилади. Бу ўта огир ҳаётий вазиятга тушиб қолганлар учун қўлланилади. Аҳоли асосий қисмининг даромадлари ўта паст даражада ривожланаётган мамлакатларда эса миллионлаб камбағалларни қувватлашнинг асосий усули социал ёрдамни, жумладан озиқ-овқат, дори-дармон, коммунал-маиший, таълим ва бошқа соҳадаги ёрдамни тақсимлаб бериш ҳисобланади.

Франциядаги камбағалликнинг олдини олиш тизими намуна сифатида хизмат қилиши мумкин. Унинг асосида барча иш берувчилар учун, ишлаётганларнинг асосий эҳтиёжларини қондиришга етарлича бўлган минимал иш ҳақи нормасини тўлаш мажбурияти белгиланган. Бунинг устига иш ҳақининг энг кам даражаси доимо индексацияланиб борилади. Бундан ташқари, Францияда етарли меҳнат нафақаси, сифатли тиббий хизмат, ишсизлик бўйича нафақани ўз ичига олувчи мажбурий социал суғурталаш амал қилади. Болалар учун нафақалар ва имтиёзлар тизими ҳам катта роль ўйнайди.

Суғурта стажига эга бўлмаганлар (ёшлар, болали аёллар), шунингдек, у ёки бу турмуш шароитларига кўра ўзининг зарурий эҳтиёжларини қондира олмайдиганлар махсус социал хизмат кўрсатиш идораларига мурожаат қиладилар.

АҚШда камбағалликка қарши кураш дастури 15—20% аҳолини қамраб олади. Камбағал ҳисобланган ва ёрдам берилувчи тоифалардан бирига тегишли бўлган кишиларга ёрдам кўрсатилади. Улар қаторида: ёш болали оилалар, айниқса ёлғиз ота-оналар ёки боқувчиси ишсиз бўлганлар; 65 ёшдан катта бўлган муҳтож кишилар, ногиронлар, ожиз-

лар, уруш фахрийлари ва уларнинг оилаларига, ишловчи камбағалларга (солиқ имтиёзлари орқали) ва даромади белгиланган талаблардан паст бўлганларга ёрдам берилади. Бу ёрдам пул ёки буюм шаклида кўрсатилади. Натура-буюм шаклидаги ёрдам — овқатланиш учун талон бериш, қарияларга тиббий хизмат кўрсатиш, арзон уй-жой, ёш болаларга қараш ва бошқа социал хизматлар бўлиши мумкин.

Чехияда энг кам нафақа даржасидаги кафолатланган яшаш минимуми ўрнатилган (агарда бу даража бўлмаса нафақа тўланади). Болгарияда даромади социал ва физиологик минимумдан кам бўлган кишилар социал ёрдам олишлари мумкин. Бундан ташқари, 70 ёшдан катта бўлган ёлғиз кишиларга ва I гуруҳ ногиронларига, агарда даромадлари белгиланган минимумдан кам бўлса, овқатланиш учун бепул купонлар берилади ҳамда коммунал хизматларнинг 50% тўланади. Ногиронлар ва болалар, автомобилга эга бўлмаган оғир касаллар шаҳар йўловчи ва шаҳар атрофи транспортида бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар; бошқа кўринишдаги хизматлар ҳам назарда тутилган. Социал ҳимояланмаган гуруҳларга йил давомида бир неча марта мавсумий кийим-кечак, ўқув қўлланмалари, қиммат турувчи дори-дармонлар сотиб олишларига моддий ёрдам кўрсатилади.

Турли мамалакатларда камбағалликка қарши кураш тажрибасининг таҳлили ушбу тоифа бўйича иккита турли тушунчани ажратиб кўрсатишга имкон беради.

"Камбағалларга ёрдам" — шу лаҳзада ҳаётий воситаларга муҳтож бўлганларни кундалик қўллаб-қувватлаш бўлиб, соф тақсимот муаммосини ўз ичига олади: муҳтожларга ёрдамнинг самаралироқ дастурларини ишлаб чиқиш билан миллий даромаднинг бир қисмини тегишли мақсадларга ажратиш. Бунда бош вазифа — барча имкони бор манбалар (давлат, нодавлат, халқаро) бўйича зарур маблағни топиш ва ёрдам кўрсатишнинг энг арзон мақсадли йўллари ташкил этиш. Бунда очлар ва ночорлар сонини минимал даражада камайтиришга эришиш мумкин. Бироқ бу ерда жиддий муаммо мавжуд: ресурсларнинг чекланганлигидир.

"Камбағалликка қарши курашиш" деган иккинчи тушунча — бу камбағал аҳоли сонини камайтириш ва унинг кўпайишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилишидир. Бу тадбирлар иқтисодий сиёсатнинг социал асосини ташкил этиб, улар аҳоли асосий қисмининг даромадини оширишга, миллий ишлаб чиқаришнинг жонланиши асосида кам таъминланганлар фойдасига, улар камбағаллар сафини янада тўлдирмасликлари учун қайта тақсимлаш механизмини яратишга йўналтирилгандир.

Фаолиятнинг бундай стратегиясини танлашда ҳукумат ЯИМ да реал иш ҳақининг улушини кўпайтиришга мўлжалланган дастурлар қабул қилиши (бу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда 50—60% ни ташкил этади); меҳнат қилиш учун зарурий стратегик макон яратиши (ёлланма, тадбиркорлик, кооператив, фермер, хунармандчилик, оилавий ва барча бошқа шаклларда ҳам); ҳар бир кишига ўзи учун ҳамда давлат ва жамиятни таъминлаш учун ишлаб топиш имкониятини яратиши лозим. Айнан меҳнат ўзини-ўзи ҳимоялашнинг энг яхши усулидир. Фақатгина меҳнатни адолатли баҳолашни, тегишли рағбатлантиришни, ўртача солиқлар ва мақбул истеъмол нархларни шакллантириш зарур.

Ҳукуматнинг социал сиёсати тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг шундай механизмларини ўз ичига олиши керакки, улар меҳнатнинг муваффақиятли натижаларини ўртача таъминланган ва кам таъминланган аҳоли фойдасига йўналтира олсин, чунки бойлар ўзи ҳақида ўзлари қайғура олади. Бу соҳадаги асосий масала, кенг кўламдаги: иссиқлик, нон, дори-дармондан тортиб, таълим, тиббий хизмат, уй-жой ва алоқа воситаларигача истеъмолнинг минимал социал андозаларига бўлган инсон ҳуқуқларини тиклаш ҳисобланади.

Бундай андозаларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

— энг кам иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг яшаш минимуми даражасига мос келиши;

— иш ҳақини болаларни таъминлаш харажатларини ҳисобга олган ҳолда белгилаш;

— малакали меҳнатга ҳақ тўлашдаги адолатсизликни ту-
гатиш учун бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақини қай-
та кўриб чиқиш;

— ходимнинг яшаш минимуми даражасида бўлган со-
лиқ чегирмаларини ўрнатиш;

— аҳоли учун кенг истеъмол товарлари ва социал аҳами-
ятли хизматларга эга бўлишни таъминлаш.

Ривожланган мамлакатларнинг социал-иқтисодий сиё-
сатида давлат ҳимояси усулидан кўра, кўпроқ ўзини-ўзи
ҳимоялаш усулига эътибор берилмоқда. Бу мамлакатларда
солиқлар бўйича имтиёзлар бериш йўли билан даромадлар-
нинг ишлаши, мажбурий социал суғурталашнинг ривожла-
ниши, фирма ичидаги социал сиёсат; учинчи, нотижорат
секторининг, жамоатчилик ташаббусларининг кенгайиши;
фуқаролар ва бизнеснинг хайрия тadbирларидаги иштиро-
ки; жамият барча аъзоларининг инвестициялар манбаи си-
фатидаги жамғарма ва омонатлардан манфаатдорлиги раф-
батлантирилади. Буларнинг барчаси ўрта синфнинг гуллаб-
яшнашига ҳамда камбағалликка қарши курашда ёрдам беради.

Давлат хайрия тadbирлари, жамоат ташкилотлари фао-
лияти, маҳаллий уюшмалар социал муаммоларни ҳал этишда
корхоналарнинг иштирокини кенгайтириш ҳақида ғамхўр-
лик қилади. Камбағалликка қарши курашда социал суғур-
талаш тизими муҳим роль ўйнайди (Швеция, Франция,
ГФР тажрибасида).

Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, аҳолини аниқ
мақсадли ижтимоий ҳимоялаш бўйича тadbиркорларни ҳам
камбағалликка қарши курашишнинг самарали воситаларига
киритиш мумкин.

Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришнинг йўллари ва унинг асосий йўналишлари

Ўзбекистон камбағалликка қарши курашиш дастурини
қабул қилган бўлиб, унинг асосини қуйидаги тadbирлар
ташқил этади:

— мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш: Бунинг учун аввало нархларнинг узил-кесил барқарорлашуви ва яратилаётган ЯИМ ҳажмининг янада жадалроқ ўсишига эришиш зарур;

— меҳнат қилиш соҳаларини кенгайтириш, иқтисодиётнинг самаралироқ тармоқларини (товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасини) ривожлантириш. Бу самарасиз тармоқдаги меҳнат ресурсларининг самаралироқ тармоқларга, айниқса аграр сектордан фаолиятнинг бошқа соҳаларига ўтишга олиб келади;

— тадбиркорликни, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ва ўзини ўзи банд этиш шаклларини кенгайтириш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириш учун имкониятлар яратиш; Ушбу сектор Ўзбекистонда катта салоҳиятга эга бўлиб, расмиятчилик тўсиқлари (бюрократик тўсиқлар) сабабли тўлиқ ривожлана олмаяпти. Кичик тадбиркорликнинг ривожланиши аҳолига, айниқса камбағал ва кам даромадли аҳоли қатламига катта имкониятлар беради;

— жамоа шаклидаги ишларни ташкил этиш, социал инфратузилмага қўйиладиган инвестицияларнинг ўсишига, капитал қурилишдаги жонланишга, мамлакатда иқтисодий аҳволнинг яхшиланишига ва бандлик даражасининг жиддий ошишига ёрдам беради;

— ўртача даромадларнинг доимий кўпайиши, камбағаллик ўсишининг бартараф этилиши.

Камбағаллика қарши кураш давлат дастурининг рўёбга чиқиши, камбағаллик даражасини анча пасайтиришга имкон беради.

Ўзбекистонда камбағалликка қарши кураш шакллари ва усулларининг хусусияти шундаки, бу жараёнда нафақат давлат, балки корхоналар, жамоат ташкилотлари, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар ҳам иштирок этади. Давлат аҳоли турли гуруҳлари томонидан олинаётган даромадларини тартибга солади, норизоликлар пайдо бўлиш хавфини бартараф этади.

Даромадлар даражасини тартибга солиш механизмнинг асосий элементлари қуйидагилар ҳисобланади:

— нафақа, стипендия, бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақини мунтазам ошириб борилиши. Ўтган 8 йилда (аниқ мўлжалли социал ҳимоялаш дастури 1996 йилдан киритилган эди) энг кам иш ҳақи 250 сўмдан (1996) 9400 сўмга (2005 й.), яъни 33,5 мартага, энг кам нафақа 30 марта кўпайди;

— кам таъминланган оилалар ва болали оилаларни аниқ мўлжалли ижтимоий ҳимоялаш уларга пул нафақалари бериш йўли билан амалга оширилмоқда. Кам таъминланган оилалар ва болалик оилаларни қўллаб-қувватлашнинг бу шакли хусусияти шундаки, ночор гуруҳларни аниқлаш ва уларга ёрдам кўрсатиш, фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳаллаларга юклатилган. Нафақалар тўлашнинг молиявий манбаи республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобланади;

— ишсизларни, уларга нафақа бериш, бепул ўқитиш, касбий тайёргарлик даврида стипендия бериш ва ишсизлик нафақасига яна ишсиз кишининг қарамоғидаги ҳар бир кишига ишсизлик нафақасининг 10% миқдорида устама кўшиб бериш шаклларида моддий қўллаб-қувватлаш;

— алоҳида тоифадаги фуқаролар ва оилалар учун ўрнатилган нафақалар, кафолатлар ва имтиёзлар тизими (қишлоқ жойлардаги мактаб ўқувчилари, олий ўқув юрти ўқитувчилари, "Соғлом авлод учун" ордени билан мукофотланганлар ва бошқаларни квартира ҳамда коммунал хизматлар учун тўловлардан тўлиқ ёки қисман озод этиш);

— ягона тариф жадвалини киритиш ва турли тоифадаги хизматлар иш ҳақи миқдорини энг кам иш ҳақи миқдори билан боғлиқ ҳолда қараш;

— хўжалик фаолияти натижаларига боғлиқ ҳолда корхоналар томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш учун йўналтирувчи маблағларни тартибга солиш;

— жисмоний шахслар даромадларини ўсиб бориш даражасига кўра прогрессив тизимдаги солиққа тортиш.

Кейинги йилларда социал ҳимоялаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар биргаликда камбағалликнинг ўсиши имкониятларини бартараф этади.

Шу билан бирга, аҳолининг барча табақаларининг турмуш даражасини ошириш барқарор иқтисодий ўсиш фаоллигига эришилгандагина мумкин бўлади. Ўзбекистон ҳукумати томонидан 2004—2006 йилларда турмуш даражасини оширишнинг комплекс тезкор стратегияси ишлаб чиқилган ва қабул қилинган бўлиб, турмушнинг барча соҳаларидаги ислохотларни чуқурлаштиришга йўналтирилган. Ушбу стратегиянинг концептуал асоси социал сиёсатни мамлакат иқтисодий ривожлантириш билан интеграциялашуви ҳисобланади.

Аҳоли бандлигини ривожлантиришнинг тенденциялари ва истиқболлари

Социал-иқтисодий ривожланишнинг интеграцион дастури барча социал гуруҳлар ва қатламлар ўртасида иқтисодий ўсиш натижаларини адолатли тақсимлашни, ресурсларга эркин кира олишни, шунингдек, ҳудудий, жинсий ва бошқа белгилар бўйича иқтисодий камситишлардан ҳимоялашни таъминлаши зарур. Социал сиёсатнинг бир қисмини бандлик ташкил этиб, бу нафақат иқтисодий ҳодисадир, балки демографик жараёнларга ҳам боғлиқдир. Шунинг учун бандликни ўрганишда демографик вазиятнинг таҳлили ҳам муҳим аҳамият касб этади.

1990 йилдан 2004 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон аҳолиси 7,3 млн. кишига (35,9%) кўпайди ва 26 млн. кишига етди. Аҳолининг учдан икки қисмига яқин (63%) қишлоқ жойларида яшайди. Аҳоли кўпайишининг қарийб бешдан тўрт қисми қишлоқ жойларига тўғри келади.

Демографик жараёнлар иқтисодиётдаги вазият билан чамбарчас боғлиқдир. Республика иқтисодиётида ишлаб чиқаришнинг пасайиши кузатилган, шаҳар жойларда туғилиш даражаси анча қисқарди, республикадан аҳолининг чиқиб кетиши ўсгани ҳам кузатилди, никоҳлар тузилиши миқдори камайди.

1996 йилдан бошланган иқтисодий ўсиш демографик тенденциядаги ўзгаришларга ҳам таъсир этди. Бу даврда шаҳар

аҳолиснинг кўпайиш суръатлари ошди, қишлоқ аҳолиси эса камайди. Аҳолининг четга кетиб қолиши жиддий қисқарди, никоҳлар сони ўса бошлади.

Иш кучига талабдан таклифнинг анча юқорилиги, четга кетиб қолишлар даражаси ва кетиб қолувчилар таркибининг деярли 70% меҳнатга қобилиятлилар эканлиги бандлик муаммосининг жиддийлигини пасайтириши лозим эди. Булар асосан саноати ривожланган ҳудудлар ва йирик саноат корхоналаридан иш кучининг кетиб қолиши ҳамда юқори малакали кадрларга талабнинг мавжудлиги билан тақозоланади. Бундай ҳодиса жадал равишда тегишли мутахассислар ва ишчи кадрлар тайёрлаш учун кўшимча харажатларни талаб этди.

Ўзбекистонда юз бераётган демографик тенденцияларнинг социал оқибатларини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги фуқаролар сони бутун аҳоли сонига қараганда юқорироқ суръатларда (йилига 2,8 %) ўсиб бормоқда. Бу ҳол меҳнат бозорида кескинликнинг кучайишига олиб келади.

Қишлоқ аҳолиси бандлигидаги аҳволнинг кескинлашуви яна шу билан боғлиқки, аҳоли кўпайишининг учдан икки қисмидан кўпроғи қишлоққа тўғри келади. Меҳнатга қобилиятли қишлоқ аҳолисининг ўсиш суръатлари шаҳар аҳолиси ушбу қисмининг ўсиш суръатларидан илгарилаб кетиши давом этмоқда.

Республикадаги иқтисодий ўсиш аҳоли бандлигида ижобий ўзгаришларга олиб келмоқда. Иқтисодиётнинг фаол таркибий қайта қурилиши автомобилсозлик, телерадиоаппаратуралар, қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқариш, нефтни қайта ишлаш каби янги ишлаб чиқариш соҳалари яратилишига олиб келди ва янги иш ўринларини яратилишига ёрдам берди. Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши эса иқтисодий фаолликнинг ошишига, бозор таркиблари тармоғининг кенгайишига олиб келди.

Мамлакатда, қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини ошириш мақсадида 1996—2000 йилларда бандликни таъ-

минлашнинг ҳудудий дастури ишлаб чиқарилган эди. Ушбу дастур янги иш ўринларини яратиш, қишлоқ жойларида фаолият соҳалари ва турларини кенгайтириш ҳамда яқин атрофдаги шаҳарлар корхоналарига қишлоқ аҳолисини қўшимча ишга жалб этишни таъминловчи тадбирлар мажмуасидан иборатдир. Ҳудудий дастурларни бажариш кичик ва хусусий бизнесни, бозор инфратузилмасини, фермер, деҳқон, шахсий хўжалик ва ўзини ўзи банд этишни ривожлантириш қишлоқ аҳолиси фаолияти соҳалари ва турларининг кенгайишига имкон берди.

Қишлоқ жойларида янги иш ўринлари яратилиши аҳолининг бандлик таркибига ҳам таъсир этди. Кейинги йилларда унда моддий ишлаб чиқариш, савдо, умумий овқатланиш, моддий-техникавий таъминот соҳасидаги банд бўлганлар улуши кўпайди.

Расмий статистика маълумотлари мутлақ бандликнинг ўсиши тўғрисида гувоҳлик берса-да, меҳнат бозоридаги вазият мураккаблигича қолмоқда.

Мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда ортиқча бандлик сақланиши давом этмоқда. Аграр соҳадаги қарийб миллионга яқин киши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмига зарар етказмаган ҳолда бу соҳадан озод этишлари мумкин.

Янги иш ўринларининг ўсиши меҳнат ресурсларининг кўпайиш суръатларидан орқада қолмоқда. Бу номутаносиблик ёшларнинг, айниқса қишлоқ жойларда меҳнат бозорига киришлари учун қийинчилик яратмоқда. Бундай шароитда ёшлар, етарлича юқори маълумот даражасига эга бўлишларига қарамасдан малакасиз ва кам ҳақ тўланадиган ишларга рози бўлишга мажбурдирлар. Бунинг устига иш ахтариб юрган ёшларнинг тахминан учдан бир қисми оилали бўлиб, оилани боқиш бўйича маълум бир мажбуриятларга эгадир.

Ўтиш даврининг ҳозирги босқичида Ўзбекистон меҳнат бозоридаги вазиятни сезиларли даражадаги таркибий ишсизликни тавсифлайди. Иш кучига бўлган талаб, меҳнатга

қизиқтириш даражасининг пастлиги туфайли, иш кучининг таклифига мос келмайди.

Халқаро методологияга мувофиқ ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, 2002 йилда Ўзбекистондаги ишсизлик даражаси 9,8% ни, шу жумладан эркаклар орасида 11%ни, аёллар орасида 8%ни ташкил этган. Энг юқори даражадаги бандлик 35дан 44 ёшгача бўлган аҳоли учун хосдир. Ушбу ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг 80% (эркакларда эса 91% дан кўпроғи) банд бўлган. Улар қоида тариқасида юқори билим даражасига эгадирлар. Улардан 60% ўрта, 25% га яқини олий маълумотга эга.

Шаҳар жойларда, бандларнинг асосий қисми хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келади.

Энг кўп ишсизлар эркаклар орасида 16—24 ёшдагилар — 25,2%, энг кам — аёллар орасида 45—54 ёшдагилар — 2%. 25—44 ёшлилар гуруҳида ишсизлик 6,3—6,7% ни ташкил этади ва фриксион ишсизлик чегарасидан четга чиқмайди. Ишсизликнинг энг юқори даражаси фақат бошлангич маълумотга эга бўлганлар орасида 33,3%, энг кам даражаси — олий маълумотлилар орасида 3,2% учрайди.

Республикада ишсизлик билан биргаликда, ҳисобга олинмаган бандлик муаммоси ҳам мавжуд. Бунга расман тақиқланмаган, бироқ даромад келтирувчи ва солиққа тортилишдан яшириб қолинувчи ҳар қандай фаолият киради.

Ҳисобга олинмаган бандлик ишсизлик муаммосини бирмунча юмшатса-да ва нисбатан яхши ҳақ тўланадиган доимий иш топа олмаган аҳолига даромад келтирса-да, бироқ банд бўлганлардан бир қисмининг солиқлардан бош тортиши иқтисодиёт учун салбий оқибатларга эгадир.

Рўйхатга олинмаган фаолиятнинг мавжудлиги социал-иқтисодий жараёнларнинг миқёси ва тавсифини тўлиқ даражада баҳолашга халақит беради, бандликнинг ҳақиқий кўрсаткичларини пасайтиради, социал муаммоларни ҳал этишнинг мақбул йўллари ишлаб чиқишга йўл бермайди.

Ўтиш даврида бандлик давлат томонидан фаол тартибга солишга муҳтождир. Давлат бандликни тартибга солишда

актив ва пассив сиёсат юритиши мумкин. Бандлик сиёсати нафақат янги иш ўринлари яратишни рағбатлантирувчи иқтисодий ўсишга эришишни тақозо этади, балки иш кучининг ҳудудий ва тармоқ ичидаги ҳаракатчанлигига — иш излашда воситачиликни ташкил этиш, касбий ўқитиш ва қайта ўқитиш, ходимлар ва иш берувчиларни меҳнат бозоридаги аҳвол билан таништириб бориш ва бошқаларга ҳам ёрдам беради. Бундай масалалар меҳнат ва аҳолини социал ҳимоялаш вазирлигининг ваколатига киради.

Социал бозор иқтисодиёти тамойилларига кўра давлат бандлик сиёсатининг устувор вазифаси оддийгина энг кўп миқдордаги иш ўринларини яратиш ва сақлаб туриш (тўлиқ бандлик сиёсати) бўлмай, балки самарали ишчи ўринларини аввало рақобатбардош тавсифдаги товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги иш ўринларини ҳам сақлаб қолиш ҳамда қенгайтириш ҳисобланади. Норентабель иш ўринларини молиялаштириб туриш тажрибаси (м: Швеция учун тавсифли) кўрсатадики, бу давлат учун нохуш оқибатлар бандлик дастурининг жиддий даражада қимматлашувига, иқтисодий конъюнктуранинг ёмонлашувига, жаҳон бозорида товарлар рақобатдошлигининг пасайишига ва бошқа салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шу сабабли, социал давлатнинг бандлик сиёсати қуйидаги тамойилларга асосланиши лозим:

Меҳнат бозоридаги фаол сиёсат доирасида ишга жойлаштиришга, моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида ишсизларни касбий тайёрлашга ёрдам бериш бўйича тадбирларнинг устуворлиги;

Давлатнинг бандлик хизмати, иш берувчилар ва ходимлар банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштиришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш учун ҳамкорликда масъул бўладилар.


Ушбу тамойилларнинг амалга оширилиши шуни англадики, жамиятда социал боқимандаликни бартараф этиш учун иқтисодий шарт-шароитлар яратилади. Бунда иш ахтарётган фуқароларни ишга жойлаштириш, бепул касбий

тайёрлаш ҳисобидан уларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш бўйича тегишли вазифаларни жамият ўз зиммасига олади:

Давлат кенг доирадаги мезонларга (ишсизнинг иш стажи, ишни йўқотгунгача бўлган иш ҳақи, ишни йўқотган ҳолатлар учун мажбурий суғурталаш муддати, суғурта бадаллари жамғармаси миқдори, ишсизнинг ёши ва б.) боғлиқ ҳолда ишсизни социал ҳимоялаш меъёрини ўрнатиш табақавий ёндашувни таъминлайди.

Ўзбекистонда бандлик сиёсати хусусиятлари

Ўзбекистонда бандлик сиёсатининг хусусиятлари Давлатнинг социал сиёсатининг йўналишларидан бири бўлиб, аҳолининг бандлигига ёрдамлашиш ва ишсизликдан ҳимоялашдир. Ўзбекистонда бандликка ёрдамлашиш сиёсати ривожланган мамлакатларнинг бой тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган. Бандлик сиёсатининг асосий йўналишларини қуйидаги чизма ёрдамида тасаввур этиш мумкин.



5- чизма . Бандлик сиёсати ва аҳолини ишсизликдан ҳимоялаш

Бандликнинг ўсишини рағбатлантириш 3 йўналиш бўйича бўлади: тадбиркорлар билан ишлаш (иш ўринлари яратишда солиқ имтиёзлари), ишсизлар томонидан иш ахтаришнинг фаоллашуви (иш кучи таклифини рағбатлантириш) ва ёлланма ходимларнинг бир қисмини меҳнат бозоридан чиқариш (ўзини ўзи банд этишни қувватлаш).

Ўзбекистонда аҳолининг бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари ва тамойиллари социал йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг миллий моделида ўз аксини топган. Унда қишлоқ жойлардаги аҳолининг банд бўлишига устуворлик берилган.

Ислохотларнинг биринчи босқичида бандликни таъминлашдаги биринчи навбатдаги тадбирлар давлат корхоналарини (совхозларни) бошқа мулк шаклларига (кооператив, акционерлик ва б.) ўзгартириш; аҳолини шахсий томорқа хўжалиги учун ер билан таъминлаш тадбирлари амалга оширилди.

Қишлоқда ишлаб чиқаришнинг янги шакллари — деҳқон, фермер хўжалиklarининг ривожланиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кичик корхоналар яратиш каби ишлар қилинди.

Санаб ўтилган йўналишлар бўйича кўрилган фаол чоратадбирлар бандлик ва ялпи ишсизлик хавфини бартараф этиш, ишлаб чиқариш таркиби ва мулк шакллари бўйича бандликни бозор шароитларига яқинлаштириш, янги ишлаб чиқариш муносабатларига ўтиш ва ходимнинг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини ошириш, одамларнинг боқимандачилик психологиясини ўзгартириш ва индивиднинг давлатга боғлиқлигини пасайтириш учун шарт-шароитлар яратишга имкон берди.

Кейинги босқичларда аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми бандлигини таъминлашнинг истиқболли ҳудудий дастурлари қабул қилинди.

Шу тарзда ҳозирги вақтда бандлик соҳасидаги муҳим вазифа — ишсизликнинг ўсиши тўхтатилди.

Социал иқтисодиёт бандликни тартибга солишнинг узоқ муддатли истиқболларини белгилашни талаб этади. Бундай

фаол иқтисодий усулларга, аввало, инвестицион фаолликни рағбатлантириш, барқарорлаштириш ва янада иқтисодий ўсишга эришиш, бандликнинг энг маъқул таркибини шакллантириш мақсадида касбий ўқитиш ва қайта тайёрлашни таъминлаш кабилар киради.

3.3. МЕҲНАТНИ СОЦИАЛ ТАШКИЛ ЭТИШ

**Таянч
иборалар**

Меҳнатни ташкил этиш; меҳнатни социал ташкил этиш; ходимнинг меҳнат салоҳияти; меҳнатдан қониқиш; меҳнат тақсимооти ва ко-операцияси; меҳнатни меъёрлаштириш; иш ўринларини ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш; ходимни танлаш ва унинг ривожланиши; меҳнатга қизиқтириш; меҳнат интизомини мустаҳкамлаш; меҳнат натижасидаги турмуш даражаси; меҳнатнинг меъёри ва нормативлари; меҳнат шароити; социал-меҳнат муносабатлари.

Меҳнатни социал ташкил этиш тушунчаси ва асосий йўналишлари

Меҳнатни социал ташкил этиш — бу меҳнат жараёнини амалга оширишнинг шундай тизимики, бунда ходимнинг ривожланиши ва меҳнат салоҳиятини рўёбга чиқариш таъминланади, меҳнат фаолияти жараёнидаги шахсий ўзаро муносабатлар оптималлашади, меҳнатдан қониқиш ҳосил бўлади.

Бу тизимнинг шундай ҳолатики, аввало у ишлаб чиқариш мақсадларига жавоб беради ва одамларнинг амалдаги меҳнатини ташкил этишларига янгиликларни қўллаш, уни фан, техника, технология ривожланишининг эришилган даражасига мувофиқ ҳолга келтириш учун доимий фаолиятларга ёрдамлашади.

Ишлаб чиқариш жараёнида кишилар меҳнати ИТТ ва социал-иқтисодий муносабатлар таъсири остида ташкил этилади. Шунинг учун меҳнатни ташкил этиш ўзаро узвий боғланган, доимий ўзаро таъсир этувчи икки томон-

га: табиий-техникавий ва социал-иқтисодий томонларга эга бўлади.

Социал иқтисодиёт қурилиши ходим ҳаётининг ҳам жисмоний, ҳам социал яшаш муҳитини қамраб олувчи, "меҳнат натижасидаги турмуш даражаси" концепциясига асосланувчи меҳнатни ташкил этишни тақозо этади. Ушбу глобал концепциянинг бир қисми "меҳнатни инсонпарварлаштириш" назарияси бўлди. Унинг асосида муҳит инсоннинг ҳиссий ва психологик ҳолатига ва демакки, унинг меҳнат натижаларига таъсир этишни тан олиш ётади.

Унинг моҳияти шундан иборатки, ҳар қандай меҳнат мос равишда ва адолатли тақдирланиши, унинг шароитлари ходимнинг соғлиғи учун хавотирсиз бўлиши лозим. Ходимларга меҳнат жараёнида шахсий қобилиятларини қўллаш ва ривожлантириш имкониятлари берилиши ва бандлик имконияти, моддий рағбатлантириш, ходимнинг касбий ўсиши кафолатланган бўлиши зарур. Меҳнат жамоасида социал ҳамкорликни таъминлаш зарур.

Шу тарзда, социал ташкил этиш жамиятда меҳнат унумдорлигини ўстириш, иқтисодиёт ривожланиши ва меҳнат кишисининг ўзини такомиллаштиришнинг ҳаракатга келтирувчи куч сифатида қаралади.

Меҳнат жараёнларини лойиҳалаштиришда уни ташкил этишнинг турли шакллари, ишни бажаришнинг йўллари ва усуллари ўртасидан мақбулини танлаш ҳолати типик ҳолат ҳисобланади. Меҳнатни ташкил этишда, қарорлар қабул қилишда иқтисодий, социал ва психологик-физиологик мезонларга амал қилиш зарур. Меҳнатни ташкил этиш маълум бир вариантнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги ишлаб чиқариш самарадорлиги ошувининг, меҳнат унумдорлиги ўсишининг, оқилона бандлигининг, меҳнатнинг бир маромдалигининг, жиҳозлар ва бошқа моддий ресурслардан яхшироқ фойдаланишнинг қай даражадалиги билан аниқланади.

Социал мезон нуқтаи назаридан меҳнатни ташкил этишнинг кўрилган шакли ходим учун жозибадорлиги, айнан

эси, унинг мазмуний томони, ҳар хиллиги, масъулияти, **ривожланиш** учун шароитлари ва шу қабилар билан баҳоланади. Меҳнат вазифаларини бирлаштириш энг мақбул тарзда бўлиши лозим. Жисмоний ва ақлий юкламалар жиҳатидан у салбий оқибатларга олиб келмаслиги лозим. Шунингдек, физиологик ва психологик мезонларни ҳам ҳисобга олиш талаб этилади.

Меҳнат тақсимоти жараёнида иқтисодий ва социал мақсадга мувофиқлик чегараси мавжуддир. Иқтисодий нуқтаи назардан меҳнат тақсимотини у иш кучидан фойдаланиш самарадорлигининг ошиб бориши билан биргаликда бўладиган даражагача чуқурлаштириш мақсадга мувофиқдир. Социал нуқтаи назардан меҳнат тақсимотини янада чуқурлаштиришнинг чегараси ходимларнинг кенг малакасини ва улар меҳнатининг мазмундорлигини сақлаш, бир хилдаги ва ҳаддан ташқари жадалликнинг олдини олиш ҳисобланади. Социал иқтисодиёт меҳнатни ташкил этиш, энг яхши турмуш шароитини яратиш, ходимнинг соғлиғи ва фаровонлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиш учун иқтисодий ва социал мақсадга мувофиқликни оқилона қўшиб олиб боришни тақозо этади.

Меҳнат тақсимоти билан унинг кооперациялашуви узвий боғланган, бу ҳар хил турдаги меҳнат сафида энг маъқул нисбатларга эришишни англатади ҳамда энг яхши социал меҳнат муносабатларини ўрнатилишини, одамлар манфаатлари ва ишлаб чиқариш мақсадларининг мувофиқлаштирувини назарда тутати.

Меҳнатни меъёрлаштириш — меҳнатни ташкил этишнинг муҳим йўналиши сифатида

Иқтисодиёт самарадорлигини ошириш учун меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш ва меҳнат сарфини камайтириш муҳим роль ўйнайди. Меҳнат сарфини, яъни корхона харажатларини режалаштириш, ҳисобга олиш ва таҳлил этишнинг муҳим воситаси меъёрлаштириш

ҳисобланади. Меҳнат меъёрини қўллаш маҳсулот харажатларини қисқартиришга ва иш вақтидан тежаб фойдаланишга олиб келиб, бу ишлаб чиқаришнинг кам харажатли бўлишига ва албатта фойданинг ўсишига таъсир этади.

Меҳнатни меъёрлаштириш иқтисодий ролдан ташқари, яна муҳим социал ролни ҳам бажаради. Меҳнатни меъёрлаштириш ходимларни ҳаддан ташқари жадал меҳнатдан ҳимоялаб, бутун меҳнат даври давомида иш қобилиятини сақлашларини таъминлайди. Меҳнатни меъёрлаштиришдаги социал ҳимоянинг вазифаси меҳнатнинг мажмуи ва шароитларидан ходимнинг қониқиши ўсиб бориши учун қулай имкониятларни таъминлашга, унинг интеллектуал салоҳиятидан тўлароқ фойдаланишга ёрдам беришдир.

Меҳнатни меъёрлаштириш уни рағбатлантириш билан узвий боғлиқдир. Меҳнат меъёри моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, юқори сифатли меҳнатни (маҳсулот, айланма хизматларни) таъминлаш воситаси сифатида қаралиши мумкин. Қачон мукофотлар миқдори меҳнат сарфи меъёри катталигига, машаққатли ва бажарилиши даражасига боғлиқ бўлса, меҳнат меъёрининг мукофотлар тизими билан яхши алоқадорлиги билинади.

Меҳнат меъёрининг социал йўналтирилганлигини янада кучайтириш қуйидагиларни тақозо этади:

1) меҳнатни ташкил этиш ва меъёрлаштириш соҳасида давлат қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, уларда амалдаги меҳнат меъёрларининг асосланганлиги ва тенг даражадалигини таъминлаш бўйича иш берувчиларнинг мажбуриятлари, давлат органларининг вазифалари назарда тутилади;

2) меҳнат меъёрини ва меъёрлаштириш тизимини ишлаб чиқиш, уларга қўйиладиган талабларга назарий ва услубий асосларни киритиш;

3) меҳнатни меъёрлаштириш тизимининг ташкилий услубий асослари: меҳнатни меъёрлаштиришнинг аҳволини таҳлил этиш услуги, амалдаги меъёрлар сифати, меҳнат сарфи, иш жойидаги меҳнат шароитини баҳолаш;

4) меҳнатни ташкил этиш ва меъёрлаштириш масалаларининг меҳнат битимлари ва шартномаларда акс этиши;

5) меҳнат жараёнларини ва иш вақтини энг мақбул сарфданишини тадқиқ этиш ва комплекс режалаштириш усуллари;

б) ходимнинг конкрет (аниқ) меҳнатининг турлича мазмун ва механизация даражасидаги хусусиятларини ҳисобга олиш: а) асосий ишчи ходимлар меҳнатини ташкил этиш ва ишлаб чиқариш шароитларининг турлича шаклларида; б) ёрдамчи ишчилар учун; в) мутахассислар учун; г) хизматчилар учун;

7) меъёрлаштириш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг узвий алоқадорлигини таъминлаш.

Меҳнат шароитларини яхшилаш — меҳнатни социал ташкил этишнинг муҳим йўналиши сифатида

Меҳнатни социал ташкил этишнинг йўналишларидан бири меҳнат шароитларини такомиллаштириш ҳисобланади. Маълумки, меҳнат шароитлари — бу ташқи муҳит омилларининг мажмуаси бўлиб, улар меҳнат жараёнида одамнинг соғлиғи ва меҳнат қобилиятига таъсир этади. Ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароитини қуйидаги омиллар гуруҳларига ажратиш мумкин: ишлаб чиқариш, санитария-гигиена, хавфсизлик, муҳандислик-психологик, эстетик ва социал омиллар.

Ишлаб чиқариш омиллари техника ва технологиянинг хусусиятлари, меҳнатни механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси, иш жойини жиҳозлаш сифати, меҳнат ва дам олиш тартиби билан белгиланади. Ходимнинг жисмоний ҳаракати ва ақлий зўриқиши, ишчанлик аҳволи, ишнинг суръати ва бир хиллиги уларга боғлиқ бўлади. Корхонада ушбу омиллар ишнинг энг маъқул суръатини таъминлаш, меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам берадиган, ходимнинг соғлиғига салбий таъсир этмайдиган тарзда шакллантирилиши лозим.

Санитария-гигиена омиллари — бу иш жойидаги ҳарорат, намлик, ҳавонинг ифлосланиши, шовқин, тебраниш, ёритилганлик кабилардир.

Хавфсизлик омиллари ходимни жароҳатдан, электр токи уришдан, кимёвий ва радиацион ифлосланишдан ҳимоялашни назарда тутди.

Муҳандислик-психологик омиллар иш жойларидаги қулайликни, технологик жараённинг, машина ва механизмларга хизмат кўрсатишнинг мукамаллигини белгилайди.

Эстетик омиллар ишлаб чиқариш муҳитининг гўзаллигини, иш жойидаги шакл, ранг ва товушнинг ёқимлилигини, дам олиш зонасининг тинчлантирувчи даражада ташкил этилишини белгилайди.

Социал омиллар меҳнат жамоасидаги ўзаро муносабатлар, раҳбарлик услуги, корхонанинг мақсад ва вазифаларни ходимнинг манфаатлари билан мосликда бўлиши орқали аниқланади. Ушбу омиллар таъсирида жамоадаги ахлоқий-психологик муҳит шаклланади.

Меҳнат шароитлари қуйидагича бўлиши мумкин: а) энг мақбул — бунда одамнинг соғлиги сақланади ва иш қобилиятини юқори даражада таъминлаш учун шарт-шароитлар яратилади; б) мумкин бўлган даражада — муҳитнинг меъёрдан ошмайдиган омиллар даражасини белгилайди; в) зарarli — улар тўрт даражадаги зарарликка бўлинади.

Меҳнат хавфсизлиги нуқтаи назаридан ушбу омилларнинг махсус меъёрлар билан ўрнатиладиган йўл қўйиладиган даражалари фарқланади. Иш жойларида унумли меҳнатга ёрдам берувчи меъёрий муҳитни яратиш, биринчидан, табиий шароитларга (иқлим, йил фасллари ва б.); иккинчидан технологик жараёнга; учинчидан ходимларнинг ўзларига боғлиқ бўлади.

Меҳнат шароитининг одам организмига хавфли таъсири даражасини пасайтириш ва қулай шароитларни яратиш социал иқтисодиётда меҳнатни ташкил этишнинг муҳим мақсадларидан бири ҳисобланади.

Бунга меҳнат шароитини тартибга солувчи тегишли меъёрларга риоя қилиниш устидан назорат ўрнатиб, шунингдек ҳуқуқий, иқтисодий, тиббий, техникавий ва ташкилий тавсифдаги ўзаро боғлиқ бўлган ва бир вақтда ўтказиладиган тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш орқали эришиш мумкин. Бунинг учун, социал иқтисодиётнинг шаклланиш босқичида, қуйидагилар зарур:

— меҳнаткашларни касбий таваккалчиликдан ижтимоий ҳимоялашнинг давлат дастурини ишлаб чиқиш, унга иккита ўзаро боғлиқ қонунлар — ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан мажбурий социал суғурталаш ҳамда касбий нафақаларни мажбурий социал суғурталаш тўғрисидаги қонунлар қабул қилиниши ва қўлланилиши киритилиши лозим;

— жаҳон ҳамжамияти томонидан ўрнатилган, меҳнат шароити ва муҳофазаси масалаларини ҳал этишнинг стратегик йўли сифатида — ХМТнинг меҳнат муҳофазасидаги таянч конвенцияларини ратификация қилиш давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш лойиҳаларининг лицензияларини меҳнат хавфсизлиги ва гигиена талабларига мувофиқлигини экспертиза қилишнинг давлат тизимини яратиш ва амал қилиш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— ҳар хил ишлаб чиқаришда, минтақавий корхоналарда касбга доир хавф-хатар даражаси тўғрисида объектив, очиқ ва ҳаммага эркин тарздаги статистик ҳисобот ва маълумотларнинг давлат тизимини ишлаб чиқиш ва амалга кириштириш;

— техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси, гигиена ва тиббиёт соҳасида техникавий ва ташкилий ишлар бўйича хизмат кўрсатиш марказлари яратиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— меҳнат муҳофазаси соҳасидаги илмий тадқиқотларни, кадрлар тайёрлашни, ахборотлар нашр этишни молиялаштириш учун жамғармалар яратиш.

Меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш муаммолари ва социал иқтисодиёт шароитида уни такомиллаштириш йўллари

Ҳозирги вақтда, меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этишда унинг социал-иқтисодий аҳамиятини пасайтирувчи кўплаб муаммолар ва камчиликлар тўпланиб қолган.

Социал иқтисодиёт шароитида, одамларнинг турмуш даражасини ошириш асосий мақсад ҳисобланиб, иш ҳақининг барча вазифалари тўлиқ даражада рўёбга чиқиши лозим. Булар қуйидагилардан иборат:

- Такрор ишлаб чиқариш вазифаси, унинг моҳияти иш ҳақининг, одамнинг меҳнат фаолияти жараёнидаги меҳнат сарфини қоплаш қобилиятидан иборатдир. Агарда иш ҳақи ўз даражаси бўйича, ҳатто иш кучини оддий такрор ишлаб чиқариш бўйича етарлича бўлмаган ҳолларда бажарилмайди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда иш ҳақининг такрор ишлаб чиқариш вазифаси жуда паст даражада;

- Рағбатлантирувчи вазифаси ишлаб чиқаришнинг ривожланишидан манфаатдорликни оширишга йўналтирилган. Ҳозирча иш ҳақининг рағбатлантирувчилик роли иқтисодий ривожланишда етарлича аҳамиятга эга эмас. Ўтиш даврида мамлакат иқтисодиётининг ривожиди, корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришда, ходимларнинг жисмоний ва интеллектуал қобилиятларини рўёбга чиқаришда иш ҳақининг ушбу роли жуда пасайиб кетди. Бунинг сабаби, иш ҳақининг миқдори меҳнатнинг малакаси ва сифатидан, шунингдек, ишлаб чиқариш натижалари ва макроиқтисодий кўрсаткичлар ўзгаришига жуда кам даражага боғлиқ бўлди. Бу унумли меҳнатга қизиқишнинг пасайишига ва жамият учун, шундан келиб чиқувчи барча нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин (Ўзбекистон бўйича ўртача олганда, ходимнинг умумий даромадида иш ҳақининг улуши 56% ни ташкил этади, қолган қисми мулкдан, қимматбаҳо қоғозлардан дивидендларга, тадбиркорлик фаолиятдан келадиган даромадлар, ҳар хил социал нафақалар-

дан иборатдир); иш ҳақининг ҳаддан ортиқ, асосланмаган даражада кескин табақалашуви (10% энг кўп таъминланган фуқаролар даромадининг 10% энг кам таъминланган фуқаролар даромадига нисбати 2003 йилда 7,8 мартани ташкил этган). Бунинг устига, иш ҳақлари миқдоригадаги ушбу фарқ ходимларнинг малакаси, маҳоратидаги фарқларга қараб эмас, балки корхонадаги мулкчилик шаклларига, тармоққа тегишлилигига, минтақанинг хусусиятига қараб аниқланади. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Жиззах вилоятларида — ўртача жон боши даромадлар энг паст, Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятида эса энг юқори даражада. Шу сабабларга кўра, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳозирги вақтда ходимларнинг жисмоний ва интеллектуал қобилиятларини рўёбга чиқаришни жуда кам даражада рағбатлантирмоқда.

Социал вазифаси социал адолат тамойилини рўёбга чиқаришга ёрдамлашади.

Мураккаб социал муаммоларни агарда иш ҳақининг барча вазифалари амалга ошган тақдирдагина ҳал этиш мумкин, чунки улар диалектик бирликни ташкил этади.

Иш ҳақи жамиятнинг ривожланиш хусусиятларига ва унинг объектив моҳиятига жавоб бера олиши учун унинг вазифаларининг бирлиги ва қарама-қаршиликларидан оқилона фойдаланиш зарур .

Социал иқтисодиёт шаклланиши шароитида иш ҳақининг такрор ишлаб чиқариш ва рағбатлантирувчилик вазифалари кучаяди ва фаоллашади.

Такрор ишлаб чиқарувчилик вазифасининг амалга ошуви даражасини ходим томонидан олинадиган иш ҳақининг яшаш минимуми даражасига нисбати бўйича баҳолаш мумкин. Социал иқтисодиётда минимал иш ҳақининг амалга оширилиши даражаси "I"дан катта бўлиши, яъни яшаш минимумидан ортиқ бўлиши зарур. Бундан ташқари, иш ҳақи миқдори ва инсон меҳнати натижаларининг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иқтисодиёт, бошқа соҳаларнинг ривожидан, миллий даромаднинг, ЯИМнинг, мамлакатлар, минтақалар бюджети даромадлар қисмининг ўси-

шидан манфаатдорликнинг ўзаро алоқадорлигини таъминловчи рағбатлантириш механизмини кучайтириш лозим. Ушбу вазифадан моҳирона фойдаланиш иш ҳақини ишлаб чиқариш натижаларини оширишнинг ва иқтисодиёт моддий асосларининг, иқтисодий ўсишнинг энг муҳим дастакларидан бирига айлантиради.

Ҳозирги вақтда, иш ҳақининг рағбатлантирувчилик ролининг пастлигидан иқтисодиётнинг реал сектори, социал соҳа ва давлат хизмати ходимларининг анчагина қисми меҳнат фаолияти жараёнида ўзларининг жисмоний ва интеллектуал қобилиятларини тўла даражада рўёбга чиқара олмайдилар. Булар эса иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим захираларидан бири ҳисобланади

Социал иқтисодиёт шароитида социал меҳнат муносабатларини такомиллаштириш

Ўзбекистондаги социал-иқтисодий ўзгартиришлар социал йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ бўлиб, меҳнат фаолияти жараёнида социал гуруҳлар ва айрим индивидлар ўртасидаги социал меҳнат муносабатларида жиддий ўзгаришларга олиб келди. Ушбу муносабатларни (бошқа социал муносабатлар каби) тартибга солишда асосий тамойил унинг томонлари манфаатларининг энг мақбул мувозанатига эришиш учун ҳуқуқий шароитларни яратиш ҳисобланади. Социал меҳнат муносабатларининг асосий субъектлари давлат, иш берувчи ҳамда ходим ҳисобланади. Ходим, доимо, олдиндан оқ томонларнинг энг заиф қисмидир. Меҳнат муносабатлари субъектлари манфаатлари мувозанатига эришиш ходимларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини жамоа бўлиб ҳимоя қилинган, томонлар қонуний ҳуқуқ билан таъминланган, уларга маълум бир мажбуриятлар юкланган ҳоллардагина мумкин бўлади. Иш берувчи ва ходим манфаатларининг бараварлашуви, ходим ва иш берувчи манфаатларини ҳисобга олган ҳолда социал-меҳнат ҳуқуқини реал ҳимоялашни амалга ошириш имкониятини англатади.

Социал бозор иқтисодиётидаги меҳнат қонунчилиги шаклланишининг асосий мазмуни шундадир.

Бунда нафақат чет эл тажрибасини, балки Ўзбекистон хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Ўзбекистоннинг ҳуқуқий тизимида меҳнат муносабатларининг кўплаб жиҳатлари асосан қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Бошқа бир миллий хусусият — Ўзбекистонликларнинг патерналистик психологияси бўлиб, бу мамлакат ривожланишининг узоқ тарихи давомида шаклланган. Давлат ва аҳоли ўртасида шундай ўзаро муносабатлар ўрнатилганки, фуқаролар давлат ҳокимиятининг барча қонун ва фармойишларига амал қиладилар. Давлат эса уларни ижтимоий ҳимоялашни кафолатлайди. Меҳнат қонунчилиги ходимларнинг ўзини ўзи ташкил этишларига ёрдам беришга қаратилган.

Ходимлар фақат ўз бирлашмаларидагина иш берувчилар билан меҳнат муносабатларининг тенг томонлари бўлишлари мумкин. Ўз социал меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ходимлар бирлашмасининг асосий шакли касаба уюшмалари ҳисобланади. Ҳозирда, Ўзбекистонда ходимларнинг расман касаба уюшмаларига аъзолигига қарамасдан, иш берувчиларга қарши туришга қодир ва меҳнат муносабатларининг тенг томони бўла оладиган кучли касаба уюшмалари амалда йўқ.

Социал иқтисодиёт шаклланиши жараёнида, касаба уюшмаларининг мустақкамлашиб бориши билан, давлат томонидан тартибга солиш пасаяди, шартнома йўли билан тартибга солиш кучаяди.

Социал иқтисодиётда касаба уюшмаларнинг роли анча кенгайган бўлиши лозим. Ҳозирда корхоналарда мавжуд бўлган касаба уюшмалари, амалда ходимларнинг дам олишини ташкил этувчи органларга айланиб қолган. Бундай касаба уюшмаларининг аъзолари турли тоифадаги ходимлар ҳисобланади, жумладан маъмурий вазифани бажарувчилар ҳам аъзо бўлиб, бу касаба уюшмалари тузишнинг ва фаолиятининг асосий тамойилларига зиддир. Ходимларнинг

касаба уюшмаларига бирлашишларининг асосий белгиси тармоқ ёки касбий белги, шунингдек ходимларнинг манфаатлар бўйича бирлашувлари бўлиши зарур. Чунки маъмурий бошқарув, кузатиш ва назорат қилиши вазифаларини бажаради ва иш берувчилар манфаатини ифодалайди, у бундай вазифаларга эга бўлмаган бошқа тоифадаги ходимлар билан бир касаба уюшмасида тура олмайди.

Ёлланма ходимларни бирлаштирувчи касаба уюшмасида маъмурий вазифани бажарувчи бошқа ходимларнинг ҳам кириши, касаба уюшмасининг иш берувчига қарам бўлиб қолишига олиб келади. Касаба уюшмасининг иши сиёсий ва молиявий мустақилликни, шу жумладан, иш берувчидан ҳам мустақил бўлишни тақозо этади.

Касаба уюшмаси учун иш берувчидан социал меҳнат масалалари бўйича, маълум бир ҳолларда эса бошқа маълумотларни, шу жумладан хизмат ёки тижорат сири бўлган маълумотларни ҳам олиш имконияти муҳим ҳисобланади. Баъзан касаба уюшмасига иш берувчининг молиявий хўжалик фаолияти тўғрисида батафсил маълумот зарур бўлиб қолади. Ҳозирги вақтда, касаба уюшмалари бундай маълумотни фақат жамоа шартномаси тузилгандагина олишлари мумкин, бошқа вақтда эса иш берувчи маълумот тақдим этмаслиги ҳам мумкин.

Бошқа томондан эса, касаба уюшмаси ҳаракатини ислоҳ қилиш фуқаролик жамияти қурилиши жараёнини тезлаштиради, бундай жамият таркиблари Ўзбекистонда шаклланиб келмоқда. Ўз манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича биргаликдаги фаолият бу йўлдаги маълум бир ютуқлар одамларда ўз кучига ишонч, умумий ҳаракат билан мавжуд воқеликни ўзгартириш қобилиятининг шаклланишига ёрдам беради.

Социал иқтисодиёт даврида иш берувчилар ва ҳукумат билан келиша олишга қодир бўлган ва меҳнат унумдорлигини оширишга, жамиятнинг иқтисодий ривожланишига ёрдам бера оладиган, кучли касаба уюшмалари керак.

Шу тариқа, социал иқтисодиёт шароитида социал шерикчиликка, яъни меҳнат соҳасидаги муносабатларнинг тур-

ли субъектлари манфаатларини умумлаштиришга йўналтирилган меҳнат муносабатлари тизими ривожланиши лозим.

Бундай тизимнинг асосий дастаклари иш берувчи (иш берувчининг маъмурияти) ва ёлланма ходимлар жамоаси ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи шартнома бўлиб, унинг мазмуни, тузилиш тартиби ва амалга оширилиши давлат қонунчилиги томонидан белгиланади.

Иш берувчи ва ёлланма ходимлар ўртасидаги муносабатлар, жамоа шартномаси билан бирга яна якка тартибдаги меҳнат шартномалари асосида ҳам тартибга солинади. Якка тартибдаги меҳнат шартномалари тизими меҳнатга ҳақ тўлаш даражасининг анча табақалашганлиги билан ходимда ўз касбий кўникмаларини оширишга кўшимча рағбат яратади.

Ушбу тизимда субъектив омилнинг роли юқоридир, бироқ бунда ходимнинг асосий социал-иқтисодий ҳуқуқлари камситилиши мумкин бўлмайди. Улар тегишли давлат таркиблари томонидан ҳимоя қилинади.

Кафолатлаш тизими уч қисмдан иборат бўлади:

- давлат кафолати
- якка тартибдаги меҳнат шартномалари
- меҳнат арбитражи.

3.4. СОЦИАЛ СУҒУРТА ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Таянч
иборалар**

Социал суғурта; суғурта ҳимояси; суғурта бадали; социал суғурталаш тизими; социал нафақа; ёрдам бериш; жамгарилувчи нафақа тизими; тақсимловчи нафақа тизими; давлат нафақа таъминоти; нодавлат нафақа таъминоти; ягона социал солиқ.

Аҳолини социал ҳимоялаш тизимида суғурталаш

Социал иқтисодиётнинг шаклланиши социал суғурталаш тизимининг ривожланиши ва такомиллашуви билан узвий боғлиқдир.

Социал суғурталаш аҳолининг иқтисодий фаол қисми-ни, ишни, меҳнат қобилияти ва даромадларни йўқотиш билан боғлиқ бўлган турли хавфлардан ҳимоялашнинг, жамоабиродарлик асосида зарарни қоплашнинг шаклларида бири ҳисобланади. Социал суғурталаш социал ҳимоялаш соҳасини бевосита меҳнаткашларга, уларни оилалари ва меҳнат жомаларига яқинлаштиришга имкон беради, унинг бозор механизми билан тартибга солинишини таъминлайди, социал ноёб барқарорлаштирувчилик сифатига эга бўлади.

Жамият социал суғурталаш воситасида қуйидаги вазифаларни бажаради:

- меҳнат жараёнида қатнашмайдиган, меҳнатга қобилиятсиз шахсларни таъминлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни қопловчи пул жамғармаларини шакллантиради;
- меҳнат ресурсларини қайта ишлаб чиқаришнинг зарурий миқдори ва таркибини таъминлайди;
- жамиятдаги ишловчи ва ишламайдиган аъзоларни моддий таъминоти даражасидаги узилишни қисқартиради;
- меҳнат жараёнига жалб этилмаган турли аҳоли гуруҳларининг турмуш даражасини кўтаришга эришади.


Социал суғурталаш фуқароларнинг кексаликда, касал бўлганда, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотганда, боқувчисини йўқотганда, ишсизликда моддий таъминот олишга бўлган конституцион ҳуқуқини рўёбга чиқишини таъминлашга қаратилган.

Суғурта қилинганлар учун, суғурта ҳолати вужудга келганда, социал суғурталашнинг энг мақбул минимал даражаси, халқаро меҳнат ташкилотининг тавсияларига кўра (1952 йилдаги N102 конвенция) малакали ходим иш ҳақининг 40—50% даражасида белгиланган. Олинадиган маблағ миқдори суғурта (меҳнат) стажининг давомийлигига, иш ҳақининг катталигига (суғурта бадаллари тўлови учун асос бўлиб хизмат қилади), меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига боғлиқ бўлади ва қонунлар билан тартибга солинади.

Социал суғурталаш тартибининг кучли томони шундаки, тўловлар ва хизматларнинг молиявий манбалари ихти-

сослашган жамғармалар бўлиб, улар суғурта қилинганларнинг бевосита иштирокида шаклланади. Социал суғурталашда суғурталанмаган қайта тақсимлаш ҳолатлари ҳам учраб тура-да, бироқ у, одатда, суғурталанганлар ва уларнинг иш берувчилари рози бўлган оқилона чегараларга яқинлашади.

Социал суғурталаш тизимини тавсифловчи асосий белгилар — социал суғурталаш асосий турларининг мажбурийлиги, унинг иш берувчилар ва ёлланма ходимларнинг суғурта бадаллари ҳисобидан ва давлатнинг қўшимча иштирокида молиялаштириши, суғурта бадалларининг махсус жамғармаларда тўпланиши, қўшимча даромад олиш мақсадида сармоя бериш имконияти, моддий тўловнинг суғурта мақоми билан боғлиқлиги, суғурта бадаллари миқдорининг суғурталанганнинг иш ҳақи ёки даромадга боғлиқлиги кабилардир. Яна бир муҳим белгиси шундан иборатки, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касбга доир касалликлар, одатда иш берувчининг маблағи ҳисобидан молиялаштирилади, бироқ давлатнинг иштироки ҳам мумкин.



6 - чизма. Социал суғурталар жамғармаси манбалари

Социал суғурталашнинг асосий тамойили — ходимлар ва иш берувчиларнинг суғурта бадаллари тўлашдаги ва жамғарилган маблағларни муҳтожлар фойдасига қайта тақсимлашдаги бирдамлигидир.

Социал суғурталашни социал ҳимоянинг бошқа турларидан фарқловчи тавсифли белгиси — суғурта қилувчилар — ходимлар ва иш берувчиларнинг иш бадалларини ўтказишдаги мажбурийлиги (қонун бўйича) ҳисобланиб, бу, ўз навбатида, суғурталанганлар учун суғурта ҳолати рўй берганда

суғурта тўловини албатта олиши ҳуқуқини кафолатлайди. Социал суғуртанинг бошқа бир хусусияти, шахсий суғурталаш билан таққослаганда, мамлакат аҳолиси учун анча "арзон эканлигидир. Бунга деярли барча ишловчиларнинг бу жараёндаги мажбурий иштирокининг оммавий тусга эга эканлиги орқали эришилади. Бундан ташқари, социал суғурта субъектлари ҳуқуқий муносабатларининг ошкоралиги ёрдамида субъектларнинг унда иштирокининг қонун бўйича мажбурийлиги ва суғурта қилинганларнинг ҳимоялаш кафолатининг юқори даражадалиги, яқка тартибдаги шартномалар тузишдаги ортиқча расмийлаштириш тартибларидан воз кечишга имкон беради. Энг муҳими эса, авлодларнинг бирдамлиги ҳамда маблағларнинг тўғри ва мақсадли сарфланиши устидан давлат назоратининг қўлланилиши ёрдамида молиявий воситалар сақланиши таъминланади.

Суғурталаш амал қилишининг демократик тавсифи социал кафолатлар доираси ва ҳажмида ҳисобга олиш ва "келишишга" суғурта қилинувчилар ва суғурта қилувчилар манфаатларини уйғунлаштиришга имкон беради.

Шу тариқа, социал суғурталаш — ёлланма ходимлар, иш берувчилар ва давлат ўртасидаги муносабатларни ифодалайди.

Мажбурий социал суғурталаш ва социал ёрдам тавсифлари ¹

Социал суғурталаш	Социал ёрдам
Молиялаштириш одатда иш берувчилар ва меҳнаткашларнинг суғурта бадаллари ҳисобидан ва давлатнинг эҳтимолий иштироки асосида амалга оширилади	Давлат ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаштирилади, қонунчиликка мос равишда, муҳтожларнинг маълум бир тоифаларига тўловлар бериледи.
Иштирок этиш мажбурий ҳисобланади. Тўловлар бадаллар асосида шаклланивчи махсус суғурта жамғармаларидан тўланади. Кўпинча қўшимча маблағлар талаб этилмайди, чунки жамғарманинг бир қисми фойда олиш мақсадида инвестиция қилинади.	Муҳтожликни баҳолашда тегишли шахсларнинг даромадлари мулкларининг миқдори ҳисобга олинади.

¹ В.Д.Рож. Основы социального страхования. М., 2005, с. 106.

<p>Шахснинг ёрдам олишга ҳуқуқи бадаллар тўлангани ҳақидаги ёзув асосида муҳтожликни ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилади.</p>	<p>Ёрдам беришдан мақсад оила аъзоларининг сони, мажбурий тўловлар ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда шахснинг даромадлари даражасини белгиланган минимумигача етказишдир. Ёрдам миқдори иш ҳақи ёки турмуш даражасининг олдинги даражалари билан боғланмаган.</p>
<p>Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш одатда тўлиқ равишда, давлатнинг эҳтимолий иштироки билан, иш берувчилар томонидан молиялаштирилади.</p>	<p>Социал ёрдам фаровонлик масалалари билан умумий белгиларига эга бўлади ва камбағаллик ҳамда социал ночорликнинг энг оғир шакллариغا йўл қўймаслик муаммосини ҳал этишга йўналтирилган.</p>

Социал суғуртанинг юқори роли ҳақида шундай маълумот ҳам гувоҳлик берадики, ривожланган мамлакатларда социал суғуртанинг мавжуд турлари, социал ҳимоя мақсадидаги харажатларнинг 60—70 %га ёки ЯИМнинг 15—25%га тўғри келади. Ўзбекистонда давлатнинг бюджетдан ташқари социал жамғармаларнинг улушига социал ҳимоя мақсадидаги харажатларнинг 45%га яқини ёки ЯИМнинг 23% тўғри келади. Бу макроиқтисодий кўрсаткичлар шундан далолат берадики, Ўзбекистондаги социал суғурта салоҳиятидан ҳали етарлича фойдаланилмапти ва унинг тўлиқ амал қилиши яқин ўн йилликларнинг стратегик вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси социал суғурта тизими: тарих ва ҳозирги давр

Маълумки, суғурталашнинг илк шакллари қадим замонларда вужудга келиб, маълум бир тарихий даврлар давомида суғурталашнинг социал табиати, ташкилий ва иқтисодий тизимида туб ўзгаришлар юз берди. Тарихий манбалардан кўринадики, ўзига хос суғурталаш механизмлари ҳозирги Ўрта Осиё давлатлари ҳудудида Амир Темур ҳукмронлиги давридаёқ мавжуд бўлган. Суғурталаш масалаларига алоҳида эътибор берилган ҳуқуқий ёдгорликлардан бири Амир Темурнинг "Тузуқлар"и бўлган.

Амир Темур улкан салтанатни муваффақиятли бошқара бориб, ўз фуқароларининг суғурта ҳимоясини таъминлашга зарурий эътибор қаратди ва ўша даврнинг социал-иқтисодий шароитларига мос келувчи давлат суғурталаш тизимини яратди. Ҳукмдор одамларга эртанги куни учун ишонч берилиши ва давлат фаровонлиги йўлидаги меҳнат уларга бахтли кексаликни таъминлашга ишониш давлат учун қанчалик муҳимлигини тушунарди.

Айтиш мумкинки, Амир Темур томонидан ўша даврга мос келувчи социал суғурта тизими яратилган эди. Масалан, "Аскарларни энг куйидан энг юқори даражагача кўтариш қоидалари" да шундай дейилган: "Аскарларни зарур мукофотлардан маҳрум этиш мен томонимдан қаттиқ тақиқланган эди. Ҳарбий хизматда сочи оқарганлар маошларини ҳам, унвонларини ҳам йўқотмас эди; уларнинг хизматлари унутилмасди, чунки, кимки ҳузур-ҳаловатда ўтказиши мумкин бўлган умрини уруш тасодифларига бағишлаган экан мукофотга лойиқдир; у бойлик ва амал талаб қилишга ҳақлидир. Уларнинг хизмати ҳақида гапирмаслик, уларга мукофот берилишини рад этиш ўта ноҳақлик бўлар эди. Кекса жангчилар хурмат қилинади, уларнинг сўзларига қулоқ тутилади, чунки улар нимаики гапирмасинлар, барчаси тажрибага асослангандир; улар менинг давлатимнинг шуҳрати эдилар ва уларнинг фарзандлари улар томонидан эгалланган амалларни мерос қилиб олдилар".

Аскарларни урушга жўнатишдан олдин уларга 6—7 ойлик маошларини берганлар, кексаликда эса нафақа билан таъминланганлар.

Социал суғурталашнинг ҳозирги тизими социал иқтисодиётга босқичма-босқич ўтиш миллий моделининг энг муҳим бўғини ҳисобланади. Бундай ҳолат Ўзбекистоннинг инсон имкониятларини кенгайтиришга, социал заиф аҳоли гуруҳларини бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ бўлган хавф-хатарлардан ҳимоялашга йўналтирилган, инсон ривожланишининг умуминсоний қадриятларига қаратилган сиёсатга содиқлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистонда, мустақиллик йилларида социал суғурта-лаш механизми яратилиб, унинг амалга оширилишида қуйидаги таркибий қисмлар қатнашади:

- нафақа таъминоти тизими ва нафақа тизими билан қамраб олинмаган кекса фуқароларга ёрдам бериш;
- ишсизларни социал ҳимоялаш тизими ва уларнинг ишга жойлашишларига ёрдам кўрсатиш;
- ногиронлар, етим болалар ва бошқаларнинг ёрдамига муҳтож бўлган қарияларни социал таъминлаш тизими;
- аҳолининг айрим тоифалари учун социал имтиёзлар тизими;
- кам таъминланган оилалар ва айрим муҳтож фуқароларга социал ёрдам кўрсатиш тизими.

Ўзбекистонда замонавий давлат социал суғурта тизимининг вужудга келиши 90-йиллар бошларига тўғри келади. 1991 йилгача нафақа таъминотини молиялаштириш тўлалигича давлат бюджетидан, умумий солиқ тушумлари ҳисобидан амалга оширилган, 1991 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 27 декабрдаги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Нафақа Жамғармаси ташкил этилди.

1996 йилда корхона ва ташкилотларнинг ушбу жамғармага тўлайдиган бадаллари меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси маблағларининг 37,3% миқдориди, 2001—2004 йилларда 35,0%, 2004 йилда 31,6%, 2005 йилда 30% ни ташкил этди.

Ишсизлик бўйича давлат суғуртаси 1992 йил 13 январдаги "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги қонун билан киритилди. Ушбу қонунга ўзгартиришлар киритилиб, унинг янги таҳрири 1998 йил 22 майда қабул қилинди. 1992 йилда бадаллар миқдори иш ҳақи фондининг 2% миқдориди, 2001—2004 йилларда — 1,5%, 2004 йилда — 0,9% , 2005 йилда — 0,5% миқдориди тасдиқланди.

Шу тарзда Ўзбекистонда замонавий давлат суғурта тизимини икки мустақил, бюджетдан ташқари суғурта жамғармалари намоён этади: Ўзбекистон Республикасининг нафақа жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси аҳоли бандлигига кўмаклашиши давлат жамғармаси.

Нафақа таъминоти социал суғурта тизимининг энг муҳим бўғини ҳисобланади. Ўтиш даври иқтисодиётининг ҳозирги босқичида амалдаги нафақа тизими "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат нафақа таъминоти тўғрисида"ги қонун асосида амал қилиб, унда нафақанинг уч тури назарда тутилган: ёш бўйича, ногиронлик бўйича ва боқувчисини йўқотган ҳолларда.

Республика нафақа қонунчилигининг асосида ётувчи муҳим тамойиллардан бири — бу фақатгина ишлаган фуқаролар нафақа олиш ҳуқуқига эгалигидир.

Нафақа олиш ҳуқуқини белгиловчи асосий талаблар қуйидагилар:

- нафақа таъминоти ҳуқуқини берувчи шартлар мавжудлиги (нафақа ёшига етиш, ногиронлик бошланиши, боқувчисини йўқотганлик);

- келтирилган шароитларга мувофиқ талаб этилувчи иш стажининг борлиги. Кўрсатилган талаблардан бирортаси бўлмаган ҳолларда нафақа таъминотига бўлган ҳуқуқ йўқолади. Нафақанинг миқдори иш стажининг давомийлиги ва нафақахўрнинг ўртача ойлик иш ҳақига боғлиқ бўлади. Барча фуқаролар учун, жинсидан қатъи назар, нафақа миқдорини аниқлашнинг ягона тартиби ўрнатилган бўлиб, у қуйидагилардан иборатдир:

- таянч нафақа;

- талаб этилганидан ортиқча иш стажи учун нафақанинг оширилиши;

- маълум бир хизматлари учун нафақага қўшимча;

Нафақа қонунчилигида нафақа тайинлашда бир қатор муҳим имтиёзлар назарда тутилган. 2003 йилда Ўзбекистонда тўланган нафақалар турлари бўйича қуйидагича бўлган:

- ёш бўйича нафақа — 59%

- ногиронлик бўйича нафақа — 18%

- боқувчисини йўқотган ҳоллардаги нафақа — 14,5%

- хизмат йиллари учун нафақа (2 м.) — 1,0%

- социал нафақа — 7,5%

Нафақа жамғармаси маблағлари ҳисобидан фуқароларга касаллик, жароҳат, бола туғилиши ва тарбияси, ўлим би-

лан боғлиқ суғурта воқеаси содир бўлганда, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва бола туғиш, икки ёшгача бўлган болалар парвариши ва бошқа ҳолларда нафақа тўланади. Тўланаётган нафақаларнинг ярмига яқинини вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақалар ташкил этади. Нафақа меҳнат қобилияти йўқотилган биринчи кундан бошлаб тўланади ва тузалиб кетгунча ёки тиббиёт муассасасининг касаллик варақаси бўйича ногиронликка ўтказилгунга қадар тўланади. Ҳомиладорлик ва бола туғиш бўйича нафақа аёлларга ҳомиладорлик ва бола туғиш бўйича таътил даврига, меҳнат қонунчилигига мувофиқ бериб борилади.

Бандлик давлат жамғармаси ишсизлик бўйича суғурталашни амалга ошириб, ушбу сиёсатнинг рўёбга чиқишини таъминловчи энг муҳим молиявий механизмлардан бири ҳисобланади.

Ишсизлик бўйича суғурталаш ишни йўқотиш ёки ишга жойлашиш имконияти бўлмаган ҳоллардаги хавф-хатарнинг олдини олади. Бандлик жамғармаси ҳудудий тамойил бўйича ташкил этилган. Унинг тизимида Республика, вилоят, шаҳар, туман жамғармалари киради. Ишсизлик бўйича давлат суғуртасида суғурталанганлар барча меҳнатга қобилиятли фуқаролар ҳисобланади. Бунда кимки бандлик хизматида расман ишсиз мақомини олган бўлса, социал кафолатга эга бўлади. Ишсизлик бўйича нафақа ўртача иш ҳақига нисбатан фоизларда белгиланади.

Республикада ҳар йили меҳнат ва социал ҳимоя бўйича органлар томонидан 400 мингдан ортиқ кишининг ишга жойлашишига ёрдам кўрсатилади, бунда уларнинг деярли 10% га ишсизлик бўйича нафақа тайинланади.

Кейинги 10 йилда (1994—2004 й) меҳнат бўйича органлар томонидан рўйхатга олинган ишсизлар сони икки бараварга кўпайди. Нафақа олувчиларнинг асосий қисми биринчи марта меҳнат бозорига борганлар ёки анча узоқ танаффусдан сўнг иш ахтараётганлар эканлиги ҳисобга олиниб, нафақанинг ўртача миқдори минимал иш ҳақининг 1/3 қисмини ташкил этади.

Ишсизларни социал қувватлашни қуйидаги йўллар билан кучайтириш назарда тутилади:

- ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш даражасини ошириш, шу жумладан, жойлардаги касб-ҳунар коллежлари имкониятларидан фойдаланган ҳолда;

- ишсиз фуқароларнинг ҳақ тўланувчи жамоат ишларида, асосан ҳудудни ободонлаштириш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, ёлғиз кекса фуқароларга хизмат кўрсатиш соҳаларидаги иштирокини кенгайтириш;

- ишсизларни иш жойини танлашда маълумотлар асосини кенгайтириш ҳисобидан, ишга жойлаштириш жараёнини оптималлаштириш, иш бўйича туман бўлимларининг иш излаш, аҳолининг бандлиги ва социал ҳимояси сифатини ошириш;

- ишсизлар оилаларига, иқтисодиётнинг устувор йўналишларида ўз ишларини ташкил этишлари учун микрокредитлар ажратиш.

Ўзбекистонда амал қилаётган социал суғурта тизими суғуртадан кўра, кўпроқ, ижтимоий ёрдам учун тавсифли бўлган белгиларга эгадир. Иш берувчиларга қўйилган анча юқори суғурта тўловига (иш ҳақи фондининг 30%) қарамасдан, кўпчилик социал тўловларнинг даражаси етарлича эмас ва ажратилаётган суғурта маблағлари ҳажми билан боғланмаган. Ижтимоий суғурта ва социал ёрдам тизимларининг аниқ чегараланиши мавжуд эмас. Бу, кўп жиҳатдан, меҳнатда банд аҳолининг давлат нобюджет социал фондларига суғурта бадалларини ўз вақтида тўлашдан оилавий равишда манфаатдор эмасликларини изоҳлайди.

Нафақа тизими ва уни такомиллаштириш имкониятлари

Жаҳон тажрибаси нафақа тизимининг қуйидаги турлари қўлланилади:

- бирдамликдаги масъуллик тизими, бунда ишлаётган авлод олдинги авлодга нафақа тўлашни молиялаштиришни

таъминлаш учун бадал тўлаб туради (ўз навбатида, келгуси авлод ҳам ҳозирда ишлаётганларга нафақа тўловини молиялаштиришни амалга оширади);

- жамғарувчи тизим, бунда ҳар бир ишловчи ўз меҳнат фаолияти давомида, кексаликда ўзини таъминлаши учун маблағ жамғариб бориши лозим;

- аралаш нафақа тизимида, бандлик ва жамғарма нафақа тизимлари биргаликда амал қилиши назарда тутилади.

Республикамизда амалда бўлган нафақа тизими бандлик турига тегишли бўлиб, 3,2 млн. кишини ёки республика аҳолисининг 12,3% ни қамраб олган. Европа мамлакатларида ушбу кўрсаткич 25% ни, Россияда тахминан 27% ни ташкил этади. Нафақа жамғармасининг нафақа тўловига харажатлари ЯИМ нинг 7% ни ташкил этади.

9-жадвал

Айрим мамлакатлардаги нафақа ёши ва нафақа бадалининг миқдори¹

Мамлакат	Нафақа ёши		Нафақа бадаллари миқдори	
	Эркаклар	Аёллар	Иш берувчи	Ишчи-ходим
Англия	65	60	10%	10%
Германия	65	65	10,15%	10,15%
АҚШ	65	65	6,2%	6,2%
Франция	60	60	9,8%	6,65%
Ўзбекистон	60	55	30,0%	2,5%

2003 йилда Ўзбекистонда нафақахўрларнинг ўртача йиллик сони 0,3 % гача қисқарди. Бунда ёш бўйича нафақахўрлар сони 0,9% га кўпайди, ногиронлик бўйича 2,1 % гача, боқувчисини йўқотган ҳолатлар бўйича — 2 % га қисқарди.

¹ Совершенствование пенсионной системы и возможности создания негосударственных накопительных пенсионных фондов в Узбекистане. Ж. Экономическое обозрение. Ноябрь, 2002, с. 5.

Ўзбекистонда нафақа таъминотининг асосий кўрсаткичлари¹

	2000	2001	2002	2003
Аҳолини социал ҳимоялаш органларида ҳисобда турувчи нафақахўрлар сони, жами минг киши	3087,0	3203,8	3236,7	3228,3
Ўтган йилга нисбатан фоизларда	101,1	103,8	101,0	99,7
Кексалик ёшида тайинланган ойлик нафақанинг энг кам миқдори, минг сўм	5055,11	7233,03	9417,45	11461,86
Тайинланган ойлик нафақанинг ўртача миқдори (товон пули билан ҳисоблаганда), минг сўм	7411,65	10909,92	14427,65	17565,86
Тайинланган ойлик нафақанинг ўртача миқдори (товон пули билан ҳисоблаганда), ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан фоизларда	152,0	147,2	132,2	121,7

Умуман, ҳар қандай нафақа тизимини тавсифловчи, асосий кўрсаткичлар бўйича, айнан боғлиқлик коэффиценти (нафақахўрлар сонининг ишловчилар сонига нисбати) бўйича ва қоплаш коэффиценти (нафақанинг ўртача миқдорининг ўртача иш ҳақиға нисбати) бўйича олганда, булар нафақа таъминотининг даражасини белгилаб, республика нафақа тизимидаги вазият тўлиқ қониқарли кўринади. Масалан, 2001 йил маълумотларига кўра, ушбу кўрсаткичлар мос равишда 0,3 ва 0,52 га тенг бўлган. Бу, Ўзбекистонда битта нафақахўрга учта ишловчи тўғри келади, нафақанинг ўртача миқдори эса ўртача иш ҳақининг 52%га тўғри келади демакдир.

² Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане. Статистический сборник Госкомстата Узбекистана. Т., 2004, с. 80.

**2001 йилда МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатларида боғлиқлик ва
қоплаш коэффициентлари¹**

Мамлакатлар	Боғлиқлик коэффициенти	Қоплаш коэффициенти
Озарбайжон	0,30	0,35
Арманистон	0,43	0,21
Беларус	0,56	0,40
Грузия	0,48	0,23
Қозоғистон	0,40	0,30
Қирғизистон	0,30	0,41
Латвия	0,63	0,39
Литва	0,71	0,28
Молдова	0,45	0,22
Россия	0,59	0,36
Тожикистон	0,32	0,28
Ўзбекистон	0,30	0,52
Украина	0,67	0,32

Бироқ келтирилган мақбул маълумотларга қарамасдан, Ўзбекистон нафақа тизимида яширин муаммолар тўпланиб бормоқда, улар нафақа тизимининг молиявий аҳволининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Биринчи навбатда, ушбу муаммолар нафақа имтиёзлари бўлиб, улар муносабатларининг тавсифига мос келмайди ва социал адолат талабларига жавоб бермайди. Масалан, нафақа муддатидан олдин чиқишлар, нафақа бадаллари тўловчи ходимлар сонининг камайишига ва нафақахўрлар сонининг кўпайишига олиб келади. Айрим корхоналар ва фаолият соҳалари учун бадаллар тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнатилиши, шуниндек ходимларнинг айрим тоифалари учун нафақа ёшининг пасайтирилиши бошқа тўловлар учун бадаллар миқдорини ошириш заруриятига олиб келади, бу эса маҳсулот таннархини оширади ва унинг рақобатдошлигини

¹ Ўша жойда, 4-бет.

пасайтиради. Ҳозирги вақтда, имтиёзли нафақахўрлар сони 700 минг кишини ёки барча бугунги нафақахўрларнинг 26% ни ташкил этади.

Иккинчидан, нафақа тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш узоқ муддатли ва қисқа муддатли мўлжаллаш ҳисоблари ўтказилишни, демографик вазиятдаги ва иқтисодий ривожланишдаги ўзгаришларни ҳисобга олиб боришни талаб этади. Афсуски, бундай мўлжаллаш ҳисоблари доимий ўтказилиб турилмайди, бу эса даврий равишдаги инқироз олди ҳодисаларига олиб келади. Инқироз вужудга келган ҳолатлар учун зарурий захира яратиш имкониятлари эса, нафақа жамғармасида йўқ.

Учинчидан, ҳозирги вақтда нафақалар миқдорининг нафақа жамғармасига тўпланган бадаллар миқдорига боғлиқлиги етарлича таъминланмаган;

Тўртинчидан, мажбурий нафақа бадалларининг нисбатан юқори миқдорда эканлиги;

Бешинчидан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ёки мамлакатларга ишга кетган шахслар учун мажбурий бадаллар миқдори ва тўлаш тажрибасини белгилаб берувчи қонунчиликнинг такомиллашмаганлиги;

Олтинчидан, нафақа жамғармаси маблағларидан, ишламайдиган шахсларга (болалиқдан ногиронлар, 16 ёшгача бўлган ногирон болалар, ёлғиз қарияларга) социал ёрдам тўлаш кўринишида, номақсадли фойдаланиш;

Еттинчидан, нафақа тизимида замонавий ахборот технологияларини қўлланишининг паст даражада эканлиги, булар барчаси нафақа тизимини такомиллаштиришни талаб этади. Бунинг учун қуйидагилар зарур:

- Ўрнатилган ёшдан илгари белгиланувчи имтиёзли нафақалар бериш тажрибасини тугатиш;
- Эркаклар ва аёллар учун нафақага чиқиш ёшини тенглаштириш;
- Молиялаштириш билан қопламайдиган қўшимча харажатларни тугатиш. Жумладан, меҳнат стажи тушунчаси ўрнига суғурта стажи тушунчасини киритиш;

- Бадаллар ва уларни тўплаш даврини якка тартибда ҳисобга олишни қўллашни таъминлаш. Бунинг учун социал таъминот органларини замонавий компьютер техникаси, ахборот тармоқлари, дастурий воситалар билан таъминлаш, тегишли ходимлар тайёрлаш ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш зарур;

- Нафақа таъминотининг янги механизмини киритиш билан боғлиқ ҳолдаги хатарларга қарши чора сифатида нафақа жамғармасининг захирасини яратиш;

- Юридик шахсларни яратмасдан туриб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ходимларни суғурта бадаллари тўлашга жалб этиш;

- Энг кам нафақа миқдорини минимал истеъмол саватчаси даражасигача ошириш.

Санаб ўтилган чора-тадбирлар нафақа жарғармаларининг молиявий аҳволига ижобий таъсир кўрсатиш ва турмуш даражасини оширишга ҳамда фаровон кексаликни таъминлашга ёрдам бериши мумкин.

Нафақа таъминотини ислоҳ қилишнинг энг самарали йўналишларидан бири жамғарилувчи нафақа тизимини ташкил этиш ҳисобланади. Бироқ жамғарилувчи нафақа тизимлари бирдамлик масъулияти бўлган нафақа тизимларига муқобил бўлмаслиги керак. Бирдамлик тизимларда давлат, жамоатчилик билан бирга, фуқароларнинг нафақа таъминоти соҳасидаги конституцион ҳуқуқларни рўёбга чиқаради. Жамғарилувчи нафақа тизимлари, етарлича турмуш даражасини таъминлаш ва давлат нафақа тизимидаги зўриқишни пасайтиришга ёрдам берувчи қўшимча сифатида яратилади.

Жамғарилувчи нафақа тизимлари бекор қилинган имтиёзли нафақалар ўрнини самарали равишда қоплаши мумкин. Бошқа томондан эса, бундай жамғармалар мамлакат иқтисодийётига киритилаётган инвестицияларнинг энг қудратли манбаи ҳисобланади.

Жамғарилувчи нафақа тизимлари нодавлат нафақа жамғармалари тармоғини яратиш орқали шакллантирилади. Но-

давлат нафақа жамғармаларида иштирок этиш ихтиёрийлик тамойилигагина асосланади. Бунинг учун уларнинг фаолиятини тартибга солувчи самарали қонунчилик асослари яратилади.

Ўзбекистонда жамғарилувчи нафақа тизимини шакллантириш йўлидаги илк қадамлар қўйилмоқда. 2004 йилда "фуқароларнинг жамғарилувчи нафақа тизими тўғрисида", "Қонун ва ушбу қонунни амалга ошириш бўйича тадбирлар тўғрисида" Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларга кўра жамғарилувчи нафақа тизими амалдаги тизимга қўшимча сифатида иш юритади.

Социал суғурталашни ташкил этишнинг халқаро тажрибаси

Жаҳон тажрибаси социал суғурталашнинг турли-туман ташкилий-ҳуқуқий шакллари тўғрисида гувоҳлик беради. Айрим мамлакатларнинг социал суғурталаш тизимларини қараб чиқамиз.

Буюк Британияда социал суғурталаш ва таъминлаш тизимининг асосида уч турдаги тўловлар бор: давлат суғуртаси бўйича нафақа ва ёрдам, универсиал ёрдам, танланма ёрдам. Ушбу тизимнинг фалсафаси фуқароларнинг фаол ҳаётий позицияси шаклланишига (масалан ишсизлик бўйича нафақа фаол равишда иш излаётган шахсларга берилади), социал барқарорликни бартараф этишга жамият ҳаётининг барча соҳаларида танлаш имкониятини кўпайтиришга йўналтирилган.

Германияда социал суғурталаш тизими молиялаштириш шакллари бўйича ҳам, суғурта тўловлари турлари бўйича ҳам ғоятда турли-тумандир. Мамлакатда социал ҳимоялашнинг қудратли тармоғи яратилган бўлиб, махсус тўловлар билан, амалда, ишловчилар ва ишламайдиган аҳоли ҳам қамраб олинган. Суғурта жамғармалари иш берувчиларнинг, фуқаронинг бадаллари ҳамда давлат маблағлари ҳисобидан шаклланади. Социал суғурта бахтсиз ҳодисалардан, касалликлардан, но-

гиронликдан, қарияликдан ва боқувчисини йўқотган ҳоллардан ҳимоя қилишни таъминлайди. Германиянинг деярли барча аҳолиси мажбурий ёки ихтиёрий суғурта тизимида касаллик эҳтимолига қарши суғурталанган ва хусусий суғурта бўлимларининг аъзолари ҳисобланадилар. Пенсия тизими касбий ва умумий меҳнатга лаёқатсизларга ҳамда пенсия ёшига, яъни 60 ёки 65 ёшга тўлганларни пенсия тўловига киритади. Мажбурий суғуртага қўшимча "корхона пенсияси" ҳам кирадик, бунда кўпгина фирма ўзининг ишчи ва хизматчиларига қўшимча кексалик нафақаси тўлайди. Бундан ташқари, суғуртанинг анъанавий тури — ишсизлик суғуртасидан кенг фойдаланилади. Ишсизлик суғуртасига маблағлар иш берувчилар ва суғурталанган хизматчиларнинг киритган бадаллари тенг улушлари асосида қўшилади.

АҚШ социал суғурта тизими давлат, алоҳида штат ёки биргаликдаги даражаларда турли социал дастурлардан шаклланади. Давлат тизимининг социал хавфсизлиги социал суғурта ва давлат кўмагидан иборатдир. Улар бир-бирдан молиялаштириш манбалари жиҳати билан фарқланади. Ёлланма ишчи ва тадбиркорлардан ундириладиган социал суғурта учун солиқлар социал фондлар ташкил этилишининг манбаи ҳисобланади. Давлат маблағларидан давлат кўмаги тўланади. Социал суғуртанинг америкача моделида касаллик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича умумий давлат суғурта тартиби йўқ. Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат социал дастури меҳнатга лаёқатсиз ва аҳолининг кам таъминланган қатламини тиббий ёрдам билан таъминлашга йўналтирилган (масалан, "Медикэр" ва "Медикейд"). Ёлланма меҳнат асосида ишлайдиган меҳнатга лаёқатли фуқаролар ва уларнинг оилалари иш жойларидан (тахминан 60% ишлайдиганлар) ёки соғлиқни хусусий суғурталаш тизими орқали тиббий суғурта билан қамраб олинганлар. Америкача ихтиёрий тиббий суғурта фақатгина аҳолининг юқори даромадлар даражаси мавжуд бўлганда амал қилиши мумкин.

Ишсизликдан суғурталаш федерал-штат миқёсида амалга оширилади. Ишсизликдан суғурталашнинг умумий асос-

лари федерал қонунлари, унинг қисмлари эса штат қонунлари асосида аниқланади. Штатлар суғурталашга тегишли бўлган кишилар тоифасини, уларнинг нафақа олиш тартибини, унинг миқдорини ва тўлаш муддатларини белгилайди. Нафақа олишнинг зарурий шарти минимал суғурта стажи, янги ишни излаш ва мос келадиган ишга рози бўлиш ҳисобланади.

АҚШда давлат социал суғурта тизими умумий федерал дастурни тўлиқ тўлов қобилияти билан таъминлашга эга бўлмаганлиги сабабли, социал суғурталашнинг нодавлат шакллари ҳам ривожланган.

Японияда социал суғурталаш тизими фуқароларни вақтинча ёки доимий меҳнатга лаёқатсиз бўлган ҳолларда таъминлашга йўналтирилган. Суғурта жамғармалари аҳоли ва иш берувчиларнинг мажбурий ёки ихтиёрий суғурта бадаллари ҳамда давлат маблағлари ҳисобидан шаклланади. Социал суғуртанинг японча модели икки алоҳида бўғиндан иборатдир. Масалан, пенсия тизими фуқароларнинг мустақил таъминоти бўйича, бир хил тури ёки доимий меҳнатга қобилиятсизликнинг ўша тури бўйича ўнтагача шакллари мавжуд. Бу алоҳида тоифадаги аҳоли учун таъминотнинг у ёки бу турини олиш шароити ва миқдори ўртасидаги фарқни шартлайди. Ҳозирги вақтда, Японияда пенсия тизимини унификация қилиш ва соддалаштириш мақсади қўйилган бўлиб, шунга мувофиқ ислохот олиб борилмоқда. Японияда соғлиқни суғурта қилишнинг икки асосий тизими, яъни ёлланма меҳнатни суғурталаш ва аҳолини суғурталашнинг миллий тизимлари мавжуд. Бандликни суғурталаш японча социал суғурта тизимининг таркибий элементидир. Ишсизликни социал суғурталашни бошқариш тизими икки босқичга, яъни давлат (меҳнат вазирлиги) ва маҳаллий ҳокимият қошидаги бандлик бўлимлари эга идораларга ажратилади. Шундай қилиб, социал суғурталашнинг барча миллий тизимлари уч даражани ўз ичига олади.

Социал ҳимоялашнинг биринчи даражаси минимал ҳисобланиб, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъмин-

ланади. Унинг мақсади аҳолининг камбағалроқ қатлами асосий эҳтиёжини қондиришдир.

Иккинчи даража суғурталанганлар ва иш берувчиларни ўзларининг бадаллари ҳисобидан ва зарурий ҳолларда давлат дотацияси (суғурта бирдамлиги) орқали амалга ошириладиган суғуртадир.

Учинчи даража ишчи-хизматчилар ва иш берувчиларнинг шахсий ташаббуслари, хусусий пенсия жамғармалари ёки тижорат суғуртаси (тўлдирувчи даража) орқали эришиладиган суғуртадир.

3.5. ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИНГ СОЦИАЛ МАҚСАДИ

Таянч иборалар

Инвестиция; капитал; инвестицион сиёсат; инновациялар; хусусий инвестициялар; давлат инвестициялари; инсон капитали; маорифга инвестиция; маориф самарадорлиги; маориф хизматлари; таълимга давлат харажатлари; узлуксиз таълим; таълим тизими; таълим моделлари; саводхонлик даражаси; аҳоли соғлиги кўрсаткичлари; аҳоли умр кўриш узунлиги; ўлим; умумий касаллик; аҳоли ногиронлиги.

Инсон ривожланишига инвестиция

Бозор муносабатлари қарор топиши даврида давлатнинг инвестицион сиёсати катта социал йўналтирилганликка эга бўлади. 2000 йилда инвестиция умумий ҳажмининг 7,1%, 2001 йилда эса 14,1% социал мўлжалга йўналтирилган эди.

Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида давлат инвестицион сиёсатининг социал йўналтирилганлиги 2000 йилда БМТ томонидан қабул қилинган "Минг йиллик Декларация" сига тўлиқ мувофиқ келади. Ўзбекистон Республикасида социал муаммоларни ҳал этиш соҳасида инвестицион фаолиятнинг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш;

- меҳнат бозоридаги талабга мувофиқ, янги иш ўринларини яратиш йўли билан ишсизликни тугатиш;

- кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимини ислоҳ қилиш;

- соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш;

- социал ҳимоялаш тизими ва аҳолининг пенсия билан таъминотини такомиллаштириш;

- коммунал ва маиший хизмат тизимини ислоҳ этиш;

- даромадлар шаклланиши ва тақсимланишида социал адолатлилик принципларини тасдиқлаш.

Инвестицион фаолиятнинг кўрсатилган йўналишларини узоқ муддатли ва инсон омили ривожланишига энг самарали капитал қўйиш деб аташ мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай инвестиция қўйилган бирламчи капиталга нисбатан кўпроқ миқдорда фойда олишни мўлжаллайди. Моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги инвестициялар маълум муддатга мўлжалланади ва улардан олинadиган тахминий фойда маълум бўлади. Жисмоний капиталга капитал қўйишга нисбатан макродаражада инсон ривожланишига сарфланган инвестиция узоқ муддатлилик тавсифига эга бўлиб, унинг фойдалилик муддатини аниқлаш маълум қийинчиликлар туғдиради.

Инсон капиталини такрор ишлаб чиқаришдаги инвестициялар бу объект харажатларининг ўзига хос хусусиятини қайд этишни талаб этади. Биринчидан, моддий ва маънавий фаровонлик яратувчиси бўлган инсонга капитал қўйиш фан ва технологиянинг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, инсоннинг потенциал ресурсларини эгаллаган билими асосида маълум миқдорда кенгайтиради. Бундай капитал қўйилмадан фойда меҳнат унумдорлигининг ошишида, маҳсулот сифатининг яхшиланишида ва фирма даромадлари даражасининг кўтарилишида намоён бўлади. Иккинчидан, инсонга капитал қўйиш инсоннинг иқтисодий моҳиятини намоён этади. Бундай капитални такрор

ишлаб чиқариш янги техника ва технология асосида умумий ва махсус таълимни ривожлантиришни мўлжаллайди. Демак, мамлакат ва бутун ҳудудлар миқёсида кўпгина бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар харажатларини талаб этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида барча таълим тизимларини молиялаштириш манбаларини тақсимлаш зарурияти туғилади. Ўзбекистонда умумтаълим тизими тўлиқ давлат бюджетидан молиялаштирилади. Олий ва қўшимча таълим инвестицияларида алоҳида корхоналар ва нодавлат сектори, жумладан, шартнома асосида алоҳида фуқаролар иштирок этадилар.

Ўзбекистонда 1998—2003 йиллар давомида давлат инвестициялари ҳисобидан 300га яқин коллежлар ва 100дан ортиқ академик лицейлар қурилди. Бу мақсаднинг амалга оширилишида 500 млрд. сўмдан ортиқ маблағ харажат қилинди. Фақатгина ўрта умумтаълим мактабларининг замонавий жиҳозланишини таъминлашда 200 млн. АҚШ доллари атрофида маблағ сарфланди.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини ҳам ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. 1998 йилдан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш давлат дастури амалга оширилмоқда. Давлат бюджетидан кўпгина маблағлар янги тиббий муассасалар, шошилинич тез ёрдам марказлари, ташхис марказлари яратишда, бирламчи соғлиқни сақлаш бўғинлари ривожланишига, оналик ва болалиқни ҳимоялашда, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда, дори-дармон билан таъминлашни такомиллаштиришда ва тармоқни молиялаштириш механизминини, профилактика ва санитар-эпидемиологик соғлом муҳитни таъминлашга йўналтирилади.

Иқтисодий ислохотларнинг бу босқичида аҳоли саломатлиги муаммоларининг ғоят муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, 2005 йил "Сиҳат-саломатлик" йили деб эълон қилинди.

**Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш соҳасидаги
харажатлар таркиби¹**

Кўрсаткичлар	1996	1997	1998	1999	2000	2001
Соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилган харажатлар (ЯИМга нисбатан фоизда)	3,6	3,14	3,54	4,4	4,7	5,1
Давлат маблағлари ҳисобидан	97,2	97,1	96,9	79,5	74,5	68,6
Нодавлат маблағлари ҳисобидан	2,8	2,9	3,1	20,5	25,5	31,4

Жадвалда кўрсатилган маълумотлар 1996—2001 йиллар давомида соғлиқни сақлашдаги харажатлар ҳиссаси ЯИМга нисбатан 3,6%дан 5,6%гача ўсиш тенденциясига эга эканлигини кўрсатади. Бунда умумий сарфларда давлат харажатлари ҳиссаси 97,2%дан 68,6%гача камайганлиги аниқ кўриниб турибди. Бу маълумотлар, шунингдек соғлиқни сақлаш ривожланишида ва бу соҳада бозор механизмларининг ривожланишида нодавлат сектори роли кучайганлигидан далолат беради.

**Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ этиш
ва ривожлантириш**

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳеч қандай хизматлар, жумладан таълим ҳам бепул бўла олмайди. Таълим жараёнида олинган билим келгусидаги жамғарма учун асос бўлиб хизмат қилади.

Таълимнинг у ёки бу тизими самарали фаолият кўрсатишини олинган билимга қилинган сарф-харажатлар ва уларнинг амалда қўлланилиши солиштирма таҳлили орқали баҳолаш мумкин.

¹ Инсон тараққиёти тўғрисида. Т., «Ўзбекистон», 2002.

XX аср охири ва XXI аср бошларида бу муаммонинг назарий қўйилиши иқтисодий фанлар янги тармоғи—иқтисодий билимнинг тадқиқот предмети бўлди. Ўзбекистонда таълим хизмати бозори концепциясини ишлаб чиққан бир гуруҳ олимлар бу муаммо билан шуғулланидилар. Бунда таълим соҳасига инвестиция қўйишнинг иқтисодий ва социал самараси аниқланган.

Кадрлар тайёрлаш ва фандаги инвестиция таълим жараёнининг барча босқичлари ривожланишини, яъни бошланғич таълимдан олий таълим даражасигача кўзлайди. Бу босқич таълим олаётганларнинг зарурий назарий билим ҳамда амалий ишлаш малакасини, улардан фойдаланишнинг услуби ва технологияларини эгаллаш билан тугайди. Замонавий илмий-техник тараққиёт ишчи-хизматчиларнинг ҳар қандай тоифасидан фақатгина аниқ билим эмас, балки ўз вазифасини аъло даражада бажаришни ҳам талаб этади. Демак, кадрларни тайёрлашдаги харажатларга нафақат олинган назарий билимлардаги, балки ишлаб чиқариш амалиёти, тренинглар, психологик тайёрлашни кучайтириш, ташкилий қўникмаларни олишдаги сарфлар ҳам киради. Кадрларни тайёрлаш Олий ўқув юрти қошида Олий маълумотлилик дипломини олиш билан тугамайди. Бу иш қўшимча, ўқув юртидан кейинги таълим тизимида, яъни магистратура, аспирантура ва махсус малака ошириш курсларида давом этади.

Республикада 2004—2009 йилларга мўлжалланган мактаб таълимини ривожлантиришнинг давлат дастури амалда қўлланилиши бошланди. Дастурнинг мақсади республика мактаб фаолиятини, айниқса қишлоқ жойларда замонавий талаблар даражасида кўтариш ҳисобланади. Дастур беш йўналишни қамраб олади:

- мактабни қайта қуриш ва улар моддий-техник базасини ривожлантириш;
- мактабни ўқув ва лаборатория жиҳозлари, материаллари, компьютер техникаси билан таъминлаш;
- амалдаги ўқув стандартлари ва дастурларини такомиллаштириш;

- малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, улар меҳнатига ҳақ тўлаш шароитини яхшилаш;
- мактабларда спорт базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

Бу дастурни амалга оширишида бюджет ва бюджетдан ташқари молиявий маблағлар ҳамда халқаро молия ташкилотлари маблағларидан фойдаланилади.

Таълим тизимида инвестицион давр 12 (ўрта таълим) ёшдан 18 (олий таълим) ёшгача.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида олий таълим ва нодавлат таълим муассасаларининг кейинги ривожланиши, кўпгина ривожланган мамлакатларда амалга оширилаётган бозор механизмларини, яъни бу тизимда тижоратлаштиришни жорий этиш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон аҳолиси амалда мутлақ саводли бўлган ривожланаётган мамлакатлардан биридир. Аҳолининг юқори маълумотлилиқ даражаси мамлакатнинг юқори кўрсаткичларидан биридир. БМТнинг баҳолашига кўра, Ўзбекистонда катта ёшдаги аҳолининг саводхонлиқ даражаси ва барча даражалардаги олий ўқув юртига кирувчилар сони умумий кўрсаткичи, нафақат инсон потенциали ривожланишининг ўртача даражасига эга бўлган мамлакатларга нисбатан, балки ривожланган мамлакатларнинг ўртача кўрсаткичидан ҳам юқоридир.

Республикада бирин-кетин таълим соҳасини ислоҳ этиш сиёсати кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига (1998 й.) мувофиқ муваффақиятли амалга оширилмоқда. Таълим тизимининг ҳозирги ислоҳоти барча соҳани, яъни мактабгача таълимдан олий таълимгача қамраб олинган. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисидаги" қонунининг асосий вазифаси таълимнинг барча босқичлари сифатини ошириш ва 12 йиллик мажбурий бепул таълимга ўтишдир.

Умумий ўрта таълимнинг Давлат стандарти, таълим олаётган тилидан қатъи назар, барча мактаблар учун ўқув-услубий асос, дарсликларнинг янги авлоди яратилди, улар қўлланилмоқда ва такомиллаштирилмоқда.

Гарчи, Ўзбекистонда ҳозирги вақтда аҳолининг таълим даражаси юқорилигига эришилган бўлса-да, афсуски, унинг сифатлироқ даражасини кўтаришни ҳал этилишида қатор муаммолар ҳам мавжуд. Уларга қуйидагилар киради:

- ҳудудлар, шаҳарлар ва қишлоқ жойлари бўйича сифатли таълимдан фойдаланишнинг тенг эмаслиги;

- таълимнинг барча босқичларида унинг сифати етарли эмаслиги. Мактаб таълими, айниқса мактаб таълими моддий-техника базасининг заифлиги, ўқув-лаборатория қуроллари ва замонавий компьютер техникаси билан таъминланиш даражасининг пастлиги сабабли сууст бўлиб қолмоқда;

- меҳнат мотивацияси пастлигига олиб келувчи ўқитувчилар меҳнатини моддий рағбатлантириш даражасининг пастлиги.

Социал иқтисодиётда таълим сиёсати қуйидаги муаммоларни ечишга йўналтирилиши керак:

- ёшларнинг жамият ва меҳнат бозорида муваффақиятли мослашувидаги кўмаги;

- ёшлар ўртасида ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, жиноятчилик каби салбий социал жараёнларга қарши ҳаракат ҳамда ёш болалар назоратсизлиги билан курашиш;

- чекланган соғлиқ имкониятларига эга инсонлар учун махсус таълим тизимини қўллаб-қувватлаш;

- иқтисодиётни модернизациялашда таълим ҳиссасини ошириш.

Социал иқтисодиётда таълимни молиялаштириш мазмуни қуйидагича бўлади:

- давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштириш;

- давлат таълим стандартлари асосида ўқитиш;

- давлат буюртмасига мувофиқ ўрта ва олий маълумотли касбий мутахассисларни тайёрлаш;

- иқтисодиётнинг нодавлат сектори иш берувчилари маблағлари ҳисобидан молиялаштириш;

- таълим дастурини ўтгандан ўша иш берувчида ишлашни давом эттириш ҳақидаги ҳуқуқий шартномага эга,

минимал таълим даражасидан юқори ишчи-хизматчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

— давлат таълим стандартида белгиланган, минимал даражага кўтарувчи таълим дастурини уй хўжаликлари бюджетидан молиялаштириш.

Аҳолининг пулли таълим хизматига талаби кенгайиши, уй хўжаликларининг мутахассислик турларига табақалашган ва улар даромадлари даражасига қараб таълим кредитлари бериш ҳисобидан таъминланиши мумкин.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишнинг асосий йўллари

Аҳоли саломатлиги ҳолати нафақат мамлакат социал ривожланиши, социал-иқтисодий ва гигиеник соғ-саломатлиги акс эттирилишининг асосий кўрсаткичи, балки жамиятнинг кучли иқтисодий, меҳнат, муҳофаа ва маданият потенциали ҳамда фаровонлик омили ва таркибий қисмидир.

Анъанавий аҳоли саломатлиги ҳолати, қуйидаги аниқловчи кўрсаткичлар тизимида тавсифланади:

- Аҳолининг такрор ишлаб чиқариш хусусиятлари (демографик тавсифнома);
- Жисмоний кучлар ёки ишга лаёқатлилар захираси (аҳолининг физиологик ривожланиши кўрсаткичлари);
- Аҳолининг атроф-муҳит шароитларига мослашиши хусусиятлари ҳолати, унинг фаолияти;
- Тиббий ёрдам кўрсатувчи даволаш муассасалари тармоғининг ҳолати ва фаолияти.

Шунингдек, социал соғлиқ ҳолатини тавсифлаш учун иқтисодий тавсифга эга мезонлардан ҳам фойдаланилади:

- Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)дан соғлиқни сақлашга йўналтирилган харажатлар ҳиссаси;
- Ушбу харажатлар таркиби (стационар ёрдамга ва амбулаторияга, профилактик ва бошқа соғлиқни сақлаш тадбирларига).

Соғлиқни сақлаш соҳасида ўтказилган ислохотлар натижасида қатор демографик кўрсаткичларнинг яхшиланганлиги қайд этилади. Мустақиллик йиллари давомида мамлакатимиз учун қулай тенденция, яъни туғилиш суръатининг пасайиши 90-йилларнинг бошларида 28 промилдан 2002 йилда 20 промилгача етди. Умр кўриш кўрсаткичи пасайиши давридан кейин, 1995 йилдан ўртача умр кўриш ошди ва 2002 йилда 71.2 йилни ташкил этди. Бунда аёллар — 73,2, эркеклар 68,6 йил. Умумий ўлим даражаси камайди, яъни 1000 аҳолига 6,4дан 5,4гача. Гўдаклик ва оналик ўлими пасайди. 1995 йилда 1000 тирик туғилганга 25,5 дан, 2002 йилда 100 минг тирик туғилгандан 48 дан 32 гача пасайди. Умумий касалликнинг камайиши қайд этилади. Айрим юқумли касалликларга қарши курашда маълум муваффақиятларга эришилди.

Соғлиқни сақлаш тизимининг айрим ҳал этилмаган муаммоларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- моддий-техник базанинг заифлиги, бошланғич бўғиннинг юқори малакали кадрлар билан етарли таъминланмаганлиги; унинг молиявий тизимининг такомиллашмаганлиги; аҳолига тўлиқ зарурий бепул ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишни таъминлашга имкон бермайди;

- шошилишчи тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати етарлича асбоб-анжом билан таъминланмаганлиги, жумладан етарли даражада бўлмаганлиги билан боғлиқ аҳолига шошилишчи тиббий ёрдам кўрсатиш даражасининг пастлиги;

- давлат даволаш муассасаларида ишловчилар иш ҳақининг етарлича табақаланмаганлиги уйда ўтирадиганларнинг тиббий хизмат тўловига қўшимча харажатлар қилишига сабаб бўлади.

Ўрта муддатдаги, яқин келажакдаги соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг бирламчи йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- соғлиқни сақлаш тизими бирламчи бўғинини замонавий асбоб-ускуна, транспорт ва алоқа воситалари таъминлаш йўллари орқали улар салоҳиятини ривожлантириш;

- касалликнинг олдини олиш, соғлиқни сақлаш ва мустақамлаш тадбирларини ўтказиш, жумладан аҳолини имунизациялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни кучайтириш;

- санитар-эпидемиологик шароитларни яхшилаш учун мақсадли тадбирлар мажмуасини амалга ошириш;

- болалар ўлимини қисқартириш ва оналикни ҳимоя қилишни кучайтириш;

- ОИВ, ОИТС(СПИД), туберкулёз сингари юқумли касалликларга қарши кураш.

Бу мақсадларни инвестиция лойиҳалари доирасида амалга оширишда жисмоний инфратузилма ва иккинчи ҳамда учинчи бўғин муассасалари дастурларини яхшилашга алоҳида ўрин ажратилади. Соғлиқни сақлаш тизимини "сметали молиялаштиришдан давлат харажатлари рационализациясини таъминлайдиган, кўрсатилган хизматлар ҳажмига қараб молиялашга босқичма-босқич ўтишни давом эттириш лозим. Узоқ ва бориш қийин бўлган туманларда ўз вақтида тиббий ёрдамни таъминлаш учун биринчи бўғин муассасаларини ихтисослашган транспорт ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлашини таъминлаш алоҳида диққат-эътиборни талаб этади; соғлиқни сақлаш секторини бюджет манбалари, бюджетдан ташқари фондлар ташкил этиш ва донор ёрдами ҳисобидан молиялаштириш ҳажмини аста-секин ошириш;

Шунинг учун социал йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг муҳим жиҳатларидан бири унинг молиялаштириш тизимини такомиллаштириш бўлиши керак. Социал иқтисодиётда соғлиқни сақлаш бюджети учта асосий манбалардан — давлат бюджети, тиббий суғуртанинг мажбурий маблағларидан ва фуқароларнинг маблағларидан йиғиштирилиши керак.

Давлат бюджети маблағлари мажбурий тиббий суғурталанганлар дастурига, яъни бу тизимга маблағ ўтказмайдиган (нафақахўрлар ва ишламайдиган ногиронлар) кишилар учун тиббий хизмат тўловларига ишлатилиши керак.

Мажбурий тиббий суғурта тизими маблағлари шу тизимда суғурталанганлар учун мажбурий ва тиббий суғурта дастурини молиялаштириш учун сарфланиши керак.

Жисмоний шахслар маблағлари тиббий суғурта маблағларидан молиялаштирилган дастурдан ташқари тиббий хизмат тўловлари учун фойдаланилади. Бу маблағлар кўнгилли тиббий суғурта тизимида (суғурта компанияси ҳужжатлари) тўпланиши мумкин ёки мажбурий тиббий суғурта дастури таркибига кирмайдиган кейинги тиббий хизмат тўловларига сарфланиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида бюджет юкмасини камайтириш мақсадида соғлиқни сақлаш соҳасининг кейинги ривожланиши бу соҳада соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни кенгайтиришга боғлиқ бўлади.

3.6. СОЦИАЛ ҲИМОЯ ВА АҲОЛИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

**Таянч
иборалар**

Социал ҳимоя тизими; социал ёрдам; социал қўллаб-қувватлаш; социал ҳимоя субъектлари; нафақахўрлар; ногиронлар; кўп болали оилалар; аёллар ва болалар; ўқувчилар; социал кафолатлар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида социал ҳимоя тизимининг шаклланиши

Ислоҳотлар чуқурлашуви ва бозор иқтисодиётига ўтишга қараб аҳолини ижтимоий ҳимоялаш механизмлари, шакллари ва тенгсизлик ҳамда камбағалликнинг қисқариши усуллари ўзгаради ва такомиллашади.

Республикада ўтиш даврининг биринчи босқичида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг барча тизимлари аста-секин ўзгартирилиб, унинг рационализацияси амалга оширилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлашдаги тадбирларни амалга ошириш жараёнида кам самарали шакллари бартараф этилди ва ўз шаклини ўзгар-

тирди. Мамлакат бюджет имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, социал ҳимоя мақсадида қилинадиган харажатлар ҳажми тузатилди.

Социал қўллаб-қувватлаш ва ёрдам дастури асосига камбағаллик юкини енгиллаштирувчи аниқ йўналтирилганлик принципи қўйилди. Нафақа ва имтиёзларга муҳтож бўлмаганлар ва уларнинг камроқ олинишига олиб келадиган тизимни ишлаб чиқиш зарурлиги тан олинди.

Иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичида социал таъминот тизимини такомиллаштириш, аҳолини социал ҳимоя қилиш амалдаги механизми шаклланишини тугатиш курси давом эттирилди.

Шу билан биргаликда, аҳолини социал ҳимоя қилишнинг амалга оширилган тизими таҳлили унинг айрим камчиликларини кўрсатади, буларга, биринчи навбатда исрофгарчилик ва етарли бўлмаган социал самарани киритиш мумкин.

Дотация тизими, нафақа ва имтиёз, ҳақиқатан ҳам социал ёрдамга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлашга маблағ тўплашни кўзда тутмайди. Ажратилган маблағ ҳаммага тенг тақсимланади ва жуда муҳтожлар ҳисобга олинмади. Социал ёрдам кўрсатиш механизмининг тўла ишланмаганлиги натижасида товар ва хизматлар сотиб олишга берилган дотациялардан кўпроқ даражада унга ҳаммадан кам муҳтож бўлганлар фойдаландилар. Социал ёрдамнинг катта тизими ҳамма аҳолини қамраб олишга мўлжалланган ва самарасиз тенг тақсимлаш принципига асосланган эди, табиийки, бундай ёрдам шакли аниқ социал таянчга эга эмас эди, бировга қарам бўлиш психологиясини вужудга келтирарди.

Социал ҳимоянинг янги дастурида бу камчиликлар инобатга олинди. Муҳтожларни қўллаб-қувватлаш янги механизми ёрдамнинг аниқ тури ва ҳажмини аниқлашда адолатсизлик ва субъективизмнинг намоён бўлишида ҳар қандай имкониятларини чиқариб ташлайди, бировга қарам бўлиш психологиясини бартараф этишга қаратилган. Социал ҳимоя мақсадли ва муайян тавсифга эга бўлди. Янги социал ҳимоя

тизими — бу аҳолининг турли қатламларига қатъий табақали қарашдир. Социал ҳимояга ажратилган маблағлар, ҳақиқатан ҳам ёрдам ва моддий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлганларга, аниқ шахс ёки оилага берилади. Аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя, айниқса, кам таъминланган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларни қамраб олади ва нафақа шакллари, турлари ҳамда болаларга тўловларнинг бир шаклга келтиришни талаб этади.

Ўзбекистонда аҳолисини социал ҳимоялашнинг ҳозирги тизими давлат бюджети маблағларидан молиялаштириш билан биргаликда, меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари ва хайр-эҳсон фондлар маблағларини ҳам қамраб олади.

Аҳолини социал ҳимоялаш дастурининг амалга оширилишида ҳукумат махсус қарори билан маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳуқуқлари бирмунча кенгайтирилди ва жавобгарликлари оширилди. Энди ҳокимиятлар, маҳалла қўмиталари туман имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг ночор қатлами учун умумдавлат кафолатини амалга оширишни таъминлашда қўшимча тадбирлар кирита оладилар. Республиканинг аниқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, давлатнинг социал қўллаб-қувватлашини аниқ етказишга имкон берадиган ўша механизм йўллари аниқладилар.

Шу билан биргаликда, бозор муносабатларига ўтиш, товарлар ва хизматлар нархининг ошиши хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари (педагоглар, врачлар, маданият ходимлари ва ҳоказо) социал ҳимоялаш тадбирларини ишлаб чиқишни талаб этади. Социал ёрдам ва қўллаб-қувватлаш дастури ҳаддан ташқари камбағаллик ва ночорликни, кескин социал табақаланишга йўл қўймасликни кўриб чиқиши керак эди. Турли социал гуруҳлар даромадларининг кескин табақаланишини қисқартириш учун давлатнинг тартибга солишидан фойдаланилади. Унга қуйидагилар:

- умумий тариф сеткасидан фойдаланиш ва турли тоифадаги ишчиларга меҳнатга тўлов ҳажмини иш ҳақининг минимал даражаси билан боғлаш;

- корхоналар томонидан меҳнатга тўлов учун йўналтирилган маблағларни тартибга солиш;

- жисмоний шахс даромадларига уларнинг ошиш даражасига қараб солиқ солиши.

Аҳолини социал ҳимоялаш тизимининг ривожланиши социал йўналтирилган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш миллий моделининг муҳим бўғини ҳисобланади. Бу ҳолат Ўзбекистоннинг инсон имкониятларининг кенгайишига, бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ хавф-хатардан аҳолининг ночор қатламини социал ҳимоялашга қаратилган, ҳамма тан олган бойлик ривожланиши тарафдорлигини тасдиқлайди.

Аҳолини социал ҳимоялаш миллий дастури хусусиятлари

Ҳозирги вақтда давлатнинг социал ҳимоя сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий базаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолининг ночор қатламини яқка тартибда социал қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида" ги Фармонида. Бу ҳужжатда аҳолини социал ҳимоялашнинг асосий вазифалари ва унда оила, аёл, маҳалла, маҳаллий ўз-ўзини бошқарув идоралари, доимий ташкилотлар ва фондлар ролини ошириш белгиланган. Фармон ҳозирги даврда аҳолини социал ҳимоялаш Миллий дастури асосида ётади ва у қуйидаги йўналишларни аниқлайди:

- Пенсия тизимини такомиллаштириш, жамғариш тизимини аста-секин жорий этиш;

- Қарияларга алоҳида ғамхўрликнинг пайдо бўлиши, уларга яшаш учун кўпроқ қулайликлар яратиш; солиқдан коммунал хизмат алоҳида дастурларидан, транспорт ва тиббий хизматдан имтиёзлар бериш;

- Аёллар ҳақида ғамхўрликнинг, яъни уларнинг соғлиғи, моддий фаровонлиги, соғлом болаларни тарбиялаш учун зарурий шароитларни яратиш каби ғамхўрликнинг пайдо бўлишига амалий чора-тадбирлар қабул қилиш;

- Оила манфаатларини ҳимоя қилиш, оилани мустаҳкамлаш бўйича алоҳида дастурнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши, ёшларга ҳаётни тиклаш учун имтиёзли кредитлар бериш;

- Мактаб ёшидаги болаларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, яъни бошланғич синфларни дарсликлар ва ўқув қуроллари билан бепул таъминлаш. Етим болалар ва болалар уйида тарбияланувчиларни бепул овқат, кийим-кечак ва бошқа зарурий нарсалар билан таъминлаш ҳамда уларнинг умумтаълим мактабларида бепул ўқиши давомида чоралар қабул қилинган;

- Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш ўринлари билан таъминлаш, меҳнат ресурсларининг йил сайин ошишига мувофиқ қўшимча иш ўринларини яратиш. Бу мақсадни амалга ошириш учун кичик корхоналарни, қишлоқларда деҳқон, фермер хўжалиklarини яратиш ҳамда хусусий ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришдан кенг фойдаланилмоқда.

- Давлат бюджет маблағларини ошириш ва нодавлат фондларидан, корхона, жамоа ташкилотлари, ҳомийлар, яъни болалар муассасалари, мактаб, соғлиқни сақлаш объекtlари, маданият ва болалар дам олиш масканларини қуришда муҳтожларга ёрдам кўрсатиш учун ихтиёрий равишда ажратилган маблағлардан кенг фойдаланиш.

- Аҳолини яқка тартибда ижтимоий ҳимоялашни ташкил этишда асосий марказ ва бўғин ҳисобланган маҳалла аҳамиятини кучайтириш.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида аҳолини социал ҳимоялаш тизимининг такомиллаштирилиши

Иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи социал ҳаётнинг барча томонларини эркинлаштиришнинг кенг дастурини амалга ошириш, иқтисодий ва социал соҳаларни бошқариш тизимини демократиялаштиришни кучайтириш билан тавсифланади.

Иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичида киритилган ва қўлланилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг қонун асослари шакллари ва усуллари бундан кейин такомиллаштиришни талаб қилади. Социал-иқтисодий муносабатлар эркинлаштирилишининг чуқурлашуви вазифаларига мувофиқ равишда, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг янги шакл ва усуллари қўллаш зарурати вужудга келди.

Социал ҳаётнинг эркинлаштирилиши шароити аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришни кўзда тутлади:

— ҳимоя асосий принципларининг умумийлиги даврида аҳолининг турли социал-демографик қатламлари ва гуруҳларига табақалашган ёндашишни кучайтириш;

— республика, ҳудуд, меҳнат жамоасининг барча даражасида улар ҳар бирининг ҳуқуқ, мажбуриятлари ва вазифаларини, шунингдек маблағ билан таъминлаш манбаларини аниқлаган ҳолда социал кафолатлашнинг ягона тизимига бирлашиш;

— аҳоли турмуш даражасини ошириш, унинг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришда шахсий даромадлар ролининг етарлича ўсиши;

— аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш ресурс базасининг ишончлилиги;

— социал кафолат тизимининг эластиклиги;

— аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлар тизимининг самарадорлиги;

— ижтимоий ҳимоялашда жамоат ташкилотлари ва ҳомий фондларнинг иштироки;

— ижтимоий ҳимояга йўналтирилган маблағлардан фойдаланувчи асосий бўғин бўлган оила ролини ошириш;

— ижтимоий ҳимоянинг яқка тартиб турини кучайтириш;

— аҳолини ижтимоий ҳимоялашни ташкил этишда маҳалла қўмиталарининг мажбурият ва ролини ошириш.

Ҳозирги вақтда аҳолининг барча муҳтож қатлами давлат томонидан социал ҳимоя тадбирлари билан қамраб олинган. Барча оиланинг қарийб 40% ёки 2,2 млн.дан кўпроқ

оила оладиган нафақа ва имтиёзнинг 30га яқин тури қонун томонидан кўриб чиқилган. Қуйида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва яқка тартибда қўллаб-қувватлашнинг шакллари ва турлари берилган.

**Ўзбекистонда аҳолини социал ҳимоялаш
ва қўллаб-қувватлаш тизими**

№	Ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш шакллари	Олувчи тоифаси	Тулов ва хизмат турлари
1.	Чекланган имкониятларга эга кишиларни ижтимоий ҳимоялаш	Ногиронлар, ногирон болалар	Протез-ортопед маҳсулотлар, эшитиш ускуналари (аппаратлари), китоблар, дарсликлар ва тиббий, социал ҳамда меҳнатни оқлаш орқали бошқа хизматлар
2.	Бошқалар парваришига муҳтож ёлғиз қарияларни социал ҳимоялаш	Ёлғиз қариялар	Уйда тиббий хизматлар, бепул зарурий озиқ-овқатлар билан таъминлаш (ҳар ойда 9 номдаги маҳсулот), уй-жойни бепул жорий ва капитал таъмирлашни амалга ошириш
3.	Болаларни ижтимоий ҳимоялаш, яъни ота-она тарбиясиз қолган болалар ва етим болаларни	Етим болалар, ота-она тарбиясиз қолган болалар	Етим болалар учун "Меҳрибонлик уйи" етим болаларни ҳимоя қиладиган социал-психологик марказ шохобчаси, Тошкентда "С ОС" болалар шаҳарчаси
4.	<u>Ишсизларни ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш</u>	Ишсиз фуқаролар	Ишга жойлашиши буйича хизматлар кўрсатиш ва пул шаклидаги нафақа бериш билан моддий ёрдам бериш
5.	Кам таъминланган оилаларни, болали оилаларни, она-болали оилаларни қўллаб-қувватлаш	Кам таъминланган оилалар, 16 ёшгача болалари бор оилалар, 12 ёшгача болаларни тарбиялаётган оналар	Пул шаклидаги нафақа бериш билан моддий ёрдам бериш

6.	Ногиронлар ва ногирон болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш	Ногиронлар, ногирон болалар	Пул шаклидаги нафақа бериш билан моддий ёрдам бериш
7.	Пенсия тизими билан қамраб олинмаган қарияларни социал қўллаб-қувватлаш	Қариялар	<u>Нафақа шаклида моддий қўллаб-қувватлаш</u>
8.	<u>Кексайган нафақа ёшига етган фуқароларни қўллаб-қувватлаш тизими</u>	Нафақа ёшига етган фуқаролар	Пенсия бериш орқали моддий қўллаб-қувватлаш
9.	<u>Имтиёзлар ва преференциялар</u>	I ва II гуруҳ ногиронлари, ёлғиз песионерлар, пенсия учун зарурий меҳнат стажига эга бўлмаган қариялар, етим болалар, кам таъминланган оилалар болалари	Уй-жой учун компенсацион тўловлар, транспорт хизматига имтиёзли тўловлар, даволаш профилактика муассасаларида бепул дори-дармон ва овқат билан таъминлаш, санитар-курорт муассасаларига даволаниш учун йўлланмалар, протез-ортопед маҳсулотлар, солиқнинг баъзи турларидан озод этиш

Аҳолини социал ҳимоялаш тизимини келажакда такомиллаштириш социал-демографик ва иқтисодий жараёнларни инобатга олишни талаб қилади. Гарчи, Ўзбекистонда охириги йилларда туғилиш даражаси пасаяётган бўлса-да, ҳали аҳоли таркибида болалар ҳиссаси катта (50%). Бу омил болаларни тарбиялашга катта харажатларни аниқлайди ва шунга мувофиқ, болали оилалар нафақасига талаб сезиларли ошади. Бу яқин келжакда боқиманда бўлиш юки анча кескинлашган (жиддийлашган) ҳолда қолишини билдиради. Мамлакат баъзи ҳудудларида экологик вазиятнинг кескинлашуви кузатилади, бу эса аҳолининг юқори даражада ногирон бўлиб қолишига шароит яратади. Кўпгина корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш даражасининг пастлиги сабабли касбий ка-

саллик ва ишлаб чиқаришдаги травматизм даражаси юқори-лигича сақланади, бу эса келажакда улар даражаси ошишига шароит яратади. Корхоналар таркибининг қайта қуриш жараёни давом этаётганлиги ортиқча ишчи-хизматчиларнинг ишдан бўшашига олиб келади, демак, уларни социал ҳимоялаш муаммоси кучаяди. Ишлаб чиқариш фаолиятини олиб бориш учун етарли имкониятларга эга бўлмаган кўпгина ҳудудларнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш ва социал инфратузилманинг ривожланмаганлиги (тоғли, узоқ ва бориш қийин бўлган туманлар) бу туманларда яшайдиган аҳолининг социал ёрдамга қарам қилиб қўяди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда социал соҳада ишлайдиган ишчи-хизматчиларни тайёрлаш тизими ривожланмаган. Шунинг учун олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув юртларида социал соҳа профессионал ишчи-хизматчиларини тайёрлашни ташкил этиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Кам таъминланган оилаларни яқка тартибда социал ҳимоялашни кучайтириш учун амалдаги имтиёз ва нафақалар тизимини тартибга солиш зарур; муайян тавсифга эга бўлмаган имтиёзлар сонини бирмунча қисқартириш, даромад нормативларини, жумладан, деҳқон хўжалиklarини олиб боришдан олинадиган, тадбиркорлик фаолиятидан ва норасмий соҳадан олинадиган даромадларни аниқлаш орқали кам таъминланган оилаларнинг пайдо бўлиш усулларини такомиллаштириш; бир асос орқали (масалан, даромадга муҳтожлиги) белгиланган айрим социал ёрдам турларини бир шаклга келтириш; муҳтожларга қўшимча ёрдам бериш бўйича қарорлар қабул қилишда ҳамда социал ҳимоя маблағлари харажатларини айрим моддалар бўйича қайта тақсимлашда жойларда давлат ҳокимияти идоралари мустақиллигини кенгайтириш; ўз-ўзини бошқариш идораларида кам таъминланган оилаларга нафақа тўловчи ташкилотларда фаолият кўрсатадиган мутахассисларни тайёрлаш даражасини ошириш.

Кам таъминланган оилаларнинг социал ҳимоялаш даражасини қуйидагилар ҳисобидан кўтаришга эришиш мумкин:

• аҳолини социал ҳимоялаш тадбирларини молиялаш учун бюджетдан ташқари, жумладан, ёрдам берувчи ташкилотлар ва ҳомийлар маблағларини жалб этиш кам таъминланган оилаларни тўлиқ қамраб олиб, уларга социал тўловлар ҳажмини оширишга имкон беради;

• айрим нафақа ва имтиёзлар тугатилиши натижасида бўшган маблағлар муҳтож оилаларга якка тартибда нафақа беришни молиялаштириш ҳажмининг ошишига йўналтиради;

• жумладан, ҳудудлар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда социал минимал стандартлар ҳисоби услубиятини такомиллаштириш. Маълум босқичда кун кечириш учун зарур бўлган миқдорни социал стандарт амалиётига киритиш;

• уй-жой ва коммунал хизматларни етказадиган корхоналарнинг бюджет субсидиялари қисқариши сабабли, тарифлар ўсишини қисман бадал тўланишига имкон берувчи мақсадли ва якка тартибдаги субсидияларни кам таъминланган оилаларга босқичма-босқич беришни йўлга қўйиш;

• аҳолининг социал заиф гуруҳи вакилларига, аввало, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун талаб қилинмайдиган меҳнат салоҳиятига эга кам таъминланган оилаларга кредит ресурсларини бўлишга йўналтирилган микромолиялаштириш институтларини кенгайтириш. Бу мақсадни амалга ошириш учун нодавлат бюджети фондлари, халқаро ривожланиш лойиҳалари ва чет эллик донорлар иштирокида махсус социал инвестициялаш Фондини яратиш кўзда тутилади.

3.7. АҲОЛИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН ХАЛҚАРО ҲАРАКАТЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШ

Таянч иборалар

Халқаро иқтисодий уюшма, Халқаро иқтисодий ташкилот, халқаро молиявий ташкилотлар, она ва болани социал ҳимоялайдиган халқаро ташкилот; халқаро терроризм, диний экстремизм; халқаро терроризмга қарши кураш; экстремизмга қарши кураш; инсон ҳуқуқлари буйича халқаро конвенция.

Ўзбекистоннинг дунё иқтисодий уюшмасига кириши

Социал иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши халқаро иқтисодий уюшма билан ўзаро зич алоқадорликда содир бўлади. Социал йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича Ўзбек модели ислохотлари хўжалик жараёнларининг кенг қамровли интеграциясини мўлжаллайди. Ташқи иқтисодий алоқалар Ўзбекистонга ишлаб чиқариш моддий-техник базасини модернизациялашнинг муҳим муаммоларини ҳал этишда, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва ватанимиз ишлаб чиқарувчиларининг ташқи бозорга чиқишига имкон беради.

Моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш асосий социал муаммоларни ечиш имконини беради ва бу аҳоли турмуш даражасининг анча ошишига олиб келади.

Ўзбекистонда мустақиллик йиллари давомида ташқи иқтисодий алоқаларда туб ўзгаришлар содир бўлди.

Биринчи навбатда, ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асослари яратилди. "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ва бошқалар қабул қилинди

Республикада халқаро ҳамкорликнинг ривожланишида Ўзбекистоннинг БМТга аъзолиги муҳим роль ўйнади.

Ўзбекистон йирик халқаро ва иқтисодий ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Улардан меҳнатни ташкил этиш Халқаро ташкилоти (МТХТ), Экспортни назорат қилиш Мувофиқлаштирувчи Кенгаши (ЭНМС), Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ), Халқаро Валюта Фонди (ХВФ), Жаҳон Банки (ЖБ), Европа қайта тикланиш ва ривожланиш банки (ЕҚТРБ), Осиё банки (ОБ), Ислом банки (ИБ) ва бошқалар.

Халқаро иқтисодий уюшма барча давлатларнинг, ҳар бирини алоҳида ўз миллий ва иқтисодий хусусиятларини кўрсатади. Бунда мамлакатнинг замонавий технологияни яратиш ва ундан фойдаланишдаги имкониятлари, бозор иқтисодиётини ташкил этиш принципларини эгаллаш даражасини ҳисобга олади.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий уюшмага кириши мамлакатнинг қатор таққослама устунликларини қисқача олишни кўзлайди.

Уларга қуйидагилар киради:

— ташқи, бозорда рақобатбардош минерал хом ашё ресурслари кўп турларининг (олтин, мис, кумуш, уран, табиий газ, пахта ва бошқалар) катта захирада мавжудлиги;

— нисбатан арзон иш кучи;

— йил давомида ёқилғи-энергия ресурсларини камроқ сарфлаган ҳолда, амалда ишлаб чиқаришнинг барча турлари бўйича, хўжалик фаолиятини амалга ошириш имконини берадиган табиий-иқлим шароити;

— туризм саноатини муваффақиятли ривожлантиришга имкон берадиган (4000дан ортиқ тарихий архитектура ёдгорликлари) "Буюк ипак йўли" катта қисмидаги бой маданий-тарихий ёдгорликларнинг мавжудлиги;

— ишончли илмий салоҳият ва амалий тадқиқотларнинг нисбатан баланд даражаси;

— чет эл инвестицияларига кафолат берадиган иқтисодий сиёсатнинг стабиллиги;

Бундай ҳамкорликдан мамлакатнинг муҳим иқтисодий ва социал муаммоларини ҳал этиш учун фойдаланиш, худуднинг ушбу асосий ва бошқа хусусиятлари республиканинг дунё иқтисодий уюшмасига кириши учун кенг имкониятларни очади.

Ўзбекистоннинг Халқаро социал-иқтисодий ҳамкорликда қатнашиши асосий шакллари қуйидагилар ҳисобланади:

— ташқи савдо;

— фан-техника соҳасидаги ҳамкорлик;

— молия-кредит ва валюта муносабатлари;

- кадрларни тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлик;
- туризм саноатини ривожлантириш;
- меҳнат ресурсларидан фойдаланиш;
- инсонпарварлик ёрдами соҳасидаги ҳамкорлик;
- халқаро социал ривожланиш дастурларида иштирок этиш.

Ўзбекистоннинг социал ривожланиш бўйича халқаро ташкилотларга иштирок этиши

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамкорликка киришининг таркибий қисми, унинг социал ривожланиши бўйича халқаро дастурларда иштирок этиши ҳисобланади.

Мустақиллик эълон қилинганлигининг биринчи йилларидан бошлаб Ўзбекистонда халқаро стандартларга мувофиқ инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш қонуний асослари яратилиши мақсадига қаратилган фаолият амалга оширилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси бирламчи халқаро ҳуқуқ нормаларини қонуний асосда тан олишини мустаҳкамлади.

Ўзбекистон БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари бўйича халқаро битимларга бирлашди ва ўзининг давлат-ҳуқуқ тажрибасида риоя этиш ва уларни қўллаш бўйича мажбурият қабул қилди. Фақатгина XX асрнинг 90-йилларида Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 67та халқаро битимларни тан олди. Уларга: Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларини қисқартириш тўғрисидаги Конвенция; Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция; Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция; Таълим соҳасида камситишга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенция; Меҳнат ва бандлик соҳасидаги камситиш тўғрисидаги Конвенция; Дин ва эътиқод асосида чидаб бўлмастик ва камситишнинг барча шаклларини қисқартириш тўғрисидаги Декларация; Болаларнинг тирик қолиши, ҳимояланиши ва ривожланишини таъминлаш тўғрисидаги Халқаро Декларация; Оналикни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция; Болаларни ўғирлашнинг

фуқаролик аспектлари тўғрисидаги Гаага Конвенцияси ва бошқа шунга ўхшаш халқаро муҳим ҳужжатлар киради.

Ўзбекистонда халқаро битимга мувофиқ, ўз миллий хусусиятлари, анъаналари ва тарихий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда фуқаролик, оналик ва болалик ҳуқуқларини реклама қиладиган қонуний актлар тизими яратилди. Уларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила Кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс, Фуқаролик, Жиноят, Меҳнат Кодекслари, "Фуқаролик тўғрисида", "Таълим тўғрисида", "Фуқаро саломатлигини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Ногиронларни социал ҳимоялаш тўғрисида", "Уй-жой сиёсати асослари тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар киради.

1993 йилда Ўзбекистонда "Соғлом авлод учун" халқаро нодавлат самарали фонди яратилди. Бу фонднинг асосий вазифаси оналик ва болаликни мудофаа қилиш ишида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш ҳисобланади. Бу халқаро фонд ўз фаолиятини мамлакатнинг турли ҳудудларида жойлашган 14 та вилоят бўлимлари ва 200га яқин аҳоли яшаш жойлари орқали амалга оширади.

Орол яқинида 3,2 млн. АҚШ доллари ҳажмида ЮНИСЕФ (БМТнинг болалар Фонди) ва ЭКОСАН иштирокида АСПЕРА (Орол яқини оналари ва болаларига ёрдам) Дастури муваффақиятли амалга оширилди. Болалар мактабгача таълим муассасаларини санитар-гигиеник ва экологик таъминлаш тармоғи яратилди.

Республикада ВОЗ (Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти) мутахассислари ўз фаолиятини амалга оширади. 1998 йилда Ўзбекистон Халқаро соғлиқни сақлаш Ташкилоти 50 йиллиги муносабати билан мукофотга сазовор бўлди.

2000 йилда республиканинг ҳомиладор ва туғувчи аёлларга тиббий ёрдам берувчи бта муассасалари ЮНИСЕФнинг "Болага дўстона муносабат касалхонаси" сертификатини олди. Бу муассасаларнинг 180 та тиббий ходими 40 соатлик дастур асосида ўқитилди ва ЮНИСЕФ экспертлари томонидан имтиҳон қилинди.

1997 йилдан Халқаро Соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига биноан болаларни эмлашнинг янги тақвими жорий этилди. Қабул қилинган тадбирлар туфайли 1996 республикада бирорта полиомиелит касаллиги қайд этилмади. Болаларни эмлашга жалб этиш 95—99% ни ташкил этади.

2001 йилда республика полиомиелит касаллигидан озод ҳудуд сифатида сертификация қилинди.

"Болалар манфаатларини ҳимоялаш халқаро учрашуви" халқаро форуми тавсиясига биноан, Ўзбекистонда 1990 йилда юқорида айтилган халқаро ташкилот режасини амалга ошириш учун Миллий Координацион Қўмита тузилди. Координацион Қўмита ҳар йили олий даражада "Бола манфаатлари халқаро учрашуви" режасининг бажарилиши натижалари миллий маърузани тақдим этади.

Республикада, бу режа доирасида давлат ва нодавлат таркиби ҳамда социал ташкилотлар Альянси фаолият кўрсатади.

Альянснинг асосий вазифалари қуйидагича белгиланган:

— "Соғлом авлод" давлат дастури барча тадбирлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

— Ўзбекистоннинг болалар манфаатларини таъминлаш стратегияси, приоритетлари ва республикада болалар манфаатларини таъминлашдаги турли-туман муаммолар ечими механизмлари бўйича тажрибасини ёритадиган материалларни йиғиш, умумлаштириш ва инфор­мацион-таҳлилий материаллар тайёрлаш;

— соғлом оила шаклланиши шароитларини такомиллаштириш ва оилада юқори маънавий муҳитни ривожлантириш бўйича тадбирларни кучайтириш; жамиятда келажакда оналик статуси ва ролини ошириш; оналик ва болаликка қулай шароитларни таъминлаш; болаларни энг яхши урф-одатлар — анъаналар асосида, миллий ва дунёвий қадриятларни ҳур­мат қилиш руҳида тарбиялашда ота-оналар, тарбиячилар ва маҳаллалар ролини ошириш; ўсиб борувчи авлодга эркин фикрлашни ривожлантириш ва мамлакат гуллаб-яшнашига улар иштирокини таъминлаш.

Социал иқтисодиёт шаклланиши хавфлари ва уларнинг олдини олиш имкониятлари

Социал иқтисодиёт шаклланиши шароитида Республика социал муаммоларини ҳал этишда халқаро нуқтаи назардан қараганда бир нечта қарама-қаршилиқ ва хавфлар бор. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

— чет эл мамлакатлари кредиторларига иқтисодий қарам бўлиш салбий социал оқибатларга олиб келиши мумкин; халқ турмуш даражасини ошириш дастурини амалга оширишдаги қийинчиликлар. Иқтисодий қарамлик хавфидан қочиш учун илмий асосланган инвестицион ва молия-кредит сиёсатини олиб бориш зарур;

— ташқи иқтисодий муносабатлар эркинлаштирилиши шароитида ички бозорнинг халқ истеъмол товарлари импортига қарам бўлиш хавфининг вужудга келиш хавфи ҳам бор; бундай хавф миллий ишлаб чиқаришнинг кам ривожланганлиги, ватанимизда яратилган товар ва хизматларнинг рақобатбардошсизлиги туфайли намоён бўлиши мумкин. Бунга ўхшаш хавфларни кичик ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шароит яратиш, уларни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш орқали бартараф этиш мумкин.

Шунинг учун солиқ солиш имтиёзлари тизими, имтиёзли божхона тарифларини ўрнатиш, банк кредитлари ва шу каби бозорни тартибга солиш механизмларидан кенг фойдаланиш зарур.

Мамлакат социал-иқтисодий ривожланишида халқаро иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, чегаранинг очиклиги қулай эркин иқтисодий зона учун шароит, сўзсиз, бебаҳо аҳамиятга эга. Лекин, афсуски, ҳозирги шароитда дунё миқёсида аҳолининг тинч ҳаётига терроризм, диний экстремизм сингари хавф пайдо бўлди. Оилада, маҳаллада ва меҳнат жамоаларида тарбиявий ишларнинг сусайиши, иш ўринларининг чекланганлиги шароитида ёшларнинг маълум қисми

озгина моддий рағбатлантириш эвазига экстремистик гуруҳлар таъсирида қолиши ва уларнинг ғаразли мақсадини бажариши мумкин, бу социал кескинликнинг вужудга келишига имкон беради.

Ўзбекистон терроризм ва экстремизмнинг турли шакллариغا қарши курашда халқаро кучларни бирлаштириш ташаббуси билан чиқди. Шу билан биргаликда, мамлакат ичида ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда социал иқтисодиётда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлишлари керак бўлган оила, мактаб, маҳалла, меҳнат коллективлари ва жмоат ташкилотлари салоҳиятли имкониятларидан фойдаланиш катта машаққатли ишни талаб қилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ўзбекистонда аҳоли даромадлари таркиби ривожланган мамлакатлар аҳолиси даромадлари таркибидан қандай фарқ қилади?
2. Ўзбекистонда даромадлар сиёсати замонавий концепцияси моҳияти нимадан иборат?
3. Солиқ тизимининг социал вазифасини тавсифланг.
4. Республикада солиқ тизимини такомиллаштиришнинг қандай йўналишларини таклиф эта оласиз?
5. Сиз камбағалликни баҳолашнинг қандай методларини биласиз?
6. Францияда камбағалликдан сақлаш тизими қандай?
7. АҚШда камбағаллика қарши кураш дастурини тавсифланг.
8. Социал сугурталаш тизимининг моҳияти нимада?
9. Меҳнатни социал ташкил этишнинг моҳияти нимада?
10. Меҳнатни нормалаш (белгилашни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини сананг.
11. Социал-меҳнат муносабатлари нима ва улар қайси белгилар орқали туркумланади?
12. Ўзбекистонда социал сугурталаш тизими тавсифли хусусиятларини айтинг.
13. Ўзбекистонда социал сугурталашни ислоҳ этишнинг асосий йўналишларини сананг.
14. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш миллий модели қандай хусусиятларга эга?
15. Ўзбекистон нима учун жаҳон иқтисодий уюшмасига кирди? Бу Ўзбекистон мустақиллигига таҳдид солмайдами?
16. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий уюшмасида шакллари.

17. Ўзбекистоннинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш халқаро ташкилотларига қатнашиши шакллари.
18. Ўзбекистоннинг тинчлик ва аҳолини социал ҳимоялаш халқаро ҳаракатларида иштирок этишини фаоллаштириш учун қандай чора-тадбирлар қабул қилиш зарур?

Маъруза учун мавзулар:

1. Ўзбекистон Республикасида даромадлар сиёсати хусусиятлари.
2. Пенсия тизими ва уни такомиллаштириш имкониятлари.
3. Даромадлар сиёсати типлари ва уларнинг аҳоли турмуш сифатига таъсири.
4. Солиқ солишнинг даромадлар сиёсатига таъсири.

СОЦИАЛ РИВОЖЛАНИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ НЕГИЗЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Иқтисодий ўсиш умуминсоний тараққиётнинг объектив зарурияти бўлиб, у ҳар қандай иқтисодий уклад ва ижтимоий тузумнинг асосий мақсадидир. Ҳар қандай давлат ва миллат ривожланиши ва гуллаб-яшнашининг асоси бўлган иқтисодий ўсишни мавжуд иқтисодий уклад ва иқтисодий сиёсат лозим даражада таъминлай олмаса, эрта ёки кеч ўз ўрнини хўжалик юритишнинг бошқа прогрессив сулуга бўшатиб беради. Бу эса жаҳон цивилизацияси ривожланишининг кўп асрлик тасдиқланган тажрибаси, диалектиканинг объектив қонуни ҳисобланади.

Социал иқтисодиёт шароитида иқтисодий ўсишнинг роли ва аҳамияти янада ошади ва ижтимоий ривожланишнинг устувор йўналишига айланади. Чунки иқтисодий ўсишнинг асосий мақсади ва натижаси аҳоли ва ҳар бир жамият аъзосининг турмуш даражасини етарлича ошириш асосида, яъни пировард натижада, социал масалаларни самаралироқ ҳал этиш ҳисобланади. Бу ҳақда эса ривожланган давлатларнинг ўз халқи учун эришган фаровон турмуш даражаси, ҳавас қилса арзийдиган "Иқтисодий мўъжизаси" гувоҳлик беради. Бу давлатларнинг барчаси учун миллий иқтисодиёт ривожланишининг юқори ва барқарор суръати хосдир, чунки бу ўз навбатида меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлайди ҳамда фаолият кўрсатаётган ҳар бир жамият аъзосининг ва социал институт ҳимоясида бўлганларнинг даромадлари ва истеъмоллари ҳажмини ошишини таъминлайди.

Иқтисодий ўсиш инсон омили учун инвестицияни амалга оширишга имконият яратади. Инсон учун инвестициялаш,

аввало унинг соғлиғига, билим олишига, ишчи кучи сифатининг ошишига олиб келади, бу эса пировард натижада иқтисодий ўсишга эришишга имконият яратади. Шундай қилиб, иқтисодиёт ва кишилик жамияти тараққиёти бири-бирига ўзаро зич боғлангандир. Гарчи, кишилик жамияти ривожланиши ва иқтисодий ўсиш йўналишлари умумий тарзда мос келса-да, аммо улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик даражаси, аввало давлатнинг самарали иқтисодий сиёсатига боғлиқ. Социал иқтисодиётни қураётган мамлакатлар, пухта ўйланган давлат сиёсати туфайли, иқтисодий ўсиш самарасидан кенг қамровли индивидуал эҳтиёжларни қондириш, соғлиқни сақлаш ва аҳолининг овқатланишини яхшилаш, таълим даражасини оширишда моҳирлик билан фойдаланадилар.

4.1. БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ

Таянч иборалар

Ҳуқуқий тартиблаш; иқтисодий ўсиш; социал-иқтисодий ривожланиш; барқарор ривожланиш индикаторлари; иқтисодий ўсиш омиллари; иқтисодий ўсиш шарт-шароитлари; иқтисодни барқарорлаштириш; иқтисодий ўсиш манбалари; ялпи миллий маҳсулот (ЯММ), ялпи ички маҳсулот (ЯИМ); миллий даромад (МД), соф миллий даромад (СМД), миллий бойлик (МБ).

Иқтисодий ўсиш моделлари

XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳондаги ривожланган давлатларнинг тажрибаси иқтисодий ўсишнинг уч моделини ажратиш имконини беради:

- Барқарор иқтисодий ўсиш;
- Қувиб борувчи иқтисодий ўсиш;
- Ёриб ўтувчи иқтисодий ўсиш.

Биринчи модел АҚШ, Фарбий Европа мамлакатлари каби юқори даражада иқтисодий ўсишга эришган давлатларга хосдир. Бу давлатларда миллий даромаднинг йиллик ўртача

Ўсиш суръати 2—3%. Қўшимча маҳсулотнинг кўпгина қисми илм-фан ривожланишига, социал соҳага ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга йўналтирилади. Бу билан мос харажатлар ҳажмини оширмасдан иқтисодий ўсишнинг интенсив суръатига имкон яратилиб, миллий даромад ошиши таъминланади.

Қувиб борувчи иқтисодий ўсиш модели Жануби-Шарқий Осиё ва Хитой давлатларига хосдир. Улар юқори суръатли иқтисодий ўсишга Ғарб давлатларидан олинган техника ва технологиядан кенг фойдаланиш эвазига эришган. Иқтисодий ўсиш ишчи кучи нархининг пастлиги ҳисобидан таъминланган. Шунга мувофиқ, иқтисодий ривожланиш даражаси кескин ошди. Уларнинг жаҳон ҳўжалигида улуши ортди ва иқтисодий ривожланган давлатларни қувиб ўтди. 1960—2000 йиллар давомида Осиё давлатларининг ЯИМ тўққиз марта ошди. Масалан, АҚШда 3,3 марта, Европада эса ЯИМ ҳажми 3,6 марта ошди. Гарчи шундай бўлса ҳам улар ҳали ривожланган давлатлардан аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш бўйича маълум даражада орқада ва шу сабабли ривожланаётган бўлиб қоляптилар.

Қолоқликнинг қолишига сабаб, қайд этилган давлатларда ҳали ҳам таълим, ахборот ва фанда муаммолар мавжуд. Мавжуд сабаблардан бири, ўзини тутиб турган, паст даражадаги социал-иқтисодий прогресс — бу юқори самарали илмий ишланмалар ва янги технологиянинг йўқлигидир.

Мустақил ҳамдўстлик давлатлари орасидан Россия тажрибасини алоҳида ажратиш керак. Айрим олимларнинг тадқиқотига кўра Россия учун қувиб борувчи модел хос. Санотат ишлаб чиқаришида техника қолоқлиги, иқтисодий ўсишда қувиб борувчи вариантнинг ишлатилиши қисқа муддат ичида ғарб мамлакатларида мавжуд бўлган машина ва асбоб-ускуналар намуналари ҳисобидан техник қурилмалар паркинни янгилаш имконини беради. Шу билан биргаликда, Россияда етарли ривожланган фундаментал тадқиқотлар тизими, машинасозликда ва космосни ўзлаштиришда муҳим ютуқлар мавжуд. Шунинг учун у ўзининг илмий-тех-

ник салоҳиятига таянган ҳолда, технологияда реал ўзгаришга эришиши ва ўзининг янги технологиялари билан жаҳон бозорига чиқишини таъминлаши мумкин.

Ўзбекистон учун иқтисодий ўсиш муаммоси иккита босқичга эга. Биринчи босқич иқтисодиётдаги пасайишни тўхтатиш билан боғлиқ бўлиб, иккинчиси — барқарор иқтисодий ўсиш босқичидир (13-жадвал).

13-жадвал

1995—2003 йилларда Ўзбекистонда ЯИМнинг ўсиши¹

Давр	ЯИМ	
	Мос даврларда жорий баҳоларда (млрд.сўм)	Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % (таққослама баҳоларда)
1995	302,8	99,1
1996	559,1	101,7
1997	976,8	105,2
1998	1416,2	104,3
1999	2128,7	104,3
2000	3255,6	103,8
2001	4925,3	104,2
2002	7450,2	104,2
2003	9837,8	104,4
2004	12189,5	107,7

1990 йилларнинг 2-ярмидан Ўзбекистон барқарор иқтисодий ўсиш босқичига ўтди. Ҳукумат бозор муносабатларига ўтишда бошқа МДХ дан фарқли ўлароқ, аста-секинлик билан босқичма-босқич ўтиш тамойилидан фойдаланди. Макроиқтисодий сиёсатнинг асосий мақсади молиявий барқарорликни таъминлаш, ишлаб чиқариш пасайишини тўхтатиш, миллий валютани мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш даражасини оширишга шароит яратиш эди. Бошқа МДХдан фарқли равишда, Ўзбекистон мўтадил — барқарор молиявий ва пул-кредит сиёса-

¹ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика бошқармаси. Ўзбекистон иқтисодиёти журнали. СИСМ. (Таҳлилий шарҳ). 2004, № 3,8.

тини қабул қилди. Бу сиёсат таркибий ислоҳотлар ва иқтисодий ўсиш салоҳиятини яратишга ёрдам берди. 1990—1996 йиллар давомида бозор муносабатларига ўтишни амалга ошираётган барча давлатларда кузатилган ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши Ўзбекистонда нисбатан паст даражада эди. Масалан, ЯИМнинг ҳажми 1996 йилда Ўзбекистонда 1990 йилга нисбатан тахминан 18,2% кам эди, ўша пайтда бошқа давлатларда бу пасайиш 40—60% баҳоланди (умуман МДХ да — 38,5%, Россияда — 30%, Украинада — 55%, Белоруссияда — 32,7, Қозоғистонда — 29%). 1996 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ЯИМ кўпайиши кузатилди, халқ хўжалиги товарлари ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши бартараф этилди, инфляция суръати пасайди ва миллий валюта мустақамланди. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида барқарор иқтисодий ўсиш негизда стратегик вазифа сифатида аҳоли турмуш даражасини етарлича ошириш, уни кафолатланган социал ҳимоя қилишни кучайтириш белгиланган эди.

Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш манбалари ва шарт-шароитлари

Иқтисодий ўсишнинг асосий манбалари ва шарт-шароитлари қуйидагилар:

- табиий ресурслар;
- жамғарилган жисмоний капитал;
- илмий-техник салоҳият;
- инсон капиталининг ривожланиш даражаси;
- ташқи иқтисодий алоқаларнинг ўсиш даражаси (жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви даражаси).

Аҳоли жон бошига даромадлар даражаси ошишининг асосий манбаи — бой ресурсларнинг мавжудлигидадир. Ўзбекистон бой табиий ресурсларга, яъни нефт, газ, олтин, рангли ва нодир металлларга, пахта, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун яхши табиий шароитга эга. Бу давлатнинг мустақил иқтисодиётини таъминлаш учун қулай шароитлар яратади, иқтисодиёт-

нинг ўсиши ва ЯИМ умумий ҳажмининг кўпайишига имкон беради. Лекин бундай иқтисодий ўсиш чексиз давом эта олмайди, чунки ишлаб чиқаришнинг кенгайиши натижасида фойдаланилаётган ресурслардан самаранинг пасайиши муқаррардир; ерлар ҳосилдорлиги пасаяди, қазиб олинаётган рудаларда фойдали қазилмалар ҳиссаси камаяди ва ҳоказо. Ўрни тўлдирилмаган ресурсларнинг сарфи ўзига тенг баҳоланадиган ниманидир яратилиши билан тўлдирилиши керак, акс ҳолда мавжуд ресурслар нафақат тараққиёт учун, балки халқнинг эришилган турмуш даражасини қўллаб-қувватлашга ҳам етмайди.

Шунинг учун табиий ресурслардан фойдаланиш неғиздаги иқтисодий ўсиш чексиз давом эта олмайди.

Бошқа томондан қараганда, иқтисодий ўсишнинг ундан кам бўлмаган манбаи, жамғариш, унинг ҳажмини ошириш ва жисмоний капитал таркибини яхшилашдир. Ўртача жамғариш нормасидан кўпроқ жамғариш нормасига эга бўлган давлат, шубҳасиз, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатига эга бўлади. Ўзбекистон бу қонуниятни ҳисобга олган ҳолда ўзининг индустриал сиёсатини иқтисодий ўсишни таъминловчи иқтисодиётнинг бирламчи тармоқларига қўшимча капитал қўйиш эвазига барпо этди. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун ялпи ички маҳсулот таркибида инвестициялар улуши 20—25% ни ташкил этиши керак. Ўзбекистонда бу кўрсаткич қисқариш тенденциясига эга, масалан 1996 йилда 28%дан 2002 йилда 20% га қисқарди. Лекин, 2003 йилда ялпи ички маҳсулот таркибида инвестиция улуши 24,5%ни ташкил этди.

Ҳозирги вақтда иқтисодий ўсишнинг барқарор муҳим омили илмий-техника тараққиётидир. У Ўзбекистон учун иқтисоднинг хом ашё йўналишидан юқори технологияли ва ахборотлаштирилган ишлаб чиқаришга ўтишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Илмий-техника тараққиёти (ИТТ) ЯИМнинг аҳоли жон бошига ўртача даражасини кескин кўпайтириш омили бўлиб, уни ривожланган давлатлар даражасига етказишга хизмат қилади. ИТТ натижа-

сида янги товарлар ишлаб чиқаришни яратиш ва кенгайтириш имконияти ошади, олдин ишлаб чиқариши ўзлаштирилган маҳсулотларнинг сифати ошади. ИТТ шиддатли иқтисодий ўсишни таъминлайди. Илмий-техника янгиликларидан кенгроқ фойдаланаётган мамлакат иқтисодий ўсишнинг катта имкониятларига эга бўлади. ИТТ жорий қилиш иқтисодий ўсишнинг экстенсив ишлаб чиқариш усулидан янги интенсив усулига ўтиш имконини берди.

Ўзбекистонда ҳозирги вақтда иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатига эришиш хўжалик таркибини тубдан такомиллаштиришга ҳам боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш макроиқтисодий барқарорлик, келгусида тургун иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади"¹.

Таркибий қайта қуриш иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Меҳнат унумдорлигининг маълум миқдорда юқорироқ даражасига эга бўлган тармоқлар ҳиссасининг ошиши натижасида пировард хўжалик натижалари умумий ҳажми ортади. Ўтиш даври йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти таркибида муҳим ўзгаришлар бўлди. ЯИМ таркибида хизмат соҳаси улушининг ошиши ва саноат улушининг қисқариши тенденцияси пайдо бўлди (14-жадвал).

14-жадвал

ЯИМнинг фойдаланиш таркиби (% да)¹

Давр	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Қурилиш	Хизмат кўрсатиш соҳаси	Соф солиқлар
1995	17,1	28,1	7,1	34,6	13,1
1996	17,8	22,4	8,2	37,2	14,4
1997	15,6	28,3	7,3	36,4	12,4

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., Ўзбекистон, 1995.

² Экономика Узбекистана. Аналитический обзор. Журнал ЦЭЭП, №8, 2004, с.17.

1998	14,9	26,8	7,5	36,4	14,4
1999	14,3	29,0	6,7	36,6	13,4
2000	14,2	30,1	6,0	37,2	12,5
2001	14,2	30,2	5,8	37,3	11,9
2002	14,5	30,1	4,9	37,9	12,6
2003	15,8	28,6	4,5	37,4	13,7
2004	17,1	26,8	4,5	37,6	14,0

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиши бозор инфратузилмасини яратиш ва иқтисодий ўсишнинг социал йўналтирилганлигига боғлиқдир. Шунга мувофиқ, иқтисодиётнинг реал секторидида аҳоли бандлигини соҳалардаги тақсимотида ўзгаришлар бўлди. Саноатда банд бўлган ишчи ва хизматчиларнинг ҳиссаси қисқариб (1990 йилда 13%дан 2003 йилда 12,7%га), хизмат кўрсатиш соҳасида бандлик ҳиссаси ошди (37%дан 49%гача). Агар иқтисодий ислоҳотлар йилларигача банд бўлганларнинг кўп қисми (40%дан 50%гача) қишлоқ хўжалигига тўғри келган бўлса, 2003 йилда эса хизмат кўрсатиш соҳаси биринчи ўринга чиқди (49%), қишлоқ хўжалиги улуши 31,9% ташкил этди. Меҳнат ресурсларининг тўртдан уч қисми бу икки тармоққа тўғри келади. Бунинг сабаби — кўрсатилган тармоқлар жорий истеъмолнинг устуворлигига эътибор берган. Лекин маълумки, иқтисодий ўсишнинг келажакдаги саноат ва қурилишнинг ривожланиши билан боғлиқ. Афсуски, ислоҳотлар давомида бандлик миқдорининг бу тармоқлардаги улуши 1991 йилда 22%дан 2003 йилда 20%га қисқарди. Бу меҳнат унумдорлиги умумий даражаси пасайишининг асосий сабаби эди. Ўтиш даври давомида меҳнатдан фойдаланиш умумий самараси тахминан 10% қисқарди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг ишга солинмаган улкан захиралари мавжуд.

Социал иқтисодиётнинг шаклланиши шароитида иқтисодий ўсишнинг муҳим манбаи — ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиш даражаси ҳисобланади. Халқаро меҳнат тақсимоти афзаллигини ҳисобга олиш истеъмол бозорини кенгайтириш, истеъмол ва инвестицион товарлар

импорти тақчиллигини таъминлаш, хўжалик бозорини кенгайтириш йўли билан миллий иқтисодиётни таркибий қайта қуришига имкон беради. Шу билан биргаликда, иқтисодий ўсишнинг ички ва ташқи омилларини, миллий ва халқаро меҳнат тақсимотининг оптимал мос келишига асосланиши керак.

Ҳозирги вақтда, амалда, дунёда ҳеч бир давлат чет эл инвестицияларининг иштирокисиз, бу ёки у тармоқ ва ишлаб чиқаришнинг ривожлантиришига эриша олмайди. Аммо чет эл капиталининг оқиб келиши миллий бозорни ишлаб чиқариш ва социал инфратузилма ҳолатидан, рақобатбардош маҳсулотни ташқи бозорга чиқариш имкониятига қараб чегаралаши лозим.

Социал иқтисодиёт шароитида иқтисодий ўсишнинг энг асосий манбаи инсон капиталига қўйилмаларни кўпайтиришдир. Чунончи, айнан инсон омили иқтисодий ўсишни таъминлайди. Соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги харажатлар, илмий-тадқиқот ишларига инвестиция ишчи кучи сифати ва малака даражасини ошириш имконини беради. Инвестиция натижасида шаклланган ва инсон томонидан жамғарилган маълум соғлиқ, билим, тажриба, қобилият, рағбатлантиришлар ишлаб чиқаришнинг у ёки бу соҳасида мақсадли фойдаланиши меҳнат унумдорлигининг, ишлаб чиқариш самарасининг ўсишига, ишчилар даромадларининг кўпайишига таъсир этади. Айрим мутахассисларнинг ҳисобларига кўра иқтисодий ўсишнинг 60% инсон омили орқали таъминланади.

Социал иқтисодиётнинг шаклланиши кўпроқ қонунчилик ва ҳуқуқий тартибга ҳам боғлиқ бўлади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида иқтисодиётни тартиблаш ва социал ривожланишининг ҳуқуқий базаси яратилди. Республикада бошқарув ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида ислоҳотлар жараёнини давлат томонидан ҳуқуқий тартибланишнинг етарли, қатор мақсадли тизими шакллантирилган. Ислоҳотларни ҳуқуқий тартиблаш 100 дан ортиқ қонуний ҳужжатларни ўз ичига олади.

Иқтисодиёт барқарор ривожланишининг ҳуқуқий асослари ва унинг социал йўналтирилганлиги Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни — Конституцияда киритилган бўлиб, бунга барча мулк шаклларининг тенглиги, хусусий мулкнинг давлат ҳимоясидалиги, марказлаштиришдан четлаштириш, иқтисодиётни монополиядан холи этиш, корхоналар мустақиллигини мустаҳкамлаш, эркин иқтисодий фаолиятни таъминлаш киради.

Иқтисодий тизим ташкил этишнинг асосий негизлари бундан кейинги аниқ қонунларда ўз ривожини топди. Бу қонунларга, иқтисодиёт бошқарувини тартиблаш, мулкчилик муносабатлари, марказий ҳокимият ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасидаги мухтор вакилликнинг тақсимланиши ва ҳоказо киради. Мулкчиликни бошқариш муносабатларини ташкил этиш негизлари "Мулкчилик тўғрисида", "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш" ва бошқа қонунларда мустаҳкамланган. Янги бозор инфратузилмасини шакллантириш, корхоналар хўжалик фаолиятини тартиблашнинг ҳуқуқий шароитлари яратилган. "Корхоналар тўғрисида", "Кооперация тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Деҳқон хўжалиги тўғрисида", "Хўжалик жамиятлари ва ўртоқлик тўғрисида", "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида", "Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида", "Суғурта фаолияти тўғрисида" ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига фаол интеграциясини ва унинг халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли субъектиликни таъминловчи қатор қонунлар, жумладан "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида", "Валютани тартибга солиш тўғрисида", "Инвестицияни ҳимоялаш тўғрисида", "Турли халқаро ташкилотларга Ўзбекистоннинг аъзолиги тўғрисида" ги Қонунлар ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантирувчи Президентнинг қатор фармонлари шаклланди. Социал сиёсатнинг амалга оширилишини таъминловчи, шахннинг мустаҳкам конституциявий ва юридик ҳуқуқларини, социал кафолатланган ва аҳолини социал қўллаб-қувватлай-

диган, жумладан "Бандлик тўғрисида", "Социал ҳимоялаш тўғрисида", "Давлат пенсия таъминоти тўғрисида", "Таълим тўғрисида"ги Қонунлар ва аҳолининг энг муҳтож қатламларини ҳимоялашга йўналтирилган Президентнинг қатор Фармонлари, ҳокимиятлар қарорлари қабул қилинди.

Социал-иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартиблаш тизими эволюцион, босқичма-босқич ўтиш характериға эға ва иқтисодий ислоҳотларни амалға оширишға ижобий таъсир кўрсатади.

Ижобий таркибий силжишлар — барқарор иқтисодий ўсишнинг зарурий шарти

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистонда социал иқтисодиётнинг шаклланиши ва мамлакатнинг жаҳон ҳужалиги тизимиға интеграциялашувининг муҳим шартларидан бири иқтисодиёт тармоқ таркибини қайта қуриш, унинг социал ва технологик қайта қуришға йўналтирилганлигидир.

Ўтиш даврида Ўзбекистонда қисқа муддат ичида бозорни истеъмол товарлари билан тўлдириш, аҳолининг маиший хизмат ва уй-жойға бўлган талабларини қондириш муҳим вазифа қилиб белгиланди. Бу вазифани ҳал этиш иқтисодиётнинг барча тармоқларини ишлаб чиқаришға йўналтирилган ҳолда, уларни қайта қуриш йўли билан амалға ошириш мумкин эди.

Ўзининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўрганиш ва бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш, прогрессив технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор усулларини жорий этиш имконини беради. Ўзбекистон ортиқча меҳнат ресурсларига эға ҳудудлардан бири эканлигини ҳисобға олган ҳолда, таркибий силжишларнинг асосий йўналиши илмий-техника тараққиётининг янги ютуқларига асосланадиган, кўп меҳнат талаб қилинадиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўлиши лозим. Элек-

троника, радиотехника саноати, асбоб-ускуна, автомобил-созлик, енгил ва озиқ-овқат саноати каби тармоқларнинг ҳам шиддатли ривожланишига, улар ишлаб чиқараётган товарлар сифатини яхшилаш ва аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам эришиш керак.

Барқарор иқтисодий ўсишнинг зарурий шarti қайта ишлаб чиқариш саноат тармоқларининг шиддат билан ривожланишидир. Уларнинг ривожланиши иқтисодиёт бошқа тармоқларининг индустрлаштиришда шарт-шароит бўлиб хизмат қилади ва шунга мувофиқ бу тармоқларда меҳнат унумдорлигини оширади.

Қазилма саноат тармоқларига нисбатан қайта ишлаб чиқариш саноат тармоқлари кўпроқ ички бозорга мўлжалланган. Аммо, маълумки, ички бозорнинг сотиб олиш қобилияти паст, шунинг учун тайёр маҳсулотни кенг экспорт қилишни ташкил қилиш объектив зарурати туғилади.

Бундан ташқари, янги технология асосида маҳаллий табиий ресурслардан фойдаланаётган хом ашё тармоқлари ҳам ривожланиб бориши зарур.

Шаклланаётган иқтисодиётда таркибий қайта қуриш ресурслардан кўп фойдаланишдан ресурсларни тежаш технологиясига ўтишни талаб қилади.

Янги амалий (конструктив) материалларни ишлатиш, қайта ишлашнинг барча босқичларида, жумладан, ташиб олиб боришда, сақлашда, фойдаланишда ва бошқаларда хом ашё комплекс ишлаб чиқилиши, иккиламчи ашёвий энергетик ресурсларни хўжалик оборотига жалб қилишни кучайтириши, ресурслар исрофгарчилигини қисқартириш учун замонавий технологияларни ишлатиш зарурдир. Бу омил катта аҳамиятга эга, шунинг учун замонавий ишлаб чиқариш нафақат машина, асбоб-ускуналарга ва технологияга, балки авваламбор, ишловчи ўзига, жумладан, ҳамма техника ва технологияни яратган ва уни бошқараётган кишилар олдига тез ўсиб борувчи талабларни қўяди. Шу сабабли махсус билим, юқори касбий тайёргарлик, инсоннинг умумий маданияти ишлаб чиқаришнинг фаолият кўрсатаётган

ва янги яратилган ҳар қандай соҳасида муваффақиятли меҳнатнинг мажбурий шартига айланади.

Таркибий қайта қуриш янги иш ўринларини яратиб, социал муаммоларнинг ечилишига имкон беради.

Фақатгина фаол инвестицион сиёсат шароитидагина ишлаб чиқариш таркибларини такомиллаштириш мумкин. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиётида инвестицион соҳа аввало, ижтимоий истеъмол ва уларни иқтисодий қондириш имкониятлари ўртасида вужудга келадиган номувофиқликка таъсир этади.

Иқтисодиётнинг мутаносибли ривожланиши ва халқ хўжалигининг юқори самарали ютуқлари инвестицион сиёсатга боғлиқ бўлиб, у капитал қўйилмаларнинг самардорлигини оширишни таъминлашни, унинг ҳал қилувчи соҳаларда тўпланишини талаб этади.

Ўзбекистонда қабул қилинган инвестицион дастурни молиялаштиришнинг асосий манбаи бюджет маблағлари, марказлаштирилган кредитлар ва давлат кафолатлаган жалб қилинган чет эл инвестицияларидир.

Ўзбекистон инвестицион сиёсатининг характерли хусусияти шундаки, унинг таркибида тўғридан-тўғри инвестициялар эмас, балки давлат кафолати остида бўлган корхонага берилган кредитлар устунлик қилади. Чет эл инвестициялари етарли ривожланмаган ишлаб чиқариш тармоқларини техника билан қайтадан қуроллантиришга қаратилган. Чет эл инвестициялари ҳисобидан замонавий технология ва техникани импорт қилиш амалга оширилмоқда. Лекин бозор муносабатларини қуриш босқичига ўтган кўпгина мамлакатлар тажрибаси капитал қўйилмаларга асосий эҳтиёжни қондиришни ўзининг шахсий ички жамғармаларидан қондирилиши зарурлигини ҳам кўрсатади. Гарчи Ўзбекистонда ЯИМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмида йил сайин чет эл инвестицияси билан ишлаётган корхоналарнинг ҳиссаси ошиб бораётган бўлса-да, чет эл технологияларининг импорти ҳамма вақт экспортнинг ўсиши билан айнан ўхшаш юз бермайди, шунинг учун у эҳтиёж бўлиб туради.

Шу боисдан, инвестицион фаолиятни ривожлантиришнинг муҳим йўлларида бири мамлакат ички ресурсларини сафарбар қилиш ва улардан самарали фойдаланиш бўлиши керак. Ишлаб чиқаришни инвестициялаш учун корхона маблағларини рағбатлантирувчи жамғаришга шарт-шароит яратиш зарур. Ўзбекистонда кейинги йилларда молиявий капитал қўйилма манбаи сифатида амортизация ажратмасининг аҳамияти сезиларли пасайганлиги сабабли амортизация сифатида қайта кўриб чиқиш зарурияти вужудга келади. Асосий фондларни такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим манбаи сифатида, уларнинг аҳамиятини ошириш мақсадида маълумот бера оладиган жадал амортизациянинг буюртмали тизимига ўтиб бориш лозим.

Бюджет ресурсларининг чекланганлиги, ўзининг шахсий маблағарининг етишмаслиги сабабли корхоналар банк кредитларини жалб қилишга мажбур. Лекин, кўпгина корхоналарнинг реал ҳолати банклар учун жалб қилинадиган даражада эмаслиги туфайли, улар қисқа муддатли кредитларни афзал кўришади. Шундай қилиб, уларнинг салмоғи банклардан бериладиган кредит умумий ҳажмининг 88% га етади. Шунинг учун банк курсини сафарбар этишга ўзгартира оладиган ва унинг жамғармасини реал иқтисодиёт секторида узоқ муддатли кредитга фойдаланишга имкон берадиган муносиб банк-кредит механизмини яратиш муҳим меъёр ҳисобланади.

Давлат томонидан барқарор ривожланишга ўтишнинг бошқарилиши

Давлат томонидан иқтисодий ўсишни тартибга солиниши қуйидаги масалаларни ечишга қаратилган:

- Мавжуд ресурслардан тўлароқ фойдаланиш;
- Иқтисодий ўсишда умумий иқтисодий мувозанатдан четга чиқишни бартараф этиш;
- Хўжалик жараёнлари ривожланишининг хийла кўпроқ барқарор тенденцияларини таъминлаш;
- Иқтисодий барқарорлик бўлмаган шароитда соғломлаштирувчи хўжалик дастурларини қабул қилиш;

• Иқтисодий ўсиш ижтимоий манфаатларга зарар етказган ҳолатларда экологик ва социал характердаги чеклашларни қўллаш.

Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш кўп йўналишлар бўйича содир бўлади. Давлат ялпи талабга, таклифнинг ўсишига таъсир эта олади, фундаментал илмий тадқиқотлар ривожланишига маблағ жамғара олади, таълим ривожланишига ўзининг ҳиссасини қўша олади, циклга қарши (антицикл) бошқаришни қўллай олади ва имконият даражасида, соғломлаштириш дастурини амалга оширади.

Давлат аҳоли барча қатламлари даромадларининг ўстиришга йўналтирилган, пухта ўйланган социал сиёсатни қўллаб, социал зиддиятларни юмшатади, бартараф этади ва иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини кучайтиради.

Давлат жадаллаштирилган амортизация усулини қўллаб, солиқ ставкасини тартибга солиб ва солиқ имтиёзларини қўллаб инвестицияни кўпайтиришни рағбатлантириши мумкин.

Социал иқтисодиётнинг шаклланиши шароитида давлат жуда катта маблағларни илмий-тадқиқот ишларига ва таълимга сарфлайди, иқтисодий ўсишнинг жадал суръатларини таъминлайдиган шарт-шароитлар яратади.

4.2. СОЦИАЛ ИҚТИСОДИЁТ ШАКЛЛАНИШИ ШАРОИТИДА МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Таянч иборалар

Мулк, мулкчилик субъектлари; мулкчилик объектлари; мулкчилик муносабатлари; мулкчилик шакллари; давлат тасарруфидан чиқариш; хусусийлаштириш; кўп укладли иқтисодиёт.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш социал иқтисодиёт мақсадига эришишнинг асосий воситасидир

Мулкчилик муносабатлари ва таркибини тубдан ўзгартириш социал иқтисодиёт шаклланишида муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Социал давлатнинг иқтисодий асо-

си мулк шаклларининг кўп хиллиги ҳисобланади. Бутун жамиятнинг барқарор ва стабиллиги давлат ва жамият қурилишида реал мулкдорлар синфи қандай роль ўйнашига боғлиқ бўлади. Қулай шароитни таъминламасдан ва ҳар бир инсоннинг манфаатлари реализация (амалга оширилишининг) қилинишининг ҳақиқий ҳаракат қилувчи механизмини яратмасдан, янгиланиш ва тараққиёт йўлига илгари силжиш мумкин эмас. Шунинг учун давлат бутун бозор иқтисодиёти ислохотлар давомида меҳнат унумдорлиги стимуллари яратишга, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ва рақобат муҳитини шакллантиришга қаратади.

Янгиланиш тизимида монополизмни бартараф этиш, рақобатни ривожлантириш, иқтисодиётни соғломлаштириш мақсадларини амалга оширишда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳам муҳим ўрин тутди. Давлат тасарруфидан чиқариш хўжаликни бошқаришнинг кўпгина вазифаларини давлатдан олишни, корхоналарга муносиб ваколат бериш, вертикал хўжалик алоқаларини горизонталга айлантиришни билдиради. Лекин бу давлатнинг иқтисодий соҳадан тўлиқ кетишини билдирмайди. Замонавий ишлаб чиқариш фақатгина муайян доирада самарали бўлган давлатнинг тартибга солишисиз ривожлана олмайди. Агар бу чегара бузилса, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги пасаяди. Шунинг учун ўтиш даврида социал иқтисодиёт шаклланишининг марказий муаммоси — давлат тасарруфидан чиқаришнинг оқилона усуллари амалга оширишдир.

Хусусийлаштириш — давлат мулкни жисмоний ва юридик шахслар ихтиёрига ўтказиш мулкни давлат тасарруфидан чиқариш билан чамбарчас алоқада туради. Бутун дунёда мулк объектларини тўғридан-тўғри реал мулкдорга сотиш, очиқ молия бозорида корхона акцияларини реализация қилиш каби шакллари маълум (бундай корхоналарни дастлабки акционерлашда, унинг корхона жамоаси томонидан сотиб олинишидир). Хусусийлаштиришнинг асосий мақсади — такрор ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, умуман, аниқ ифодаланган махсус иқтисодий манфаатдорлик

ва жавобгарлик асосида бюджет юкламасини камайтириш ва давлат даромадларини оширишдир.

Хусусийлаштириш жараёнини амалга ошираётган кўпгина давлатлар мулк шаклларини тубдан ўзгартиришда ўзларининг нуқтаи назарларини ишлаб чиқдилар. Асосан улар бир-бирларидан ўзаро хусусийлаштириш мақсади, бу жараён динамикаси ва амалга ошириш механизми, хусусийлаштириш жараёнида аҳолининг кенг жалб этилиши билан фарқланади. Хусусийлаштириш узоқ давом этадиган жараён ҳисобланади, масалан, ўтиш даврига хос хусусийлаштириш Японияда 10 йилга яқин, Фарбий Европада эса 10-15 йилда амалга оширилди.

Ривожланган давлатлар тажрибасига кўра, социал иқтисодиётнинг яратилиши ва унинг барқарор ишлаб туришида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида яратиладиган ўрта ва кичик корхоналарнинг катта тармоғи сезиларли даражада роль ўйнайди. Бу корхоналар биринчи навбатда йирик ва ихтисослашган корхоналар доимий равишда ишлаб чиқара олмайдиган, кундалик зарурий товарлар билан истеъмолчилик бозорини тўйинтириш ва тезкорлик билан сафарбарлик қобилиятига эгадирлар.

Масалан, Германия ва Нидерландияда экспорт қилинадиган барча саноат маҳсулотларининг қарийб 40 фоизини кичик ва ўрта корхоналар амалга оширади, Италияда 30 фоизгача, Японияда барча ишчи кучининг 80 фоиздан ортиғи кичик корхоналарда банд. Айнан, кичик ва ўрта корхоналар тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантиришнинг моддий асоси ҳисобланиб, бозор механизмининг шаклланишига бевосита ва оператив равишда муваффақиятли таъсир этади. Улар кам маблағ (капитал) талаб этадилар ва бозор конъюнктурасига тез жавоб берадилар.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кичик ва хусусий корхоналар тармоғини кенгайтириш асосий мақсад эмас. Давлат корхоналари сингари, хусусий корхоналар, жумладан кичик, ўрта ва катта корхоналар ҳам тенг даражада мавжуд бўлиш ҳуқуқига эга бўлиши

лозим. Лекин уларнинг яратилиши ва келгусида фаолият кўрсатиши, ҳар қандай шароитда асосланган ҳамда талаб ва таклиф қонунлари талабларига жавоб бериши керак.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кичик ва хусусий корхоналарни яратиш ва шунга ўхшаш чоралар рақобатли муҳитнинг шаклланишида фақатгина объектив асос яратади. Шунинг учун улар корхона аъзолари, ҳудудлар, шу жумладан ҳар бир киши фаровонлиги ўсишининг муҳим воситаси, яъни социал иқтисодиёт шаклланаётган мамлакатнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Мулкчилик хилма-хил шаклларининг ривожланиши — социал иқтисодиёт қарор топишининг муҳим шarti

Мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги, социал иқтисодиётга ўтишда ҳамда маданийлашган ва демократик ривожланган жамиятни яратишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бозорнинг юраги ҳисобланган рақобат бозор субъектларининг хилма-хиллигини талаб қилади. Мулкчиликнинг турли шакллари мавжудлиги танланган социал-иқтисодий тизим модели талаблари асосида мавжуд бўлади. Мулк шакллари ишлаб чиқариш воситалари эгалари бўлган хўжалик субъектлари билан боғлиқ.

"Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисида"ги қонунига мувофиқ мулкнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

- давлат мулки;
- хусусий мулк;
- ширкат(кооператив) мулк;
- жамоа мулки;
- аралаш мулк;
- бошқа давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари ҳамда халқаро ташкилотлар мулки.

Социал иқтисодиёт шароитида мулкчилик шакллари тизимида хусусий мулкчилик устун бўлиши эҳтимоли бор. Хусусий мулкка ўз шахсий эҳтиёжи учун маҳсулот ишлаб

чиқариш ва хизмат кўрсатишни амалга ошираётган уй хўжалиги, қонунга мувофиқ фаолият кўрсатаётган (ҳар қандай ҳажмдаги — кичик корхоналардан катта корхоналаргача), "яширин иқтисодиёт" таркибидаги нолегал (хуфийа, яширин) хусусий корхоналар (бунга товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бутун фаолиятини ҳокимиятнинг махсус рухсатисиз амалга ошираётган хусусий шахслар фаолияти киради), хусусий хўжаликнинг ҳар қандай туридан фойдаланиш ёки шахсий жамғармалар, яъни хусусий кишилар ўртасидаги квартирадан тортиб (хонани, уйни) то пул операцияларигача ижарага бериш киради.

Хусусий мулкчиликнинг тарихий аҳамияти қуйидагича шартланган:

- у ўз маъноси билан реал мустақил мулкдорни, яъни тадбиркорни яратадики, унинг улкан социал ва иқтисодий мазмуни ҳам шундадир.

- давлат сиёсий ҳокимиятига боғлиқ бўлмаган мустақил мулкчилик муносабатлари субъекти демократик жамият шаклланишининг зарурий воситасига айланади. Ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик, такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида қудратли иқтисодий стимул бўлиб хизмат қилади. Ишлаб чиқариш воситаларининг адресли тегишлилиги мулкни сақлаш ва кўпайтиришга масъулиятли ва қизиқувчан хўжалик субъектини яратади.

Ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик социал бозор иқтисодиётининг асосий белгиси, бозор муносабатлари тизимининг муҳим элементи дир. У нафақат ишлаб чиқаришнинг самарали ўсишига қизиқувчан ва масъулиятли мулк эгасини, балки бозор иқтисодиётининг ривожланишини аниқлайдиган рақобатли муҳитни ҳам шакллантиради. Хусусий мулкчилик бозор иқтисодиётини тартиблайдиган омиллардан бири ҳисобланади, унинг бош механизми эса товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат дир.

Хусусий сектор ривожланишининг асосий шарты тўлиқ эркинлик, кафолатланган дахлсиз хусусий мулк, барча мулк шакллари учун тенг имкониятларнинг мавжудлиги ҳисоб-

ланади. Шу билан биргаликда ҳозирги замонавий дунёда хўжалик фаолиятига фаол аралашмайдиган бирорта давлат йўқ. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда солиқ ёрдамида ялпи миллий маҳсулотнинг 1/3 (АҚШ, Япония)дан то 50 фоизгача (Швеция) давлат томонидан марказлаштирилади ва қайта тақсимланади. Фарб мамлакатларида асосий фондларда давлат улуши 7 фоиздан 30 фоизгача ва ундан кўпни ташкил этади.

Шунинг учун давлат мулки шакли объектив тарзда умумий мулкчилик тизимининг зарурий элементи, лекин у хусусий мулк шаклига альтернатив бўлиб ҳисобланмайди. Шундай фаолият соҳалари мавжудки, бу соҳаларда хусусий мулк давлат мулкига нисбатан самараси паст бўлиши мумкин. Одатда, бозор иқтисодиёти мамлакатларида давлат мулки барча ижтимоий организмни (таълим, соғлиқни сақлаш, фундаментал илм-фан, транспорт, алоқа) такрор ишлаб чиқаришда хизмат қилувчи бозор инфратузилмаси тармоқларини қамраб олади. Ўзбекистон Республикасининг "Табиий монополиялар тўғрисида"ги қонунига мувофиқ барча табиий ресурслар (ер, фойдали қазилмалар) давлат мулки ҳисобланади. Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг анчагина қисми шартномавий нархлар асосида давлат мулкига айланади. Давлат мулки фавқулодда вазиятларда (урушлар ва урушдан кейинги иқтисодиётни тиклашда) жуда зарур ҳисобланади ва марказий бошқарувда ресурсларнинг тўпланиши эҳтиёжи туғилганда ноёбдир.

Давлат мулкининг самарадорлиги унинг макро-тартибга солиш қобилятини амалга оширишга, умуман, жамият иқтисодий ривожланиш стратегиясини шакллантиришга, эришган юқориқроқ ютуқлар мезони бўйича миллий иқтисодиёт таркибини мувофиқлаштиришга, пировард натижада инсонга йўналтирилганлиги билан шартланган. Шу билан биргаликда давлат мулкини кенгайтиришнинг асоссиз негатив томонлари ҳам мавжуд. У, айниқса социал иқтисодиёт шаклланиши шароитида ўринсиздир. Чунки монополизмнинг кучайиши оқибатида иқтисодий ўсиш сусаяди,

рақобатнинг ҳаракатчанлиги, эгилувчанлиги ва даражаси пасаяди. Шунинг учун социал иқтисодиёт шаклланиши жа-
раёнида давлат мулкани кераклича чеклаш, корхона хўжа-
лик фаолиятига давлат томонидан аралашувини минимал
даражага етказиш зарур.

Шундай қилиб, социал иқтисодиёт шароитида давлат
мулкнинг ҳиссаси қанчани ташкил этиши керак?

Жаҳон тажрибасининг гувоҳлик беришича, барча дав-
латлар учун ҳамма даврларда давлат мулки улуши бир хил
ҳиссада мавжуд бўлмаган. У ҳар бир давлатда объектив ва
субъектив омилларнинг мажмуи билан, яъни мамлакатлар-
нинг иқтисодий ривожланиш даражаси, географик ва тари-
хий шароитлар, давлат сиёсати, мамлакатдаги рақобатли
социал-иқтисодий ҳамда сиёсий вазият ва бошқалар билан
аниқланади. Масалан, умумий қўшилган қиймат суммасида
давлат сектори корхоналарининг ҳиссаси, Финляндияда
19%, Францияда 14,2%, Португалияда 13% бўлган вақтда,
Нидерландияда 6%ни ташкил этади. Лекин, шуни қайд этиш
керакки, кўрсатилган мамлакатларда иқтисодиётнинг дав-
лат сектори хўжалик фаолиятининг турли соҳаларида фао-
лият кўрсатиб, умуман бозор қонунларига кўра ривожлан-
моқда ва бошқа мулк шакллари билан таққослаганда ҳеч
қандай имтиёзлари йўқ.

Ҳозирги замонавий бозор иқтисодиётида ҳар қандай
мулк шаклининг самарадорлиги хўжалик юритиш шакли
ва бошқарувчининг касбий малакавий даражаси билан аниқ-
ланади. Давлат мулки иқтисодий самарадорлик кўрсаткич-
лари бўйича хусусий мулкка ютқзади, чунки хусусий мулкка
нисбатан унда назоратдан манфаатдорлик камдир.

Хўжалик юритиш шакллари мулкчилик муносабатлари-
ни амалга оширишнинг аниқ шакллари кўрсатади.

Хусусий мулк индивидуал ва жамоа хўжалик юритиш
шаклларига эга бўлиши мумкин.

Ҳозирги иқтисодиётда хўжалик юритишнинг акциядор-
лик, кооператив, ўртоқлик (ширкатлар) каби шакллари
кўпроқ тарқалган.

Акциядорлик хўжалик юритиш шакли (ёки уни яна кооператив деб аташади) мукамалроқ, эгилувчан ва у йирик ижтимоий ишлаб чиқаришга мос келади. Иқтисодий адабиётларда у мулкчиликнинг жамоавий шакли сифатида кўрсатилади. Лекин, мулкчилик муносабатларида ҳар хил шахслар иштирок этганда, кооперативлар масъулияти чекланган жамият, акциядорлик жамияти ва ҳоказо бўлганда, мулкчилик шаклларига нисбатан, хўжалик юритиш шакллари тўғрисида гапириш мумкин. Кўплаб алоҳида хусусиятларга эга бўлган, юқорида қайд этилган хўжалик юритиш шакллари хусусий ўзлаштириш шакли доирасида мавжуд бўлади.

Фарб мамлакатларида хўжалик юритишнинг акциядорлик шакли асосий фондлар ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 80 фоизини қамраб олади.

Кооператив хўжалик юритиш шакли дунёнинг кўплаб давлатларида кенг тарқалган. Мавжуд маълумотларга кўра, дунёда 1 млн. кооператив ташкилотлари фаолият кўрсатади, уларнинг 120дан ортиқ кўриниш ва турлари мавжуд бўлиб, 600 млн. дан ортиқ кишини бирлаштиради. Ўз кучи ва хусусиятига кўра бозор иқтисодиёти шароитида кооператив хўжалик юритиш шакли давлат мулкига нисбатан кўпроқ имкониятга эга бўладики, бу унинг афзаллигига сабаб бўлади (меҳнатга тўлов билан корхона фаолиятининг якуний натижалари, бошқарувнинг демократик шакллари ва меҳнатга кўпроқ асосланиши).

Демак, ҳар бир мулк шакли ўзининг самаралироқ қўлланиш соҳаларига эга бўлиб, уларнинг ҳеч қайси бири идеал ёки универсал бўла олмайди.

Мулкчилик шакллари сингари, унинг элементлари ҳам доимий ривожланишда бўлади. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига кўра, мулкчилик муносабатлари турли хил шаклларни эгаллаган ҳолда ўзгаради. Лекин, ҳар қандай шароитда мулк ўзининг ҳақиқий эгаси қўлида бўлиши керак. Бу кўп ҳолларда ҳаммани ва ҳар бир кишини ишлаб чиқаришни бошқаришда жалб қилишни таъминлайди. Социал иқтисодиёт шаклла-

ниши шароитида мулкни бошқариш фақатгина халқ учун эмас, балки халқ иштирокида амалга оширилиши зарур. Меҳнаткашларнинг бошқарувда реал иштирок этиш даражаси мулк етуклигининг муҳим индикаторидир.

Ўзбекистон Республикасида хўжалик субъектларининг таркиби 15-жадвал маълумотларида тавсифланади.

15-жадвал

Ўзбекистон Республикасида мулкчилик шаклларига кўра хўжалик субъектларининг таркиби
(1 январь ҳолатига кўра, фоизда)¹

	Йиллар				
	2000	2001	2002	2003	2004
Давлат корхоналари	10,4	12,3	11,4	10,0	9,2
Нодавлат корхоналари	89,6	87,7	88,5	90,0	90,8

Жадвалдаги маълумотлар хўжалик субъектлари таркибида содир бўлган ижобий тенденцияларни тавсифлайди. Улар шуни кўрсатадики, давлат корхоналарининг ҳиссаси 2001 йилда 12,3 %дан 2004 йилгача 9,2 % пасайган, нодавлат корхоналари ва фирмалар ҳиссаси, мувофиқ равишда, 87,7%дан 90,8%га ўсган.

Ўзбекистонда мулкчилик муносабатларидаги туб ўзгаришлар хусусиятлари

Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг ўзига хос хусусияти — унинг махсус дастурлар асосида бажарилишидир. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунда аниқ кўрсатилганидек, мулк шакллариининг қайтадан ўзгартиришдаги ҳар қандай ишлар босқичма-босқич амалга оширилади ва давлат мулки фақатгина янги мулкдорга сотилгандагина у мулкнинг бошқа шаклига айланиши мумкин. Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан

¹ Ўзбекистан в цифрах. Статсборник Госкомстата. Т., 2004, с.96.

чиқариш аҳолининг кучли социал кафолатланганлигини яратиш ва таъминлашга ҳамда амалда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришнинг бошқарув таркибини камайтириш ва монополиядан чиқаришга, шунингдек рақобат муҳитини шаклланишига қаратилгандир.

Хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асосини яратиш мақсадида қонунлар ва ҳужжатлар мажмуи, яъни мулк шакллари ни аниқловчи, унинг асосий принциплари, объектлари, шакллари, амалга ошириш усуллари ва шартлари, сотиб олиш йўллари ва бошқалар акс эттирилган, шу жумладан "Мулкчилик тўғрисида"ги, "Давлат тасарруфидан чиқариш тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатланганлиги тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистонда олиб борилаётган хусусийлаштиришнинг характерли хусусияти унинг аниқ йўналтирилганлиги аҳолининг кам таъминланган қатламини социал ҳимоялашга ва тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишига қаратилган. Аниқ йўналтирилган хусусийлаштириш аҳоли барча қатламларининг унда аниқроқ ва натижалироқ қатнашиши имконини беради. У мамлакатда социал иқтисодиёт шаклланиши мазмунига тўлиқ мос келадиган, яъни жамиятнинг заиф қатлами ва камроқ социал ҳимояланган қисмига кўпроқ қулайликлар яратишга мўлжалланган. Турли қўллаб-қувватлаш дастурлари асосида, айниқса, давлат бюлжети маблағларидан молиялаштирилаётган социал адолатлилик таъминланади. Хусусийлаштириш жараёнининг дастлабки босқичида аҳолининг социал ҳимояси бўйича ногирон ва ҳомиладорларни ишдан бўшатишни вақтинчалик чеклаш, халқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқариш бўйича корхоналар ихтисосини сақлаш, минимал даражадан кам бўлмаган иш ҳақини тўлашни таъминлаш кабиларни ўз ичига олган комплекс чоралар кўриб чиқилган. Аниқ йўналтирилган хусусийлаштириш дастурида, бундан ташқари, бюджет ташкилотлари ходимларига (ўқитувчи, илм-фан, маданият, соғлиқни сақлаш ходимлари ва бошқаларга) бепул уй-жой берилиши ҳам кўзланган эди. Шунингдек, бу дастурда меҳнат жамоа-

лари учун имтиёзлар, масалан, акция пакети имтиёзлари, барча юқори даражадаги эскириши билан асосий фондларни бепул олиш, корхоналарда мавжуд социал инфратузилма объектларидан бепул фойдаланиш, маблағлар ҳажмида мол-мулкни сотиб олишда қийматига чегирмалар, корхонанинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондидан асосий фондларни олишга сарфланган, ер участкаси, савдо ва хизмат кўрсатиш объекти сифати сотилганда мулк эгаларининг мулкӣ ҳуқуқлари белгиланган.

Бу даврда, яъни Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар бошла-нишининг дастлабки йилларида қарийб 130 минг ҳуқуқий шахс мулкчилик шаклларини ва ҳўжалик юритиш усулини ўзгартирди. 1992—1993 йиллар давомида давлат мулкнинг 70% объектлари хусусийлаштирилган ва давлат тасарруфидан чиқарилган эди. Кейинчалик унинг сони камая бошлади: 1994—1995 йилларда 24%гача, 1996—1998 йилларда — 5%, 1999—2000 йилларда 1%ни ташкил этди. 2003—2004 йилларда 1228 корхона ва ишлаб чиқариш ҳамда социал инфратузилма объектлари хусусийлаштирилди. 2004 йилда давлат корхоналари ва объектлари базасида 28 та акци-ядорлик жамияти, 162 та масўулияти чекланган жамиятлар ва 1038 та хусусий корхоналар яратилди (3-жадвал).

Умуман, давлат мол-мулки базасида 3685 акционерлик жамиятлари, 2966та жамоа, 13544 кичик хусусий ва 497та қўшма корхоналар яратилди. Хусусий мулкка кўчмас мулкнинг 39 мингдан ортиқ объектлари сотилган, нодавлат секторининг иқтисодиётдаги улуши 2003 йилда 90,8% етди.

Социал иқтисодиётнинг шаклланиши келажакда объектив тарзда хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштиришни кўзлайди. Бунинг учун қуйидагилар зарур:

- корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш;
- хусусийлаштириш усуллари ва методларининг захира-сини кенгайтириш;
- иқтисодиёт самарадорлигини ошириш учун тадбиркорликни фаол қўллаб-қувватлаш;
- аҳолини акционерлаштириш жараёнига ва фондлар бозорининг келгусидаги ривожланишига кенг жалб қилишни таъминлаш.

Давлат корхоналарини хусусийлаштиришнинг
асосий кўрсаткичлари ¹

Кўрсаткичлар номлари	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004
Хусусийлаштирилган корхоналар сони (та)	8537	1915	1231	451	448	374	1449	1912	1519	1228
Мол-мулкни хусусийлаштириш базасида ташкил этилган нодавлат мулки корхоналари сони	8537	1915	899	266	373	372	1238	1800	1452	1228
Акционерлик жамиятлари	1026	1257	456	110	141	152	227	223	75	28
Хусусий корхоналар	6036	420	260	103	156	103	827	1252	396	162
Бошқа ташкилий шаклдаги корхоналар	1475	238	183	53	76	117	184	325	981	1038
Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар	2,4	5,3	4,4	8,9	9,1	14,3	23,2	43,6	56,1	78,4

4.3. ХУСУСИЙ БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

**Таянч
иборалар**

Тадбиркорлик; кичик бизнес; тадбиркорлик фаолияти; тадбиркор; тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари.

Социал ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳамиятининг ошиши

Социал иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик социал ривожланишнинг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун иқтисодий асосларни яратишнинг ҳал қилувчи омили ҳисобланади.

Улар бозор талабларига энг кўп эгилувчанлик ва мослашганликка эга бўлган ҳолда, аҳоли турмуш тарзи ва шарт-шароитига янгилик киритувчи, бош йўлни кўрсатувчи бўлиб чиқади. Тадбиркор ўз фирмасида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим омили бўлган фан-технологиянинг янги ютуқларидан максимал фойдаланишга ҳаракат қилади. Бу пировард натижада барқарор иқтисодий ўсишни ва умуман, мамлакатда ҳаёт сифатини оширишни таъминлашга олиб келади. Бундан ташқари, тадбиркорликнинг устунлиги шундаки, улар кам маблағ сарфлаб янги иш ўринларини яратади, ўз ишлаб чиқариши ривожланишига инвестициялар ажратади. Шунинг учун у бозорни товар ва хизматлар билан тўйинтиришнинг, солиқлар тушишининг ва аҳоли даромадларининг ошишининг муҳим манбаи ҳисобланади.

Корхона фойдасининг манбаи фақатгина ишлаб чиқариш ва муомала харажатларини тежаш бўлмай, балки ишлаб чиқарган маҳсулот турларини алмаштириш ва ассортиментни доимо янгилаш ҳисобланади. Маҳсулот ишлаб чиқаришни доимо янгилашга асосланган "инвестицион сиёсат"ни амалга оширмай, тадбиркорлар ўз вақтида бозор конъюнктурасига жавоб бера олмайдилар. Инновацион сиёсатни му-

ваффақиятли амалга ошираётган ҳозирги корхоналар, инновацион механизмга аҳамият берадиган, бозорда талабни яратиш, унинг шаклланиши ташаббусини қамраб олишга, аввало, янги товар ва хизматларга кўплаб харидорларни жалб қилиб олишга, имкон берадиган маркетинг назариясига асосланади. Кичик корхоналар бевосита истеъмолчи талабидаги ўзгаришларга тез жавоб бера олади, ўз фаолияти ихтисосини иқтисодий конъюнктура тебранишига мувофиқ тезда ва нисбатан осон ўзгартира олади. Улар фаолиятини ташкил этиш учун кам маблағ талаб қилинади. Шу куч эвазига уларнинг фаолият самарадорлиги ошади ва улар бутун иқтисодиёт самарадорлигини кўпроқ оширади.

Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг социал аҳамияти иқтисодий аҳамиятига нисбатан кам эмас.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кўпгина аҳолининг даромад манбаи ва меҳнатни таклиф этадиган соҳадир. Бу юқори малакага ва етарли тажрибага эга бўлмаган, ихчам иш кунини хоҳлайдиган кўпгина меҳнат ресурсларининг асосий массасини сингдирувчи, меҳнат бозорининг энг эгилувчан қисмидир. Фақатгина бу ерда аҳолининг социал заиф қатлами: аёллар, ёшлар, биринчи марта иш қидираётган ёшлар, юқори даражада билим ва меҳнат тажрибасига эга бўлмаганлар тезда иш топа оладилар.

Кичик бизнес бандликнинг кенгайишига ва аҳоли даромадларининг ўсиши учун шароит яратади, жамият қатламлари ўртасидаги бўлиши мумкин бўлган зиддиятларнинг ўткир томонларини силлиқлаб, махсус социал муҳитни шакллантиради. У рақобатнинг ривожланишига етарли даражада таъсир этади, демак бу товар ва хизматларга рақобатли нархнинг шаклланишига олиб келади, бундан эса, умуман жамият ва истеъмолчилар ютади.

Кичик бизнес аҳолининг ишбилармонлик ва тадбиркорлик кўникмасини самарали ривожлантириш воситаси бўлиб, унинг бозор муносабатларига мослашиш даражасини оширишга хизмат қилади. У фуқароларга нафақат ўзларининг иш кучлари эгалик қилишига, балки мол-мулк,

жумладан ишлаб чиқариш воситаларига ҳам эгалик қилиш имконини беради, демократия ва социал барқарорликка манфаатдор бўлган ҳамда жамиятнинг прогрессив ривожланишини таъминлашга қодир бўлган, социал қатлам — ўрта синф шаклланиши учун асос яратади.

Кичик бизнес миллий фаровонлик ўсишининг муҳим омили ҳисобланади, чунки айнан у, нафақат шу соҳада банд бўлган кўпгина кишиларнинг асосий даромади, балки улар оила аъзоларининг ҳам даромад манбаи ҳисобланади.

Бундан ташқари, кичик тадбиркорлик инсонга бир бутун яхлитликда, яъни иш ва шахсий ҳаёт, ўз истеъдодини намоён этиш, имконият ва қобилиятларини бирлаштириш имконини беради.

Кичик бизнеснинг юқори потенциаллиги социал иқтисодиёт шаклланаётган мамлакатларда, унинг ривожланишига жиддий эътибор қаратишни талаб этади.

Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асоси — Конституция амал қилишини тартибга солувчи қонуний-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими ҳисобланади. Авваламбор, бу, барча хўжалик субъектларига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишнинг мустақкам ҳуқуқини берувчи меъёрлар акс эттирилган Ўзбекистон Республикаси Қонунларидир. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида "давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги" қайд этилган. Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи бошқа муҳим ҳужжат — "Фуқаролик кодекси" ҳисобланади. Унда меъёрнинг кўп қисми бошқа хўжалик субъектлари қатори тадбиркорлар ҳам иштирок этадиган иқтисодий муносабатларни тартибга солади.

1991 йилда Ўзбекистонда қабул қилинган "Тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонунда тадбиркорлик моҳияти, унинг субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шакллари, тад-

биркорлик фаолиятини тартибга солувчи умумий асослар ҳамда улар ҳуқуқ ва манфаатларининг давлат томонидан кафолатланиши битилган.

2002 йилда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тадбиркорлар имкониятларини маълум даражада кенгайтирди. Бу Қонунда тадбиркорлик субъектнинг кичик ва ўрта бизнесга тааллуқлилигига оид мезонлар келтирилган, якка тадбиркорликка таъриф берилган, тадбиркорларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқланган.

Бошқа қонунлардан фарқли ўлароқ, бу ҳужжатда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари маълум даражада кенгайтирилган ва давлат идоралари масъул шахсларининг жавобгарлиги оширилган. Масъул шахслар тадбиркорларнинг нафақат моддий зарарини, балки қайд этишда рад этилган ёки унинг муддатлари бузилишига сабаб бўлган ҳолларда, маънавий зарарни ҳам қоплашлари керак. Қонунда кичик бизнесга солиқ солиш ва улар ҳисоботининг тақдим этилиши шароитлари белгиланган.

Бу қонунда тадбиркорларнинг олинган фойда ва пул маблағларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, тасарруф этиш, шунингдек миллийлаштиришдан, мусодара қилишдан ва мол-мулкни мажбурий равишда давлат ихтиёрига ўтказишдан кафолатлаш кўриб чиқилган. Тадбиркорлар учун бу ҳуқуқ муҳим аҳамиятга эга, чунки мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш, сақлаш ва кўпайтириш — улар фаолиятининг асосий рағбатлантирувчи омили бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда кичик бизнеснинг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари

Ўзбекистонда кичик бизнес якка тадбиркорлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар шаклида намоён бўлади.

Якка тадбиркорлик кичик бизнеснинг энг кўп тарқалган турларидан биридир. 2003 йилда Ўзбекистонда якка тадбиркорларнинг сони 3,5 млн. дан ортиқ кишини ташкил

этди. Улар асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш ва ҳунармандчилик соҳаларида банд.

2004 йилда республикада қарийб 283,9 кичик бизнес корхоналари фаолият кўрсатди, уларда микрофирмалар ҳиссаси — 79,8%, кичик корхоналар эса — 10,3% тўғри келади. 2004 йилда республиканинг ҳар 1000 аҳолисига 11та кичик бизнес корхонаси тўғри келади. Ўзбекистонда қайд этилган корхоналар умумий сонида кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳиссаси 90%ни ташкил этади.

Ўзбекистонда кичик бизнеснинг ривожланиш хусусияти шундаки, кейинги йилларда у қишлоқ хўжалиги соҳасида ривожланди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг асосий қисмини деҳқон, фермер хўжаликлари ташкил этади. Фермер хўжаликлари сони тез ўсмоқда. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, кичик бизнеснинг 1999 йилда ўсиш даражаси 11,8%ни, 2000 йилда қарийб 40%ни, 2003 йилда эса 15%ни ташкил этди.

Фермерлик фаолиятининг ривожланишига иқтисодий ночор ширкатларга барҳам бериш ва уларнинг ерларини фермер хўжаликлари ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги ҳукумат қарори ёрдам берди.

Кичик бизнес корхоналари сонининг мунтазам ошиши, шунингдек, транспорт, алоқа, соғлиқни сақлаш ва бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида ҳам қайд этилди.

2003 йилда ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнеснинг салмоғи 35%ни ташкил этди. Кичик бизнесда маҳсулот ҳажми, жумладан, яқка тадбиркорликда уларнинг ҳиссаси: саноатда — 14,1%, қурилишда — 41,3%, қишлоқ хўжалигида — 76,4%, савдо-сотиқда — 43,8%, хизмат кўрсатиш соҳасида — 41,3%га эришди. Кичик корхоналарнинг маълум ҳиссаси умумий овқатланиш ва савдо соҳаларига тўғри келади.

Ўзбекистонда кичик бизнес истеъмол бозорини товар ва хизматлар билан тўлдиришда муҳим роль ўйнайди. 2003 йилда барча истеъмол товарларининг 9% дан ортиғини кичик бизнес корхоналари ишлаб чиқарган. Бу нон ва нон маҳсулотлари, гуруч, кондитерлик, макарон ва колбаса маҳсулотлари, ҳайвонот ёғи, сут ва балиқ маҳсулотлари,

пишлоқлар, мева-сабзавот консервалари ва бошқалар. Кичик бизнес сонини кўпайтириш, арзон баҳоларда ва етарли даражада, юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш бундай товарлар импортининг қисқаришига имкон беради. Сўнгги йилларда мамлакатда озиқ-овқат товарлари импорти маълум даражада қисқарди. Лекин, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик корхоналар улуши ҳали ҳам кам, паст даражада ва Республикада озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш 5%нигина ташкил этади.

Кичик бизнес аста-секин ташқи иқтисодий фаолият соҳасида жонлана бошлади. Умумий экспортда унинг улуши 2000 йилда 1,8 марта ошди ва 29,4% ни ташкил этди.

Шу билан биргаликда, Ўзбекистонда ҳали кичик бизнес ривожланишига тўсқинлик қилувчи қатор сабаблар борлигини қайд этиш лозим:

- кичик бизнес инфратузилмасининг ривожланмаганлиги, фискал ва кредит сиёсатининг ҳаддан ташқари қаттиқлиги, кичик бизнес корхоналарининг қисқаришига олиб келмоқда;

- аҳолининг сотиб олиш қобилиятининг пастлиги натижасида кичик корхоналар маҳсулотларига талабнинг камлиги ва ички бозорнинг чекланганлиги;

- ишлаб чиқариш омиллари ва товарлар ҳаракати йўллари монополизациясида ифодаланган кичик бизнеснинг манфаатларини чеклаш;

- тадбиркорлар ва давлат идоралари ўртасидаги мавжуд муаммолар (ҳаддан ташқари назорат, бюрократлик, расмиятчилик ва бошқалар);

- ишбилармонларнинг ва кичик бизнес ходимларининг етарли даражада касбий тайёргарлиги ва билим даражасининг йўқлиги.

Бу сабабларни бартараф этиш ва кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш қуйидагиларга имкон беради:

- бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш;

- кичик бизнес инфратузилмасини ривожлантириш;
- экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун корхоналар фаолиятини рағбатлантириш;
- тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилишни таъминловчи меъёрий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ва улар фаолиятидаги бюрократик тўсиқларни чеклаш;
- чет эл тажрибасидан фойдаланиш асосида самарали кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш.

Такрорлаш учун саволлар

1. "Барқарор иқтисодий ривожланиш" иборасини қандай тушунасан?
2. Барқарор иқтисодий ривожланиш қандай омиллар таъсирига боғлиқ?
3. Иқтисодий ўсишнинг асосий кўрсаткичларини сананг ва тавсифланг.
4. Ўзбекистоннинг ҳозирги даврдаги иқтисодий ҳолатини тавсифланг.
5. Миллий иқтисодиёт ривожланишининг истиқболларини чизинг.
6. Барқарор иқтисодий ўсиш жараёнига ўтишни бошқаришда давлатнинг роли қандай?
7. Нима учун ҳар қандай иқтисодий ривожланиш босқичида мулкчилик муносабатлари таҳлили муҳим бўлиб қолади?
8. Кўп укладли иқтисодиёт деганда нимани тушунасан?
9. Мулкчилик шаклларини сананг ва тавсифланг.
10. Давлат тасарруфидан чиқаришнинг хусусийлаштиришдан фарқи нимада?
11. Ўзбекистонда хусусийлаштиришни амалга оширишда қандай асосланган ёндашувлар мавжуд?
12. Тадбиркорлик, тадбиркорлик фаолияти, кичик бизнес тушунчаларига таъриф беринг.
13. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти ривожланиши қандай хусусиятларга эга?
14. Хусусий бизнес ва тадбиркорлик қандай иқтисодий ва социал аҳамиятга эга?
15. Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривожланишига ёрдам берадиган қандай қонуларни биласиз?
16. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик қандай тенденция асосида ривожланмоқда?

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ СОЦИАЛ ОМИЛЛАРИ

Ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ва иқтисодий ўсишга катта таъсир кўрсатувчи социал омиллар қаторига даромадларнинг кўпайиши, меҳнат шароитининг яхшиланиши, меҳнат фаоллигининг кўтарилиши, иш берувчилар ва ёлланма ишчилар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг ривожланиши, чекланган табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, самарали социал сиёсат, социал адолат тамойилларининг ўрнатилиши ва шу кабилар киради. Давлатнинг бойиши, иқтисодий ўсишнинг юқори даражада бўлиши барча ушбу омиллардан комплекс фойдаланиш асосидагина мумкин бўлади. Бунда шуни ҳисобга олиш лозимки, ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб иқтисодий ўсишнинг суръати ва самарадорлиги тобора кўпроқ ходимнинг етуклигига, унинг доимий ўсиб боровчи эҳтиёжлари ва харажатлари социал капиталнинг жамғарилиши даражаси билан белгиланмоқда. Бу жиҳатдан бозор иқтисодиёти, унда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик ва рақобат туфайли, кўп мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, ҳар бир индивид ва жамиятнинг тобора ўсиб боровчи ва сифат жиҳатидан янгилашиб турувчи ҳаётий эҳтиёжларини тўла қондириш учун ғоятда қулай шароитларни яратиши мумкин. Шу муносабат билан, социал иқтисодиётнинг шаклланиши шароитларида, социал соҳа трансформацияси (ўзгариб бориши) ва иқтисодий ўсишнинг социал механизми шаклланиши алоҳида аҳамият касб этади, биринчи даражали муҳим вазифага айланади.

5.1. СОЦИАЛ-МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Таянч иборалар

Социал ва меҳнат муносабатлари; чуқур социал ўзгаришлар; ёлланма ишчилар; иш берувчилар; меҳнат бозори; иш кучининг сифати; социал ва меҳнат соҳасидаги туб ўзгаришлар; социал соҳанинг ўзгариши; иш кучининг баҳоси; иш ҳақи; инсон омили; кўчиш жараёнлари; ўзгариш тамойиллари; меҳнат фаоллиги; социал механизм; қўшилган ҳисса ва даромад ўртасидаги тенглик; тадбиркорлик даромади; социал соҳадаги хусусийлаштириш.

Иқтисодиётни ва бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши ҳамда социал йўналтирилган бозор иқтисодиётига аста-секин, босқичма-босқич ўтиш социал соҳада жиддий ўзгаришлар зарурлигини тақозо этади. Социал соҳани ўзгартиришнинг тадрижий механизми умуман ва меҳнат соҳасида жумладан, шу билан боғлиқки, янги иқтисодий тартибларга ўтиш жараёни одамлар ҳаёт фаолиятининг ички ва ташқи шароитларини кескин ўзгартиради, социал ва меҳнат муносабатлари соҳасида ҳам шунга ўхшаш ўзгариш ва силжишлар бўлишини талаб этади. Бу жараёнлар одамларнинг хулқ-атворида янги усулларнинг пайдо бўлишини рағбатлантиради, улар кўпинча анъанавий, бироқ кам самарали бўлган амалиётга зид келади. Ҳаёт кўрсатдики, одамларни юқори унумли меҳнатга ва социал фаолликка тортишнинг марказлашган-режали иқтисодиёт шароитларига мослашган анъанавий усуллари, кўп ҳолларда кам самарали бўлиб чиқди ва шунинг учун бозор иқтисодиёти шароитларига яроқсиздир. Бу ҳолат социал ва меҳнат соҳасини ислоҳ қилувчиларни янги, кўпроқ самарали ва шубҳасиз бозор шароитларига мос бўлган социал ривожланиш шакллари ва усулларини излашга йўналтирди. Маълум бир вақт давомида социал ва меҳнат муносабатларининг эски ва янги тизимлари ўзаро аралашиб қолди ва вақт мувозанати ҳолатида бўлди, бир-бири билан биргаликда ва рақобатчилик

шароитида яшади. Ушбу рақобатчилик кураши ҳамда социал ва меҳнат муносабатларининг аста-секин ўзгариб бориши жараёнида янги, кўпроқ мақбул социал жараёнлар ва ҳодисалар устунлик қила бошлаб, аввалги, эскирган, шунингдек янги шароитларга яроқсиз бўлган ҳаёт фаолияти шакллари ва усулларини аста-секин сиқиб чиқара бошлади. Ўзбекистонда, барча бошқа МДХ республикаларидаги каби, иқтисодий ислоҳ қилиш ва чуқур социал ўзгартиришларни амалга оширишда дастлабки йиллардаёқ фуқароларнинг янги иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлари эълон қилинган бўлиб, уларнинг кўпчилиги вужудга келадиган янги муассасавий тизимнинг таркибий қисми ва бозор социал-иқтисодий таркибининг ажралмас белгиси бўлиб қолди.

Аввало, меҳнатнинг барча учун мажбурийлиги қонундан ташқари деб эълон қилинди ва конституцион асосда меҳнат қилиш ҳуқуқи ҳамда меҳнат фаолияти турини таълашда тўла эркинлик берилди. Тадбиркор ва ташаббускор кишиларда, қонуний асосда, ўз ишини ташкил этиш ва уни ўз фойдасига, ўз хавф-хатари ва ўз таваккалчилиги асосида юритиш имконияти пайдо бўлди. Ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик ҳуқуқи вужудга келди. Ҳозирдаёқ, иқтисодий ислоҳ қилиш ва бозор муносабатларига ўтиш бошлангандан буён унча узоқ бўлмаган тарихий даврда, Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик ва хусусий бизнес иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи омилига айланди. 2003 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 74,5 % иқтисодийнинг нодавлат секторида яратилди, бунинг 39,1 % хусусий корхоналар улушига тўғри келади (10-жадвал). Нодавлат секторнинг улуши қишлоқ хўжалигида айниқса катта — 99,2 %, чакана савдода — 98,6 %, қурилишда — 88,7 % ни ташкил этди. Иқтисодийнинг кўплаб соҳалари ва тармоқларида хусусий сектор асосий ўринни эгаллаб бормоқда. Фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳиссасига қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 77,3 % тўғри келади, чакана савдо айланмасининг 86,2 % хусусий корхоналар томонидан амалга оширилмоқда. Хусусий сектор социал вазифаларни ҳал этишда, янги

иш ўринлари яратиш ва меҳнатга қобилиятли аҳолининг бандлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги вақтда иқтисодиётда банд бўлганларнинг ярмидан кўпроғи (53,7%) хусусий корхоналарда ишлайди. Хусусий мулк шаклидаги корхоналар улуши кичик корхоналар ва микрофирмалар умумий сонининг 77,6 % ини ташкил этади. Хусусий секторнинг улуши айниқса қишлоқ хўжалигида юкори — 97,7 % (фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг умумий сонига нисбатан), савдода — 81,1 %, қурилишда — 65,3 %, саноатда — 65,2 %.

17-жадвал

2003 йилда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида давлат ва нодавлат секторларининг ўзаро нисбати (% да)¹

Кўрсаткичлар	Жами	Шундан		
		Давлат сектори	Нодавлат сектори	
			Жами	Шу жумл., Хусусий
1. Ялпи ички маҳсулот	100,0	25,5	74,5	39,1
2. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш	100,0	20,1	79,9	4,5
3. Қишлоқ хўжалиги ялли маҳсулоти	100,0	0,8	99,2	90,1
4. Қурилиш ишлари	100,0	11,3	88,7	41,6
5. Чакана савдо айланмаси	100,0	1,4	98,6	86,2
6. Аҳолига пуллик хизматлар	100,0	30,7	69,3	37,5
7. Иқтисодиётда банд аҳоли сони	100,0	23,2	76,8	53,7
8. Уй-жойлар қурилиши	100,0	0,9	99,1	97,6
9. Асосий капиталдаги сармоялар	100,0	38,4	61,6	11,2

Тадбиркорлик таркибларининг ташқи иқтисодий фаолияти ҳам юқори даражаларда ривожланмоқда. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ташқи савдо айланмаси 2002 йилда 725,1 млн. АҚШ долларига ёки мамлакат ташқи савдо айланмаси умумий ҳажмининг 12,7 % ига етди. Шу та-

¹ Ўзбекистан в цифрах. 2003 г. Статсборник. Госкомстат РУз. Т., 2004, с. 27, 46, 138, 140, 146, 168.

риқа, иқтисодий ислоҳотлар ва бозор муносабатларига ўтин давомида иқтисодиётдаги давлат монополиясига барҳам берилди (шу жумладан, ташқи иқтисодий фаолиятда ҳам). Тадбиркорлик эркинлиги ва иқтисодий мустақиллик шароитларида товар ишлаб чиқарувчилар фаолият соҳаси, ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулотнинг нархи, ривожланишнинг йўли ва усуллари, ходимлар сони ва унинг таркиби, ходимларнинг иш ҳақи миқдори ва хўжалик фаолиятининг бошқа муҳим кўрсаткичларини мустақил ҳал этадиган бўлдилар. Бозор муносабатларининг ривожланиши ва ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчиликнинг ривожланиб бориши билан ёлланма ишчилар ўзига хос бўлган товар, яъни "иш кучи"ни сотувчилар ва ушбу товарни сотиб олувчилар — ишлаб чиқариш воситалари эгалари ўртасида меҳнат соҳасида янгича муносабатлар вужудга келди ва ривожланиб бормоқда. Бундан ташқари, бир вақтнинг ўзида бошқа жойда ўриндошлик асосида ишлаш учун асосий иш жойидан махсус рухсатномага зарурият йўқолди. Тадбиркорлик фаолиятидан, асосий капиталдан фойдаланишдан келадиган даромадлар аҳолининг катта қисмининг турмуш сифатини яхшилашнинг муҳим омилига айланди. Статистик маълумотларга кўра, тадбиркорлик фаолиятидан тушадиган даромадлар (мулкдан келадиган даромадлар ва бошқа даромадлар билан бирга) 2003 йилда 2078,8 млрд. сўмга етди ва аҳоли пул даромадларининг умумий миқдорида 32 % ни ташкил этди.¹ Чет элларга чиқиш, шу жумладан ишлашга бориш енгиллашди, бунинг натижасида республиканинг кўпчилик аҳолиси халқаро меҳнат бозорининг субъектлари сифатида чиқишнинг реал имкониятига эга бўлдилар.

Социал ва меҳнат соҳасидаги ўзгаришлар жараёнига бозор иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми сифатидаги меҳнат бозорининг вужудга келиши ва ривожланиб бориши ҳолатда жиддий таъсир кўрсатади.

¹ Ўзбекистан в цифрах. 2003 г. Статсборник. Госкомстат РУз. Т., 2004, с. 48.

Меҳнат бозорининг ривожланиши ва ёлланма ишчилар ҳамда тадбиркорлар ўртасида бозор муносабатларининг йўлга қўйилиши билан мамлакат иқтисодиёти ва меҳнат ресурсларининг самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи чуқур сифат ўзгаришлари юз бермоқда.

Бир томондан, иш кучининг сифати, ходимнинг меҳнати натижаларига талаблар ошмоқда. Шахсий истеъмол фондининг тақсимланиши ва иш ҳақи тўлашда ходимнинг билим ва қобилияти, меҳнатнинг миқдор ва сифат натижалари бош мезон бўлиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, ходимнинг меҳнатга, унинг натижаларига муносабатининг ўзгаришига олиб келмоқда. Аста-секин, босқичма-босқич, бироқ қатъий равишда тенгчилик, лоқайдлик ва меҳнатга масъулиятсиз муносабат, меҳнат натижаларига қизиқмаслик, меҳнат интизомини доимий бузишлар, яъни ўтмишда ишлаб чиқаришга катта зарар етказган, ишловчиларнинг даромади ва турмуш даражасини пасайтирган барча салбий ҳолатларнинг оғир оқибатлари бартараф этилмоқда. Бозор, қонуний равишда, ишда юзаки иштирокчи учун, асоссиз бўш қолиш ва ишга келмаслик, техника ва ресурслардан самарасиз, ноўрин фойдаланган, меҳнат ва маҳсулотнинг сифати пастлиги учун ходим олдига катта талабларини қўймоқда.

Бошқа томондан эса ходимлар ҳам, ўз иш кучининг эгаси сифатида, иш берувчиларга анча юқори талабларни билдирмоқда, мулкчилик шаклларида қатъи назар, ўз ҳиссасини баҳолашнинг ва унга мос равишда ҳақ тўлашнинг объективлигини оширишни талаб этишмоқда. Социал ва меҳнат соҳасидаги туб ўзгаришлар жараёнини баҳолаган ҳолда, мантиқий тахмин қилишимиз мумкинки, яқин келажакда замонавий меҳнат бозорининг шаклланиши қонуний равишда иш кучининг ҳақиқий баҳоси ўрнатилишига олиб келади, бу эса шубҳасиз, ўтмишдаги, режали иқтисодиёт шароитларидагидан, ёки бугундаги — социал иқтисодиётга ўтиш шароитларидагидан анча юқори бўлиши лозим. Келажакда иш кучи баҳосининг ўсишига, ушбу муҳим социал-иқтисодий вазифани муваффақиятли ҳал

этиш учун қулай шароитларни яратиб берувчи, мамлакатнинг иқтисодий ўсиши билан биргаликда, республика меҳнат ресурсларининг халқаро меҳнат бозорига фаол жалб этилиши ҳам салмоқли таъсир кўрсатади. Чет эллардан иш ва юқорироқ иш ҳақи топиш учун иш кучининг миграцияси кучаймоқда. Иш кучи баҳосининг ошиб бориши билан меҳнат жараёнларини ва барча жойда меҳнатни тежашни оқилона ташкил этиш йўлларини излаш зарурати ўсиб боради. Ҳозиргидан кўра анча қатъий тарзда, янги технологиялар жорий этилади, илмий-техника тараққиётига ҳақиқий интилиш пайдо бўлади.

Шу тариқа, социал ва меҳнат муносабатларининг ўзгариб бориши социал-иқтисодий тараққиётнинг жадаллашувига, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишида инсон омили ролининг ошишига, қайта ишлаб чиқариш жараёни иштирокчилари манфаатларининг яхшироқ бирлашувига, ресурслар ҳар хил турларининг оқилона фойдаланилишига ёрдамлашади. Ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигининг ўсиши ва унинг асосида умумий ва жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулотнинг жиддий кўпайиши, ўз навбатида, социал вазифаларни янада самаралироқ ҳал этиш учун янги имкониятларни яратади.

Ҳўжалик юритишнинг бозор тизимига мувофиқ келувчи социал муносабатларнинг ўзгариши ва шаклланиши, энг камида 5 та муҳим тамойиллар бўйича юз бериши мумкин.

1. Чекланган давлат ресурсларини аҳолининг энг муҳтож ва социал заиф қатламлари орасида самарали тақсимлаш. Бу ёрдам кўрсатишдаги барчани қамраб олувчи, табақалаштирилмаган тизимдан мақсадли ижтимоий ҳимоялаш чораларига ўтишни англатади.

2. Социал муаммоларни ҳал этишда ноҳукумат ташкилотлари ролининг ошиб бориши. Ҳозирдаёқ Ўзбекистонда кўплаб ноҳукумат ташкилотлари социал муаммоларни ҳал этиш ва социал хизматлар кўрсатиш билан шуғулланмоқда.

3. Социал муаммоларни ҳал этишда бизнеснинг, айниқса, йирик бизнеснинг ролини ошириш.

4. Социал соҳани хусусийлаштириш. Социал хизматлар соҳасидаги тadbиркорлик фаолиятининг ривожланиши.

5. Боқимандаликни бартараф этиш ва ҳар бир фуқароннинг ўз иқтисодий ва социал фаровонлиги учун шахсий масъулиятининг ошиб бориши.

Такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий ўсиш ва социал ривожланиш ўртасида қандай боғлиқлик бор?
2. Социал соҳани ислоҳ қилиш зарурияти нима билан тақозоланади?
3. Бозор муносабатларига ўтиш билан социал-меҳнат муносабатлари соҳасида қандай ўзгаришлар юз берди?
4. Янги социал муносабатлар иш кучи сифатига қандай таъсир этади?
5. Бозор муносабатлари иш ҳақи миқдорига қандай таъсир кўрсатади?
6. Социал муносабатларни ўзгартиришнинг тамойилларини айтинг.

5.2. СОЦИАЛ-МЕҲНАТ ФАОЛЛИГИ — ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛИ

Таянч иборалар


Социал ва меҳнат фаоллиги; хулқ-атворнинг янги асослари; шахснинг эркинлашуви; тadbиркорлик; меҳнат ҳиссаси; иш ҳақи; меҳнатнинг асосланиши; шахснинг ҳар томонлама камол топиши; миграция; турмушнинг социал шароитлари; турмушнинг иқтисодий шароитлари; меҳнат жараёни; меҳнат фаолияти; меҳнат сарфи; тақсимот; меҳнат натижалари; ходимнинг касбий сифатлари; иқтисодий ўсиш; арзон иш кучи.

Иқтисодий ривожланишнинг социал омиллари тизимида ўта муҳим аҳамият социал ва меҳнат фаоллигига тегишлидир. У энг умумий кўринишда иқтисодиётда банд бўлганларнинг барчасини кундалик ҳаёт фаолиятининг муҳим қисми сифатида намоён бўлиб, қуйидаги фойдали машғу-

лотлар турларидан иборатдир: моддий ва маънавий бойликлар яратиш бўйича (ёлланиб ёки ўзи учун) ишлаш; ўқиниш, социал-сиёсий фаолият (жамоатчилик иши, норасмий бирлашмаларда иштирок этиш, оммабоп чиқишлар, қишлоқ хўжалик ишларида қатнашиши ва б.); спорт ва туризм, дам олиш (ҳаваскорлик, ижодиёт, газета, журнал, адабиётлар ўқиш ва б.).

Тушунарлики, маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти шароитларида аҳолининг меҳнат фаоллиги бошқача омиллар билан белгиланади. Бироқ, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва бозор муносабатларининг шаклланиши билан шахснинг янгича хулқ-атвор ва фаоллашуви сабаблари вужудга келади ва ривожланиб боради. Аввало, бозор шароитларида социал ва меҳнат жараёнлари ўртасидаги алоқадорлик кучаяди, социал омилларнинг (шахснинг эркинлашуви, даромадларнинг социаллашуви, меҳнат шароитларининг яхшиланиши, даромаднинг қўшган ҳиссага боғлиқлигининг кучайиши ва б.) шахснинг шаклланиши ва ривожланишидаги роли ошади.

Шундай бўлса-да, янгича иқтисодий шароитларда аҳоли социал-сиёсий фаоллигининг бу ва бошқа жиҳатлари бўйича илмий тадқиқотлар ҳали кам ва бу масалаларнинг кўпчилиги ҳозирча биз учун муаммоли бўлиб қолмоқда. Шунинг учун чуқур илмий йўналишлар, тажрибавий маълумотлар тўплаш ва таҳлил этиш усуллариининг ишлаб чиқилиши социал иқтисодиёт шаклланиши шароитида аҳолининг социал ва меҳнат фаоллигини ўрганишда, янада ривожланишининг йўналишлари ва қонуниятларини белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир. Янги иқтисодий шароитларда бу рақобат ва эркин тадбиркорлик фаолияти афзалликларини фан ва техника ютуқлари билан бирлаштиришга имкон беради, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини жиддий оширишга, меҳнат шароитлари ва кишилар моддий фаровонлигининг яхшиланишига, ходимларнинг интеллектуал қобилиятлари ва касбий сифатлари ривожланишига ёрдамлашади. Социал ишлаб чиқаришда со-



7-чи зма. Иқтисодда банд бўлганларнинг социал-мехнат фаоллиги

циал ва меҳнат фаоллиги иккиёқлама вазифани бажаради: бир томондан у меҳнат натижасининг ошишига, бошқа ресурслардан оқилона фойдаланишга, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ўсишига ёрдамлашади, бошқа томондан эса — бу жараёнларнинг оқибати сифатида иқтисодиётда банд бўлганларнинг ҳам (иш ҳақининг ўсиши, тадбиркорлик даромади, меҳнат ва турмуш шароитларининг яхшиланиши ва бошқалар воситасида), шунингдек, аҳолининг бошқа қисмларининг ҳам даромадларининг кўпайишига ёрдамлашади (социал ҳимоялашнинг давлат тизими орқали).

Ҳар бир индивиднинг меҳнат фаолияти объектив жиҳатдан инсон мавжудотининг ўз физиологик ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга бўлган табиий зарурият хусусияти билан тақозоланади. Физиологик ва маънавий эҳтиёжлар ўзининг социал мўлжалланишига кўра социал ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади. Эҳтиёжларнинг энг чуқур моҳиятли белгиси уларнинг ундовчи социал ролида, худди ички уйғотувчи куч ва у ёки бу социал организмнинг (индивид, оила, жамоа, жамиятнинг) мақсади каби чиқишида намоён бўлади, ишлаб чиқариш фаолиятини, унинг тақомиллашуви ва янада ривожланишини рағбатлантиради. Иш кучини қайта ишлаб чиқариш ва ривожлантиришга, оиланинг фаровонлигига бўлган эҳтиёж инсон меҳнат фаолиятининг бош ундовчиси бўлиб чиқади. Шахснинг турли-туман ва доимо ўсиб борувчи эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган барча моддий ва маънавий бойликлар меҳнат орқали яратилади. Одамнинг ижодий, интеллектуал салоҳияти, унинг қобилиятлари ва ишчанлик сифатлари меҳнатда ривожланади ва амалга ошади.

Бозор иқтисодиёти ва меҳнат қилиш соҳаларини танлаш эркинлиги шароитида одам, социал фаол шахс сифатида, ўзининг индивидуал қобилияти, касбий сифатлари, ингилиши ва реал имкониятларидан боғлиқ ҳолда, ўзининг меҳнат ташаббускорлигини қуйидаги уч йўналишда намоён этиши мумкин:

1. Тадбиркорлик, ташкилотчилик ва бошқарувчилик фаолияти соҳасида. Бу соҳага тадбиркорлар ва барча даражадаги раҳбарлар киради. Иқтисодий жиҳатдан, шунингдек социал жиҳатдан ҳам ушбу тоифадаги кишиларнинг меҳнат фаоллиги ва ишчанлик сифатлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

2. Инновацион соҳада. Булар — илмий ходимлар, кашфиётчилар, ихтирочилар, мутахассислар, новаторлар ва ижодий, инновацион меҳнатнинг бошқа субъектларидир. Инновацияларнинг роли ва аҳамияти ошаётган, билимларнинг социал ва иқтисодий тараққиётнинг реал омилига айланиб бораётган ҳозирги шароитда ушбу соҳа ходимларининг меҳнат фаоллиги алоҳида аҳамият касб этади. Бироқ, бунда шуни назарда тутиш лозимки, инновацион соҳа ходимларининг меҳнат фаоллиги, демакки, меҳнатнинг самараси ҳам, кўп жиҳатдан жамиятда улар учун яратилган муҳит ва улар меҳнатининг талаб этилиши даражасига боғлиқ бўлади. Ижодий меҳнат ходимлари учун ишчан, ижодий муҳит биринчи соҳа субъектлари, яъни тадбиркорлар ва менежерлар (иш бошқарувчилар) томонидан яратилади.

3. Меҳнат фаолиятининг барча бошқа соҳаларида. Ушбу соҳа ходимлари иқтисодиётда банд бўлганларнинг мутлоқ кўпчилигини ташкил этади ва, асосан, ишчилар, деҳқонлар, ҳуқуқ муҳофазаси органларининг оддий ходимлари, хизмат кўрсатувчи ва ёрдам кўрсатувчи кичик ходимлардан иборатдир. Ушбу соҳа ходимларининг меҳнати биринчи ва иккинчи соҳа ходимлари меҳнатига нисбатан бўйсунувчанлик аҳамиятига эга бўлса-да, шунга қарамасдан, уларнинг юқори меҳнат фаоллиги ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг, маҳсулот (хизмат) сифатини яхшилашнинг ва иқтисодиёт самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти, ёлланма ходим иш ҳақининг корхона фаолияти натижаларига қўшган ҳиссасига боғлиқлигининг кучайиши учун қулай шароитлар яратади ва юқори социал-меҳнат фаоллиги намён бўлишига ёрдамлашади. Тасодиф эмаски, ҳозирги кунда

ёлланма ишчиларнинг катта қисми ишлаб чиқариш ва социал масалалар бўйича ўзларининг ихтирочилик таклифлари билан ишлаб чиқаришнинг ривожланишига салмоқли ижодий ҳисса қўшмоқдалар, корхона фаолиятини бошқаришда иштирок этмоқдалар, юқори меҳнат унумдорлиги натижаларига эришмоқдалар.

Бозор иқтисодиёти, маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётидан фарқли ҳолда, ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғорроқ шакли сифатида, шахс социал ва меҳнат фаоллигининг ривожланишига ғоятда самарали таъсир кўрсатади. Бу икки асосий сабабга кўра юз беради. Биринчидан, шахс эркинлиги, тадбиркорлик ташаббуси эркинлиги берилиши ҳисобидан, иккинчидан, меҳнат натижалари ва унга ҳақ тўлаш ўртасидаги боғлиқликнинг кучайишидан. Буларнинг ҳар бирини батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Маълумки, маъмурий-буйруқбозлик шароитида ақл-идроқка зил ҳолда ва шахснинг элементар ҳуқуқлари зарарига, тадбиркорлик фаолияти тақиқланган ва қонундан ташқари деб эълон қилинган эди. Бундан фарқли ҳолда, бозор иқтисодиёти тадбиркорлик ташаббусларига тўла эркинлик беради. Тадбиркорлик фаолияти бозор иқтисодиёти механизмлари ва қонунлари тизими таъсирида, айнан эса: талаб ва таклиф, рақобат, қиймат ва бошқалар таъсирида амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти шароитларида эркин тадбиркорлик фаолияти иқтисодий ўсишнинг, ялпи ички маҳсулот ҳажми ва мамлакат миллий даромадини кўпайтиришнинг белгилловчи омилларидан бирига айланади. У марказлашган режали иқтисодиётнинг исрофгарчилик механизмига қарама-қарши ўлароқ, ҳам қайта ишлаб чиқарилувчи, ҳам чекланган ресурслардан оқилона, самарали фойдаланишга олиб келади. Агарда режали иқтисодиёт шароитларида хўжалик юритувчи субъект раҳбарига марказнинг кўрсатмаларини оғишмасдан ва ўз вақтида бажаришгина етарли бўлган бўлса, бозор иқтисодиёти шароитларида эса тадбиркор, агарда у истеъмолчи учун ишласагина, илмий-техникавий ғояларни, фаолияти соҳасидаги янгиликларни мужассамлаштира олса ва булар-

нинг барчасини малакали ишчи кучидан фойдаланиш, барча турдаги ресурслардан самарали, оқилона фойдаланиш билан бирлаштира олсагина юқори муваффақиятларга эришиши мумкин бўлади. Бунда ресурслар дейилганда, ишлаб чиқаришнинг барча моддий ва номоддий шароитлари ҳамда омиллари-нинг жамланмаси тушунилади. Биринчи навбатда, ресурслар деганда ушбу сўзнинг кенг маъносида: табиий бойликлар, ер, ишлаб чиқариш воситалари, молиявий воситалар, ахборот технологиялари, илмий ютуқлар, тадбиркорлик маҳорати тушунилади. Тадбиркорлик учун фаолият омиллари-нинг бирлашган ҳолати, катта иқтисодий мустақиллик хосдир. Ўз хусусий ишини ташкил этиш, тадбиркорлик бошқаруви стратегиясини шакллантиришга уриниш, ходимлар сони ва таркибини, шунингдек, улар меҳнатига ҳақ тўлаш шароитларини аниқлаш, мураккаб таркибларни яратиш, фирманинг ривожланиш стратегияси ва тактикасига (усулларига) ўзгартиришлар киритиш тўғрисида тадбиркор томонидан мустақил қабул қилинувчи қарорлар катта таваккалчиликка асосланади. Шунга қарамасдан, бу хилдаги мустақиллик бошқарувга зарурий ихчамлик беради, бозор нарх-навосига яхшироқ мослашишига кўмаклашади.

Тадбиркорлик, жараён сифатида, ўзига янги ғояларни ахтариш, мақсадлар қўйиш, уларни баҳолаш ва янги корхонада қўллаш, ғояни конкрет натижага — истеъмолчига зарур бўлган товарлар ва хизматларга айлантиришни қамраб олади. Тадбиркорликнинг асосий функцияси шундан иборатки, аҳоли учун зарур бўлган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун бунга мос равишдаги моддий ва маънавий тақдирланишга эга бўлишдир.

Тадбиркорлик, иқтисодий жиҳат билан бирга, яна бир қатор муҳим социал вазифаларни ҳам бажаради. Тадбиркорликнинг социал жиҳатлари ҳар бир лаёқатли шахснинг ўз ишининг эгаси бўлиш имкониятида, ўзига хос истеъдод ва имкониятларидан яхшироқ фойдаланишда намоён бўлади. Тадбиркорликнинг ушбу жиҳатлари ишбилармон, мустақил хўжалик-иқтисодий фаолият юритишга мойил, ўз

хусусий ишини яратишга қодир, муҳит қаршилигини енга олувчи ва қўйилган мақсадларга эриша олувчанликнинг шаклланишида кўпроқ намоён бўлади. Тадбиркорликнинг ривожланиб бориши билан, ёлланма ходимлар қатлами ҳам ўсиб боради, улар ўз навбатида тадбиркорлик корхонасининг барқарор фаолиятидан иқтисодий ва социал боғлиқ бўладилар. Тадбиркорлик қанчалик самарали амал қилиб борса, уларнинг турли даражадаги бюджетларга ва давлат нобюджет социал жамғармаларига (масалан, бандлик жамғармасига) ажратадиган маблағлари миқдори шунчалик кўп бўлади. Тадбиркорликнинг ривожланиши иш ўринлари сонининг ўсишини, ишсизлик даражасининг қисқаришини, турмуш даражасининг ва ёлланма ходимлар социал аҳволининг яхшиланишини таъминлайди.

Социал иқтисодиёт шаклланиши шароитида аҳолининг социал ва меҳнат фаоллигига ходимнинг меҳнат ҳиссаси ва унга ҳақ тўланиши ўртасидаги боғлиқликнинг кучайиши ғоятда самарали таъсир кўрсатади.

Ходимларнинг социал ва меҳнат фаоллиги муаммоларини ҳал этишда ҳулқ-атворнинг ички сабаблари (мотивлари), қизиқтириш ролининг кучайиб бориши ғояси аллақачон иқтисодиёт фани эътиборини эгаллаган ва мажбурлашнинг ноиқтисодий усуллари эртами-кечми тўлиқ турғунлик ва инқирозга олиб келади, деган оддий ҳақиқатни тушунишга таянади.

Шу нарса таажжубланарлики, маъмурий-буйруқбозлик тизими ўз вақтида иқтисодий доктрина сифатида меҳнатга яраша тақсимлаш (капиталга яраша тақсимлаш тўлиқ инқор этилган) тамойилини қабул қилиб, меҳнат меъёри ва унинг моддий тақдирланиши меъёри ўртасидаги зарурий боғлиқликни таъминлашни мақсад қилиб қўйган эди. Амалда эса, аксинча, ушбу тамойилнинг амалга оширилишига ҳар томонлама тўсқинлик қилади. Яратилган режали жамият модели аввало ҳисобга олиш ва назорат функцияларининг ҳалдан ташқари марказлаштирилиши оқибатида меҳнат устидан ҳақиқий назоратни ўрнатишга имкон бермади. Кўрсатилган

ҳолат ходимларнинг ташаббус ва ишчанлик фаоллигини намоён этишга бўлган юқори манфаатдорлигининг йўқлиги билан янада чуқурлашиб борди. Режали нарх белгилаш механизми эса меҳнатга яраша тақсимлашга жуда жиддий салбий таъсир кўрсатди. Маълумки, нархларни режали белгилашда нархлар бозорда ўрнатилмайди, балки марказлаштирилган тартибда, бозор талабларига боғлиқ бўлмаган ҳолда, давлат органлари томонидан аниқланади ва, табиийки, қиймат қонунининг барча талабларини ҳисобга ололмас эди. Бу улгуржи нарх ва, шунингдек, чакана нархларга ҳам тегишлидир. Тушунарлики, нархларни белгилашга бундай ёндошувда талаб ва таклиф ўртасида мувозанат бўлиши мумкин эмас. Бунинг устига, нархларнинг бозордан ташқарида шаклланиши уларни зарурий ахборот базасидан маҳрум этади.

Оқибатда нархлар фойдалиликнинг етарлича аниқ ўлчо-ви бўлиш хизматиңи, харажатларни тежаш ва самарали хўжалик юритишнинг рағбатлантирувчиси бўлиш вазифасини, энг асосийси эса товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида тенг ва ўзаро фойдали айирбошлашни таъминлашни бажара олмай қолди. Бусиз эса меҳнатга яраша тақсимлаш тамойилини амалга оширишни хаёлга келтириш ҳам мумкин эмас.

Социал иқтисодиётнинг шаклланиши шароитларида иш бошқача бўлади. Айнан бозор ҳар бир хўжалик субъектига, унинг маҳсулоти жамиятга қанчалик кераклигини ва ушбу товарнинг қандай нархи объектив социал эҳтиёжини акс эттиришини аниқлашга имкон беради. Бозор у ёки бу товарни (хизматни) ишлаб чиқариш ва сотиш учун зарур бўлган меҳнат миқдори ва сифатини аниқлашга имкон беради. Бундан, қонуний равишда, фақат социал иқтисодиёт шароитидагина меҳнатга яраша тақсимлаш тамойилини амалга ошириш мумкинлиги ва ходим қўшган ҳисса билан унинг даромадлари ўртасидаги кучли боғлиқлик таъминланиши мумкинлиги тўғрисидаги хулоса келиб чиқади.

Айнан социал иқтисодиёт шаклланиши шароитида талабни қондириш, истеъмолчига ишлаш стратегияси ва так-

тикаси аста-секин ҳаётга кириб кела бошлайди. Бунинг устига ушбу иш хўжалик юритишнинг турли-туман субъектлари ўртасидаги бозор рақобати шароитларида бажарилади. Улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (ёки хизмат)нинг охирги баҳосини истеъмолчи бозорда талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати асосида аниқлайди. Булар барчаси ҳозирдаёқ тақсимотнинг бошқа моделига ўтишга олиб келади: меҳнат сарфи эмас (бу истеъмолчи нуқтаи назаридан умуман аҳамиятсиздир), балки унинг бозорда таклиф этилаётган товарларда (хизматларда) мужассамлашган конкрет натижалари яъни ички маҳсулотнинг тақсимланиши ва корхона соф даромади, демакки, ходимнинг иш ҳақи шаклланишининг ҳам бош меъёрига айланади. Равшанки, ходим бундай шароитларда меҳнат соҳасида юқори фаолликни намоеън этиб, ўз меҳнат ҳиссасини кўпайтириб, ўзининг барча куч ва имкониятларини сафарбар этиб, ўз иш ҳақининг ошишига, моддий аҳволининг яхшиланишига эришиши мумкин. Шу билан бир вақтда меҳнат бозоридида сифатли иш кучи учун бўлган рақобат тadbиркорлар ва ёлланма менежерларни ўз қўл остидагилар тўғрисида доимий ғамхўрлик қилишга, меҳнат натижасининг ва иш кучига бўлган талабнинг ўсиб боришига қараб уларнинг иш ҳақларини ошириб боришга, меҳнатни социал ташкил этишга интилишга, меҳнатни тақдирлаш ва қизиқтиришнинг самарали тизимини қўллашга, ходимнинг социал эҳтиёжларига харажатларни кенгайтиришга ундайди. Бозор иқтисодиётининг воқелиги ва объектив шароитлари шундайки, тadbиркор ёки ёлланма иш бошқарувчи ходимга унинг меҳнатининг ҳақиқий натижаларига мувофиқ даражадагина ҳақ тўлаш мумкин. Бундан, яъни бозор муносабатлари шароитида корхона даромадини тақсимлашнинг ягона тўғри бўлган меъёридан четга чиқиш эса, ёки ходимнинг ишдан кетиб қолиши (агарда социал адолат бузилган ва ходимларнинг иш ҳақи меҳнат улушидан кам бўлса), ёки корхона молиявий аҳволининг ёмонлашувига ва, охир-оқибатда, банкротликка олиб келиши билан хавф туғдиради (ҳақ тўлаш харажат-

лари меҳнатнинг ҳақиқий натижаларидан ошиб кетган ҳолларда).

Бир томондан ўз моддий аҳволини яхшилаш мақсадида ходимнинг меҳнат фаоллиги ошиб боришининг, иккинчи томондан эса — тадбиркор-иш бошқарувчиларнинг, яъни иш кучига буюртмачиларнинг меҳнат меъёри ва унинг тақдирланиши ўртасидаги кучли боғлиқликни таъминлашга интилишининг якуний натижаси — турли ходимлар иш ҳақи миқдорисидаги табақалашувни кучайтириш ҳисобланиб, бу мантиққа ва социал иқтисодиёт талабларига тўлиқ мос келади. Меҳнатнинг миқдор ва сифат натижаларига боғлиқ ҳолда иш ҳақи миқдорини табақалаштиришни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, бироқ бу ходим социал ва меҳнат фаоллигининг ягона шарти ҳисобланмайди. Социал ва меҳнат фаоллигини оширишнинг яна бир муҳим шарти ходимлар иш ҳақининг мутлақ ўлчами ва даражаси ҳисобланади. Бироқ, афсус билан қайд этишга тўғри келадики, шўролардан кейинги маконда амал қилаётган бозор тизими, реал даромадларнинг, айниқса иш ҳақи даражасининг етарлича юқори эмаслиги сабабли кўпчилик фуқароларнинг манфаатларига тўлиқ жавоб беришдан анча узоқдир. Республика аҳолисининг социал ва меҳнат фаоллигини оширишнинг муҳим муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш учун, аввало, шунга мос иқтисодиёт, меҳнатга қизиқтириш ва ҳақ тўлашнинг нафақат ходимни юқори унумдор ва натижали меҳнатга ўрганишга, балки мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг тўлиқ муваффақиятини таъминлашга қодир бўлган янги концепциясини яратиш зарур бўлади. Умуман социал омилларга, хусусан меҳнатга қизиқтириш ва ҳақ тўлаш омилларига алоҳида муҳим аҳамият қаратган ҳолда, Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов таъкидладики, "Социал муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, ишончли социал кафолатларни яратиш, меҳнатга қизиқтиришнинг (мотивациянинг) кучайиши (муаллиф таъкиди) ислоҳотларни амалга ошириш учун мустақам социал таянч яратади, уларнинг ортга қайтмаслиги-

га гаров бўлиб хизмат қилади".¹ Бозор иқтисодиёти қонунларига кўра меҳнатга қизиқтириш ва ҳақ тўлашнинг янги концепцияси исрофгарчиликка қарши ёндошувга асосланиши зарур. Аммо исрофгарчиликка қарши ёндошув ҳали ҳамма жойда ва ҳамма нарсада, ҳар қандай баҳода ҳам, айниқса иқтисодиётда банд кишилар ҳаёт фаолиятининг асосий манбаи бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш қисмида ҳам тежамкорлик қилишни англамайди. Бундай ёндошув ноаниқ социал ва иқтисодий оқибатларга, табиийки, салбий оқибатларга ҳам олиб келади. Бозор иқтисодиётига хос бўлган меҳнатга ҳақ тўлашнинг социал йўналганлик концепцияси, аввало шундай қоидадан келиб чиқиши лозимки, энг қимматли ва жамият ривожланишининг битмас-туганмас манбаи оддийгина тежаш эмас, балки жамиятнинг бош ишлаб чиқарувчи кучи бўлган шахснинг ҳар томонлама камол топиши, унинг турмуш сифатининг доимий ошиб бориши ҳисобланади. Ушбу қоидани инкор этиш, арзон иш кучи ғоясини сингдириш нафақат иқтисодиётдаги бандларнинг социал ва меҳнат фаоллигини пасайтиради, балки социал иқтисодиётнинг моҳияти ва тамойилларига зид ҳисобланади. Бундай ҳолатнинг салбий оқибатлари маълум: ходимларнинг ўз меҳнати натижаларига қизиқишининг пастлиги ва бефарқлик, шахснинг, тўлиқ деградацияси (таназзули) билан чегараланувчи пассив ҳаётий позицияси, жамиятда социал муаммоларнинг кескинлашуви кабилар юз беради.

Шунга қарамасдан, иқтисодий мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан, ҳатто иш ҳақиға, ходимнинг конкрет меҳнат даражаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда, ўз миқдори жиҳатидан арзимас даражадаги қўшимча ҳам ўзини оқламайдиган ҳисобланади ва тўлиғича корхонанинг зарарига киритилиши мумкин. Бунинг устига, ўз даражасига кўра кам бўлган иш ҳақи бир қатор салбий оқибатларга олиб келади:

¹ *И.А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., Ўзбекистон, 1995.*

— биринчидан, иш ҳақининг рағбатлантирувчи роли пасаяди. Иш ҳақи, соғлом фикрга қарама-қарши ўлароқ, қудратли ва мустақил қизиқтирувчи омилдан, гўёки меҳнат бўйича нафақага ёки ишда қатнашганлик учун ҳақ тўлашга айланиб қолади;

— иккинчидан, аҳолининг турмуш сифати кўрсаткичлари ёмонлашади;

— учинчидан, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш имкониятлари чекланади. Чунки, ишлаб чиқаришнинг кенгайиши, унинг мақсади сўзсиз равишда истеъмол ҳисобланиб, бу харидор талабининг ўсиб борганидагина мумкин бўлади;

— тўртинчидан, илмий-техника тараққиёти секинлашади, чунки янги техника сотиб олиш ва технологияни такомиллаштиришдан кўра, қўшимча ходимларни ёллаш арзонроқ тушади;

— бешинчидан, иш кучининг, бунинг устига анча ҳаракатчан ва социал фаол, етарлича юқори малака даражасига эга бўлган қисмининг, юқори иш ҳақини излаб республика ташқарисига чиқиб кетиши кучаймоқда. Бу ҳол иқтисодиётда банд аҳолининг сифат таркибига ва касбий даражасига ғоятда салбий таъсир кўрсатади. Чет элларга кетган ходимлар ривожланган мамлакатларда энг замонавий техника ва технологияни қўллаш асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш тажрибаси ва кўникмасини ўрганиб, юқори тайёргарликка эга бўлган ҳолда қайтиб келадилар деган тахминлар тасдиқланмади. Амалда кўринмоқдаки, иш ахтариб мамлакат ташқарисига чиқиб кетганларнинг айрим қисми умуман қайтиб келмайди, қайтиб келганлари эса билим ва маҳоратда сезиларли ўзгаришларга эга бўлмаганлардир, улар иқтисодиётимизни янги сифат даражасига кўтариш имконига эга эмас. Бунинг сабаби шундаки, бизнинг ватандошларимиз, кўн ҳолларда дипломли мутахассислар, чет элга борганларида, кўпинча, махсус тайёргарлик, билим ва малака талаб этилмайдиган оддий ишларни бажарадилар. Тушунарлики, бундай шароитларда чет элга кетган ходим-

нинг касбий ўсиши ва билимлари бойиши юз бермайдигина эмас, балки аксинча, унинг малакаси пасаяди, илгари эга бўлган билимлари эскиради ёки хотирасидан ўчиб кетади. Маълумки, ўз вақтида катта харажатлар эвазига олинган ва ёш давлат иқтисодиётини кўтариш учун жуда зарур бўлган билимлар, меҳнат ресурсларини бошқаришдаги бошқача стратегия шароитида улкан самаралар бериши мумкин. Мамлакат иқтисодиёти учун меҳнат ресурсларини бошқаришдаги бу каби нотўғри стратегия мамлакат иқтисодиёти учун қанчалик катта йўқотишларга олиб келаётганини миқдорий жиҳатдан ҳисоблаб чиқиш жуда мураккаб. Шунга қарамасдан, унинг истиқболсизлиги ва мақсадга мувофиқ эмаслиги яққол кўринмоқда.

Шўролар даврида бизнинг амалиётимизда, арзон иш кучининг иқтисодий ўсиш омили бўлиши тўғрисидаги нотўғри, тубдан хато бўлган қараш шаклланган эди, бунда қанчалик кам истеъмол қилинса, жамғариш учун, демакки иқтисодиётни ривожлантириш учун шунчалик кўп имконият бўлади деб қараларди. Шу нарса аниқ кўринмоқдаки, иш ҳақи соҳасидаги фалсафани, уни жиддий кўпайтириш фойдасига қайта кўриб чиқиш вақти етиб келди. Шу билан бирга аҳоли меҳнат фаоллигининг бундан кейинги ошиб бориши, жамиятдаги "хуфиёна" иқтисодиёт деб аталувчи, ноқонуний даромад олиш усуллариининг бартараф этилиши билан узвий боғлиқдир.

Аҳолининг иқтисодий ва социал турмуш шароитларини яхшилаш йўли билан корхона ёлланма ходимларига социал-психологик таъсир этиш концепцияси ҳам муҳим амалий аҳамиятга эгадир. Бунда таъсир этиш усуллари шундай шарт-шароитларга таянадикки, ишловчиларнинг кўп томонлама эҳтиёжларини қондирган, ўз қобилиятини намоён этиши учун шароит яратган ҳолда меҳнат сифатини ва унумдорлигини оширишга эришиши мумкин. Айнан ушбу концепция доирасида ғоятда самарали ва шунинг учун ёлланма ходимлар меҳнатини ташкил этиш ва рағбатлантиришдаги — "меҳнатни бойитиш" усули, "иштирокчилик" усули, "мақсадлар бўйича бошқариш" усули ва бошқалар ривожланган

мамлакатларнинг бошқарув назарияси ва амалиётида кенг тарқалишга эришди.

Ходимларнинг иш жойларидаги касбий-меҳнат хулқ-атвори социал ва меҳнат сифатини олдиндан аниқлаб беради, бу, ўз навбатида, ишлаб чиқариш самарадорлигига, маҳсулот сифатига, илмий-техника тараққиёти даражасига таъсир этади. Иқтисодиётнинг шахсий секторидаги ишлаб-чиқариш ва хўжалик фаоллиги (шахсий ёрдамчи хўжалик, жамоавий боғлар, қурилиш ва б.) "миллий даромаднинг даражаси ва таркибига, социал гуруҳлар даромадларининг нисбатига таъсир кўрсатади".¹

Такрорлаш учун саволлар

1. Социал ва меҳнат фаоллиги нима?
2. Социал ва меҳнат фаоллиги иқтисодий ўсиш вазифаларини ҳал этишда қандай роль ўйнайди?
3. Бозор иқтисодиёти шароитларида шахснинг социал ва меҳнат фаоллиги нималарда намоён бўлади?
4. Бозор иқтисодиёти ва тадбиркорлик эркинлиги одамларнинг социал ва меҳнат фаоллигига қандай таъсир кўрсатади?
5. Бозор иқтисодиёти шароитида ходимнинг меҳнат ҳиссаси ва иш ҳақининг миқдори ўртасидаги боғлиқликни кучайтириш зарурияти нима билан тақозоланади?
6. Республикада меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги концепциясини яратиш заруриятини асосланг.
7. Иш ҳақининг паст даражаси қандай салбий оқибатларга эга бўлади?

5.3. СОЦИАЛ ҲАМКОРЛИК МЕХАНИЗМИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

**Таянч
иборалар**

Социал барқарорлик; ҳамкорлик; ўзаро фойдали ҳамкорлик; социал ҳамкорлик; ёлланма ишчи; иш берувчи; тадбиркорнинг манфаати; ёлланма ходимнинг манфаати; касаба уюшмалари; социал гуруҳлар; социал шерикчилик моделлари;

¹ Заславская Т.И. Социальная трансформация российского общества: Деятельностно-структурная концепция. -2-е изд., испр. и доп. М., Дело, 2003, с. 44.

социал шерикчилик типлари; сафарбарлик; социал сафарбарлик; социал тизим; меҳнат бозори субъектлари; манфаатлар мослашуви; давлат; касаба уюшмаси; социал бардошлилик; социал зиддиятлар; социал ҳаракат; меҳнат муносабатларини тартибга солиш.

Мустақиликка эришилгандан кейин Ўзбекистонда аввалги маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётини, хўжалик юришти-нинг бозор усулларига таянувчи социал йўналтирилган бо-зор иқтисодиётига изчил алмаштириш жараёни бормоқда. Шу муносабат билан мамлакатнинг социал-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида чуқур ўзгаришлар юз бермоқда. Аввал таъкидланган-нидек, социал ва меҳнат соҳасида ҳам чуқур ўзгаришлар бўлиб, булар кўп жиҳатдан миллий иқтисодиётнинг аҳволи ва ривожланиш истиқболларини белгилайди. Шаклланаётган янги социал ва иқтисодий муносабатлар бандлик, социал ҳимоя, меҳнатга қизиқтириш, меҳнат унумдорлиги, иш ҳақи ва бошқа муаммоларга сифат жиҳатдан янгича ёндошувлардан фойдаланиш заруриятини тақозо этади. Меҳнат бозори субъектлари: ёлланма ходимлар, иш берувчилар ва давлат ўртасидаги муносабатлар соҳаси ҳам бундан истисно эмас.

Жамиятдаги социал барқарорлик ва иқтисодиёт ривожланишидаги ўсиб бориш, аввало, ходимлар ва ишлаб чиқариш воситалари эгалари ўртасидаги муносабатларнинг характери-га боғлиқ бўлади. Социализм давридаги дабдабали манфаатлар тизими (умумхалқ, жамоавий, шахсий) гўёки антагонистик зиддиятларга эга бўлмаган ва бутун жамият бахт-саодати йўлидаги социалистик меҳнат ғояси ўрнига, тадбиркорлар ва ёлланиб ишловчилар манфаатларининг социал келишуви муносабатларининг янги тизими шаклланоқда. Муносабатларнинг бу тизими **социал шерикчилик мафкурасида** мужассамлашиб, бу социал иқтисодиётнинг энг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади.

Социал шерикчилик социал тизимдаги субъектларнинг самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун манфаатларни келиштириш бўйича социал ва меҳнат соҳасидаги муносабатларнинг

маданийлашган тизими сифатида намоён бўлади. Шерикчилик муносабатлари нафақат иш берувчилар ва ёлланма ишчилар ўртасида, балки нафақа таъминотини ташкил этиш бўйича авлодлар ўртасида ҳам амалга оширилади. Ўзбекистон учун ҳозирги босқичда социал ҳамкорлик тизимининг муаммолари ва ривожланишини таҳлил этиш мамлакатдаги социал барқарорликка ижобий таъсир этувчи омил сифатидагина эмас, балки иқтисодиётнинг доимий ривожланишининг ҳам энг муҳим шарт сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда очик демократик фуқаролик жамиятининг шаклланиши шерикчилик муносабатлари тизимининг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнининг тарихий хусусиятларини билишнинг, бу муҳим ишда чет мамлакатларнинг бой тажрибасини чуқур ўрганишнинг заруриятини белгилайди ва долзарблигини оширади. Бу социал иқтисодиёт шаклланишининг мураккаб шароитларида турли социал гуруҳлар ўртасидаги меҳнат муносабатларини тартибга солишга янгича ёндошувлар ва усуллар ишлаб чиқилишига, ҳамкорлик хулқ-атвори механизмини манфаатли томонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бозор шаклларини яратишга, бунда жамият ривожланишининг узоқ муддатли истиқболи мақсадлари ва миллий хусусиятларни ҳисобга олишга имкон беради.

Социал шерикчилик индустриал жамият бағрида (XIX аср охири ва XX аср бошида) социал тузумни инқилобий, зўравонлик билан ўзгартириш мафкурасига қарама-қарши ҳолда, ишчилар ва капиталистлар ўртасидаги социал зиддиятларни энг самарали ҳал этиш усули сифатида пайдо бўлди. Социал ҳамкорлик, ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчиликни зўрлик билан йўқотиш ва иқтисодиётда давлат бошқарувини ўрнатиш бўйича марксча-ленинча таълимотдан фарқли ҳолда, давлат бошқарув органлари ва касаба уюшмаларининг ўзаро ҳамкорлиги асосида ёлланма ишчилар ва иш берувчилар ўртасидаги музокаралар жараёнини тақозо этади. Бу жамиятнинг барқарор тадрижий ривожланишига йўналтирилади.

Турли социал гуруҳлар манфаатларининг келишуви асосида улар ўртасидаги низоларни бартараф этиш ва жамият тадрижий ривожланишининг долзарб муаммолари бир печасларлар давомида кўплаб олимларнинг фикрини банд этиб келмоқда. "Социал шериклик" воқелигининг турли жиҳатлари Томас Гоббс (1588—1679), Жан-Жак Руссо (1712—1778), Адам Смит (1723—1790), Иммануэл Кант (1724—1804), Шарль Фурье (1768—1830), Жан Стюарт Милль (1806—1873), Пьер Жозеф Прудон (1809—1865), Макс Вебер (1864—1920), Эмил Дюркгейм (1858—1917), Альфред Маршалл (1842—1924), Толкотт Парсонс (1902—1979), Питирим Сорокин (1889—1968), Людвиг Эрхард (1897—1977) ва бошқаларнинг асарларида ўз ифодасини топган.

Уч юз эллик йил илгари инглиз файласуфи Томас Гоббс ўзининг "Левиафана" (1651 й.) асарида табиий ҳолдаги "барчанинг барчага қарши уруши" ҳолатига барҳам бериш учун кишилар ўртасида социал келишувга эришиш зарурлигини асослаган эди.

Социал ҳаракат назариясининг ривожланишига немис социологи ва иқтисодчиси Макс Вебер салмоқли ҳисса қўшди. Унинг "Қадимги дунёнинг аграр тарихи", "Хўжалик ва жамият" асарларида "тушуниш" концепцияси олға сурилиб, бунга кўра социал ҳаракат индивидуал қизиқишларни шарҳлаш орқали тушунтирилади. Бироқ у шахс **социал ҳаракатининг тўрт асосий типини** ажратади: мақсадли оқилона, қадриятли оқилона, самарали ва анъанавий. Умум қабул қилган меъёрлар ва индивидуал қизиқишлар асосида фаолиятдаги субъект хулқ-атворини бу хилдаги эҳтимолий туркумлаштириш социал тизим субъектларининг ўзаро келишувларига эришиши муаммоларини ҳал этиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Инглиз иқтисодчиси А. Маршалл эса Ч. Дарвиннинг таълимотини социал муносабатларга ҳам қўллашга интилиб, бир томондан меҳнат, иккинчи томондан капитал ўртасидаги муносабатларга катта аҳамият берди, ушбу икки категория ўртасидаги узвий ўзаро алоқадорликни кўрсатди. Ўзи-

нинг "Иқтисодий фан тамойиллари" номли машҳур асарида у, жумладан, шундай ёзади: "... умуман капитал ва умуман меҳнат миллий дивидендни (фойдани) ишлаб чиқаришда ўзаро алоқадор бўлади ва ўзларининг (энг юқори) унумдорлигига мос равишда ундан ўз даромадларини оладилар. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги энг мустаҳкам даражада бўлади: капитал меҳнатсиз ўликдир, ишчи ҳам ўз хусусий ёки бошқа кимнингдир капиталисиз узоқ яшай олмайди".¹

Бошқа бир инглиз социологи Т.Х. Маршалл бироз кейинроқ, буржуйлар жамияти мумкин бўлган даражадаги тенглик ва адолат тизимига, улкан ўрта синфга айланди, деб таъкидлайди.

Социал мулоқот муаммоларига нисбатан Питирим Сорокиннинг қарашлари ғоятда қизиқарлидир, у социал стратификация ва социал сафарбарлик назариясининг асосчиларидан бири ҳисобланади. Унинг фикрига кўра, социал ҳаётнинг барқарорлиги, асосан, икки омилга: мамлакат кўпчилик аҳолисининг турмуш даражасига ва турли социал гуруҳлар ўртасида даромадларнинг табақалашув даражасига боғлиқдир.

П. Сорокин томонидан ҳали ўтган асрнинг бошларидаёқ берилган ушбу хулосалар бизнинг давримизга ҳам бевосита алоқадордир. Ҳозирги шароитда кўпчилик, айниқса ривожланган мамлакатлар, аҳоли турмуш даражасини оширишга, қашшоқлик ва ишсизликни қисқартиришга, одамларни тўла қийматли озиқ-овқат ва уй-жой билан таъминлаш масалаларига жуда жиддий эътибор берадилар. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистонда ўтказилаётган социал сиёсат алоҳида эътиборга лойиқдир. Аҳолининг турмуш даражасини ошириб бориш мамлакат социал-иқтисодий ривожланишининг узоқ муддатга мўлжалланган устувор йўналиши ҳисобланади. Реал даромадларнинг йиллик ўсиб бориши 14—18 % ни ташкил этади. 2004 йилдагина улар 16% га ўсди. Аҳолининг

¹ *Маршалл А.* Принципы экономической науки. // Пер. с. англ. М., издательская группа «Прогресс», 1993, с.247.

уй-жой билан таъминланиши доимий равишда яхшиланиб бормоқда. Уй-жой фонди 2003 йилда 14,8 млн. кв. метрга кўпайиб, натижада аҳоли жон бошига уй-жой билан таъминланганлик даражаси 14,3 кв. метрга етди. Шаҳар уйлари-ни газлаштириш даражаси 2004 йил 1 январь ҳолатида 90,7 % га етди. Фақат 2002 йилдагина аҳолига "ЎздЭУ" кўшма корхонасининг 15,8 минг автомобиллари сотилди. Чакана товар айланмаси таркибида ноозиқ-овқат товарларининг улуши 39,3 % ни ташкил этади. Шубҳасиз, барча бу кўрсаткичлар ривожланган мамлакатлар даражасидан анча пастдир. Бироқ, тоталитар тартиботнинг салбий оқибатларини бартараф этиш ҳамда жамиятда янги социал-иқтисодий муносабатларни шакллантиришнинг мураккаб даврини бошдан кечираётган Ўзбекистон учун, бу ўзгаришларни улкан ютуқ сифатида баҳолаш мумкин.

П. Сорокиннинг фикрича, давлат ва социал тизим барқарорлигининг иккинчи муҳим шarti — бойлар ва камбағаллар ўртасидаги даромадларнинг табақалашуви даражасидир. Энг камбағал ва бой оилалар ўртасидаги даромадлардаги фарқларни тавсифловчи расмий статистика бу ҳақдаги маълумотларга унчалик бой эмас. Ушбу муаммо бўйича матбуотда эълон қилинган махсус илмий тадқиқотлар натижалари ҳам йўқ. Шунга қарамасдан, шуни эътиборга олиш лозимки, бозор иқтисодиёти қонуний равишда турли социал гуруҳлар ва синфлар ўртасидаги даромад даражаларида сезиларли тафовутларнинг вужудга келишига олиб келади. Масалан, кўпчилик ривожланган мамлакатларда 20 % энг бой ва энг камбағал оилалар даромадидаги фарқ 10 бара-варни ташкил этади.

Шу тариқа, агарда П. Сорокиннинг хулосаларидан келиб чиқилса, унда бизнинг мамлакатимизда социал ларзалар ва социал тузумнинг барқарорлигини бузувчи қандайдир жиддий сабаблар учун иқтисодий шарт-шароитлар йўқ. Бу бизнинг воқелигимиз билан тўлиқ тасдиқланади.

Социал тизим барқарорлигининг юқорида келтирилган икки шarti билан биргаликда, ҳозирги шароитда жаҳон

цивилизацияси ривожланишнинг ва янги жаҳон тартиботи шаклланишидаги жуда юқори даражаларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бир бутун иқтисодий тизим сифатидаги жаҳон иқтисодиётига мос ҳолдаги, учинчи, ўз моҳиятига кўра муҳимлиги кам бўлмаган шарт — жаҳон ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасидаги социал-иқтисодий ривожланиш даражасидаги муҳим тафовутларни бартараф этиш муаммоси пайдо бўлади.

Юқорида баён этилган иқтисодий шарт-шароитлар билан биргаликда, давлат ва социал тузум барқарорлигининг психологик шарт-шароитлари ва маданий анъаналарини ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Тўла мустақиллик шароитларида ривожланиш турли социал гуруҳлар ўртасида, аҳоли ва ҳокимият таркиблари ўртасида ўзаро тушуниш ва мустақкам ҳамкорлик вужудга келганини кўрсатади. Жамиятда бундай ҳолатнинг шаклланишида Ўзбекистон аҳолисининг турмуш тарзи ва анъаналари хусусиятларига боғлиқ, тарихан шаклланган менталитет ҳам муҳим роль ўйнайди. Республика аҳолисининг асосий қисми барча иқтисодий ва социал муаммоларни социал сабр-тоқат ва ўзаро фойдали ҳамкорликка интилиш асосида ҳал этишни афзал кўради. Аҳоли кўпчилик қисмининг бундай хулқ-атвори ижобий натижаларни бермоқда, республикада ўтказилаётган социал-сиёсий ва социал-иқтисодий тизим ислохотларининг муваффақиятини таъминламоқда.

Кўп асрлик тараққиёт давомида жаҳон амалиётида **социал шерикчиликнинг турли моделлари ва типлари** шаклланди. Ушбу моделлар ва типлар турли-туман белгилар бўйича туркумлаштирилади.

Масалан, томонлар ўртасидаги жамоавий музокаралар олиб бориш даражасига боғлиқ равишда социал шерикчиликнинг уч асосий модели шаклланган.

Биринчи модел меҳнат муносабатларини тартибга солишда давлатнинг фаол аралашувини намोён этади. Бу модел Швеция, Бельгия, Финляндия, Нидерландияда қўлланилади.

Иккинчи модел жамоавий шартномаларни фақат корхона даражасида тузилиши билан тавсифланади, бунда тад-

биркорлар уюшмаси ва умуммиллий касаба уюшмалари расман қатнашмайди. Улар меҳнат муносабатлари соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантиришда, шерикчилик муносабатларига умумий ёндошувларни ишлаб чиқишда, қонунчилик асосларини тайёрлашда иштирок этадилар. Иккинчи модел АҚШ, Канада ва Японияда кенг қўлланилади.

Учинчи модел социал шерикчиликнинг биринчи ва иккинчи моделлари ўртасидаги оралиқ модел ҳисобланади. У Германия, Буюк Британия, Австрия, Франция, Италия ва бошқа мамлакатларда тарқалган.

Ўзбекистон учун иш берувчилар ва ёлланма ишчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларда асосланмаган ҳар хилликларни бартараф этиш мақсадида томонлар ўртасидаги шериклик муносабатларини янада ривожлантириш учун социал шерикчиликнинг биринчи моделига амал қилинса мақсадга мувофиқ бўларди. Социал шерикчилик механизмининг шаклланишида давлат ролининг кучайиши томонларнинг ваколати ва ролининг янада аниқроқ белгиланишига, вужудга келувчи жамоавий низолар ва социал келишмовчиликларни тартибга солишнинг кўпроқ самарали усуллари-нинг қўлланилишига ёрдам берган бўларди. Бунинг учун, масалан, Бельгиянинг тажрибасига кўра, республика даражасида уч томон: давлат таркиблари, касаба уюшмалари ва иш берувчилар уюшмасидан тенг миқдордаги вакиллар кiritилган ҳолда меҳнат бўйича Миллий Кенгаш тузилса бўлади. Ушбу кенгаш ҳукуматнинг маслаҳат органи бўлиши ва у умуммиллий даражада меҳнат муносабатларига тегишли музокараларни олиб бориш ҳуқуқи билан таъминланиши лозим бўлади. Тармоқ даражасида ушбу масалаларни ҳукумат назорати остида тасдиқланувчи шу хилдаги комиссиялар ҳал этиши мумкин.

Шерикчилик муносабатларида давлат таркибларининг роли бўйича ҳам социал шерикчилик моделларининг уч типи ажратиб кўрсатилади.

Уч томонлама ҳамкорлик модели. Ушбу моделнинг характерли хусусияти барча томонларнинг: давлат, касаба уюшма-

лари ва иш берувчиларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳисобланади. Бу модел кўпчилик Европа давлатларида, шунингдек, Японияда кенг қўлланилади. Венгрия, Чехия, Словакия, Польша ва Болгарияда ҳам социал шерикчилик муносабатлари худди шундай модел бўйича ривожланмоқда. Унинг самарадорлиги шунда намоён бўладики, томонлар ўртасида ўзаро суҳбат ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик асосида умуммиллий фаровонликка эришиш мақсадлари кўзда тутилади, макроиқтисодий даражадаги муросага ва социал келишувга эришилади.

1976 йилда ХМТ (Халқаро меҳнат ташкилоти) уч томонлама маслаҳатлашув тартиби тўғрисида № 144 махсус конвенцияни қабул қилиб, унда миллий маслаҳат органида меҳнат ва капиталнинг тенг вакиллиги назарда тутилади. Бироқ, 1996 йилда, социал-меҳнат муносабатлари муаммолари бўйича турли мамлакатлардаги уч томонлама маслаҳатлашувлар тажрибасини ўрганиб, ХМТ шундай хулосага келдики, тенг ҳуқуқли уч томонлама ҳамкорлик (трипартизм) кучли демократия шароитидагина кўзланган натижани бериши мумкин.

Ёлланма ишчиларнинг вакиллик ишчи органларида — корхоналар кенгашлари ва қўмиталарида иштирок этишининг **"Соф тадбиркорлик"** модели. Ушбу кенгаш ва қўмиталарнинг миқдорий таркиби қонун билан белгиланади. Корхона ходимлари бу органга ўз вакилларини сайлайдилар. Ушбу орган иш вақтининг давомийлиги, меҳнат муҳофазаси, меҳнат таътили ва бошқа социал масалалар бўйича маслаҳатлар бериб боради. Бу модел Испания, Нидерландия, Португалия, Грецияда кенг амал қилмоқда.

"Аралаш вакиллик" модели — ривожланишнинг иқтисодий ва социал муаммоларини ҳал этиш бўйича корхона кенгаши ва қўмиталарида ёлланма ишчилар ва маъмурият вакиллариининг биргаликдаги иштирокини мўлжаллайди. Бу модел Дания, Ирландия, Бельгия, Франция ва бошқа мамлакатларда тарқалган.

Касаба уюшмаларининг давлат ҳокимияти ва маҳаллий ҳокимият муассасалари билан алоқалари характериға қараб,

касаба уюшмалари **ҳамкорликка** мўлжал олган, давлат билан "можарога" мўлжал олган моделларга бўлинади. Касаба уюшмаларининг иш берувчилар ташкилотлари билан ўзаро муносабатлари характерига кўра "эркин" (волюнтаристик) (индивидуал тадбиркорлар билан музокараларнинг тарқоқ жараёни) ва "европача" (томонлар ўртасидаги музокараларнинг кўпроқ марказлашган жараёни) моделларига ажратилади.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, социал шерикчилик типлари ва моделларининг турли-туманлигига қарамасдан, у умумий қоида ва умумий тамойилларга (2-чизма) бўйсунди. Унинг бош мақсади ўзгармас — ходимлар, иш берувчилар ва давлатнинг ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш, умумий тараққиёт манфаатлари йўлида уларнинг келишуви бўлиб қолади. Бу кўпчилик мамлакатларда, иқтисодиётнинг узвий ва барқарор ривожланишининг ва унинг самарадорлигини оширишнинг асосий омили сифатида, социал муроса ва тинчликнинг объектив заруриятини ифодалаган ҳолда, замонавий социал муносабатларнинг барча бош субъектлари манфаатларини келиштиришнинг асосий шаклига айланди. Бу мамлакатларда социал шерикчилик ғоясидан фойдаланишнинг амалий натижаси социал муҳитнинг барқарорлиги, ўзаро бир-бирини тушуниш ва можаролар, жамиятда турли қатламлар ўртасидаги социал зиддиятлар даражасининг пастлиги, иқтисодиёт ривожланиши даражасининг юқорилиги ва аҳоли турмуш даражаси бўйича дунёда энг юқори андазаларга эришиш кабилар бўлди.

Социал шерикчилик тамойиллари



- | |
|---|
| Томонларнинг тенг ҳуқуқлиги |
| Шериклик муносабатларининг ихтиёрийлиги |
| Томонларнинг шартномавий муносабатлардан манфаатдорлиги |
| Томонлар манфаатларининг ўзаро ҳурмат қилиниши |

Социал шериклик муносабатларининг ривожланишига давлатнинг ёрдам бериши
Қонуларнинг мустақамлиги ва томонларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиши
Томонлар вакилларининг ваколатлиги
Томонлар қабул қиладиган мажбуриятларнинг реаллиги
Барчанинг истисносиз тарзда шартнома ва битимлар шартларини бажаришининг мажбурийлиги
Шартнома ва битимлар шартларини бажармаганлик учун томонларнинг масъуллиги
Муносабатларнинг самарадорлиги

8-чизма. Социал шерикчиликнинг асосий тамойиллари

Социал шерикчилик ривожланишининг чет эл тажрибасини чуқур таҳлил этиш ва умумлаштириш шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларда социал шерикчилик мақсадларини кенг қўллаш ва амалга ошириш ҳамда бундан кутилаётган социал ва иқтисодий фойдани олиш учун иқтисодий, социал-психологик ва маданий-анъанавий шарт-шароитлар мавжуддир. Ушбу маънода Ўзбекистонда ҳам бирмунча бошқача ва камроқ қулайликка эга вазият вужудга келиб, буни замонавий иқтисодий муносабатлар ва социал шерикчилик механизмининг шаклланиши ва асосий субъектлари манфаатларини мослаштириш моделларини танлашда ҳисобга олмаслик асло мумкин эмас. Бу хусусиятлар, аввало, ўтмишнинг ҳавас қилиб бўлмайдиган мероси, мустақилликка эришиш вақтида Ўзбекистон учун ноқулай бўлган вазият, ўтиш даврининг объектив қийинчиликлари билан тақозоланади. Ушбу қийинчиликларни инкор этиш, ёки энг яхши ҳолда, улар ҳақида гапирмаслик жуда узоққа кетувчи салбий оқибатларга эга бўлиши мумкин.

Шунга қарамасдан, социал-иқтисодий ривожланишдаги ижобий силжишлар, бозор муносабатларига ўтиш, аҳоли реал даромадлари ва иқтисодий ўсишнинг барқарор даражаси мамлакатда социал шерикчилик ғояларини

аста-секин амалга ошириб бориш учун зарур шарт-шароитлар яратмоқда, уни **социал муаммоларни ҳал этишнинг ишончли воситаси** ва иқтисодий ўсишнинг қудратли омилига айлантarmoқда. Шу маънода ривожланган мамлакатларнинг ёлланма ишчилар ва ишлаб чиқариш воситаларининг эгалари ўртасидаги социал зиддиятларни баргараф этиш учун, давлатнинг тартибга солувчилик фаолияти билан социал шерикчилик механизмидан фойдаланиш бўйича тажрибаси Ўзбекистон учун ғоятда фойдалидир. Бу ушбу муҳим ишда ривожланган мамлакатларнинг бой тажрибасидан фойдаланиш заруриятини янада долзарб-лаштиради. Шундай бўлса-да, ушбу фойдали тажрибадан, воқелигимизнинг имкониятлари ва хусусиятларини, социал ва иқтисодий ривожланишнинг эришилган даражасини, шаклланган анъаналарни, халқ менталитетини ҳисобга олмасдан туриб фойдаланиш асло мумкин эмас. Фарб мамлакатларида (Швеция, Германия, Япония ва б.) иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги шерикчилик муносабатлари узоқ давом этган шиддатли синфий кураш натижасида, ишчилар ва касаба уюшмаси ҳаракатларининг ғалабаси ҳамда мулкдорлар ва камбағаллар ўртасидаги ўткир зиддиятларни ҳал этиш усули сифатида шаклланди. Ривожланган ва йўлга қўйилган социал-шерикчилик муносабатларига эга бўлган мамлакатлар тарихи ўткир можаролар, иш ташлашлар ва норозиликни ифодаланишнинг, ишчилар синфининг ўз иқтисодий ва социал фаровонлиги учун курашининг бошқа кўплаб шакллари ҳам биледи. Булардан фарқли ўлароқ, ишончли социал шерикчилик муносабатлари ҳамда ходимлар, иш берувчилар ва давлатнинг самарали ҳамкорлиги шаклланишнинг асосий устувор омиллари бўлиб, бизнинг турмуш тарзимиз ва халқ менталитетига хос бўлган иқтисодий муносабатлар: патернализм ва жамоавийлик (1-боб) бўлиши мумкин. Шундай таъкидлашга асос борки, минг йиллар давомида тўпланган анъаналар, хулқ-атворлар, одатлар, кўпчилик ҳолларда бўйсунувчиларнинг катталарга,

бошлиқларга бўлган ҳурмат қилиш муносабатлари, социал иқтисодиёт меъёрлари ва талабларига мос келувчи, томонларнинг социал келишувига ларзаларсиз ва тинч воситалар билан эришишга имкон беради.

Бироқ, бўйсунувчилар ва ёлланма ходимларнинг тинч ва ҳалдан ташқари, баъзида ўз тақдири ва оила аъзоларининг фаровонлиги учун масъулиятсизлик даражасидаги тортинчоқлиги бўлиши, бу ҳали уларнинг моддий фаровонлиги ва социал ҳимояланганлиги даражасининг сезиларли ошиб боришининг ишончли кафолати ҳисобланмайди. Шу жиҳатдан қизиқарли бўлган маълумот сифатида айтиш мумкинки, ҳозирда айрим социал иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда янгидан яратилган қиймат таркибида ходимлар даромадларининг ялпи салмоғи 60—65% гача етади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич таққослаб бўлмайдиган даражада пастдир. Бундай шароитларда янгидан яратилган қийматни иш берувчилар ва ёлланма ишчилар ўртасида адолатли тақсимлаш бўйича катта масъулиятни давлат ўз зиммасига олиши, бунинг учун қонунчилик базасини такомиллаштириш, шунингдек аҳоли турли тоифалари даромадларини табақалаштириш ва тартибга солишнинг самарали механизмини амалиётга қўллаш йўли билан таъсир кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда социал шерикчилик ғояларини ривожлантиришнинг мураккаб вазифаларини ҳал эта бориб, социал иқтисодиётнинг зарурий белгиси сифатида, шуни ҳисобга олиш зарурки, бу вазифалар иқтисодиётнинг реал сектори самарадорлигини ошириш, бошқалар ҳисобидан ноқонуний бойиш манбаларини ёпиш муаммолари билан узвий боғланган. Яширин иқтисодиёт кўламларини камайтирмасдан, республикада иш ўринларини зудлик билан кўпайтириш асосида меҳнат бозорида иш кучига талаб ва таклиф ўртасидаги зарурий мутаносибликни ўрнатмасдан, яширин ишсизликни ва аввало, иш ҳақини оширишдаги яширин инфляцияни камайтирмасдан, энг кам иш ҳақини яшаш минимумига яқинлаштирмасдан туриб, социал шерикчиликнинг ривожланишига эришиш мумкин эмас.

Такрорлаш учун саволлар

1. Социал шерикчилик нима?
2. Нима учун бозор иқтисодиёти шароитларида социал шерикчилик мафкурасисиз ривожланиб бўлмайди?
3. Социал шерикчилик мафкураси К. Маркснинг қўшимча қиймат тўғрисидаги назариясидан нима билан фарқ қилади?
4. Социал шерикчилик назарияси шаклланишининг эволюциясини сўзлаб беринг?
5. Социал шерикчиликнинг қандай асосий моделларини биласиз?
6. Ўзбекистонда социал шерикчилик ғоясини қўллаш имкониятлари ва истиқболлари қандай?

5.4. СОЦИАЛ ИҚТИСОДИЁТ ШАКЛЛАНИШИ ЖАРАЁНИДА РИВОЖЛАНИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ ОМИЛЛАРИНИНГ ЎЗARO АЛОҚАДОРЛИГИ

Таянч иборалар

Социал жараён; иқтисодий жараён; социал ва иқтисодий жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги; иқтисодий самарадорлик; социал самарадорлик; социал соҳа; ўсиш омиллари; ўсишнинг социал омиллари; ўсишнинг иқтисодий омиллари; ўсиш омиллари баланси; иқтисодий салоҳият; иқтисодий ўзгариш; иқтисодий ва социал жараёнларни оптималлаштириш (мақбуллаштириш); социал муҳофаза.

Ҳар қандай мамлакатнинг социал ривожланиши, шубҳасиз, маълум ресурслар сарф этилиши орқали таъминланиб, турли-туман иқтисодий ва социал натижаларнинг умумлашмаси билан баҳоланади. Иқтисодий натижалар ЯИМ ҳажми билан, социал натижалар эса ЯИМнинг истеъмолга кетган қисми билан аниқланади. Самарадорлик — бу натижаларнинг сарф-харажатларга нисбатидир. Шу нуқтаи назардан иқтисодий самарадорлик ЯИМ ҳажмининг барча сарф-харажатларга нисбати, социал самарадорлик эса — истеъмол учун ишлатилган ЯИМ ҳажмининг худди шу харажатларга нисбати сифатида аниқланади. Демакки, ялпи ички маҳсулотнинг истеъмол қилинувчи қисмини кўпайтирган ҳолда

социал натижаларнинг яхшиланишига эришиш, аҳолининг кам ҳимояланган ва социал заиф қатламлари (ишсизлар, ногиронлар, болалар) тақдирига кўпроқ эътибор ажратиш мумкин бўлади. Бироқ бу жамғарилишга, сармоялашга ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилувчи ялпи ички маҳсулот улушини камайтиради, бу эса албатта иқтисодий ривожланиш суръатларига таъсир кўрсатади. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: ушбу соҳалардан (иқтисодий ёки социал) қайси бирида юқорироқ натижаларга эришиш мамлакат учун устувор аҳамиятга эга бўлади?

Социал устуворликлар муаммосининг энг муҳим жиҳати **ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва унинг социал йўналтирилганлигининг ўзаро таъсири** ҳисобланади. Жамиятнинг ривожланиши аввал бошдан оқ бир бутуннинг икки томонини белгиловчи иккиёқлама социал- иқтисодий жараёнлар: социаллик ва иқтисодийлик билан характерланади. Социал ва иқтисодий эҳтиёжларнинг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро тақозоланиши ишлаб чиқариш ва умуман жамият ривожланишининг асосий ва ўзак қисми ҳисобланади. Социал ва иқтисодий эҳтиёжларнинг ва шунга мос манфаатларнинг фарқлари ва умумийлиги тарихий жиҳатдан ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси билан ва, аввало, кўшимча меҳнатнинг ҳажми билан аниқланади. Экстенсив характерга эга бўлган ишлаб чиқаришнинг етарлича ривожланмаганлиги шароитларида социал тараққиётнинг ҳар иккала таркибий (иқтисодий ва социал) қисми ҳам қарама-қарши характерга эга бўлади ва ўзаро ўсишга йўл бермайди.

Ўзининг тарихий функциясини — ишлаб чиқаришни индустрлаштириш (XIX аср охири XX аср бошларида) шаклидаги капитал жамғаришни амалга оширишда капитализм ўзининг ривожланишининг дастлабки босқичларида социал омилларни тежашдан фойдаланган. Социал тараққиётга эришиш нуқтаи назаридан ушбу ёндошувнинг қўлланилиши ўша давр шароитларида тўлиқ мумкин эди ва алоҳида салбий оқибатларга эга бўлмади. Чунки ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг самарали манбаи сифатида, кўшимча маҳ-

сулот хизмат қилди. Иқтисодий самарадорлик тўғридан-тўғри ва деярли тўлиғича иш кучини эксплуатация қилиш даражаси ва ишлаб чиқаришнинг ҳажми билан аниқланган. Ишлаб чиқариш нисбатан оддий меҳнатга, шунга мос равишда малакасиз иш кучига асосланиб, уни қайта ишлаб чиқариш таълим ва касбий билим олиш учун сезиларли даражадаги харажатларни талаб этмаган, социал харажатлардаги тежаш жамият учун катта зарарга айланмаган.

Аста-секин, социал ишлаб чиқаришнинг ривожланиш ва иқтисодий муносабатларнинг мураккаблашиб бориши билан вазият ўзгарди. Социал муносабатлар ривожланишининг маълум бир босқичида шундай давр келдики, иқтисодий ривожланиш социал жараёнларга боғлиқликдан ташқарида мумкин бўлмай қолди. Социал ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмлари бўлган иқтисодий ва социал жиҳатларнинг ўзаро узоқлашуви ўтган асрнинг бошларида ўзининг охирги даражасига етди. Аввалги омиллар (ёлланма ишчиларни эксплуатация қилишни кучайтириш, меҳнат шароитининг ёмонлашуви, ишлаб чиқаришнинг оммавийлашуви ҳисобидан тежаш) ҳисобидан олинувчи иқтисодий самарадорлик ҳам ўзининг охирги даражасига эришди. Бир томондан ёлланма ишчиларнинг ташкилий қаршилиги ошиб бориши билан иш ташлашлар сабабли иқтисодий йўқотишлар ўсиб борди, бошқа томондан эса, аҳоли асосий қисмининг тўлов қобилияти талабининг пастлиги меҳнат фаоллигини ҳам пасайтирди ва ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришга жиддий тўсиқ қўйди. Охир-оқибатда эса, ишлаб чиқаришнинг социал соҳасидаги тежашлар ва уни энг кам даражага келтирилиши янада ривожланишни кескин чегаралаб қўйди. Бу ҳақда, яққол даражада, 1929—1932 йиллардаги инқироз гувоҳлик бериб, иқтисодий самарадорликни мутлоқлаштиришга асосланувчи ривожланиш фалсафасини ўзгартириш зарурлигини объектив шарт қилиб қўйди. Ривожланишнинг янги фалсафаси бир вақтнинг ўзида ҳам социал жиҳатни кучайтириш, шахснинг социаллашувига эришиш, ишлаб чиқаришнинг социал йўналишининг ўсиши

ҳамда, аввало, унинг энг муҳим шарт сифатидаги иқтисодий самарадорликнинг кучайишига асосланади. Шу тариқа, аста-секин капиталистик ишлаб чиқариш усули шароитида ва кейинчалик социал иқтисодиёт механизми шаклланишида социал ва иқтисодий жараёнлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва ўзаро боғлиқликни кучайтириш учун шарт-шароитлар яратилди.


Эски фалсафани янгисига алмаштириш, асосан урушдан кейинги йилларда, барча индустриал ривожланган мамлакатларда юз берди. Ушбу жараённи жадаллаштиришнинг асосий омиллари илмий-техника инқилоби ва кўпроқ иқтисодиётнинг интенсив типига асосланган кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришга аста-секин ўтиш бўлди.

Социал ривожланишнинг иқтисодий ва социал қисмларининг ўзаро нисбати тўхтовсиз умумиқтисодий ўсиш, юз бераётган демографик ўзгаришлар таъсири остида жиддий ўзгаришлар учрамоқда. Устуворликларни танлашга бир қатор бошқа омиллар: сиёсий, маданий, миллий анъаналар, иқтисодиёт типи, фуқаролик жамияти вужудга келишининг хусусиятлари ва бошқалар таъсир этади.

Ривожланишнинг ҳозирги босқичида иқтисодий ва социал омилларнинг ўзаро таъсири ва ўзаро тақозоланиши кучайди. Юқори турмуш сифати, маънавий-ахлоқий асослар, социал қадриятлар нафақат социал ривожланишнинг мақсади, балки маҳсулот сифатини оширишнинг, иқтисодий ўсиш муаммоларини самарали ҳал этишнинг ҳам ғоятда муҳим механизми бўлмоқда.

Ҳозирги дунёда жамият, миллий даромаднинг тобора кўпроқ қисмини истеъмолга ва инсон капиталини ривожлантиришга йўналтира бориб, бу билан келажақда иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш учун зарурий шарт-шароитларни яратмоқда (9-чизма).

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини тубдан яхшилаш учун ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштиришга катта куч сарфлаш ва илмий-техника тараққиётини анчагина жадаллаштириш талаб этилади. Ушбу вази-



9- чизма. Социал иқтисодиёт шаклланиши шароитидаги иқтисодий ўсиш жараёнида инсон ва жисмоний капиталларнинг ўзаро таъсири

фаларни ҳал этиш учун ишчилар, тадбиркорлар ва барча менежерларнинг касбий малакасини ошириш зарур.

Иқтисодий самарали ва социал йўналтирилган бозор тизимини яратиш — жуда мураккаб вазифа. Жамиятнинг бундай ҳолатига, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва уни иқтисодиёти ҳақиқатдан ҳам социал йўналган ривожланган мамлакатлар турмуш андозаларига аста-секин яқинлаштиришнинг муҳим шarti сифатида жаҳон бозорига турли-туман ва рақобатбардош товарлар (хизматлар) ишлаб чиқаришнинг юқори ривожланган даражасига ўтиш йўли орқали эришиш мумкин. Шу маънода, Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни ташкил этишни сифат жиҳатдан такомиллаштириш, замонавий технологияларни кенг қўллаш, юқори даражада ташкил этилган иқтисодий тизимни шакллантириш асосида, мустаҳкам ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишга йўналтирилган макроиқтисодий даражада қилинаётган уринишлар тўла асосли ҳисобланади. Вужудга келган ва иқтисодий самарадорликни сусайтирувчи қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида иқтисодий сиёсатда илғорроқ йўналишлар танланди ва амалга оширилди. Бу йўналишлардан бири, мамлакатда ўтказилаётган **иқти-**

содиётни либераллаштириш (эркинлаштириш) сиёсати ҳисобланади.¹

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигига, социал адолатни мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган социал омиллар жиддий таъсир кўрсатади. Ходимнинг меҳнат шароити, турмуши, соғлиғи, дам олиши, атроф-муҳит шароитлари мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш, одамларнинг меҳнат фаоллигини оширишнинг самарали воситалари, меҳнатга ҳам, унинг натижаларига ҳам янгича муносабатлар шаклланишининг муҳим омили ҳисобланади. Меҳнат шароитларини соғломлаштириш, билим олиш, малакани, моҳирликни, меҳнат тартибини яхшилаш ва бошқа социал омиллар нафақат меҳнатнинг натижаллиги ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига тобора кўпроқ таъсир кўрсатади, балки хўжалик юритишнинг бозор шароитларига мос келувчи янгича меҳнат муносабатларининг шаклланишига ҳам ёрдам беради.

¹ Иқтисодий ўсиш ва жамият ривожланиши жараёнига либераллаштиришнинг ижобий таъсири бир қанча йўналишлар бўйича юз беради. Аввало, хўжалик юритувчи субъектлари ортиқча, ҳар доим ҳам ўзини оқламайдиган, давлатнинг ҳомийлигидан озод қилиш, давлатнинг иқтисодий функцияларини қисқартириш ва субъектларнинг иқтисодий эркинлигини янада кенгайтириш ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги бозор рақобатининг ривожланишига ёрдам беради. Бозор рақобати ривожланишининг қонуний оқибати ишлаб чиқариш объектларининг кенгайиши ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (хизмат) сифатининг яхшиланиши ҳисобланади. Бундан ташқари, бозордаги турли субъектлар ўртасидаги рақобатчилик кураши тадбиркорлик ташаббуси ролининг янада кучайишига, ходимлар меҳнат фаоллигининг ошишига, шу билан бирга уларнинг иш сифати ва яқуний натижалари учун масъулиятининг кучайишига ёрдам беради. Барча бу жараёнлар макроиқтисодий даражада қонуний равишда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг яхшиланишига, ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайишига, ЯИМнинг кўпайишига олиб келади. Иқтисодиётни эркинлаштириш кичик ва хусусий бизнес соҳасида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга гоята кучли ижобий таъсир кўрсатади, айниқса шу соҳада турли чеклашлар, жумладан, ресурсларга эркин кириш йўлининг бўлмаслиги, энг кўп салбий оқибатларга эга бўлди. Иқтисодиётни эркинлаштириш, шунингдек, бандлик ва меҳнат бозорида мутаносибликни таъминлашнинг ўткир муаммоларини ҳал этишга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқди.

Илмий-техника тараққиётининг янада ривожланиши бўйича тадбирларнинг социал йўналганлиги меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган харажатлар улушининг тез ўсиб бориши, малакасиз меҳнат қўлланилиш соҳаларининг қисқаришида намоён бўлади.

Илмий-техника тараққиётининг социал оқибатлари, шунингдек, ходимлар томонидан уларнинг меҳнатга бўлган интилишларининг, ишлаб чиқарувчилар сифатида ўз ўринлари ва ролларининг аҳамиятли ва зарурлигининг англаниши меҳнаткашларни меҳнат воситалари ва предметларини, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришда фаол қатнашишга объектив равишда ундаб боради. Бу айниқса ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга йўналтирилган ихтирочилик ва кашфиётчилик фаолиятининг ўсиб боришида яққол намоён бўлади.

Социал натижалар, муҳим мустақил аҳамиятга эга бўлган ҳолда, кўпинча, бир вақтнинг ўзида иқтисодий самарадорликнинг жиддий ўсишига ҳам ёрдамлашади. Социал натижалар қисман иқтисодий кўрсаткичлар орқали ўлчаниши ва шу тариқа фақат иқтисодий натижаларга муҳим тўлдириш сифатида ҳисобга олиниши мумкин. Шахснинг интеллектуал ривожланиши, таълим, соғлиқни сақлаш, бандликни таъминлашга, меҳнат шароитларини яхшилашга, иш ҳақини оширишга ва шубҳасиз, аҳолининг кам таъминланган қатламларини социал ҳимоялашга қилинган сарф-харажатлар бир қатор муҳим социал натижаларга эришишга ёрдамлашиб, бу социал иқтисодиёт шаклланиши нуқтаи назаридан, биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Бунда ушбу турдаги социал хизматларга харажатларнинг амалда барчаси ёки асосий қисми иқтисодий самарадорликнинг ошишига ёрдам беради ва у ёки бу даражадаги ишончлилик билан иқтисодий баҳоланиши мумкин. Шу муносабат билан ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини эришиладиган социал натижаларнинг тахминий иқтисодий баҳосини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш мантиқийликка тўғри келади.

Тиббий хизмат, таълим ва одамларни касбий тайёрлаш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳолининг бандлигини таъ-

минлаш, меҳнатга қизиқтиришнинг кучайиши, уй-жой шароитини ва меҳнат фаолияти шароитини яхшилаш, шунингдек бошқа социал натижаларнинг иқтисодий самарасига одамларнинг меҳнат қобилиятини ва иш кучининг сифатини ошириш натижасида эришиш мумкин. Бу меҳнат унумдорлигининг ўсишини; ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишларини пасайтиришни; сифатли, рақобатбардош маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқаришни; асосий фондлар, молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни, ишлаб чиқариш ва муомаладаги харажатнинг пасайишини англатади.

Шу билан бирга, ишлаб чиқаришнинг социал ва иқтисодий самарадорлигини оширишга социал харажатларнинг оддийгина кўпайиши ёрдам бермайди. Бозор ҳўжалик механизмининг мустаҳкам қоидаларига кўра ҳар қандай, ҳатто улкан иқтисодий имкониятларга эга бўлган жамият учун ҳам изланаётган социал натижаларга эришиш қандай меҳнат ва харажатлар эвазига эришилаётгани фарқсиз эмас. Ўзбекистон учун, бошқа ривожланаётган мамлакатлар учун бўлгани каби, чекланган иқтисодий имкониятлар ва бозор муносабатларига ўтишнинг мураккаб шароитларида қандай қилиб энг юқори социал натижаларга эришиш вазифаси ҳам муҳим ҳисобланади.¹

Бундан келиб чиқадики, ишлаб чиқаришнинг социал ва иқтисодий самарадорлигини ошириш ва унинг социал соҳа ривожланишига таъсирини кучайтиришнинг истиқбол-

¹ Биринчидан, социал иқтисодиёт, аввалги, маъмурий-буйруқ-бозлик иқтисодиётидан фарқ қилиб, социал харажатлар ҳажмини кўпайтиришни талаб этади, аҳолини бозор стихиясининг салбий таъсиридан социал ҳимоялаш бўйича тадбирларнинг роли ортади. Иккинчидан, бозорга ўтишнинг ўзи, айниқса унинг дастлабки босқичларида, мамлакатнинг иқтисодий аҳолини анча ёмонлаштирди, бу билан жамиятнинг социал эҳтиёжларга харажатни кўпайтириш учун иқтисодий имкониятларини чеклаб қўйди. ЯИМ ҳажмининг иқтисодий ислохотлар бошлангандан кейинги биринчи олти йилда 20% га, sanoatдаги ишлаб чиқариш ҳажмининг эса икки баравардан кўпроққа пасайганини таъкидлаш етарлидир.

ларини айнан шундай вазиятдан туриб қараш лозим. Бозор хўжалиги шароитларида аҳолини турли ноқулайликлар ҳамда бозор стихияси ва тартибсизликларининг салбий таъсиридан ҳимоялашни кучайтиришга йўналтирилган ҳар хил янги тадбирлар орасида уларнинг аҳволи ва ривожланишини баҳолашнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги ва иқтисодий усуллари тобора катта аҳамият касб этиб боради. Ҳаёт ушбу муаммонинг бозор қонунларининг объектив таъсири билан тақозоланувчи турли-туман иқтисодий жиҳатларини тезроқ ҳал этиш заруриятини талаб этади.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатадики, қулай социал шароитларда ва меҳнат даромадлари юқори даражада бўлганда меҳнатга қизиқтиришнинг ошиб бориши, ходим иш қобилиятининг ошиши, иш кучи сифатининг яхшиланиши ва шу асосда меҳнат унумдорлигининг кўтарилиши, ноишлаб чиқариш харажатлари ва кадрлар қўнимсизлигининг қисқариши, ҳаётий куч ва қувватни тезроқ ҳамда сифатлироқ тикланиши, асосий ишлаб чиқариш операциялари, шунингдек сифатли маҳсулот чиқаришга вақтнинг кўпайиши кабилар оқибатида ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги юқори даражада бўлади.

Масалан, шовқинни камайтириш, ҳаво муҳити ҳароратини, унинг намлигини қулай шароитларга томон ўзгартириш, иш жойининг ёритилишини меъёрий даражаларга етказиш асосида меҳнат шароитларининг яхшиланиши меҳнат унумдорлигини сезиларли оширишга имкон беради. Демакки, меҳнат шароитларини яхшилаш ва социал самарага эришишга йўналтирилган молиявий харажатлар тўлиқ ўзини оқлайди ҳамда иқтисодий самарадорликнинг ўсишига ёрдам беради.

Янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлик даражасини оширишга қилинган харажатлар, ишсизликка қарши кураш бўйича бошқа тадбирларнинг ўтказилиши нафақат социал, балки ғоятда сезиларли иқтисодий самара ҳам беради. Қўшимча меҳнат бозорида юритилаётган социал сиёсатдан олинаётган иқтисодий самаранинг кўлами, қилин-

ган харажатларга нисбатан таққослаганда кўп бўлиб чиқиши мумкин. Бироқ, амалиётда шундай ҳолатлар ҳам бўладики, ишга жойлаштириш мақсадида кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлашга, нафақалар бериш ва бошқаларга қилинган харажатлар ўзини қопламайди ёки, энг яхши ҳолда, қисман қоплайди.

Германиядаги меҳнат бозори ва касбларни ўрганиш институтининг олимлари (Г. Шмидт, Х. Мосли ва бошқалар) меҳнат бозоридаги фаол сиёсат самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишни умумлаштирган ҳолдаги ўрганиш натижаларини эълон қилдилар. Уларнинг ҳисоб-китобига кўра, мамлакатда меҳнат бозорида фаол сиёсат ўтказишга қилинаётган харажатлар йилига 50 миллиард маркани ташкил этади.¹ Тадқиқот натижаларига кўра немис олимлари шундай хулосага келдиларки, меҳнат бозоридаги фаол сиёсат маълум бир шароитларда тўлиқ самаралидир. Бироқ, у етарлича таъсирчан бўлмаган умумий иқтисодий сиёсат (даромадлар, пул ва хазина сиёсати) оқибатидаги ёмонлашиб бораётган иқтисодий ҳолатда пасайиб кетади. Бу билан улар социал хизматларнинг иқтисодий самарадорлиги даражасининг мамлакат умумий иқтисодий ҳолатидан боғлиқлигини исботлайдилар.

Меҳнат унумдорлигига ва барча ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлигига илмий-техника тараққиётини ривожлантириш, меҳнат муҳофазаси ва унинг хавфсизлигини ошириш, иш ҳақини ошириш ва бошқа социал омиллар ижобий таъсир кўрсатади. Табиийки, унумдорликнинг ўсиши меҳнат сарфининг ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (хизмат) таннархининг пасайишига олиб келади, демакки, унинг рақобатбардошлигини оширади.

Шубҳасизки, цивилизациялашган бозор муносабатлари шароитидаги социал меҳнат тақсимоотида социал соҳанинг ажралиб чиқиши ва уни **сифат жиҳатидан такомиллашти-**

¹ *Слезингер Г.Э.* Социальная экономика: Учебник. — М., Издательство «Дело и сервис», 2001, с. 191-192.

ришнинг юқори суръатларига эришиш — катта уринишларнинг натижаси ва инсон фаолиятининг барча соҳаларидаги тараққиёт учун зарурий шартдир. Илмий-техника тараққиётининг жаҳон ютуқларидан самарали фойдалана олган мамлакатлар энг оқилона тарзда ҳаракат қилдилар ва "инсон учун қўйилмаларни" кўпайтиришни зарур деб топдилар. Шу нарса диққатга сазоворки, Фарб мамлакатларида бу қўйилмалар нафақат социал соҳа тармоқларини бюджетдан молиялаштиришни кўпайтириш орқали, балки бутун аҳолининг даромадларини (аввало, иш ҳақини) ўстириш орқали амалга оширилди. Амалиёт кўрсатадики, "инсон учун қўйилмалар" бу мамлакатларда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари ҳамда илмий-техника тараққиёти тақдим этаётган юқори унумли ва ресурсларни тежовчи технологиялар ҳисобидан ўзини тўлиқ қоплади. Чунки социал соҳа иқтисодий ривожланишнинг суръатлари ва самарадорлигига инсон орқали, унинг сифат кўрсаткичлари (таълим, соғлиқ, интеллектуал ва жисмоний ривожланиши) орқали фаол таъсир кўрсатади. Моддий ишлаб чиқариш эса, иш кучи сифат кўрсаткичларининг ошиши асосида, ўз натижалилигини ошира бориб, ўз навбатида аҳолининг ва давлат бюджети даромадларининг ўсишига ёрдам беради. Булар социал соҳани молиялаштиришнинг асосий манбалари ҳисобланади.

Ўзбекистондаги социал-иқтисодий жараёнлар бирмунча бошқача тарзда ривожланмоқда. Бу ерда иқтисодиётни бошқаришнинг режали, маъмурий-буйруқбозлик тизимининг салбий оқибатлари, бир қатор объектив сабабларга кўра, анча сезиларлидир. Бозор иқтисодиётига ўтиш зарурияти ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигининг пастлиги, иқтисодий ўсишда экстенсив омилларнинг кучлилиги сабабли объектив тақозоланган эди. Тушунарлики, бундай шароитларда исрофгарчилик хўжалик механизмидан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг интенсив типига ўтиш, унинг юқори иқтисодий самарадорлигини таъминлаш биринчи даражадаги муҳим вазифага айланиб борди. Шу билан бир вақтда, секинлашмаган ҳолда муҳим социал

вазифаларни ҳал этиш: биринчидан, аввалги тизимдан мерос қолган социал адолат, меҳнатга ҳақ тўлашдаги тенгчилик тамойилларининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иккинчидан, фаол социал сиёсат юритиш асосида, имкониятга қараб, ўтиш даврининг салбий оқибатларини юмшатиб бориш ва бир вақтнинг ўзида иқтисодий самарадорликнинг аста-секин ўсишини таъминлашни ҳал этиш зарур бўлди. Бунинг устига, ушбу муҳим ва шу билан бир вақтда кечиктириб бўлмайдиган социал соҳа вазифаларини туб ислохотлар ва бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки давридаги (1991—1995 йй.) иқтисодий инқирозлар оқибатида, ишлаб чиқаришнинг пасайиши шароитларида ҳал қилишга тўғри келди. Ишлаб чиқариш мутлақ ҳажмининг пасайиши ва молиявий ресурсларнинг етишмаслиги шароитида социал эҳтиёжларга катта воситаларни жалб этиш жамият учун енгил бўлмади. Шундай бўлса-да, кечиктириб бўлмайдиган социал вазифаларни ҳал этмаслик мумкин эмас эди. Чунки социал вазифаларни ўз вақтида ҳал этмаслик, ёки ҳатто бу ишдаги сусткашлик ҳам, сарфланган социал харажатлар билан таққослаганда, жамият учун кўпроқ иқтисодий йўқотишларга айланиши мумкин эди. Бозор муносабатларига ўтиш ва республика иқтисодиётини камхаражатли бозор хўжалиги механизмига ўтказиш макроиқтисодий даражада жамиятнинг социал йўналтирилиши учун моддий асос яратди. Бозор ўзгаришлари ва янги ишлаб чиқариш муносабатларининг шаклланиши жараёнида ўтказилаётган бозор ислохотларига мос ҳолда иқтисодий ва социал самарадорликнинг аста-секин яқинлашуви юз берди, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик кучайди. Ҳам иқтисодий, ҳам социал самарадорликка эришиш, гуёки умумий йўлга, умумий йўналишга эга бўлди ва анчагина сезиларли **ўзаро таъсир** кўрсата бошлади. Ўзбекистонда ҳозирдаёқ, иқтисодий ислохотлар бошланганига бир неча йил бўлган бўлса-да, бозор муносабатларига ўтиш мақсадида, иқтисодий ва социал ривожланиш жараёнлари ўртасида ўзаро алоқадорлик ўрнатилди. Иқтисодий самарадорлик, маълум даражада, жами-

ятнинг социал йўналганлигидан, социал муаммоларни ҳал этишнинг ўз вақтидалиги ва кўламига боғлиқ бўлиб бормоқда. Ўз навбатида, социал жараёнларнинг ривожланишида, турли-туман социал дастурларни кенгайтириш ва амалга оширишда иқтисодий самарадорликнинг белгиловчи аҳамиятга эгаллиги тобора равшан кўринмоқда.

Иқтисодий ва социал ривожланиш жараёнлари ўртасидаги энг **мақбул нисбатга** эришишга давлатнинг бутун иқтисодий сиёсати йўналтирилган. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатнинг ўзаги ва узоқ муддатга мўлжалланган биринчи даражали вазифа — мустаҳкам ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш ҳисобланади. Бу тасодифий эмас. Иқтисодий ўсиш юз бераётган шароитларда, давлат ҳокимияти жамиятнинг социал ҳимояланмаган аъзоларига (ногиронлар, етим болалар, камбағаллар ва б.) кўпроқ эътибор қаратиши керак бўлади.

Социал муаммоларни ҳал қилишга иқтисодий ўсишнинг қулай таъсири қуйидаги муҳим йўналишлар бўйича юз беради:

1. Иқтисодиётда банд аҳолининг иш ҳақи ва турмуш даражаси кўтарилади. 2003 йил маълумотларига кўра иқтисодиётда банд аҳолининг ўртача ойлик иш ҳақи 30209,9 сўм бўлиб, ўтган 2002 йил билан таққослаганда 46,9 % га кўпайган.¹ 2005 йил давомида барча бюджетдан иш ҳақи оладиганларнинг иш ҳақи 50%га кўтарилди.

2. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан янги иш ўринлари яратилади, ишсизлар ишга жойлашиш имконига эга бўлади. 2001—2003 йилларда иқтисодиётда банд аҳоли сони 197.0 минг кишига кўпайди.

3. Корхоналарнинг (фирмаларнинг) молиявий аҳволи яхшиланди, шунга мос равишда уларнинг корхона ходимларига социал ёрдам, болалар муассасаларига, қариялар уйларига ҳомийлик ёрдами кўрсатиш учун имкониятлари ошиб боради.

¹ Экономическое положение Республики Узбекистан за 2002 г. Т., 2003, с. 6.

4. Давлат бюджетига пул маблағлари тушиши кўпаяди. Натижада давлат ишсизлар ва аҳолининг бошқа социал ҳимояга муҳтож қатламларига (қариялар, етим болалар, ногиронлар, камбағаллар ва б.) кўпроқ эътибор қаратиши керак бўлади.

Умуман олганда, социал соҳанинг иқтисодий моҳияти ва унинг иқтисодий ўсиш даражасига ҳамда кўрсаткичларига, иқтисодиётнинг реал сектори билан ўзаро ҳамкорлигининг характериға таъсири муҳим мустақил муаммо бўлиб қолган ҳолда, анча чуқур тадқиқотларни талаб этади. Бунинг устиға, социал соҳа ривожланишининг иқтисодий ўсишға таъсири, айрим ғарб тадқиқотчиларининг баҳолашларига кўра турлича.

Ортодоксал неоклассик назария жамиятда иқтисодий ва социал жараёнларнинг ҳар қандай ўзаро таъсирини тўлиқ инкор этади ҳамда иқтисодий самарадорлик ва ривожланишнинг социал мақсадларининг принципиал жиҳатдан зиддиятлилиги тўғрисидаги нуқтаи назарни илгари суради.

Бир қатор олимларнинг таъкидлашича, социал соҳа иқтисодий ўсиш суръатларига нафақат ижобий, балки секинлаштирувчи таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Жумладан, ушбу нуқтаи назарнинг фаол тарафдорларидан бири монетаризм назариясининг асосчиси, америкалик олим М. Фридмен ҳисобланади. Давлатнинг бозор жараёнларига аралашшиға қарши бўлиб, у аҳолининг кам таъминланган қатламларининг давлат томонидан ҳимояланишиға қатъий қарши чиқади, бу хилдаги социал сиёсатни иқтисодий жиҳатдан кам самарали деб ҳисоблайди. Тахминан худди шундай нуқтаи назарни машҳур иқтисодчилардан П. Самуэльсон ва В. Нордухауслар ҳам маъқуллашади.¹

Иқтисодий адабиётларда мазкур нуқтаи назарни ҳақли равишда танқид қилувчи бошқа қарашлар ва оқимлар ҳам бор. Масалан, муассасавий ва сиёсий йўналишдаги олимлар

¹ Самуэльсон П., Нордухаус В. Экономика: Учебник. М., 1997, с.410.

инсонга йўналтирилган замонавий иқтисодиётда социал омилларнинг роли ўсиб боради деб ҳисоблашади.

Барқарор иқтисодий ўсишга эришишда социал омиллар ролининг ўсиб бориши тўғрисидаги нуқтаи назар тобора кўпроқ қувватланишга ва тушунилишга эришмоқда. Бугунги кунда энди кўпчилик олимлар умуминсоний тараққиётнинг бош шарти социал ривожланиш суръатларини жадаллаштириш, мураккаб социал жараёнларга фаол таъсир кўрсатиш мақсадида барча ресурсларни сафарбар этишдир деб ҳисоблайдилар.

Юқорида баён этилганлардан равшанки, инсон фаолиятининг икки соҳаси ривожланишидаги мақбул нисбати масаласи пайдо бўлиб, уларнинг самарали таъсир кўрсатиши қуйидаги муҳим ҳолатларни ҳисобга олишни тақозо этади: биринчидан, мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланишининг конкрет тарихий шароитлари ва миллий хусусиятларини; иккинчидан, ижобий халқаро тажрибани ҳисобга олиш. Ўзбекистонга нисбатан эса, унинг улкан иқтисодий салоҳияти, бой табиий ва инсон ресурслари ҳамда бу салоҳиятдан фойдаланиш учун чекланган молиявий имкониятларини ҳисобга олганда, бир бутунни ташкил этувчи иқтисодий ва социал жиҳатларни оптималлаштириш муаммоси алоҳида долзарблик касб этади.

Иқтисодий ислоҳотлар ва бозор тизимига ўтишнинг барча босқичларида социал муаммоларни ҳал этишга, аввало, аҳолининг кам таъминланган ва социал жиҳатдан заиф қатламларини социал ҳимоялашга, аҳолининг турмуш даражасини кўтаришнинг зарурий шарти сифатида катта эътибор қаратилади. Бу айниқса ҳозирда, либераллаштириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, социал йўналтирилган бозор иқтисодиётининг шаклланиши шароитларида, айниқса муҳимдир. Ўз навбатида, товар ишлаб чиқаришнинг ва бутун иқтисодиётнинг сифат жиҳатдан ўзгариши, яратилган иқтисодий потенциалдан (салоҳиятдан) мавжуд бой табиий ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳолининг турмуш шароитларини янада яхшилаш, социал муно-

сабатларнинг бутун тизимини такомиллаштириш билан узвий боғланган.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга кiritганидан сўнг қисқа бир тарихий даврда иқтисодий ислох қилиш учун жуда муҳим, ва шу билан бир вақтда ғоят мураккаб вазифаларни ҳал этиш, бунда социал ларзалар ва жамиятнинг бўлинишига ҳеч қандай имкон бермаслиги лозим бўлган эди. Халқаро иқтисодий интеграциянинг кучайиши, тармоқлараро ва тизим ичидаги хўжалик алоқаларининг мураккабланиши, илмий-техника тараққиётининг ва инновацион жараёнларнинг ривожланиши, ишлаб-чиқаришнинг улкан миқёсларда ва чуқур даражада ихтисослашуви, инсон, техника ва табиатнинг мураккаб ўзаро таъсири, бутун такрор ишлаб чиқариш жараёнида инсон ролининг жуда ўсиб бориши, иқтисодий ва социал самарадорлик ўртасида энг мақбул нисбатнинг ўрнатилиши шароитларида бу анча мураккаб вазифадир. Уни ҳал этишнинг мураккаблиги республика аҳолисининг турмуш даражасини кўтариш ва унга социал хизматларни тақдим этиш заруриятидан, демакки, иқтисодий ислох қилишнинг мураккаб шароитларида социал соҳанинг ривожланишига харажатларни кўпайтиришдан иборатдир. Бунинг устига ривожланган мамлакатларда шаклланган ва МДҲда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам, истеъмолнинг амалдаги даражаси, унинг меъёрлари ўртасидаги муҳим тафовутларнинг мавжудлиги социал аҳамиятли ҳар қандай тадбирларнинг самарадорлигини жиддий пасайтиради. Ушбу тафовутларни бирмунча барта раф этишга ва истеъмолни Фарб андозаларига озроқ бўлса да, яқинлаштиришга бўлган уринишлар, ҳатто барқарорлашган иқтисодий ўсиш (йилига 4,0—4,5 %) суръатлари шароитида ҳам, молиявий имкониятларнинг мутлақ даражасига тақалиши ва иқтисодий самарадорликни пасайиш хавфи остига қўйиши мумкин.

Мамлакатда шаклланган демографик вазият билан ҳам ҳисоблашмаслик мумкин эмас. Аҳоли сонининг ўсиш суръатлари, айрим ижобий ўзгаришларга қарамасдан, ҳозирча

жуда юқорилигича (йилига 300—350 минг) қолмоқда. Туғилишнинг юқори даражаси социал характердаги чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал этишда анчагина қийинчиликларни яратади.

Бошқача айтганда, хўжалик юритишнинг бозор тизимига ўтиш муносабати билан пайдо бўлган иқтисодий ўсишнинг янги истиқболлари ва имкониятлари меҳнат ресурсларига бой республика аҳолисининг реал даромадларини кўпайтириш ва турмуш даражасини кўтаришнинг энг қийин муаммолари билан бирлашиб кетади.

Бундай шароитларда иқтисодий ва социал самарадорлик ўртасидаги оптимал нуқтани топиш ва шу асосда жамият ривожланишида сезиларли тараққиётга эришиш енгил вазифалардан бўлмайди. Ижобий ва барқарор натижага иқтисодий ва социал самарадорликни оптимал уйғунлаштиригандагина эришиш мумкин. Шу сабабдан, мантиқан фараз қилиш мумкинки, иқтисодий ўсишнинг истиқбол модели бир бутуннинг ушбу икки ташкил этувчисининг оптимал бирикишига таяниши лозим. Шу муносабат билан, иқтисодий ўсишнинг барча манбаларини, иқтисодий ва социал омиллар тизими орқали сафарбар этиш ва тўла фойдаланиш ривожланишнинг умид бағишловчи стратегиясининг шарт-шароитигина эмас, балки мазмуни ҳам ва мамлакатда социал иқтисодиёт яратиш бўйича истиқболли иқтисодий сиёсатнинг устуворликларидан бири ҳам ҳисобланади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Инсоният жамиятининг ривожланишида социал устуворликлар ролининг ўсиб бориши нима билан тақозоланади?
2. Социал адолат ва социал йўналишдаги бошқа омиллар ишлаб чиқаришнинг социал самарадорлигига қандай таъсир кўрсатади?
3. Иқтисодий самарадорлик жамиятнинг социал ривожланишига қандай таъсир этади?
4. Социал натижаларнинг иқтисодий самараси нимада ифодланади?

5. Ишсизликка қарши курашиш қандай иқтисодий ва социал натижалар беради?
6. Ўзбекистонда иқтисодий ва социал жараёнлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни кучайтиришнинг асосий йўналишлари қандай?
7. Иқтисодий ва социал самарадорлик ўртасидаги қандай нисбат энг оптимал ҳисобланади?
8. Иқтисодий ва социал самарадорлик ўртасидаги оптималлаштиришнинг ўта зарурлиги нима билан тақозоланади?
9. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистонда иқтисодий ва социал самарадорликни оптималлаштиришда қандай қийинчиликлар бўлган?
10. Иқтисодий ривожланишнинг муҳим социал вазифаларни ҳал этиш билан биргаликдаги қандай модели Ўзбекистон учун энг истиқболли ҳисобланади?

СОЦИАЛ ИҚТИСОДИЁТНИ БОШҚАРИШ

6.1. СОЦИАЛ ИҚТИСОДИЁТНИ БОШҚАРИШНИНГ МОҲИАТИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

**Таянч
иборалар**

Бошқариш; социал бошқариш; бошқариш сифати; бошқариш тамойиллари; бошқаришнинг мазмуни; бошқаришнинг функциялари; бошқаришнинг хусусиятлари; социал иқтисодиётни бошқариш самарадорлиги; бошқарувчилик капитали; иқтисодий билимлар; бошқаришнинг илмий концепциялари; бошқарув маданияти; бошқарув назарияси; бошқарув амалиёти; давлат томонидан тартибга солиш; мустақиллик; хўжалик ташаббуси; ўзини-ўзи бошқариш; социал адолат; социал адолатнинг бозор модели; давлатлар модели; давлатнинг функциялари; манфаатлар; манфаатлар тизими.

Иқтисодиётни бошқариш мураккаб ва сермеҳнат жараёнidir. Социал иқтисодиёт шароитларида ушбу соҳа устувор аҳамият касб этади, чунки у (социал иқтисодиёт) иқтисодий вазифалар билан биргаликда, муҳим социал вазифаларни ҳам ҳал этиши зарур. Шу муносабат билан социал иқтисодиётни шакллантириш бўйича кенг доирадаги муаммолар орасида, энг муҳимлари қаторида, жаҳон цивилизациясининг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда яратувчи ташкилий таркиблар ва бошқарув механизмларини кўрсатиш мумкин. Бугун бошқарув тизимини тубдан ўзгартирмасдан, социал жараёнларга таъсир этишнинг янги усуллари ишлаб чиқмасдан ва қўллагасдан туриб социал иқтисодиёт шаклланишининг мураккаб вазифаларини ҳал этиш мумкин эмас.

Янги типдаги социал-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ўзининг бир қатор янги назарий ва амалий масалаларини туғдиради. Социал иқтисодиётни бошқаришнинг замонавий назарияси ва амалиёти фақат унгагина хос бўлган хусусиятлар билан бирга бошқа бир социал маконда амалга ошмоқда. У режали иқтисодиётнинг бошқарув тизимидан фарқли ҳолда, мутлақо бошқача яқуний мақсадларни қўзлайди. Социал таркибнинг ва шахснинг ўсиб борувчи эҳтиёжларини максимал даражада қондириш, аҳоли турмуш даражасининг доимий ўсиб бориши жамиятни бошқаришнинг бош субъекти — социал давлат хулқ-атворининг одатдаги меъёрига айланади.

Бундай шароитларда жамият социал-сиёсий ва социал иқтисодий ҳаётининг барча томонларига онгли ва ўйланган таъсир кўрсатишнинг сифат жиҳатдан янги ва янада самаралироқ усуллари керак.

Ўзбекистон Республикаси қисқа тарихий давр ичида бозор ўзгаришларини амалга оширишда мураккаб ва шу билан бир вақтда муҳим йўлни босиб ўтди. Бу йўл жамиятдаги ва иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги катта ўзгаришлар туғри-сида гувоҳлик беради. Республикада эркинлаштириш дастури ва демократик фуқаролик жамияти қурилиши амалга оширилмоқда, бозорни давлат томонидан тартибга солишнинг самарали тизимини шакллантириш бўйича мақсадли йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда. Бозор талабларига мос равишда бошқарувнинг ташкилий таркиблари такомиллашмоқда, ходимларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги иштирокининг янги усуллари ишлаб чиқилмоқда ва қўлланилмоқда. Режали иқтисодиётнинг давлат-монополистик моделини монополиядан чиқариш ва яроқлилиги жаҳон амалиётида синалган бозор муносабатларини шакллантириш давомида жамият ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Ҳар қандай мураккаб социал-иқтисодий жараёндаги каби, бу ерда ҳам ўзининг устуворликлари бўлиб, бозор ислохотларининг мақсадларига ва яқуний натижаларига эришиш кўп жиҳатдан уларга боғлиқдир.

Меҳнат ресурсларининг нисбий ортиқчалигига ва ўтмишнинг оғир меросига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси учун бундай устуворликлардан бири социал соҳа ҳисобланади. Сиёсий ҳаётдаги (мустақилликка эришиш) ва иқтисодий сиёсатдаги (бозор муносабатларига ўтиш) туб ўзгаришлар социал ва иқтисодий тараққиёт учун катта имкониятлар ва реал истиқболни очмоқда. Шу билан бирга, улар жамиятнинг барча аъзоси учун унинг ҳаёт фаолияти ва меҳнатининг барқарорлигига маълум бир хавф-хатар омилини ҳам олиб келмоқда, ҳар бир инсон ҳаётига жиддий ўзгаришлар ва маълум даражадаги ноаниқликларни киритмоқда. Бундай вазиятда социал ҳимоянинг ишончли тизими ва социал хизматларнинг бутун бир комплекси алоҳида аҳамият касб этади. Чунки у бозор тизимига кўникишдаги бир қатор масалаларни ҳал этишга имкон беради, ноаниқлик ва яшаш учун курашнинг одатий бўлмаган шароитларида унинг мавжуд бўлишини ва ҳаёт фаолиятини кафолатлайди. Ўзбекистон ривожланишининг ҳозирги босқичи учун социал соҳанинг устуворлиги турмушнинг ўзи томонидан тақозо этилмоқда ва бутун халқнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келади. Бозор ислохотларининг бошланғич давридаёқ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов, социал масалаларга катта эътибор бериб, таъкидлаган эдики, "Ўзбекистон учун ўзи танлаб олган йўл ижтимоий соҳага йўналтирилган, республиканинг манфаатларига, шарт-шароитлари ва хусусиятларига энг кўп даражада мос келадиган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилгандир".¹ Амалда бу республикада социал йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратишдаги катта ва мураккаб йўлнинг бошланиши эди.

Бугун социал йўналтирилган бозор иқтисодиёти — бу энди оддийгина мақсад эмас, балки давлат таркиблари ва аҳоли ўртасидаги янги муносабатларнинг **фаол шаклланаётган тизимидир**. Унинг асосий фарқланувчи хусусияти —

¹ *И.А. Каримов. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли*. 1-том, Т., «Ўзбекистон», 1996, 290-бет.

ишлаб чиқарувчи кучларнинг янада ривожланишига йўналтирилганлиги, жамиятдаги сезиларли иқтисодий ва социал тараққиётга эришилганлигидир. Бозор иқтисодиётига ўтиш кун тартибига бир қатор принциплал янги вазифаларни қўйиб, улардан энг муҳими янги социал-иқтисодий шароитларга мос келувчи самарали бошқарув тизимини яратишдир. Чунки социал иқтисодиёт концепциясининг ўзини ўтказиш ва амалга ошириш кўп жиҳатдан бошқарув таркиблари ишининг самарадорлигига боғлиқдир. Улар нафақат иқтисодий ўсиш учун, балки аҳолини социал ҳимоялаш: ишсизликка қарши ва тўла бандлик учун курашиш, одамларнинг меҳнат ва турмушини, соғлиғини яхшилаш, атроф-муҳитни қўриқлаш, таълим соҳасини ривожлантириш ва шу кабилар учун ҳам масъулдирлар. Хўжалик юритишнинг шаклланган иқтисодий шароитларида, ҳали иқтисодиётни бошқаришнинг эски тизими емирилмаган, янгиси эса эндигина шаклланаётган бир пайтда, социал ва иқтисодий ривожланиш жараёнларига самарали таъсир этишнинг, бошқарувнинг турли даражадаги субъектлари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришнинг механизмларини шакллантириш учун кўп вақт ва куч талаб этилади.

Янги социал сиёсат бошқарув таркиблари ишининг самарадорлиги ва сифатига анча юқорироқ талабларни қўймоқда. Бусиз социал иқтисодиёт шаклланишини тасаввур этиш қийин. Бошқарув институтларининг янги иқтисодий ва социал тизимнинг шаклланишидаги ижобий омилга айланиши, кўпроқ уюшқоқлик ва барқарорликка томон ҳаракатланиш анъанавий давлат номенклатураси ва бошқарув бюрократиясини социал иқтисодиёт талабларига мос келувчи, янги типдаги бошқарув билан алмаштирмасдан туриб мумкин бўлмайди. Мақсадга эришиш учун социал иқтисодиётни ва унинг ташкилий тузилишининг методологик асосларини тадқиқ этиш, бунда жаҳон цивилизациясининг бой тажрибасини ҳисобга олиш лозим.

Ўтган йилларда МДХ ривожланишининг бошқарув тизимида илгари мавжуд бўлмаган ва социал муаммоларни фаол-

роқ ҳал этишга қаратилган таркиблар вужудга келди. Шўролар тизимидан мерос бўлиб қолган социал соҳани бошқарув органлари жамият ривожда ўзининг мазмуни бўйича ҳам, шунингдек, аҳамияти бўйича ҳам жиддий ўзгаришларга учради. Булар барчаси иқтисодий сиёсатнинг социал йўналтирилганлигини кучайтириб, бу билан, хўжалик юритишнинг бозор тизимидаги социал зиддиятларини ҳал этишга ва камчиликларни бартараф этишга ёрдам бермоқда.

Маълумки, эски типдаги бошқарувнинг барча бўғинлари умумхалқ манфаатлари деган дабдабали ғояларни ўзла-рига ниқоб қилиб олиб, бюрократик давлат манфаатлари-гагина хизмат қилдилар. Бундан фарқли ўлароқ, бошқарув-нинг янги институтлари жамият учун ишлайди. Режали ва бозор иқтисодиёти шароитларидаги бошқарувнинг моҳияти ва мазмунидаги туб қарама-қаршилик ана шундан иборат-дир. Айнан ана шу туб қарама-қаршилик уларнинг фаолия-тидаги қарорлар қабул қилиш ва бажариш усуллари, баҳо-лаш мезонлари, корхона ва ходимнинг фаолиятини режа-лаштириш ва назорат қилиш, кадрларни танлаш ва кўтариш сиёсати, меҳнатни тақдирлаш тизими, қўлланилаётган бош-қарувчилик технологиялари ва бошқа шу кабилардаги та-фовутларни белгилаб беради.

Бюрократик ташкилотларнинг ички тузилишини тав-сифловчи такаббурлик ва уларнинг жамият учун ёпиқлиги, ҳокимиятнинг ҳалдан ташқари ва беҳад даражадаги марказ-лашуви янги типдаги институтларнинг ошкоралилигига, уларнинг бошқарилувчи одамларнинг турли гуруҳлари ол-дидаги очиқлиги ва масъулиятлилигига қарама-қаршидир. Янги бошқарув таркибларининг фарқ қилувчи хусусиятла-ридан бири, уларнинг ресурслардан иқтисодий самарали фойдаланиш учун юқори даражадаги масъуллигидир. Ҳоки-миятга вакиллик ва бошқарув қарорларини қабул қилиш бўйича функцияларнинг анча қуйи даражаларга бериб қўйи-лиши — фуқаролик жамияти ва социал иқтисодиёт шакл-ланиши шароитларидаги бошқарувнинг характерли хусуси-ятларидан биридир.

Янги шароитларда нафақат бошқарувнинг моҳияти ва мақсадлари, балки унинг тамойиллари ва функциялари ҳам ўзгаради.

Иқтисодий адабиётларда социал иқтисодиёт шаклланиши шароитларидаги социал-иқтисодий жараёнларни бошқаришнинг қуйидаги беш функцияси кўрсатилади:¹

1. Социал-иқтисодий жараёнларнинг таҳлили ва баҳоси (мониторинг).

2. Социал-иқтисодий жараёнларнинг ривожланишини стратегик режалаштириш.

3. Социал-иқтисодий тартибга солиш жараёнларини ташкил этиш.

4. Социал-иқтисодий жараёнларнинг ривожланиш тенденцияларини башоратлаш.

5. Лойиҳавий ва меъёрий қарорларни амалга ошириш.

Бошқарув тамойиллари социал ва иқтисодий сиёсатни ўтказишда бошқарувчилар амал қиладиган ғоялар, қоидалар, меъёрларни акс эттиради.

Социал иқтисодиётга ўтиб борилиши билан улар аста-секин ўзгаради, янги иқтисодий муносабатларнинг мазмунига мос келувчи янгилари пайдо бўлади ва ўрнатилади. Масалан, режали иқтисодиёт шароитида бошқарувнинг асосий тамойили демократик централизм эди. Бироқ, бозор муносабатларининг ривожланиши ҳамда социал иқтисодиёт шакллана бориши билан, ушбу тамойил ўлади, бошқарувнинг анча илғорроқ бўлган бозор тамойилларига ўз ўрнини бўшатиб беради. Бошқарувнинг энг муҳим бозор тамойилларига қуйидагиларни киритиш мумкин: ҳокимиятнинг марказсизлаштирилиши ва бошқарувда биринчи бўлин ролнинг ошиб бориши, давлат томонидан самарали тартибга солиш, ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий самардорлиги учун юқори масъулиятлилик, бошқарув ходимларининг ўз касбини яхши билиши ва омилкорлиги, социал

¹ Слизингер Г.Э. Социальная Экономика: Учебник. М., Издательство «Дело и сервис», 2001, с. 186.

адолат, меҳнатга мос равишда тақдирлаш ва шу кабилар киритилиши мумкин.

Социал иқтисодиёт шароитида ишлаб чиқаришни давлат томонидан тартибга солиш **тамойилининг корхоналар хўжалик ташаббускорлиги** ва улар иқтисодий мустақиллининг ривожланиши билан аста-секин уйғунлашуви энг муҳим тамойил бўлиши лозим.

Самарали иқтисодиёт шаклланишида давлатнинг ижобий роли нуқтаи назаридан Германиянинг тоталитар иқтисодиётдан социал иқтисодиётга ўтиш тажрибаси ғоятда намуналидир. Социал иқтисодиётнинг Герман модели асосчилари тўлиқ "эркин" иқтисодиётга ҳам, шунингдек, бозор жараёнларининг тўлиқ давлат ҳомийлигида бўлиши ғоясига ҳам қарши бўлганлар. Тан олиш керакки, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва корхоналарнинг хўжалик ташаббусларининг миқдорий нисбатининг оптимал меъёрини топиш жуда мураккабдир. Бироқ, агарда энгилроқ йўлдан борилса, у катта социал-иқтисодий оқибатларга эга бўлиши мумкин. Бундай ёндошувнинг якуний натижаси ёки можароларни социал портлаш даражасига кескинлаштирувчи, тартибга солинмайдиган бозор бўлиши, ёки иқтисодий ривожланишни тўхтатувчи тоталитар жамият бўлиши мумкин.

Барча даврларда давлат социал-иқтисодий жараёнларнинг ривожланишига жиддий, кўпчилик ҳолларда, ижобий таъсир кўрсатган. Бироқ, социал иқтисодиёт шаклланиши шароитларида, социал стратегиянинг ва аҳолини социал ҳимоялашнинг кафолати сифатида, давлат олдида принципиал жиҳатдан янги талаблар қўйилади. Янги шароитларда давлатнинг иқтисодий фаолиятидаги мақсадли йўл-йўриқлар жамиятнинг иқтисодий ва социал ривожланишда самардорлик ва оптималлик тамойилларининг амалга оширилишида ифодаланади. Ушбу тамойилларнинг рўёбга чиқарилиши бевосита социал сиёсат (социал ривожланиш дастурларини бевосита ишлаб чиқиш ва амалга ошириш) ҳамда барча хўжалик юритувчи субъектларни ушбу дастурларда у ёки


бу шаклда иштирок этишга қизиқтирувчи шароитлар яратишни кўшиб олиб боришни тақозо этади.

Бозор муносабатларининг ривожланиб ва иқтисодиётнинг социал йўналганлигининг кучайиб бориши билан, жамият иқтисодий ҳаётида давлатнинг роли тубдан ўзгаради. Маълумки, режали иқтисодиёт моделида давлат, социалистик иқтисодиётни бошқариш тамойилига амал қилиб, ўзининг монопол мавқеидан фойдаланган ҳолда, товар ишлаб чиқаришнинг объектив қонунларини инкор этишга уринди. Корхоналар иқтисодий мустақилликдан маҳрум эди, улар фаолиятининг барча жиҳатлари юқоридан қаттиқ назорат қилинарди. Давлат ва бошқа субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими аниқ ифодаланувчи кўрсатма характериға эға эди.

Бундан фарқли равишда, бозор иқтисодиёти шароитида корхона хўжалик мустақиллигини олади, давлат томонидан бўладиган ортиқча раҳнамоликдан қутулади (11-чизма). Энди алоҳида олинган бир корхона ёки фирма бозор шароитини, маълумотлар банкени ўрганиш асосида, ўзининг корпоратив мақсадларини қўйган ҳолда, ўз ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқади. Янги шароитларда корхона ва фирманинги фаолияти бозор механизмлари асосида кенгайди, давлат эса бозор амал қилишини тартибға солиб туради. Давлат бошқарувнинг бош субъекти бўлиб қолган ҳолда, амалда мақсадға эришиш функциясини бажаради ва бозор камчи-



10-чизма. Режали иқтисодиётда давлат, корхона ва бозорнинг ўзаро алоқалари



11-чизма. Бозор иқтисодиёти шароитларида давлат, корхона ва бозорнинг ўзаро алоқаси

ликларини бартараф этиш мақсадидагина иқтисодиётга аралашади (бозор социал масалаларни, экологик муаммоларни ҳал этмайди, ишлаб чиқариш чуқур таркибий ўзгартиришларни ва бошқ. таъминламайди).

Социал иқтисодиёт шаклланиши шароитида давлатнинг мамлакат иқтисодий ҳаётига аралашуви давлатнинг тартибга солиш механизмлари орқали амалга оширилади. Бунда давлатнинг тартибга солиш механизми турли кўрсаткичларнинг кенг даражасини қамраб олган ҳолда, нафақат иқтисодий, балки янада муҳимроқ бўлган жамият социал ривожланиши манфаатларига ҳам жавоб бериши зарур (12-чизма).

Бундай механизм, шубҳасиз, иқтисодий кўрсаткичларга ҳам (иқтисодий блок), шунингдек социал йўналиш кўрсаткичларига ҳам самарали таъсир этиш муаммоларини ҳал этиши лозим.

Социал иқтисодиёт тамойиллари ўрнатила бориши билан, давлатнинг социал-иқтисодий жараёнларни тартибга солишдаги иштироки ўсиб боради. Аввало, бу кўпроқ социал адолатга эришиш мақсадида, давлатнинг қайта тақсимлаш фаолиятига миқёсларининг кенгайиши натижасида рўй беради.¹ Бунинг устига, Ўзбекистонда, кучли даражада ри-

¹ Иқтисодий адабиётларда кўрсатиладики, ЯИМ бюджет орқали қайта тақсимланиши аңгласак гуруҳидаги мамлакатларда 40% дан, скандинав мамлакатларида 60% гача стади.

— Нестеренко А. Социальная рыночная экономика: Концептуальные основы, исторический опыт, уроки для России. Ж.: Вопросы экономики. 1999, № 8; с. 73.



12-чизма. Жамиятнинг социал-иқтисодий ривожланиш жараёнларининг давлат томонидан тартибга солиниши

вожланган патернализм муносабатлари шароитида, социал иқтисодиётнинг шаклланиши даромадлар ва бойликларнинг аҳоли турли қатламлари ўртасида тақсимланишида давлатнинг янада фаолроқ иштирок этишини тақозо этади. Шу нуқтаи назардан мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ЯИМ анча қисмининг бюджет орқали қайта тақсимланиши амалиётини тўлиқ даражада асосли дейиш мумкин

Бироқ, бунда шуни назарда тутиш керакки, социал иқтисодиёт шаклланиши шароитида, мамлакатда ўтказилаётган, иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган сиёсат даврида давлатнинг жамият социал-иқтисодий ривожланиши жараёнларини тартибга солишдаги ролининг пасайишини ан-

латмайди. Эркинлаштириш жараёни давлат бошқарув тизими унинг функцияларига хос бўлмаган томонлардан енгиллашувига ёрдам беради.

Ўзбекистонда, МДХдаги кўпчилик мамлакатлардан фарқли равишда, туб иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида, стихияли ривожланувчи бозор тизимининг салбий тенденцияларини бартараф этиш мақсадида, **давлатнинг тартибга солувчилик ролидан** самарали фойдаланилди. Социал-иқтисодий жараёнларни тартибга солишнинг давлат усулларида моҳирона фойдаланиш, маълум даражада, товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятидаги келишувчанликни таъминлади. Иқтисодиётни эркинлаштириш тамойили шошма-шошарликсиз, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш учун зарур шарт-шароитларнинг яратилишига қараб киритилмоқда. Шу сабабли, ўтиш даврининг социал-иқтисодий оқибатлари унчалик вайрон этувчи даражада бўлмади. Корхоналарга нормал хўжалик фаолияти учун зарурий муҳитни яратишга тааллуқли ташкилий-иқтисодий муаммолар, чет эллик ва миллий манбаларнинг сармоялаш фаоллигини рағбатлантириш, бозор ўзгаришларига мос равишдаги янги, хўжалик юритишнинг самаралироқ шакллари ривожлантириш босқичма-босқич ҳал этиб борилди. Социал иқтисодиёт яратиш нуқтаи назаридан, иқтисодиётни аста-секин эркинлаштириш, хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда минтақалар иқтисодиётини зарур даражада мувофиқлаштириш ва интеграциялашни таъминлаш, солиқ ва бюджет сиёсатини такомиллаштириш, тадбиркорлик, хўжалик юритишнинг деҳқон, фермер ва бошқа илгор шакллари ривожлантириш катта аҳамиятга эга бўлади.

Давлат томонидан тартибга солишнинг самарали тизими орқали самарадорликни оширишнинг барча манбаларини сафарбар этиш ривожланиш стратегиясининг нафақат шарт-шароити, балки мазмуни ҳам, унинг энг муҳим мўлжали ҳам бўлиб бормоқда.

Шу билан бир вақтда, ўзини-ўзи тартибга солишнинг бозор усуллари ва моддий бойликларни ишлаб чиқариш,

тақсимлаш ва айирбошлаш соҳаларида жамоатчилик назоратининг давлат тизими бўлган ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ўртасидаги зарур мувофиқликни таъминлашга қодир бўлган аниқ чора-тадбирларни кўриш лозим. Фақат шу асосдагина, нафақат олдинги социал-иқтисодий тизимларнинг жиддий камчиликларини бартараф этишга, балки аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга ҳам қаратилган социал адолат тамойилига қатъийроқ амал қилиниши мумкин.

Ижтимоий адолат муаммолари узоқ даврлардан бошлаб кўпчилик, шу жумладан, Шарқ олимлари ва мутафаккирларининг фикрини банд этиб келади. Ушбу муаммо, ҳозирги давримизнинг ҳам энг муҳим вазифаларидан бўлгани ҳолда, муҳим умуминсоний қадриятлар қаторига киради. Социал адолат — шахс ва жамиятнинг оқилона ўзаро муносабатларининг фундаментал асосидир.

Жамиятда социал адолат ўрнатиш масаласига турлича ёндошувлар мавжуд: эгалитар, роулсиан, утилитар, социалистик, бозор муносабатлари. Ёндошувларнинг турличалиги социал адолат тўғрисидаги ҳар хил қадриятли мулоҳазаларни акс эттиради.

Бу ёндошувларнинг ҳар бири ўз хусусиятларига эга. Масалан, утилитар ёндошув жамиятнинг барча аъзолари учун фойдалиликнинг максималлашувини (энг кўп даражада бўлишини) тақозо этади. Бундан фарқ қилган ҳолда, эгалитар ёндошув, бойликларни ҳар бир киши учун у ёки бу товарларнинг (хизматларнинг) фойдалилик даражасидан қатъи назар, тенг тақсимланишини адолатли ҳисоблайди. Роулсиан ёндошувга кўра энг кам таъминланган кишилар учун фойдалиликни максималлаштириш социал адолат ҳисобланади.

Социалистик ёндошув бойлик ва неъматларни "Ҳар кимдан қобилятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша" тамойилига мувофиқ, меҳнатнинг миқдори ва сифатига мос равишда тақсимлашни англатади.

Бозор модели эса социал адолатни моддий ва маънавий неъматларни тақсимлашнинг бозор механизмлари ёрдамида

ўрнатади. Ушбу ёндошувларнинг ҳар бири ўз оқилона мағзига, ўз афзалликлари ва камчиликларига эга. Социал адолат муаммоларини ҳал этишга ёндошувлар турли-туман бўлса-да, уларнинг барчасидаги асосий камчилик — шахс ва жамиятнинг мустаҳкам ўзаро алоқаларига анча заиф даражада йўналтирилганлиги бўлиб қолади.

Юқорида санаб ўтилган камчиликларнинг кўпчилиги бозор муносабатларининг ривожлана бориши билан, бир вақтнинг ўзида иқтисодиётнинг социал йўналганлигининг кучайиши, яъни социал бозор иқтисодиётининг шакллана бориши билан бартараф этилади.

Унинг бошқа, илгари маълум бўлган социал-иқтисодий тизимлардан афзаллиги шундаки, унда, бошқа барчасидан фарқли ўлароқ, инсон ва унинг фаровонлиги, аҳоли турмуш даражасининг доимий ошиб бориши биринчи марта социал ривожланишнинг бош мақсадига айланади.

Айнан шу шароитда шахс ва жамиятнинг келишилган ва уйғун (гармоник) ўзаро муносабатлари учун, индивиднинг мавжуд имкониятларининг янада тўлароқ очилиши учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратилади.

Социал иқтисодиёт шаклланиши шароитларида социал адолатнинг янада юқорироқ даражасига у ёки бу социал гуруҳнинг, жамият ривожланиши эҳтиёжлари ва мақсадларининг конкрет шароитларига боғлиқ ҳолда, юқорида кўрсатилган ёндошувларнинг ҳар биридан моҳирона фойдаланиш асосида эришилади.

Уддабурон тадбиркорларни, ишлаб чиқариш воситалари эгаларини, меҳнатсевар ходимларни лойиқ даражада тақдирловчи бозор тақсимооти механизмлари, равшанки, бошқа ёндошувлар билан тўлдирилиши зарур. Бунинг устига, социал устуворликларнинг долзарблашуви ҳамда социал иқтисодиёт тамойилларининг ўрнатила бориши билан бозор муносабатлари бўлмаган ёндошувларнинг, айниқса роулсмонча ёндошувнинг роли ва аҳамияти ўсиб боради. Неъматларни тақсимлашда эгалитар ва утилитар ёндошувлардан фойдаланишнинг чегаралари ва миқёслари ҳам кенгайиши кутилади.

Ўзбекистонда социал иқтисодиёт шаклланиши шароитларида социал адолатга эришиш механизмларини фарб назарияси ва амалиётида қабул қилинган доктрина ва қарашлардан келиб чиқиб яратиш мақсадга мувофиқ эмасдир. Чунки улар, шубҳасизки, постиндустриал иқтисодиёт ривожланишидаги қонуниятларни акс эттиради. Масалан, камбағалликнинг нисбатан юқори даражаси социал ҳимоя чораларининг кенг қўлланилишини, аҳолининг кам таъминланган, кам даромадли қатламлари учун имтиёзлар ва нафақалар берилишини тақозо этади. Сермеҳнат иқтисодий ва анча даражадаги фойдаланилмаётган иш кучининг мавжудлиги ишга жойлаштириш ва бандлик, янги иш ўринлари яратишни тақдирлаш ва рағбатлантириш муаммоларини кескинлаштиради. Шундан келиб чиққан ҳолда, янги иш ўринларини яратишнинг ва аҳоли бандлик даражасини оширишнинг асосий генератори — кичик тадбиркорлик ва хусусий бизнесни самарали қўллаб-қувватлаш масаласи қўйилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатнинг социал-иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатиш чоралари иқтисодий ўсишнинг бозор механизмлари самарадорлигини пайсайтеирмаслиги лозим.

Социал бозор ҳўжалиги назариясининг асосчиларидан бири А. Мюллер-Армакнинг фикрича, социал бозор ҳўжалиги шароитларида мувофиқлик мезони даромадларнинг давлат бюджети орқали шундай қайта тақсимланиши бўладики, у социал гуруҳлар учун иқтисодий асос яратувчи рақобатнинг ривожланишини бузмайди.

Давлатларнинг турли моделлари ва жамиятнинг социал ва иқтисодий ривожланишига таъсир этиш жараёнида улар ўртасидаги принципиал фарқлар 13-чизмада кўргазмали тарзда намоён этилган:

Социал иқтисодиётни бошқаришнинг бош фарқловчи хусусияти жамиятнинг самарали ривожланиши учун манфаатлардан моҳирона фойдаланиш ҳисобланиб, унинг мураккаб тизими диалектик бирликни ташкил этади. Манфа-



13- ч и з м а . Социал иқтисодий жараёнларга давлат таъсирининг турли давлат моделлари ўртасидаги принципиал фарқлари

атлар фавқулодда хилма-хилдир. Улар ўз моҳиятига кўра иқтисодий, сиёсий, социал, маънавий бўлади. Намоён бўлиш характерига кўра — объектив ва субъектив, субъектлари бўйича — социал, синфий, гуруҳий, жамоавий, шахсий ва шулар каби бўлади.

Замонавий мезонларга кўра, ходимларнинг манфаатларини аниқ билувчи ва моҳирона фойдаланишга ҳамда уларни умуммиллий манфаатларга тезроқ эришиш учун йўналтиришга таянувчи бошқарув тизими самарали ҳисобланади. Ушбу манфаатлар кўп томонлама, турли сабаблар билан боғлиқ ва вазият таъсирида ўзгарувчан экан, социал иқтисодиётни бошқариш усуллари ҳам турли-туманлиги, эгилувчанлиги, маҳаллий шaroитларга ва динамик ўзгаришларга

таъсирчанлиги, сергаклиги билан фарқланиши зарур. Бозор муносабатларига ўтиш шароитидаги бошқарув тизимида вужудга келадиган камчиликлар, уларнинг янги социал вазиятга мос келмаслиги жамиятдаги социал ресурслардан, унинг улкан меҳнат салоҳиятидан етарлича самарали фойдаланилмасликка олиб келади.

Замонавий социал иқтисодиёт инсоннинг ўзини намоён этиш, моддий ва маънавий фаровонликка бўлган табиий интилишини амалга ошириш учун юқори даражада мумкин бўлган шароитларни яратишни тақозо этади. Социал иқтисодиётни бошқариш самарадорлиги, аввало, инсоннинг яхши ҳаётга ва ўзининг моддий ва маънавий бойликларга бўлган табиий эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга бўлган интилишининг социал-иқтисодий ривожланиш жараёнларига қай даражада жорий этилишига боғлиқдир. Барча ўзгаришлар, охир-оқибатда, одамларнинг турмуш даражасини оширишга олиб келадиган, уларнинг муносиб ҳаётини таъминлайдиган ва кафолатлайдиган, уларга ижодий имконият ва ташаббускорликларини намоён этишлари учун барча зарур шароитларни яратган ҳолдагина шу мамлакат социал иқтисодиёт яратиш бўйича муваффақиятга умид қилиши мумкин. Акс ҳолда, социал иқтисодиёт яратиш бўйича барча уринишлар муваффақиятсизликка маҳкум бўлади, уни яратиш ғояси эса, воқеликдан кўра кўпроқ даражада, афсона бўлиб қолади. Ушбу баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, меҳнатга мувофиқ ҳолда тақдирлаш муаммоси алоҳида долзарблик касб этади.

Янги иқтисодий шароитлардаги бошқарув нафақат марказлаштириш ва демократия ўртасидаги миқдор балансини ўзгартиради, балки улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мутлақо янги сифати зарурлигини ҳам белгилаб беради. Социал бозор иқтисодиётига хос бўлган демократик жараёнларнинг ривожланиши охир-оқибатда, ўзини-ўзи бошқаришнинг ривожланишига олиб келади.

Социал иқтисодиёт шаклланиши шароитларида ўзини-ўзи бошқаришни ривожлантириш ва такомиллаштириш-

нинг мустаҳкам асосини янги муносабатлар ва мулк шаклларининг хилма-хиллиги, иқтисодиётнинг кўп укладлилиги яратади. Чунки ўзини-ўзи бошқариш қачонки ходимлар ўзларини мулк субъектлари сифатида намоён эта олсаларгина мумкин бўлади. Корпоратив муносабатлар ўзини-ўзи бошқаришнинг ривожланиши ва бошқарувнинг бутун тизимини демократлаштириш учун ғоятда қулай шарт-шароитлар яратади.

Ўзини-ўзи бошқаришнинг ривожланиши корхоналар иқтисодий мустақиллигининг, қуйи даражадаги бошқарувчилар ваколатларининг кенгайиб бориши билан узвий боғлиқдир. Ўзини-ўзи бошқаришнинг ривожланиб бориши ва хўжалик субъектлари иқтисодий мустақиллигининг кенгайиши билан давлатнинг мураккаб социал иқтисодий жараёнларни бошқаришдаги роли ўзгаради.

Мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш, социал ҳаётини демократлаштириш бўйича ўтказилаётган тадбирлар билан биргалликда давлатнинг иқтисодий ва социал функцияларини янада мустаҳкамлаш коррупцияга қарши курашда сезиларли натижалар бериши мумкин. Янги иқтисодий шароитларда аҳоли орасида коррупцияга қарши кураш маданиятини шакллантириш бўйича узоқ ва оғир меҳнат қилишга тўғри келади. Социал иқтисодиётни шакллантира туриб, шуни эътиборга олиш лозимки, у коррупция намоён бўлишининг ҳар қандай шакллари, мулкни ноқонуний ўзлаштириш, яширин иқтисодиётнинг тобора ўсиб бориши, дастлабки капитал жамғаришнинг маданий бўлмаган ва асосан криминал характерда бўлиши, социал бойликларни тақсимлашда умумқабул меъёрлардан четга чиқишлар билан мутлақо келиша олмайди. Социал иқтисодиёт ғояларининг социал онг томонидан иқтисодий тизимдаги барча миллатларнинг манфаатларига жавоб берувчи ва энгилғор ғоялар деб қабул қилиниши, бошқарув аппаратининг истисносиз барча хизматчиларининг хулқ-атвори ва конкрет ҳаракатларида ўта ошкоралик ва тартиблилик бўлишини талаб этади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида Ўзбекистон иқтисодиётининг социал йўналишини кучайтириш зарурияти нима билан тақозоланади?
2. Режали иқтисодиёт шароитидаги бошқарувнинг социал иқтисодиётни бошқаришдан туб фарқлари нимада?
3. Социал-иқтисодий жараёнларни бошқаришнинг қандай асосий функцияларини биласиз?
4. Ўзбекистонда социал-иқтисодий жараёнларни бошқаришнинг қандай фарқли хусусиятлари бор?
5. Социал иқтисодиёт шаклланиши шароитида социал-иқтисодий жараёнларни бошқаришнинг асосий тамойилларини кўрсатинг.

6.2. СОЦИАЛ ИҚТИСОДИЁТНИ БОШҚАРАДИГАН КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Таянч иборалар

Кадрлар; кадрлар сиёсати; кадрлар тайёрлаш; кадрлар малакаси; кадрлар омилкорлиги; кадрларни қайта тайёрлаш; бошқарув кадрлари; мутахассислар; меҳнат салоҳияти; ходимнинг ижтимоий табақаси.

Социал иқтисодиётни шакллантира туриб, шунинг эътиборда тутиш лозимки, диалектиканинг қатъий қонунларига кўра, ҳар қандай социал организмда бўлганидек, эскилик янгиликка ўз ўрнини осонгина бермайди, улар ўртасида шиддатли кураш боради. Социал зиддиятларнинг бу курашида нафақат ижобий, балки умумий тараққиётга тўсқинлик қилувчи салбий тенденциялар ҳам амал қилади. Ушбу тенденцияларни ўз вақтида бартараф этиш, шунингдек, бозор ислохотларининг бориши ва натижалари бошқарув кадрларининг масъулияти, тайёрланганлиги ва омилкорлигидан ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади.

Янги социал муносабатларнинг шаклланиши ва ролига қараб, бошқарув кадрларини шартли равишда уч социал типга ажратиш мумкин:

Биринчи тип — социал ва, шунингдек, иқтисодий муаммоларни ҳал этишни самарали қўшиб олиб боришга лаёқатли, фаол, юқори малакали ва компетентли бошқарув ходимлари. Уларнинг интизомлилиги ва ташаббускорлиги, социал иқтисодиёт ғояларига содиқлиги, одамларнинг тақдири ва моддий фаровонлиги учун юқори масъулият ҳисси жамият бахт-саодати учун самарали меҳнатнинг ишончли кафолати ҳисобланади. Қоида тариқасида, уларнинг ўзлари социал адолат тамойилларига амал қилишнинг, умумий ғамхўрлик ва социал юксалиш шароитида муносиб даражада яшашнинг яққол намуналари ҳисобланадилар ва оммани ўз ортидан социал адолатли жамиятга бошлаб бора оладилар. Улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг, нисбатан паст даражаси, (масалан, хусусий секторга таққослаганда) уларнинг жамият бахт-саодати йўлидаги меҳнатларининг аҳоли томонидан юқори баҳоланиши, тан олиниши ва ҳурмат қилиниши билан қопланади. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари — янгиликка интилиш, натижага ва мақсадга йўналтирилган фаолият, ижодий фаоллик, қарорлар қабул қилинишидаги катта маҳорат кабилар ҳисобланади. Бошқарувнинг барча поғоналарида, корхонадан (цех, ишлаб чиқариш бригадасидан) бошлаб, бошқарувнинг юқори даражасигача турли нисбатларда бўлган бошқарув кадрларининг ушбу қисми социал иқтисодиёт шаклланиши ва ривожланишининг муҳим омили бўлиб чиқади.

Иккинчи тип — социал ва иқтисодий жараёнларнинг бирлиги ва ўзаро алоқадорлигини ва социал иқтисодиёт хусусиятларини ғира-шира тасаввур этувчи бошқарувчилардир. Уларнинг айримлари иқтисодий ривожланиш муаммоларини ҳал эта олади, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширади, бироқ муҳим социал вазифаларни ҳал эта олмайди. Бошқалари эса, аксинча, социал-маданий муаммоларни ҳал этишга муҳим аҳамият беради, ҳар қандай ҳолда ҳам одамларга ғамхўрлик кўрсатишга мойил бўлади, бироқ бунда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш заруриятини унутиб қўядилар, ёки, янаям ёмонроғи, иқти-

содий муаммоларни ҳал этиш учун етарлича касбий кўникма ва билимга, малакага эга бўлмайдилар. Кўпчилик бошқарув кадрларида айнан икки томонлама ёндошувнинг бўлмаслиги республикада социал иқтисодиёт яратиш йўлидаги асосий тўсиқ бўлиши мумкин.

Учинчи тип — шундай кишиларки, улар ўз хизмат мавқеидан гаразли мақсадларда фойдаланадилар, текинхўрлик билан яшайдилар. Уларнинг ўзлари социал адолат тамойилининг бузилишига йўл қўядилар, бошқалар ҳисобидан яшайдилар ва ноқонуний даромад манбаларига эга бўладилар. Улар орасида малакали ва омилкор ходимлар ҳам, шунингдек тайинсиз, чаласавод ва лаёқатсиз ходимлар ҳам бўлиши мумкин. Шундай бўлса-да, ҳар қандай ҳолатда ҳам бошқарувчи ходимларнинг ушбу типи ўзларининг паст ахлоқий даражадаги ярамас хулқ-атворлари ва фаолиятлари билан социал иқтисодиёт шаклланишининг ижобий жараёнларига нафақат ёрдам бермайди, балки кучли даражада тўсиқ бўлади, жамиятга тузатиб бўлмайдиган моддий ва ғоявий-сиёсий талафот етказди. Коррупция ва порахўрлик тараққиётнинг энг ярамас душманлари, социал йўналтирилган самарали иқтисодиёт яратиш йўлидаги асосий ғов ҳисобланади.

Социал иқтисодиётнинг шаклланишини жадаллаштирувчи реал йўл бошқарув ходимлари социал типлари ўртасидаги нисбатни биринчи тип ходимлар фойдасига тубдан ўзгартириш орқали ўтади. Қаердаки, кенг маънодаги самарали фаолият кўрсатувчи бошқарувчилар корпуси бўлмас экан, у жойда социал адолат ва социал давлатчилик ҳам, ва демакки, социал иқтисодиёт ҳам бўлмайди. Бошқарув аппарати, агарда унинг таркиби асосан юқори малакали, омилкор, маҳоратли, ташаббускор ва интизомли мутахассислар ҳисобидан шакллантирилган бўлган ҳолдагина самарали амал қилиши мумкин. Ҳар ҳолда, бошқарувчилар корпусини паст малакали, коррупциялашган, лаёқатсиз элементлардан тозаламасдан туриб, мамлакатда социал иқтисодиёт яратиш ҳақида гапириш ўринсиздир. Ушбу му-

раккаб муаммони ҳал этиш учун республикамизда барча зарурий шарт-шароитлар мавжуд:

1. Ўзбекистон Республикаси маълумот даражаси бўйича дунёда юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Кадрлар тайёрлашнинг ривожланган тармоғи, профессор-ўқитувчилар таркиби ва муаллимларнинг улкан салоҳияти мавжуд. Статистик маълумотларга кўра, иқтисодиётда банд бўлганларнинг ҳар тўртинчиси олий ёки ўрта махсус билимга эга. Ўзбекистоннинг 62 та олий ўқув юртларида кундузги ва сиртқи таълим шакллари бўйича 130 минг талабалар ўқишмоқда. Фақат 2002—2003 ўқув йилида бу ўқув юртлари томонидан юқори малакали 39,8 минг¹ мутахассислар тайёрланди, уларнинг кўпчилиги келгуси меҳнат фаолиятида бошқарув ходимлари бўладилар. 141 та ўрта махсус ўқув юртларида 160 минг талабалар ўқийди. Кўпчилик ўқув юртларининг ўқув режаларига менежмент, молия менежменти, ходимларни бошқариш, хўжалик таваккалчилиги ва иш шерикчилиги, маркетинг ва бошқа фанлар киритилган. Мамлакатда магистратура таълими жорий этилиши билан кадрлар тайёрлаш тизими кучайди.

2. Кадрлар тайёрлаш билан биргаликда, улардан қайта тайёрлашнинг самарали тизими ҳам вужудга келди ва ривожланмоқда, бу тизимнинг зарурияти бозор ўзгаришлари шароитида жиддий равишда ўсмоқда. Бу шу билан таққосланадиги, барча даражадаги бошқарув корпусининг катта қисмининг маълумот даражаси шўролар даври олий мактабининг ўқув дастурлари бўйича шаклланган бўлиб, янги иқтисодий шароитларга деярли мос келмайди. Шу муносабат билан, табиийки, кўпчилик раҳбарлар, айниқса дастлабки бўғиндагилар, социал-иқтисодий шароитларни бошқаришнинг замонавий усулларини, талаб ва бозор конъюнктурасининг мураккаб муаммоларида тўғри мўлжал олишни, замонавий менежмент, маркетинг, бизнес-режалаштириш-

¹ Социально-экономическое положение Республики Узбекистан. Госкомстат РУз. Т., 2003, с. 83-84.

ни етарли даражада эгалламаганлар, иқтисодий эркинлик ва ўзини-ўзи ривожлантириш шароитларида тўғри бошқарув қарорлари қабул қилишга қодир эмаслар. Шу сабабдан, иқтисодиётни ислоҳ этишнинг, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг, одамларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашнинг, маҳсулот рақобатбардошлилигини таъминлашнинг, меҳнат салоҳиятидан фойдаланишнинг, ташаббускорликни ривожлантиришнинг кўплаб муаммолари ва бошқа муҳим масалалар доимо ҳам етарлича натижали ва самарали ҳал этилмаслиги тасодифий эмас. Муаммони ҳал этиш йўли — бозор шароитида чуқур замонавий билимлар ва иш кўникмаси билан қуроллантириш мақсадида бошқарув кадрларини қайта тайёрлашдир. Бунинг учун мамлакатда турли-туман малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари, ўқув марказлари, кўплаб курслар, олий ўқув юртлари қошидаги малака ошириш факультетлари фаолият кўрсатмоқда. Мустақилликка эришилгандан кейин республикада Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси ташкил этилиб, бошқарувнинг ўрта бўғин кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муаммолари билан самарали шуғулланмоқда.

3. Аста-секин, аммо қатъий равишда бошқарув маданияти яхшиланмоқда, кадрларга талаблар оширилмоқда, бошқарув корпусининг таркиби янгиланиб ва ёшариб бормоқда.

4. Социал йўналишдаги ривожланган мамлакатлар билан бошқарув соҳасида тажриба алмашиш бўйича катта ишлар бошланган. Бошқарув ходимларини чет элларга тажриба оширишга юбориш қўлланилмоқда. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда бошқарув соҳасидаги кўплаб олимлар ва мутахассислар тажрибаларини ўртоқлашиш ва ўқув машғулотлари ўтказиш учун Ўзбекистонга келмоқдалар. Булар барчаси мамлакатда социал тараққиётнинг ривожланишини эркинлаштириш ва демократлаштириш шароитидаги интеграцион жараёнларнинг нафақат кучайиб боришини кўрсатади, балки ҳукуматнинг ваколатли ва юқори малакали, социал-иқтисодий ривожланишни бошқаришнинг замонавий билимла-

ри ва кўникмаларига эга бўлган бошқарув ходимларини шакллантиришга йўналтирилган катта интилишни ҳам акс эттиради.

Маълумки, социал иқтисодиётда барқарор ўсиш ва одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш муаммоларини ечиш кўп даражада тадбиркорлар, корхона раҳбарлари билимининг юқорироқ даражаси ва барча ходимларнинг турмуш шароитини яхшилаш ёрдамида таъминланиши мумкин. Корхоналардаги барча тоифадаги ходимларнинг, аввало, раҳбар-тадбиркорларнинг меҳнат сифати ва унумдорлигини ошириш тобора кўпроқ аҳамият касб этиб боради, иқтисодий тараққиётни социал масалалар билан зарур даражадаги боғланишини таъминлайди. Улар турмуш даражасини кўтариш учун шароит яратишга, корхона ишининг рақобатбардошлигини таъминлашга, корхонанинг (фирманинг) фаолияти ва унда ишловчи ходимлар меҳнатининг бозор нааниқликлари шароитидаги натижалари учун ишлаб чиқариш ва тижорат таваккалчилиги масъулиятини ўзларига олишга, ходимларни бошқаришнинг самарали стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қодир. Тадбиркор ёки ёлланиб ишлаётган менежернинг фаол ҳаётий позицияси ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ва одамларнинг турмуш даражасини ошириш бўйича юқори масъулиятлилиги уни ўтказилаётган ислохотларга ва уларнинг кейинги ривожланиши йўналишларига нисбатан ўз нуқтаи назарини ишлаб чиқишга ва ҳимоя қилишга ундайди.

Раҳбарнинг билими ва маҳорати, унинг интилишлари ва қатъиятлилиги умидсиз даражада "бўшашиб кетган", принципиал жиҳатдан янгича социал-иқтисодий шароитларга мослаша олмаган корхоналарни кўтаришга, уларнинг социал ва иқтисодий ривожланишини таъминлашга ёрдам берганлиги ҳақида кундалик ҳаётдан ва оммавий ахборот воситаларининг турли манбаларидан юзлаб, минглаб мисоллар келтириш мумкин. Бундай корхоналарда, одатда, нафақат амалдаги ишчи ўринлари сақлаб қолинган, балки янгилари ҳам яратилган, ишлаб чиқариш турлари янгилан-

ган ва кенгайтирилган, социал муаммоларни ҳал этиш ва ходимлар иш ҳақини сезиларли даражада ошириш учун маблағ ҳам топилган бўлади.

Ўзбекистонда, социал иқтисодиёт шаклланиб бориши билан, халқнинг анъаналари ва менталитетига, унинг маънавияти, юксак ғояларга содиқлиги, социал адолатга интилиши, меҳнатсеварлиги каби сифатларига жавоб берувчи янги кадриятлар тизими ўрнатилиши зарур. Ушбу муҳим вазифани ҳал этишда социал-иқтисодий жараёнларни нафақат ўзининг маҳорати ва қобилияти, балки, аввало, ўзининг шахсий намунаси билан бошқарувчи кадрлар катта роль ўйнаши мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. Бошқарув ходимларининг социал типларини айтинг.
2. Мамлакат социал-иқтисодий ривожланишда бошқарув кадрлари қандай роль ўйнайди?
3. Бошқарув аппарати ишининг самарадорлиги нимага боғлиқ бўлади?
4. Ўзбекистонда социал иқтисодиётда самарали амал қилувчи бошқарув аппаратини шакллантиришнинг қандай шарт-шароитлари бор?

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., Ўзбекистон, 2003.
2. "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Т., Ўзбекистон, 1992.
3. "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. "Халқ сўзи" газ., 2000 йил 15 июнь.
4. "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. "Халқ сўзи" газ., 1998 йил 22 май.
5. "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Т., 1993.
6. "Фуқароларнинг жамғарилиб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2004 йил. №10-11.
7. "Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Т., 1997.
8. "Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги (1991 йил 19 ноябр) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Т., 1992.
9. "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. "Халқ сўзи" газ., 1999 йил 12 январь.
10. "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Т., 1998.

11. "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.Т., 1998.
12. Закон Республики Узбекистан "Об уполномоченном Олий Мажлиса Республики Узбекистан по правам человека (Омбудсмане)" //Правда Востока. 2004. 5 октября.
13. "Хусусий корхона тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2004 йил. №1-2.
14. Закон Республики Узбекистан "О стимулировании развития малого и частного предпринимательства" //Народное слово. 1996. 4 января.
15. Закон Республики Узбекистан "Об ограничении монополистической деятельности" //Правда Востока. 1992. 11 августа.
16. "Жамоат фондлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003 йил. № 9-10.
17. "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. "Халқ сўзи" газ., 2002 йил 28 май.
18. "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июн Фармони. "Халқ сўзи" газ., 2005 йил 16 июнь.
19. "Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 14 июнь Фармони. "Халқ сўзи" газ., 2005 йил 16 июнь.
20. "Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июнь Фармони. "Халқ сўзи" газ., 2005 йил 24 июнь.
21. "2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Ўзбе-

- кистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 май Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2004 йил май. №5.
22. Распоряжение Президента Республики Узбекистан "Об организационных мерах по формированию Государственной программы "Год здоровья". //Правда Востока. 2004. 16 декабря.
 23. "Банклардаги депозит ҳисоб варақалардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 август Қарори. "Халқ сўзи" газ., 2005 йил 9 август.
 24. Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. "Халқ сўзи" газ., 2005 йил 17 июнь.
 25. *Абдувоҳидов А.* ва бошқалар. Инсон капиталига инвестиция. // Бозор, пул ва кредит. - 2004 - №2 . 37—39-бетлар
 26. *Абдурахманов К.Х., Одегов Ю.Т.* Управление трудовым потенциалом в условиях регулируемой рыночной экономики. Т., Мехнат, 1991.
 27. *Абдурахмонов К.Х.* Мехнат иқтисоди ва социологияси. Т., 2004 .
 28. *Абдурахманов К.Х.* Образовательный комплекс Узбекистана и его влияние на развитие рынка труда. Т., 2001.
 29. *Адамчук В.В., Ромашов О.В., Сорокина М.Е.* Экономика и социология труда. Учебник для вузов. М., ЮНИТИ, 1999.
 30. Актуальные вопросы усиления социальной направленности экономики России (вопросы теории и практики). М., 1999.
 31. *Бляхман Л.С., Сидоров В.А.* Качество работы: роль человеческого фактора. М., Экономика, 1990.
 32. *Бойков В.П.* Распределение доходов в рыночной экономике. М., ВЦУЖ, 1997.

33. *Волгин Н.А.* Германия: эффективное решение социально-трудовых проблем // Человек и труд. 1995. № 4.
34. *Волгин Н.А.* Японский опыт решения экономических и социально-трудовых проблем. М., Экономика, 1998.
35. *Генкин Б.М.* Экономика и социология труда. Учебное пособие для вузов. М., НОРМА-ИНФРА, 1999.
36. *Грейсон Дж. К.Мл., O'bell К.* Американский менеджмент на пороге XXI века. Пер. с англ. М., 1991.
37. *Гулямов С.С.* Образование в Республике Узбекистан: день сегодняшний // Alma mater. М., 2001. №7.
38. *Добрынин А.И., Дятлов С.А., Цидякова Е.Д.* Человеческий капитал в транзитивной экономике: формирование, оценка, эффективность использования. СПб.: Наука, 1999.
39. *Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза.* Ўзбекистон, 1996, 1998, 1999, 2000, 2005 йиллар.
40. *Доусон Р.* Уверенно принимать решения: как научиться принимать правильные решения в бизнесе и жизни. М., 1996.
41. *Есинова Н.И.* Экономика труда и социально-трудовые отношения. Учебное пособие. К.: Кондор, 2003 г.
42. *Жуков А.Л.* Рыночный механизм регулирования заработной платы. М., Академия труда и социальных отношений, 1996.
43. *Заславская Т.И.* Социетальная трансформация российского общества: деятельность-структурная концепция. М., Дело, 2003.
44. *Заславская Т.И.* Социокультурный аспект трансформации российского общества // М., Социологические исследования. 2001. № 8 . С. 3—16.
45. *Здоровое поколение — будущее Узбекистана.* Т., Ўзбекистон, 2001.
46. *Иванов О., Гавра Д.* Социальное партнерство: некоторые вопросы теории. СПб.: 1994.
47. *Иностранные инвестиции в Узбекистане (обзор 1998 года, тенденции 1999 года) // Рынок, деньги и кредит.* 1999. №10. С. 34.

48. *Т. Исоқова.* Инсон капиталининг самарадорлиги. //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. Тошкент.: — 2004 - № 5-6. С. 13-14.
49. *И.А. Каримов.* Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т., Ўзбекистон, 1999.
50. *И.А. Каримов.* Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзланган нутқ. Т., Ўзбекистон, 2000.
51. *И.А. Каримов.* Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишидаги маъруза. 2000 йил 1 февраль. — Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-китоб. Т., Ўзбекистон, 2000й. 362—375-бетлар.
52. *И.А. Каримовнинг* иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузаси. 2000 йил 22 январь. — Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-китоб. Тошкент., Ўзбекистон, 2000 йил. 330—351-бетлар.
53. *И. А. Каримов.* Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-китоб. Т., Ўзбекистон, 1997. 207—217-бетлар.
54. *И.А. Каримов.* Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., Ўзбекистон, 1995.
55. *И.А. Каримов.* Янгича ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмади. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Т., Ўзбекистон, 2005. 64—68-бетлар.
56. *И.А. Каримов.* Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Т., Ўзбекистон, 2005. 21—63-бетлар.
57. *Касымов Г.М., Махмудов Б.Ж.* Основы национальной экономики. Учебник. Т., Меҳнат, 2004.
58. *Киселев В.Н., Смольков В.Г.,* Социальное партнерство в России. М., 1998.

59. Колесников Н.Е. Социально-трудовые отношения: современные проблемы теории и практики. СПб.: 1993.
60. Костин. Международные организации труда. М., Экзамен, 2002.
61. Личность: внутренний мир и самореализация. Идеи, концепции, взгляды. СПб.: Тускарора, 1996.
62. Матирко В.И. Проблемы кадровой политики в государственном аппарате. М., 1996.
63. Махмудов Э.Б., Исаков М. Инвестиционная основа развития экономики // Бозор, пул ва кредит. 2004. №1.
64. Маъмурий ислоҳот — иқтисодий тараққиёт омили. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. Т., 2004 - VI-2.
65. Методологические проблемы социальных исследований мобильности трудовых ресурсов. М., 1979.
66. Митрохин В.И. Социальное партнерство. Учебно-методическое пособие. М., 1998.
67. Мысляева И.Н. Современная идеология и практика социального партнерства. М., ИППС, 1998.
68. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Т., Ўзбекистон, 2004.
69. О. Алимов. Менежер бўлиш осонми? // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. Тошкент., 2004 - №5-6.
70. Общие принципы и направления кадровой политики на Западе // Труд за рубежом. 1993. № 4.
71. Одегов Ю.Г., Руденко Г.Г., Митрофанов Н.Г. Рынок труда и социальное партнерство. М.: Хронограф, 1998.
72. Организация и нормирование труда. Учебное пособие для вузов. Под ред. Адамчука В.В. М., Финстатинформ, 1999.
73. Основы социального партнерства. теория и политика: Учебник для вузов. М., Экзамен, 2001.
74. Политика доходов и качество жизни населения. Под ред. Горелова Н.А. СПб.: Питер, 2003.
75. Проблемы обеспечения устойчивости бюджетных поступлений // Экономическое обозрение. 2003. Июль.

76. *Разумова Т.О., Телешова И.Г.* Образование и человеческое развитие. М., Теис, 1996.
77. Реформирование и развитие системы образования // Экономическое обозрение. 2001. Июнь.
78. Реформирование социальной сферы в условиях перехода к рыночной экономике. Под ред. Слепцова П.С. М., 1998.
79. Рынок труда и профессиональное образование. М., Рос. экон. акад., 1998.
80. Рынок труда. Учебник. Под ред. Буланова В.С. и Волгина Н.А. М., Экзамен, 2003.
81. *Тарасова С.В.* Экономическая теория благосостояния. М.: ЮНИТИ — ДАНА, 2001. С. 88—116.
82. *Тарасова С.В.* Там же. С.57—88.
83. *Саидов К.С.* Социальная экономика // Экономический вестник Узбекистана. 2004. № 9—10.
84. *Семигин Г.Ю.* Социальное партнерство в современном мире. М.: 1996.
85. *Смит А.* Исследование о природе и причинах богатства народов. М., Наука, 1993.
86. Совершенствование механизмов формирования системы высшего образования в Республике Узбекистан // Экономическое обозрение. 2003. Октябрь.
87. Совершенствование налоговой системы в Узбекистане в условиях либерализации экономики // Экономическое обозрение. 2002. Июль.
88. Социальная политика. Учебник. Под общ. ред. Волгина Н.А. М., Экзамен, 2001.
89. Социальная работа. Словарь-справочник. Под редакцией Филоненко В.И. М., Контур, 1998.
90. Социальная работа. Учебное пособие. Под ред. Курбатова В.И. Ростов-на — Дону, Феникс, 1999.
91. Социальное партнерство: мировой опыт и российская практика. М., Институт перспектив и проблем страны, 1997.

92. Социальное партнерство: некоторые вопросы теории. СПб.: 1994.
93. *Слезингер Г.Э.* Социальная экономика. М., Дело и сервис, 2001.
94. Социально-экономическое положение Республики Узбекистан за 2002 год. Статсборник Госкомстата Республики Узбекистан. Т., 2003.
95. *Травин В.В., Дятлов В.А.* Кадровый резерв и оценка результативности труда управленческих кадров. М., Дело, 1995.
96. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. Т., Адолат, 1999.
97. *Тухлиев Н., Токсанов А.* Национальная экономическая модель Узбекистана. Т., Ўқитувчи, 2000.
98. Узбекистан в цифрах. 2002. Статсборник. Т., 2003.
99. Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики. Т., Ўзбекистон, 2001.
100. *Х. Муҳитдинов.* Социал инфратузилма ривожланишининг бошқариш модели. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. Т., 2004 - № 5-6. С. 58-59.
101. *Хентце Й.* Теория управления кадрами в рыночной экономике. М.: Международные отношения, 1997.
102. *Хикматов А.* Инвестиционная политика в условиях либерализации экономических реформ в Узбекистане // Рынок, деньги и кредит. 2000. №6. С. 42—45.
103. *Шарифходжаев М.* В здоровом обществе — здоровый дух // Труд. 2004. 28 декабря.
104. Цели развития тысячелетия // Экономическое обозрение. №10. 2004. Октябрь.
105. Экономика труда. Под ред. *Винокурова М.А., Горелова Н.А.* СПб.: Питер, 2004.
106. Экономическая теория благосостояния. М.: ЮНИТИ—ДАНА, 2001.
107. Экономическая теория. Учебник. Под ред. *Добриньина А.И., Тарасевич Л.С.* СПб.: Питер, 2000.

108. Экономическая теория. Учебник. Под ред. Видяпиной В.И. и др. Т., Шарк, 1999.
109. Экономическая теория. Учебник. Под ред. Николаевой И.П. М., Проспект, 1999.
110. Экономический рост за годы независимости: факторы, проблемы и перспективы //Экономическое обозрение. 2003. Июнь. С.15.
111. *Hertz, Noreena*. The silent takeover. UK: Arrow Book, 2002. P.58—59, 201—241.
112. *Quoted Martin and P. Schumann*,. Globalization and the assault on democracy and prosperity (London 1996); Financial Times, May, 1996.
113. The 1999 Human Development Report, UN Development Programme.
114. *W. Greider*. One World, Ready or Not: The Manic Logic of Global Capitalism (New York).

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-боб. Социал иқтисодиёт фанининг предмети	8
1.1. Социал иқтисодиёт предметининг моҳияти, мақсади ва вазифалари	8
1.2. Социал иқтисодиётнинг концептуал асослари	41
1.3. Социал иқтисодиётнинг замонавий моделлари	50
1.4. Ўзбекистонда социал иқтисодиётнинг шаклланиши	59
1.5. Социал иқтисодиёт шаклланиши жараёнида қийинчилик ва зиддиятларни бартараф этиш стратегияси	74
2-боб. Социал иқтисодиёт таркибларининг шаклланиши	79
2.1. Иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги	79
2.2. Жамият янги ижтимоий тузилишининг шаклланиши	92
2.3. Социал иқтисодиётда тармоқ таркибларининг шаклланиши ...	105
2.4. Минтақавий таркиб	116
2.5. Такрор ишлаб чиқариш таркиби	133
2.6. Ташқи иқтисодий муносабатлар ва уларнинг ижтимоий муаммоларни ҳал этиш билан алоқадорлиги	141
3-боб. Социал муаммоларни ҳал этишнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари	157
3.1. Социал иқтисодиёт шаклланиши шароитида даромадлар сийёсати	158
3.2. Камбағалликни қисқартириш социал муаммо сифатида	171
3.3. Меҳнатни социал ташкил этиш	189
3.4. Социал сугурта тизimini такомиллаштириш	201

3.5. Давлат инвестицияларининг социал мақсади	219
3.6. Социал ҳимоя ва аҳолини қўллаб-қувватлаш тизимидаги ислохотлар	229
3.7. Аҳолининг иқтисодий ва социал хавфсизлиги учун халқаро ҳаракатларда иштирок этиш	238
4-боб. Социал ривожланишнинг иқтисодий негизларини мустаҳкамлаш	247
4.1. Барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш	248
4.2. Социал иқтисодиёт шаклланиши шароитида мулкчилик муносабатлари	261
4.3. Хусусий бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиши	273
5-боб. Иқтисодий ўсишнинг социал омиллари	280
5.1. Социал-меҳнат муносабатларининг ўзгариши	281
5.2. Социал-меҳнат фаоллиги — иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи омили	287
5.3. Социал ҳамкорлик механизми шаклланишининг шарт-шароитлари	301
5.4. Социал иқтисодиёт шаклланиши жараёнида ривожланишнинг иқтисодий ва социал омилларининг ўзаро алоқадорлиги	314
6-боб. Социал иқтисодиётни бошқариш	
6.1. Социал иқтисодиётни бошқаришнинг моҳияти ва тамойиллари	332
6.2. Социал иқтисодиётни бошқарадиган кадрларни тайёрлаш	349
Адабиётлар	356

К. С. Саидов, *Р. А. Сейтмуратов,*
Д. Х. Асланова, С. А. Исҳоқова

СОЦИАЛ ИҚТИСОДИЁТ

Ўқув қўлланма

Муҳаррир *П. Аъзамова*

Тех. муҳаррир *Т. Харитоновна*

Бадиий муҳаррир *Ҳ. Меҳмонов*

Мусахҳиҳ *Ш. Мақсудова*

Компьютерда тайёрловчи *Н. Бегматова*

Босишга рухсат этилди 01.03.06. Қоғоз бичими 84×108^{1/2}.
Таймс гарнитурادا офсет усулида босилди. Шартли б.т. 19,32
Нашр т. 17,86 нусхада чоп этилди 500. Баҳоси шартнома
асосида. Буюртма № К-186а

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйида босилди. 700129.
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

